

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Тошкент ислом университети
“Исломшунослик”
кафедраси**

САЙИДМУХТОР ОҚИЛОВ

**АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ
ВА МОТУРИДИЙА ТАЪЛИМОТИ**

монография

Тошкент – 2008

Мазкур монография тарих фанлари номзоди Сайидмухтор Оқиловнинг “Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсират ал-адилла” асари асосида)” мавзусида амалга оширган номзодлик диссертацияси асосида ёзилган. Унда келтирилган маълумотлар жамиятда (кенг халқ оммаси, айниқса ёшларда) ақидавий масалаларни тўғри талқин қилиш ва энг муҳими уларда соғлом эътиқодни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга монография материалларидан исломшунослик тарихи ва назарияси, ислом ахлоқи ва маданияти тарихи, айниқса, калом илми ва ақоид фанлари бўйича дастурлар тузиб диний ўқув муассасаларида фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, мазкур монографиядан фалсафа фанларига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда ҳам фойдаланиш мумкин ҳамда ундан калом илмига оид тадқиқотлар олиб боришда баъзи мутакаллим олимлар, хусусан мотуридийа ва ашъарийа таълимотлари ҳамда ислом динидаги турли оқимлар ҳақида ҳам муайян маълумотга эга бўлиш мумкин.

Масъул муҳаррир –
тарих фанлари доктори,
профессор **Убайдулла Уватов**

Такризчилар –
филология фанлари доктори,
профессор **Зоҳиджон Исломов,**

тарих фанлари номзоди
Шовосил Зиёдов

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологиялар ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси грант лойиҳаси асосида нашр этилди.

ISBN 978-9943-354-33-3

“Муҳаррир” нашриёти,
С.Оқилов, Тошкент, 2008 й.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	4
-----------------	---

I БОБ

АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

1.1. XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда сиёсий-иҷтимоий ҳолат ва исломий илмлар тараққиёти (Насаф, Самарқанд, Бухоро)	10
1.2. Калом илми тарихи ва унинг Мовароуннаҳрга кириб келиши	36
1.3. Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ҳақида	44
1.4. Абу-л-Муъин ан-Насафий устоз ва шогирдлари	52
1.5. Абу-л-Муъин ан-Насафий асарлари	66

II БОБ.

«ТАБСИРАТУ-Л-АДИЛЛА» - КАЛОМ ИЛМИГА ОИД ЁЗИЛГАН МУҲИМ АСАР СИФАТИДА

2.1. «Табсирату-л-адилла» - XII асрда ёзилган мотуридийа таълимоти бўйича муҳим манба	83
2.2. «Табсирату-л-адилла»нинг қўлёзма нусхалари	91
2.3. «Табсирату-л-адилла»нинг таркибий тузилиши	97

III БОБ.

АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ - МОТУРИДИЙА ТАЪЛИМОТИНИНГ ДАВОМЧИСИ

3.1. XI-XIII асрларда Мовароуннаҳрда мотуридийа таълимотининг ривожланиш босқичлари	119
3.2. Муътазилийа таълимоти тарихи	129
3.3. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ва ашъарийа таълимоти	135
3.4. Абу-л-Муъин ан-Насафий ижодида мотуридийа таълимотининг талқини («Табсирату-л-адилла» ва «Китобу-т-тавҳид» асосида)	141
3.5. Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси	151

ХУЛОСА	165
ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР	171
ИЛОВАЛАР	186

МУҚАДДИМА

Маълумки, собиқ шўролар тузуми мафкурасига кўра ислом динига ҳамда улуғ аجدодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросга муносабат бутунлай бошқача эди. Юртимиз мустақиллиги шарофати билан миллий-диний қадриятларимизнинг тикланиши ва узок ўтмишда яшаб ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг турли соҳаларига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бинобарин, буюк алломаларимиз ҳаёти ва уларнинг бой маънавий меросларини ўрганиб тадқиқ қилишда мамлакатимиз олимлари томонидан талай ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Чунончи, бу тарздаги тадқиқотлар бир томондан жамиятимиз учун ҳар томонлама муҳим бўлган маънавий комил инсонларни тарбиялаш, қолаверса уларда соғлом диний тафаккурни шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга айтиш жоизки, ислом динининг энг муҳим, айтилиши вақтда нозик масалаларидан бири бўлмиш ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илмининг (бу илм билан шуғулланган олимлар “мутакаллим” деб аталади) юзага келиши ва унинг тараққиёт босқичлари, шунингдек, Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутакаллимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганишда ҳали етарли даражада тадқиқотлар амалга оширилган, деб айтолмаймиз. Диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзунини нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир

шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда»¹, деган фикрларини келтириш ўринлидир.

Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланишида, шубҳасиз буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг (в. 333/944 й.) ўрни ниҳоятда катта бўлган. У яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири - X асрнинг биринчи ярми) ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳ ва фирқаларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳол имон-этиқод масалаларида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Шундай гуруҳлардан бири муътазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллардан (Қуръон ва ҳадис) ақлий далилларни устун қўяр эдилар. Натижада салаф ҳамда аҳли ҳадис уламолари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуғ аллома-мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий фаолият олиб борган ва вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда бартараф этишда ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Шу тариқа Мотуридий ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифанинг (80-150/699-767 й.) таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. Лекин Мотуридий вафотидан кейин Мовароуннаҳрда мазкур мактабнинг мавқеи маълум даражада сусая бошлади. Шунинг учун Мотуридийдан кейин Мовароуннаҳрда унинг таълимотини тўғри талқин қилиб кенг тарғиб қиладиган ҳамда асоссиз фикр ва танқидлардан уни ҳимоя қила оладиган бир олим зарурати сезила бошлаган эди. Мана шундай шароитда унинг таълимоти билан батафсил танишиб, бу таълимотнинг мазмун-моҳиятини теран англаган издоши, насафийлар сулоласидан етишиб чиққан йирик мутакаллим Абу-л-Муъин ан-Насафий (437/1046-508/1114 й.) Имом Мотуридий таълимотини давом эттириб уни янада ривожлантирди.

Мовароуннаҳр тарихи, унда яшаб ижод этган мутакаллимларнинг ҳаёти ва фаолияти, хусусан, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий-маънавий меросига оид

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари // Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 446.

Шарқ мамлакатларига мансуб бир қанча олимлар ўз асарларида маълумотлар бериб ўтганлар. Уларнинг асарлари асосан табакот услубида ёзилган бўлиб, бундай олимлардан Абу Саъд ас-Самъоний², Ибн Қутлубуғо³, ал-Лакнавий⁴, ал-Кураший⁵ ва Ҳожи Халифа⁶ ҳамда Хайруддин аз-Зириклийни⁷ кўрсатиш мумкин. Лекин мазкур олимларнинг асарларида Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва унинг илмий-маънавий мероси ҳақида мухтасар маълумотлар берилган, холос. Шунингдек, Европа шарқшуносларидан К.Броккельман⁸, В.Маделунг⁹, М.Гётц¹⁰, У.Рудольф¹¹, Й.Шахт¹², Д.Жимаре¹³, Л.Гарде¹⁴, С.Билхан¹⁵, М.Аллар¹⁶, К.Салома¹⁷ каби олимлар ўз илмий фаолиятлари давомида биз танлаган мавзуга оид тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу олимларнинг барчаси, асосан, калом илми тарихи ва айрим мутакаллим ҳамда фақиҳларнинг илмий меросларига оид тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласидан Насафий илмий меросига оид бир қанча мақолалар эълон қилган В.Маделунгни алоҳида таъкидлаш мумкин. Маделунг асосан мотуридийа ва ашъарийа ўртасидаги муносабат ва тафавутларни ўргансада, ўзининг бир мақоласида айнан мотуридийа вакили

² Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. V жилдли. Абдуллоҳ мар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-фикр, 1419/1998.

³ Ибн Қутлубуғо ал-Қосим ибн Абдиллоҳ. Тожу-т-тарожим фи табакоти-л-ҳанафийа. – Leipzig: Flugel, 1862.

⁴ Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоиду-л-баҳийа фи тарожими-л-ҳанафийа. II жилдли. – Қоҳира: 1324/1906.

⁵ Кураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абилова Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳиру-л-мудийа фи табакоти-л-ҳанафийа. II жилдли. – Хайдаробод: 1332/1913.

⁶ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асамиъи-л-кутуб ва-л-фунун. II жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43.

⁷ Зириклий Хайруддин. Ал-Аълом. VIII жилдли. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 1998.

⁸ Броккельман К. Geschichte der arabischen Litteratur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898.

⁹ Madelung W. The Spread of Māturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 109-168; Madelung W. Abu l-Mu‘īn al-Nasafī and Ash‘arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Kūln: Brill, 2000. – Б. 318-330.

¹⁰ Götz M. Māturīdī und sein Kitāb Ta‘wīlāt al-Qur‘ān // Der Islam. – 1965. – № 41. – 79 б.

¹¹ Rudolph U. Al-Māturīdī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Kūln: Brill, 1997. – 396 б.

¹² Schacht J. An Early Murcī‘ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘īlim // Oriens. – 1964. – №17. – Б. 96-117.

¹³ Gimaret D. Théories de l’acte humain en théologie musulmane. – Paris: 1980. – 263 б.

¹⁴ Gardet L. Introduction a la théologie musulmane. – Paris: 1970. – 132 б.

¹⁵ Bilhan S. Les juristes hanafites de l’Asie centrale a l’époque des Qarahnides. – Paris: 1973. – 68 б.

¹⁶ Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d’al-Aš‘arī et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965. – 632 б.

¹⁷ К.Салома «Табсирату-л-адилла» асарини биринчи бўлиб икки жилдда мукамал ҳолатда нашрга тайёрлаган. Кейинчалик ушбу асарни таркиялик олим Ҳ.Отай ҳам нашрга тайёрлаган. Ушбу нашрлар ҳақида ушбу китобнинг иккинчи бобида маълумот берилган.

сифатида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг фикрларини ашъарийа таълимоти билан муқояса қилишга ҳаракат қилган¹⁸. Айниқса, олмон тадқиқотчиси У. Рудольф асосан Мотуридий илмий меросига оид тадқиқот олиб борган ва ўз тадқиқотининг айрим жойларида Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Лекин Рудольф ҳам Насафий ҳақидаги маълумотларнинг барчасини юқорида номлари зикр этилган ғарб шарқшуносларининг тадқиқотларидан олади. Демак, Рудольфнинг юртимизда катта шов-шувга сабаб бўлган тадқиқоти¹⁹ ҳам Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси билан яқиндан танишишда етарли даражада маълумотлар бера олмайди.

Шу нуқтаи назардан олганда, европалик шарқшунослар томонидан ҳам Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва илмий меросига оид тўлиқ тадқиқот амалга оширилмаган, деган хулосага келиш мумкин. Лекин европалик шарқшуносларга нисбатан Туркия шарқшуносларининг илмий тадқиқотлари эътиборга моликдир. Чунки юқоридаги ғарб олимларининг аксарияти нафақат калом илми, балки ислом динининг бошқа соҳалари (ҳадис, фикҳ, тафсир, тасаввуф) билан ҳам чамбарчас равишда тадқиқот олиб борганлар. Масалан, В.Маделунг, Ё.Шахт каби тадқиқотчилар фикҳ, тасаввуф соҳасида ҳам сезиларли даражада иш олиб борганлар. Аммо турк шарқшунослари, жумладан, С.Улуғтож²⁰, К.Ишик²¹, Ҳ.Оттай²², М.С.Язичиёғли²³ ҳамда М.С.Ўзерварли²⁴ каби тадқиқотчилар асосан ақида ва калом илми билан шуғулланганлар. Айниқса, улар орасида Ҳ.Оттай ва М.С.Язичиёғли каби олимлар Абу-л-Муъин ан-Насафий ижодини алоҳида

¹⁸ Қапанг: Madelung W. Abu l-Mu‘īn al-Nasafī and Ash‘arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Kūln: Brill, 2000. – Б. 318-330.

¹⁹ Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Рус тилига таржима. - Алматы: Фонд «XXI век», 1999. Ушбу тадқиқот 1999 йил юртимизда Матуридий юбилеи арафасида рус тилидаги таржимасидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинди: Рудольф У. Ал-Матуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. - Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

²⁰ Uludağ S. Kelam İlmi ve İslâm Akridi (Єerhu'l-Akrid Терсыmesi). Giriş. 34 vd. – İstanbul: 1980.

²¹ İeik K. Мвтыгиди'нин kelâm sisteminde İlim, Allah ve Peygamberlik anlayışı. – Ankara: 1980. –136 б.

²² Atay H. Ebu'l-Muñ Neseñi ve Tebsireti'l-edille. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисмига ёзилган мақола. – Ankara: Diyanet işleri başkanlığı yayınları, 1993. – Б. 5-77.

²³ Yazıcıoğlu M. S. Maturidi kelimeler ekolu'nun iki büyük siması: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara üniversitesi basımevi. – Ankara: 1985. – B. 281-298.

²⁴ Uzvarlı M. S. Ebu'l-Muîn en-Nesefî'ye ait Tebsiretü'l-edille'nin kaynakları. (Yüksek lisans tezi). – İstanbul: 1988. – 74 b.

қизиқиш билан ўрганган. Ушбу тадқиқотчиларнинг барчаси Анқара давлат университетининг Илоҳиёт факультетида фаолият олиб борадилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркияда мотуридий таълимоти, умуман илоҳиёт (калом илми) борасида тадқиқот олиб бориш жараёни яқиндагина пайдо бўлмаган. Балки, асрлар давомида ушбу таълимот бўйича тадқиқот олиб бориш анъанаси шаклланиб келган ва бу анъана бизнинг давримизда ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Мазкур мавзу бўйича тарихда илмий изланиш олиб борган турк олимларидан Ю.З.Кавакжи²⁵, Ф.Сезгин²⁶ ҳамда ўтган аср бошларида фаолият олиб борган М.Касталли²⁷, М.Шерафеддин²⁸ каби олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турк олимларининг тадқиқотлари бизни бу қадар жалб қилганига сабаб шуки, уларнинг барчаси ўз тадқиқотларида доим мотуридий таълимотига хайрихоҳ бўлганлар. Шунинг учун уларнинг бу таълимотга нисбатан ижобий ёндашувларининг бизнинг тадқиқотимиз мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқ жиҳатлари мавжуддир.

Юртимизда ҳам мустақилликдан сўнг мовароуннаҳрлик мутакаллим олимлар илмий меросига оид тадқиқотлар аста-секин ривожлана бошлади. Лекин яқин ўтмишда юртимиз ҳамда собиқ совет шарқшунослари томонидан буюк сунний таълимот асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг издоши Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий меросларига оид биронта ҳам тадқиқот амалга оширилмаган. Айни дамда Мовароуннаҳрдаги калом илмининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақида диёримизда бир қанча тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормокдалар. Жумладан, бу соҳада ҳурматли устозларимиз У.Уватов²⁹, А.Мўминов³⁰ М.Комилов³¹ ҳамда Ш.Зиёдов³²

²⁵ Kavakci Yusuf Ziya. XI ve XII asirlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: 1976. – 322 б.

²⁶ Sezgin F. Geschichte des arabischen Schriftums: T. I. – Leiden: 1967.

²⁷ Kestelli M. Hıciye el-Kestelli 'ale'l-akbid en-Nesefiyye. – Ankara: 1928.

²⁸ Cerafeddin M. Tırk kelımcilari. – Ankara: 1932. DİFM, V/23.

²⁹ Сўнгги йилларда таниқли ҳадисшунос олим У.Уватов калом илмига, хусусан Мотуридий ҳамда Абу-л-Муъин ан-Насафий ижодига оид бир қанча мақола ва рисоалар нашрдан чиқарган: Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. - Т.: Фан, 2000; Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий ҳаёти ва мероси. - Т.: Маънавият, 2003.

каби тадқиқотчилар ўзларининг илмий изланишларида Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар.

Абул Муъин ан-Насафийнинг калом илмига бағишланган учта буюк асарлари («Табсирату-л-адилла», «Баҳру-л-калом», «ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид»)³³ бизгача етиб келган ва замонамиз тадқиқотчилари томонидан тадқиқ этилиб нашр қилинган.

Тарихда яшаб ижод қилган юртимиздан чиққан кўплаб алломаларимизнинг илмий мерослари каби Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий-маънавий мероси ҳам халқимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

I БОБ

АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ ҲАЁТИ

³⁰ Маълумот учун қаранг: Мўминов А. Роль и место ханафитских 'уламā' в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Дис. ... док. ист. наук. - Т.: ТИУ, 2003. Ушбу диссертацияда Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий фаолияти ҳақида бир қанча маълумотлар келтирилган.

³¹ Қаранг: Комилов М. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожда Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти: Тар. ф. ном. дис. – Т.: ТИУ, 2000. -Б.69-73. Тадқиқотчи М. Комилов ушбу илмий ишида Абу-л-Муъин ан-Насафий меросига ҳам қисман тўхталиб ўтади. Чунки Насафий Алоуддин ас-Самарқандийнинг энг катта устози ҳисобланган. Бу ҳақда ушбу китобнинг биринчи бобида тўхталамиз

³² Маълумот учун қаранг: Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг Мовароуннаҳр калом мактаби ривожда тутган ўрни: Тар. ф. ном. дис. – Т.: ЎЗ. ФА. ШИ, 2003.

³³ Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу учта асарлари ҳақида мазкур китобнинг биринчи бобида батафсил маълумот берилган.

ВА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

1.1. XI-XII асрларда Мовароуннахрда сиёсий-иҷтимоий ҳолат ва исломий илмлар тараққиёти (Насаф, Самарқанд, Бухоро)

Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва фаолиятини аниқроқ ёритиб бериш учун у яшаган даврдаги тарихий ҳолат ҳақида ҳам маълумот беришни жоиз деб топдик. Чунки аллома яшаган даврдаги иҷтимоий-сиёсий вазиятлар мотуридийа мактаби ривожига, шунингдек алломанинг ҳам илмий фаолиятига таъсир кўрсатган эди.

Абу-л-Муъин ан-Насафий XI асрнинг иккинчи ярмида ва XII асрнинг биринчи чорагида (437/1046-508/1114 й.) яшаб ижод қилган олимдир. Насафий илмий фаолиятининг юқори поғонаси табиийки, XI асрнинг иккинчи ярмидан то умрининг охиригача бўлган вақтга тўғри келади. XI асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрда қорахонийлар (999-1212 й.), ғазнавийлар (977-1186 й.) ва Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар (1077-1231 й.) ҳукмрон эдилар. Хуросонда эса салжуқийлар (1038-1092 й.) ҳукмрон бўлиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётган эдилар.

Шунингдек, бу даврда Мовароуннахрда ҳанафий ва шофий мазҳаби вакиллари ўртасида зиддиятлар кучайиб кетган эди³⁴. Насафий даврида Мовароуннахрда қорахонийлар ва салжуқийлар ўртасида тинимсиз бўлиб турган кураш ва зиддиятлар бошқа ҳанафий фақиҳлари каби Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳам илмий фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Айниқса, Насафийнинг доим назаридан тушмаган ашъарийа олимларининг икки ҳудудда (Мовароуннахр ва Хуросон) бемалол фаолият олиб боришларига салжуқийлар катта имконият яратиб берганлар. Ислом илмларининг ривожига ва уламоларнинг

³⁴ Қаранг: Шахт Й. Theology and Law in Islam / Ed. G. E. von Grunebaum. - Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1971. – Б. 1.

ҳаётига катта таъсир кўрсатган ўша даврдан кўплаб сиёсий вазиятларни мисол келтириш мумкин. Шу мақсадда мазкур тадқиқотимизда Насафий яшаган даврда Мовароуннаҳрдаги сиёсий-ижтимоий ва маънавий-маданий ҳолатларни имкон қадар батафсил ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазиятлар ғоятда кескинлашиб кетган эди. Бу даврда сомонийлар ҳукмронлиги секин-аста сусайиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон ерлари эса қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида тақсимлана бошланган эди.

Тарих илмида қорахонийлар ёки иликхонлар деб аталадиган туркий сулоланинг шажараси яхши аниқланган эмас. Академик В.В.Бартольднинг фикрича, сомонийлар ҳукмронлигига чек қўйган турк хонлари давлати қандай ташкил топганлиги ва бу хонлар қайси туркий қабилаларга мансуб эканлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқдир³⁵.

Мовароуннаҳрни забт этиш йилларида қорахонийлар хонадонида бош мавқе Али (Арслонхон) ва Ҳасан (Бугрохон) тармоқларида эди. Ҳасан (Бугрохон) X асрнинг охирларида Мовароуннаҳрга юриш қилган бўлса, Наср ибн Али бу юришни ниҳоясига етказди ва Мовароуннаҳрни бутунлай тобе қилади.

Қорахонийлар Бухорога қадам қўяр эканлар, «биз сомонийларнинг дўсти ва ғимоячилари сифатида келмоқдамиз»³⁶, дейдилар. Туркийлар Бухорога бостириб келганда хатиблар сомонийлар номидан, «биз сизларга яхши муносабатда бўлганмиз, душман тажовуз қилганда бизга ёрдам беринг», деб оммага мурожаат қиладилар. Халқ фақиҳлардан кураш учун фатво сўраганда, улар, «туркийлар гўзал ҳаёт кечиради, дини ва ҳулки чиройлидир. Шунинг учун уларга қарши курашиш гуноҳ», деб курашни ман этадилар. Бухорони ғимоя қилиши зарур бўлган Бектузун ва Янолтегинлар туркийлар ҳузурига бориб тиз чўкишдан ўзга чора топа олмайдилар. 389/999 йили кузда Иликхон Бухорони қўлга киритади ва

³⁵ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинение. Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – Б. 315. (Бундан кейин: Бартольд В. В. Соч.).

³⁶ Бартольд В. В. Соч. – Б. 319-320.

хазина улар қўлига ўтади. Абул Фазл Бойҳақийнинг таъкидлашича, бу воқеадан тўққиз йил аввал Буғрохон сомонийлар хазинасини қўлга киритган эди. Демак, қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга кириб келишига маҳаллий фақиҳлар ҳам яқиндан ёрдам берганлар ва уларнинг ҳурматларини қозонишга муваффақ бўлганлар. Бизга маълумки, Мовароуннаҳрдаги фақиҳларнинг аксарияти ҳанафийлар эди.

Ниҳоят, сомонийларнинг мағлубиятидан сўнг бироз вақт ўтгач, ҳукмронликни қорахонийлар тўлиқ ўз қўлларига олдилар. Кошғардан Амударёгача бўлган ҳудудни бирлаштирган қорахонийлар ҳукмронлиги кейинчалик маркази Боласоғун (кейинчалик Кошғар) ҳисобланган Шарқий қорахонийлар давлати ҳамда маркази Ўзган (кейинчалик Самарқанд) бўлган Ғарбий қорахонийлар давлати каби икки қисмдан ташкил топган эди.

Қорахонийлар ўз мамлакатларининг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ўша даврдаги машҳур уламолар билан алоқалар ўрнатар эдилар. Шунингдек, қорахонийлар ҳанафийларнинг тарафдорлари бўлиб, амалда уларнинг ҳомийларига айланган эдилар. Шунинг натижасида ўша даврда кўплаб фақиҳ уламолар етишиб чиқади.

Буғрохоннинг вафотидан кейин қорахонийлар сулоласига Насрнинг отаси Арслонхон Али келади. Арслонхон Али вафотидан сўнг эса, Наср ҳокимият бошига келади. Бунгача Наср Арслон-илик мақомида Ўзганда яшаб, Мовароуннаҳрнигина бошқарар эди³⁷. XI аср ўрталарига келиб Тамғоч (Тафғоч) Хон унвонини олган Иброҳим ибн Наср (433/1040-460/1067 й.) қорахонийлар давлатининг ғарбий қисмини Ўзгандан Самарқандга кўчирди.

1038 йилда Мовароуннаҳрга Насрнинг ўғли Абу Исҳоқ Иброҳим юриш қилади. Лекин Абу Исҳоқ Алитегиннинг ўғиллари қўлига асир тушади. Аммо бироз вақт ўтгач, у асирликдан қутилишга муваффақ бўлади. Бунга қадар, қорахонийлар майда бўлақларга бўлиниб кетган даврларда Маҳмуд Ғазнавий

³⁷ Бартольд В. В. Соч. – Б. 319-320.

1025 йили Мовароуннахрни эгаллаб турган Алитегинга қарши юриш қилади. Унга бу юришида Кошғардан Қодирхон ёрдам беради. Икки томондан олиб борилган хужумга Алитегин жавоб беролмай, Самарқанд ва Бухорони ташлаб қочади. Унинг қизи ва хотини Ғазнавий қўлида асир бўлиб қолади. Алитегиннинг Маҳмуд Ғазнавий қўлидан осонлик билан қочиб қутилишига сабаб, Маҳмуднинг ўзи Алитегинни бутунлай тормор қилиб, уни ўлдириш эмас, балки фақат унинг кучларини заиф нуқтага олиб келиб, унинг ўрнига Қодирхоннинг ўғлини ўтказишни мақсад қилган эди³⁸.

Маҳмуд Ғазнавий ва Қодирхоннинг исканжасидан қочган Алитегин Бухоро яқинидаги Зарафшон воҳасидаги Нур (ҳозирги Нурота) вилоятида кўчманчи ҳаёт кечирувчи туркман иттифоқчилари билан Мовароуннахрни тарк этади. Бу пайтга келиб Бухорода Салжукнинг Исроил, Тогрул ва Довуд исмли неваралари катта нуфузга эга бўлган эдилар. Бундан хабар топган Маҳмуд Ғазнавий тезда уларни йўқ қилишга буйруқ беради³⁹.

1030 йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этади. Унинг ўлиmidан сўнг қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасидаги муносабатлар ўзгара бошлайди. Алитегин салжукийлар билан яхши муносабатда бўлади. Алитегин ҳам 1034 йилда вафот этгач, ўрнига ўғли Юсуф ибн Али ҳокимиятга келади⁴⁰. Бу пайтда ғазнавийлар ва қорахонийлар ўртасидаги муносабат дўстона бўлиб кўрингани билан, аслида улар бир-бирларининг орқаларидан жосуслар қўйишар ва хужум учун қулай фурсатни пойлаб юрар эдилар.

Алитегиннинг ўғилларидан қочган Абу Исҳоқ Иброҳим (у ўша даврда Бўри Тегин номини олган эди) Ўзганда акаси Алоуддавлдан ёрдам олиб, уч минг кишилик қўшин йиғиб талончилик ҳаракатларини олиб боради. Бўри Тегин анча мустаҳкамланиб олгач, 1040 йилда Кешни босиб олади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Бухорони ҳам эгаллашга муваффақ бўлади. Лекин унинг ҳукмронлиги

³⁸ Тревер К. В. Якубовский А. Ю. История народов Узбекистана.. – Т.: 1950. Т. I. Б. 280.

³⁹ Тревер К. В. Якубовский А. Ю. Ўша асар. Ўша жойда.

⁴⁰ Бартольд В. В. Соч. – Б. 362.

даврида салжукийлар билан қорахонийлар ўртасидаги муносабат бузилган эди. Амударёнинг икки томонида жойлашган Термиз ва Балх шаҳарлари атрофидаги минтақалар бу жанжалга сабаб бўлди. Чунки ғазнавийлардан сўнг бу ҳудудлар салжукийлар қўлига ўтган эди.

Бўри Тегин Мовароуннахрда ўз мавқеини бутунлай мустаҳкамлаб олгандан сўнг, Самарқандда танга пуллар зарб қила бошлайди. У энди Тамғочхон Иброҳим деб аталади. Ҳатто, кейинчалик у ўзини «Шарқ ва Хитой подшоҳи» деб, ўғли Насрни эса «Шарқ ва Хитой султони» деб юритади⁴¹. Лекин улар, аслида бор-йўғи Мовароуннахр ҳукмдори эдилар, холос.

Мовароуннахрда ҳукм сурган туркий салтанат-қорахонийлар сулоласи, шубҳасиз, ўзига хос аҳамият касб этади. Бироқ, афсуски, юртимизнинг бу даврига оид тарихий маълумотлар камдир. Жумладан, қорахонийлар сомонийлар даврида қарор топган қайси жиҳатларни ўзгартирдилар ва қайси бир жиҳатларини давом эттирдилар. Афсуски, булар ҳақида хабарлар етиб келмаган. Аксинча, тарихий манбаларда Хуросонда вужудга келган салжукийлар ҳақида маълумотлар кўпдир. Қолаверса, салжукийлар салтанатига Мовароуннахрнинг Хоразм вилояти ҳам кирар эди.

Тамғочхон ҳаётлиги пайтида салжукий султонлар Мовароуннахрга хужумлар уюштира бошлайди. Салжукийлар салтанати бу пайтда Довуднинг ўғли Алп Арслон (455/1063-465/1072 й.) қўл остида эди.

Алп Арслон ҳукмронлиги даврида салжукийлар давлатининг ташқи сиёсий манфаатларини маълум даражада шарққа қаратади. Хоразмга қарши уюштирилган Хатлон, Чағониён, Жандусурон юришлари унинг номи билан боғланади. Бу юришлар табиийки, Тамғоч Иброҳимни хавотирга сола бошлайди. Тамғоч Иброҳим ҳаётлик вақтида ҳокимиятни ўғли Шамсулмулукка тақдим этади. Бундан аччиқланган унинг укаси Шуъайс (Тўғонхон) исён кўтаради. Улар оталари вафот этган 1068 йилда Самарқандда тўқнашадилар. Бу жангда

⁴¹ Бартольд В. В. Соч. – Б. 367.

Шамсулмулук ғалиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, 1072 йилда Алп Арслон 200 000 кишилиқ кўшин билан Мовароуннахрга юриш бошлайди⁴². Лекин Алп Арслон ўз чодирйда ётганида, асирга олинган маҳаллий қалъаларнинг бошлиғи Юсуф ал-Хоразмий томонидан ўлдирилади. Шу тариқа Алп Арслоннинг юриши тўхтатилади. Унинг ўлдирилиши (465 йил рабиъу-л-аввал – 1072 йил ноябрь ойида) қорахонийлардан бўлган Шамсулмулук Насрнинг кучларини қувватлантиради. У салжуқийларнинг вақтинча заифлашувидан фойдаланиб, уларга қарши хужумга ўтади ва аввал Термизни, кейин Балхни ишғол қилади.

Тамғочхон Қодир Юсуф ва унинг ўғиллари Шамсулмулук Насрга қарши кураш олиб борганликлари натижасида унинг аҳволи ёмонлашади. Улар Шамсулмулук давлатини тортиб олиш мақсадида унга қарши уруш олиб борадилар. Бу урушлар оқибатида Шамсулмулук Сирдарёнинг шимол томонидаги ерлар ҳамда Фарғона ўлкасини бой беради. Ички низолар оқибатида Шамсулмулукнинг кучлари заифлашиб, Салжуқий Маликшоҳ томонидан уруш бошлаб юборилиш хавфи юзага келади. 472/1080 йилда Шамсулмулук вафот этади ва Мовароуннахрнинг аҳволи янада ёмонлашиб қолади. Демак, қорахонийларнинг ўзлари орасидаги ички низолар натижасида салжуқийларнинг бу ўлкада мавқеларининг маълум даражада ошишига сабаб бўлган.

1080 йилда Шамсулмулук вафотидан сўнг тахтга унинг укаси Ҳизр ибн Иброҳим ўтиради. Бу ҳукмдор ҳақида маълумотлар жуда камдир. Низомий Арузий Самарқандий ўзининг «Мажмаъу-н-наводир фи чаҳор мақолат» (1156-57 йил) асарида Ҳизр ибн Иброҳим ҳақида шундай дейди: «Ҳоқонийлар ҳокимияти султон Ҳизр ибн Иброҳим даврида бунга қадар кўрилмаган куч-қудратнинг улуг тараққиёт даражасига эришди. Унинг ўзи эса доно ва адолатли подшоҳ, мамлакат таянчи эди. Мовароуннахр ва Туркистон унга бўйсунар, Хуросон тарафдан

⁴² Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 320.

қариндошлик алоқалари ва дўстлик, мустаҳкам келишув ва иттифоқ туфайли хотиржамлик ҳукм суради»⁴³.

XI асрнинг сўнгги чорагида ҳукмронлик қилган Аҳмад ибн Ҳизр (473/1080-488/1095 й.) замонида мамлакатда яна нотинчлик пайдо бўла бошлади. Уламолар билан турк лашкарбошилари ўртасида вазият кескинлашиб кетди. Охири бу ишга салжуқийлар аралашади. Аҳмад ибн Ҳизр ҳокимиятга келиши билан вазир Абу Наср ибн Сулаймон ал-Косонийни қатл қилдиради. Абу Наср ал-Косоний Ҳизр даврида бош қози лавозимида ишлаган эди. Шунингдек, Аҳмад ибн Ҳизр ҳукмронлиги даврида халққа кўп зулмлар ўтказади. Шу сабабдан шофиъийлардан бўлган фақиҳ Абу Тоҳир ибн Илик хўрланган омма номидан салжуқий ҳукмдори Маликшоҳни ёрдамга чақиради⁴⁴. Бундан хабар топган Маликшоҳ, қулай фурсатдан фойдаланиб, 482/1089 йили катта куч билан Амударёни кечиб ўтади. Шу йилнинг ўзида Бухоро ва Самарқандни ҳам қўлга киритади⁴⁵. Шофиъий фақиҳи Абу Тоҳир ибн Иликнинг салжуқийлардан ёрдам сўраши натижасида Мовароуннаҳрда шофиъийларнинг фаолиятлари янада мустаҳкамлана бошлади. Бунинг натижасида Хуросонда салжуқийларнинг ҳомийлигида анча мустаҳкам мавқега эга бўлган шофиъий уламолари секин-аста Мовароуннаҳрга қадам қўя бошлайдилар. Сиёсий вазиятлар таъсирида шофиъийларнинг Мовароуннаҳрга кириб келишлари шофиъий уламолари ҳамда ушбу ўлкада олдиндан фаолият олиб борган ҳанафий уламолари орасида калом илми соҳаларида турли ихтилофлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Чунки хуросонлик шофиъийларнинг аксарияти ақидада ашъарийа тарафдори эдилар. Мовароуннаҳрлик ҳанафийлар ҳанафийа-Мотуридийа ақидавий таълимотида эдилар. Бу даврда Самарқандда насафлик уч ҳанафий уламолари Садру-л-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Паздавий ан-Насафий (в. Бухорода 493/1100 й.), унинг акаси Фахру-л-ислом Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн

⁴³ Низами Арузи Самарқанди. Собрание редкостей или четыре беседы. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 77.

⁴⁴ Қаранг: Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Б. 321.

⁴⁵ Тревер К. В; Якубовский А. Ю. История народов Узбекистана.. – Т.: 1950. Т. I. Б. 295.

ал-Ҳусайн ибн Абду-л-Карим ал-Паздавий ан-Насафий (в. Кешда 482/1089 й.) ва Абу-л-Муъин ан-Насафий (437-508/1046-1114 й.) фаолият олиб борар эдилар. Ушбу ҳанафий уламолари Мотуридийа мазҳабида бўлганларини алоҳида қайд этиш лозим.

Маликшоҳнинг Самарқандни босиб олиши натижасида ушбу олимлар Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўладилар. Аҳмад ибн Ҳизр ҳам асирга тушади ва Исфaxonга жўнатилади. Аҳмад тутқунликда неча йил бўлганлиги номаълум. Лекин кейинчалик Маликшоҳ билан ўзаро сулҳ натижасида у озод этилади ва Самарқандга қайтиб келади. Лекин унинг Самарқанддаги аҳволи ниҳоятда оғир кечади. Унинг душманларидан бўлган лашкарбошилар уни қўлга олишади ва камоннинг ипи билан бўғиб ўлдиришади. Бу воқеа содир бўлганда, Маликшоҳ (1092 йилда) вафот этган эди⁴⁶. Аҳмад ибн Ҳизрдан сўнг ҳукумат тепасига унинг укаси Масъудхон кўтарилади. Бироқ, мамлакатга 1097 йилдан эътиборан Маликшоҳнинг тўнғич ўғли Барқеруғ эгалик қилган бўлиб, хонлар энди унинг тавсиясига биноан тайинланар эди. Салжуқийлар қорахонийларни ҳокимиятдан бутунлай четлаштирмай, балки, уларни ўз таъсирларига олиш билан ўзларига маъқул бўлганларини хонликка тайин қилар эдилар.

Маликшоҳнинг ўлиmidан кейин салжуқийлар ҳукмронлиги таҳлика остида қолади. Лекин 1118 йили ҳокимият тепасига буюк салжуқийлардан ҳисобланмиш Султон Санжар (1118-1157 й.) келади. Унинг даврида салжуқийлар Мовароуннаҳрдаги қорахонийларга катта таъсир ўтказадилар⁴⁷.

XII аср бошларида Туркистон қорахонийларининг Мовароуннаҳрга янги юриши амалга оширилади. Қодирхон Жаброил Мовароуннаҳрни ўз измига олиб, салжуқийлар мулки томон ҳаракат қилади. Бироқ, Султон Санжардан шикастланиб, ҳалок бўлади. Қорахонийлардан бўлган Қодирхон босқини вақтида Хуросонга қочиб келган Муҳаммад Тегин «Арслонхон» унвонига сазовор бўлиб,

⁴⁶ Тревер К. В; Якубовский А. Ю. История народов Узбекистана.. – Т.: 1950. Т. I. Б. 295.

⁴⁷ Тревер К. В; Якубовский А. Ю. Ўша китоб. Ўша жойда.

Мовароуннахрга ҳукмдор қилиб жўнатилади. У 1130 йилга қадар тахтда бўлади. Арслонхон тахт талашиб ўзининг авлодларига қарши урушишга мажбур бўлади. 1103-1109 йилларда Соғирбек исён кўтаради ва бу ҳаракат Санжар ёрдами билан Насафда бостирилади. Шундан сўнг, мамлакатда йигирма йил тинчлик ҳукм суради⁴⁸.

Гарчи Арслонхон (496-524/1102-1130 й.) ўз подшоҳлигининг биринчи ярмида мустақил давлат сиёсатини юритишга уринган бўлсада, бу давр аслида қорахонийларнинг сиёсий тушкунликка учраган пайти эди. Лекин Арслонхон ҳукмронлиги даврида кўплаб иншоотлар қурилади⁴⁹. Кўпгина манбаларда қорахонийлардан ҳеч ким Арслонхон каби кўп бинолар қурмаган, деган маълумотларни учратиш мумкин.

Қорахонийларнинг аввалги давлари каби Арслонхон даврида ҳам уламолар билан ихтилофлар барҳам топмаган эди. У умрининг сўнгги йилларида шол бўлиб қолади. Ўрнига ўғли Насрни мўлжаллаб турганида, Самарқанд фақиҳи Ашраф ибн Муҳаммад ас-Самарқандий шаҳар ҳокими билан тил бириктириб, Насрни ўлдиртирадилар. Арслонхон Султон Санжарга ёрдам сўраб мурожаат қилади ва ўғли Аҳмадни ҳузурига чақиради. Аҳмад фақиҳ билан ҳокимни қўлга олиб, иккисини қатл эттиради. Арслонхон Санжарни ёрдамга чақириб хато қилганига тушуниб етади ва уни ўлдириш учун одамлар ёллайди. Санжар ов қилиб юрган пайтида 12 та шубҳали одамларни тутиб оладилар. Улар саволга тутилгач, Султон Санжарни ўлдириш учун келаётганликлари маълум бўлади. Шундан сўнг Санжар 70 000 кишилик қўшин билан Самарқандга юриш қилади ва 1130 йили уни босиб олади. Касалманд Арслонхон Балхга жўнатилади ва шу шаҳарда вафот этади. Уни Марвда дафн этадилар. Арслонхоннинг меросхўри охир Рукнуддин Маҳмуд деб эътироф этилади. У Санжарнинг жияни эди. Шу боисдан Санжарга содиқ эди.

⁴⁸ Қаранг: Равшанов П. Қашқадапё тарихи. – Б. 321.

⁴⁹ Косонк Саййид Мубашшир Сулаймон. Ўрта Осиё тарихи (сиёсий, диний, ижтимоий, адабий). III жилдли. — Саудия Арабистони мамлакати: Абҳо ас-Сафро, 1411/1991. Ж. II. Б. 18.

Бу пайтда мусулмон оламининг шарқий чегараларига янги истилочилар яқинлашиб келмоқда эди. Мовароуннахр мусулмонлари кўп ўтмай ўз бошларида ғайридинлар (қорахитойлар) зуғумини тотиб кўришга мажбур бўладилар⁵⁰.

XI аср бошида Ўрта Осиёда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги остида яшаган қабилаларнинг жуда кенг кўламда бирлашуви содир бўлди.

Мовароуннахрнинг қорахонийлар томонидан босиб олинисини узоқ вақт ижтимоий тангликдан чиқиш, сомонийлар давлатида мавжуд бўлган мурасисиз зиддиятлардан қутулиш, деб тушунмоқ керакдир⁵¹.

Мовароуннахрнинг қорахонийлар томонидан босиб олиниси аҳоли турмуш тарзининг кескин ўзгариши – аҳоли камбағал қатламларининг кўчманчиликдан ўтроқ турмуш кечиришига, деҳқончилик ва хунармандчиликка ўтишига, шаҳар аҳоли сонининг ва йирик қишлоқлар аҳолисининг кўпайишига олиб келганлигини кўрсатиб ўтмоқ лозим. Ўтроқ турмуш тарзи ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сиёсий тамоилини ҳам ўзгартириб юборди.

Давлатни бошқариш тартибида ҳам қорахонийлар даврида муайян қатъий ўзгаришлар бўлди. Бир қатор кескин ислохотлари таъсири остида марказлашган давлатнинг амир томонидан яккабошчилик усулида бошқарилишидан иборат эски тартиб қулади. Марказлашган давлат қорахонийлар хонадонининг Иликхон унвонига эга бўлган аъзолари бошчилик қилган алоҳида улуши – мулкларга парчаланиб кетди.

Давлатнинг парокандалиги кўпинча, қон-қариндошлар ўртасида урушлар ва низоларга олиб келди. Чунки иликхонлар ҳаммадан кўпроқ мустақилликка интилар эдилар⁵².

Қорахонийлар давлатининг бир қанча йирик вилоятларга бўлиниб кетиш жараёни шаҳарларнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатди. Зеро, шаҳарлар қорахонийларнинг босқинчилик юришлари пайтида деярлик ҳеч қандай талофат

⁵⁰ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Б. 323.

⁵¹ Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. – Т.: Ўзбекистон, 1980. – Б.55.

⁵² Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Избр. соч. – М.: 1963. Т. II. Б. 249.

кўрмаган эди⁵³. Шаҳарлар маъмурий марказларга, хунармандчилик жамланган марказларга айлана бошлади. Уларда уламолар, фан ва санъат намоёндалари мустаҳкам ўрнашиб қолдилар. Шаҳарлар билан ёнма-ён қишлоқлар пайдо бўлиб, энди шаҳарлар ўтроқ деҳқонлар билан кўчманчилар ўртасида воситачиликда аҳамият касб этар эди.

Қорахонийлар сулоласининг ҳукмронлиги гуллаб-яшнаган даврда унинг хонларининг бутун куч-ғайрати фақат ҳарбий куч ёрдамигагина эмас, балки кишида катта ҳурмат уйғотувчи ажойиб архитектура иншоотларини куриш, фан ва маданиятнинг ривожланиши ҳақида муъайян даражада жон куйдириш йўли билан ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган эди⁵⁴.

Маълумки, қорахонийлар давлати илгари сомонийларга қарашли бўлган ҳудудда жойлашган ягона давлат эмас эди. XI аср бошида ана шу ҳудудларнинг жанубий-ғарбий қисмида, Шимолий Ҳиндистон чегараларидан тортиб то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий-Шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган майдонда ғазнавийларнинг қудратли давлати, шундан биров кейинроқ эса, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар давлатлари ташкил топдики, улар Мовароуннаҳрда муғуллар ҳукмронлик қилган давргача яшаб келдилар.

Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши натижасида бу ўлкада турли соҳалардаги илмлар қаторида ислом динига оид илмлар ҳам ривожлана бошлади. Ислом дини шарқдан Ҳиндистонгача, ғарбдан Марокаш ва Андалус (Испания)гача, шимолдан эса Туркистонгача ёйилди ва бу минтақаларда турли халқлар, яъни форсийлар, юнонлар, ҳиндулар, туркий халқлар билан арабларнинг қоришиб кетиши натижасида ислом динининг турли соҳаларида янги-янги мактаблар пайдо бўла бошлади.

XI-XII асрларга келиб Мовароуннаҳрда тафсир илми ҳам кенг тарзда ривожланди. Самарқандлик аллома Алоуддин ас-Самарқандийнинг Абу Мансур

⁵³ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Избр. соч. – М.: 1963. Т. II. Б. 249.

⁵⁴ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Т. II. Б. 249.

ал-Мотуридийнинг «Таъвилоту-л-Қуръон» номли тафсирига ёзган «Шарҳ Таъвилоти-л-Қуръон» деб аталувчи китоби, Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг «Тафсир ан-Насафий» («ат-Тайсир фи-т-тафсир») номли асарлари бунга мисол бўла олади.

XI-XII асрларга келиб, Мовароуннаҳрда фикҳ илми ҳам юксак босқичга етди. Ушбу давр уламолари ҳақида тадқиқот олиб борган туркиялик олим Й. Кавакжи қорахонийлар даврида бу ҳудудда уч юзга яқин фақиҳ фаолият олиб борганлигини, йигирмадан ортиқ фатволар мажмуаси, уч юз элликдан ортиқ фикҳий асарлар яратилганлиги ва шуларнинг деярли барчаси ҳанафий фикҳига оид эканлигини таъкидлаган⁵⁵.

XII асрда Мовароуннаҳрда қорахонийлар ҳукмронлик қилган даврда улар Самарқанддаги маҳаллий уламоларга нисбатан тутган сиёсатида ўзига хослик намоён бўла бошлади. Шулардан бири, ҳукумат расмий диний лавозимларга илгаридан қорахонийлар тасарруфида бўлган туркистонлик уламоларнинг тайинланиши эди. Мазкур уламолар доимо ўз муносабатларида самарқандлик олимлар фаолиятига бир оз эҳтиёткорлик билан ёндошганлар. Масалан, Самарқанд қозиси туркистонлик Аҳмад ибн Мансур ал-Исфижобий (в. 480/1087-88 й.)⁵⁶ оламдан ўтгач, унинг қаламига мансуб бир сандиқ фатволарни топишади. Уларда самарқандлик муфтийлар йўл қўйган хатолар кўрсатилиб, ўрнига тўғри тузатишлар киритилган янги фатволар таклиф қилинган эди. Бироқ, бу киши тириклигида уларни ошкор қилишга журъат этолмаган.

Асли туркистонлик бўлган уламоларнинг асарларига аҳамият берсак, масалан, Аҳмад ибн Мансур ал-Исфижобий «Мухтасару-л-Кархий»га, Али ибн Муҳаммад ал-Исфижобий эса «Мухтасару-т-Таҳовий»га шарҳ ёзган. Баҳоуддин Абу-л-Маъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Исфижобий «Зоду-л-фуқаҳо фи шарҳи

⁵⁵ Кавакжи Ю. XI ve XII asirlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: 1976. – Б. 305.

⁵⁶ Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Йусуф ал-Ҳодий таҳрири остида. – Техрон: Ойинаи мирос, 1999. – Б. 702. (Бундан кейин: Насафий. Қанд.).

мухтасари-л-Қудурий»ни тузади⁵⁷. Юқоридаги асарлардан шу нарса аён бўладики, бу гуруҳга мансуб уламолар, одатда, хорижий муаллифларнинг асарларини шарҳлаганлар. Хусусан, XI аср охирларида Насаф воҳасидан етишиб чиққан уч буюк алломаларнинг биргаликдаги олиб борган илмий фаолиятлари Самарқанд шаҳри учун ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Садру-л-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Паздавий ан-Насафий (в. Бухорода 493/1100 й.), унинг акаси Фахру-л-ислом Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ал-Паздавий ан-Насафий (в. Кешда 482/1089 й.) ва Абу-л-Муъин ан-Насафий (437-508/1046-1114 й.) каби машҳур олимларнинг Самарқандга кўчиб ўтишлари ҳанафийа таълимотининг ривожланиш йўналишларини сезиларли даражада яхши тарафга ўзгартирди. Улар шофиъий-ашъарийларнинг ҳанафийлар таълимотига қарши қаратилган фаолиятини фош қилишда жонбозлик кўрсатдилар.

Шу даврдан бошлаб Мотуридий тимсоли улуғлана бошланди: у энди «Тўғри йўлга бошловчи имом» (*Имому-л-ҳуда*) ва «Икки мазҳаб дарғаси»га (*Қудвату-л-фариқайн, яъни ҳанафийлар ва шофиъийлар*) айланди⁵⁸. Чунки мазкур уламоларнинг Самарқандда олиб борган фаолиятларининг муҳим йўналиши Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид», «Таъвилоту-л-Қуръони-л-Карим» асарларида баён этилган таълимотини янада ривожлантириш ҳамда ёйиш, умуман мотуридийа таълимотини алоҳида мактаб сифатида шакллантириш эди.

X асрда яшаган мутакаллимлар ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Абу-л-Ҳасан ар-Рустуфағний, Абу Салама ас-Самарқандий ва бошқаларга ҳам шундай иззат-

⁵⁷ Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис. автореф... – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 26. (Бундан кейин: Мўминов. А. Автореферат).

⁵⁸ Мўминов. Роль и место ханафитских ‘уламā’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Дис. ... док. ист. наук. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 184. (Бундан кейин: Мўминов. Диссертация).

икром кўрсатилди. Чокарзида қабристони эса шаҳардаги ҳурматга сазовор уламолар дафн қилинадиган муқаддас жойга айланиб борди⁵⁹.

Салжукийларнинг Мовароуннаҳрда мамлакатни «қўғирчоқ амалдорлар» воситасида бошқариш сиёсати ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди. Бундай шароитда, табиийки, қуролланган халқ кўнгиллиларининг сони ортиб бориши, фуқаролар маълум қисмининг сиёсатга тобора тортилиши кузатилади. Шунга биноан, айти шаҳар аҳолиси вакиллари бўлган фақиҳларнинг ўрни ҳам орта борди. Улар орасида Саййид Абу Шужо Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза ал-Алавий (в. 466/1073-74 йилдан сўнг)⁶⁰ оиласи катта обрўга эга эди. Бу оиланинг уч авлод вакиллари Самарқандда етакчи уламо-сиёсатчи бўлганлар.

Худди Самарқанд каби Мовароуннаҳр шаҳарларидан яна бири ҳисобланмиш Бухорода ҳам илм-фан тараққий этган эди. XII-XIII асрларда бу шаҳарда (495/1102-636/1238 й.) Садрлар сулоласи фаолият олиб борди.

Бу даврда ҳам ҳарбий ҳокимият салжукийлар кўлида эди. Салжукий ҳукмдорлар «*амир*» унвонига эга эдилар. Бошқарув тизими эса, диний арбоблар – Садрлар кўлига ўтган эди. Садрлар сулоласининг асосчиси Бурҳону-л-аимма Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Умар ибн Абдилазиз Моза (518/1124 йили Бухорода вафот этган)⁶¹ салжукий ҳукмдор Султон Санжарнинг синглисига уйланган эди. Шу сабабли Султон Санжар Бухоронинг етакчи имоми Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффорни (в. 534/1139 й.) Марвга сургунга жўнатади ва Абдулазиз ибн Умар Мозани унинг ўрнига тайинлайди. Кейинчалик «ас-Садру-л-Мозий» номига сазовор бўлган бу олим фикҳ илмини бухоролик уламолар етакчиси Шамсу-л-аимма ас-Сарахсийдан таълим олган эди. Лекин ас-Сарахсийнинг энг яқин шогирди у эмас, балки ас-Сарахсийдан сўнг Бухоронинг энг машҳур фақиҳини англатувчи Шамсу-л-аимма унвонига эгалик қилган Бакр

⁵⁹ Мўминов А. Диссертация. – Б.184.

⁶⁰ Абу Шужо ибн Муҳаммад ҳақида қаранг: Мўминов А. Диссертация. Ушбу тадқиқотда бу алломанинг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилган.

⁶¹ Насафий. Қанд. – Б. 431.

ибн Муҳаммад аз-Заранжарий (в. 512/1118 й.) эди⁶². Чунки Шамсу-л-аимма аз-Заранжарий сиёсатдан йироқда бўлган. У кўпроқ фақиҳ олим ва ҳадис ривоят қилиш билан машҳур бўлган.

Садрлардан бир қанча уламолар фикҳ илми бўйича илмий асарлар ёзганлар. Уларга Умар ибн Абдулазиз ас-Садр аш-Шаҳиднинг (в. 536/1141 й.) «Китоб усули-л-фикҳ», «Шарҳ ал-адаби-л-қозий ли Аҳмад ибн Амр ал-Хассоф (в. 261/874 й.)», «Шарҳ китоби-н-нафақот ли-л-Хассоф» каби асарларини ва Бурҳонуддин ал-Кабир Маҳмуд ибн Аҳмад Абдулазиз ал-Бухорийнинг (в. 570/1174-75 й.) «ал-Муҳиту-л-Бурҳоний» асарини мисол қилиб олиш мумкин.

Садрлар Бухорода тахминан, Сиккату-д-деҳқон мавзесида кутубхона – *Хизонату-л-кутубни* ташкил этдилар. Садрлар фаолиятига бухоролик уламоларнинг муносабатлари турлича эди.

Уларнинг фаолиятини тан олганлар сирасига саффорийлар, Заҳируддин ал-Марғиноний (в. 506/1112 й.), Ифтихоруддин ал-Бухорий (в. 542/1147 й.)лар оилалари ва Мажду-л-аимма ас-Сурҳакатийни киритиш мумкин⁶³.

Лекин Бухоро садрларига қарши турган фақиҳлар ҳам бор эди. Улар орасида Султон Санжар томонидан Марвга сургун қилинган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффорни алоҳида таъкидлаш жоиз. У «аз-Зоҳид ас-Саффор» номи билан машҳур эди.

Ас-Саффор сургундан сўнг Бухорога тезда қайтмаган. У Марвда бир қанча йил яшаб сўнг қорахонийлар пойтахти Самарқандга кўчиб ўтган ва у жойда шаҳар хатиби этиб тайинланган⁶⁴.

Иброҳим ас-Саффор сургундан сўнг Бухорога қайтади ва ўн йил давомида ижод қилади. У ўз ижодий фаолияти давомида икки маротаба калом илмига мурожаат қилади ва «Китобу-т-талҳис ли қавоъиди-т-тавҳид» ҳамда «Рисола фиҳа масоил суъила аш-шайх анҳа ва ажаба анҳа» номли китоблар ёзади. У ушбу

⁶² Мўминов А. Диссертация. – Б.195.

⁶³ Мўминов А. Автореферат. – Б. 28.

⁶⁴ Насафий. Қанд. – Б. 61, 477.

икки асарида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фикрларини ёритади. Унинг фикрича, агар олим ҳақиқатда илм эгаси бўлса, у адолатли бўлиши керак ва шундагина унга Аллоҳдан куч-қудрат ато этилади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, ас-Саффор Абу Мансур ал-Мотуридий фикрларига таяниб, кимки Султонни (яъни Подшоҳни) Аллоҳга хос бўлган сифатлар билан, яъни «ал-Одил», «ал-Муъаззам», «Шаҳон шоҳи-л-аъзам», «Малик риқоби-л-умам», «Султон арз Аллоҳ», «Малик билад Аллоҳ», «Носир билад Аллоҳ» каби фақат Аллоҳга хос бўлган номлар билан атаса, у кофир бўлишини таъкидлайди.

Шу тариқа, ҳанафий фақиҳлари сулолаларидан: Бухоро садрларининг фақиҳлари мерос тариқасида келаётган «*Садр*» унвони билан V/XI асрдан то муғуллар даврига (1102-1207 й.) қадар мамлакат сиёсий идоралари ва турли ҳокимликларда юқори мансаб соҳиблари эдилар.

Китобимизнинг юқори қисмларида Насафлик уч алломанинг Самарқанддаги самарали илмий фаолиятлари ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Ушбу уламолар Бухорода ҳам илм-фан равнақига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Уламолар орасида катта обрўга эришган Абу-л-Йуср ал-Паздавий Самарқандда «Қозийу-л-қузот» унвонига эришади⁶⁵. Лекин салжуқийлардан бўлмиш Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (481/1088-89 й.) бу уч уламанинг Самарқанддаги муваффақиятли фаолиятларига якун ясалади. Фахру-л-ислом ал-Паздавий Кешга сургун қилинади ва ўша йили вафот этади. Сўнгра Абу-л-Йуср ал-Паздавий ва Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз оилалари ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўладилар⁶⁶.

Бу икки алломанинг, айниқса уларнинг шогирди ҳисобланмиш Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Аҳмад ас-Самарқандийнинг (в. 539/1144-45 й.) Бухорога кўчиб ўтишлари у ердаги мутакаллим олимлар орасида Мотуридий таълимотининг кенг ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Айниқса, бухоролик кейинги авлод мутакаллимлари Абу Ҳанифанинг «ар-Рисола ила

⁶⁵ Насафий. Қанд. – Б. 703-704.

⁶⁶ Мўминов А. Диссертация. – Б. 185.

Усмон ал-Бустий» номли рисоласини тарқалишида Абу-л-Муъин ан-Насафий – Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абдуссаттор ал-Кардарий (в. 642/1244 й.) – Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (в. 693/1294 й.) – Ҳусомуддин ас-Сигнакий (в. 711/1311 й.) тартибидаги иснодга суянар эдилар. Худди шу иснод орқали ҳанафий мазҳабига тааллуқли каломий матнларни бир-бирларига етказар ва бунинг натижасида ўзлари ҳам Мотуридийа таълимоти борасида кўплаб изланишлар олиб борган эдилар. Ўша даврдаги бухоролик мутакаллим олимлар қаторига аввало Нуруддин ас-Собуний (в. 580/1184 й.) ва Иброҳим ас-Саффор (в. 534/1139 й.) каби олимларни мисол қилиб келтириш ўринли бўлади.

XI-XII асрларда Мовароуннахрнинг яна бир шахри Насаф ҳам илм-фан ва маданият гуллаб яшнаган шаҳар ҳисобланган.

Насаф шахри Абу-л-Муъин ан-Насафий яшаган даврда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннахрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турар эди⁶⁷. Биз кўраётган даврда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар. Масалан, «Китобу-л-қанд фи зикри уламои Самарқанд» ва «Китобу-л-ансоб» каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шахри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Уструшана, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтакаларда фаолият олиб борганлар⁶⁸. Келтирилган рақамлар юқорида зикр этилган Насаф шахрининг Мовароуннахр миқёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди. Лекин шуни алоҳида

⁶⁷ Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифати 'уламо'и Самарқанд» асари асосида): Тар. ф. ном. дис... – Т.: ТИУ, 2003. – Б.14. (Бундан кейин: Раҳимджанов Д. Диссертация).

⁶⁸ Раҳимджанов Д. Диссертация. – Б. 14.

таъкидлаш жоизки, юқоридаги насафлик 400 дан ортиқ уламоларнинг айримлари Насаф воҳасига яқин бўлган Пазда, Касби ва Кеш шаҳарларига мансуб бўлганлар. Шунингдек, насафлик кўплаб уламоларнинг илмий фаолиятининг аксарият қисми асосан Самарқанд ва Бухорода ўтган. Насаф шаҳри ҳақида кўплаб тарихий манбаларда маълумотлар келтирилган. Масалан, XII асрда яшаган марвлик жаҳонгашта олим, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг кичик замондоши Абу Саъд ас-Самъоний Насаф ҳақида қуйидаги маълумотларни баён қилган⁶⁹: «Насаф Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлиб, уни Нахшаб деб ҳам атайдилар. Мен у ерда икки ойча яшаб, уламоларидан ҳадис эшитдим. Насафдан ҳар бир илм соҳасида кўплаб олимлар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг сон-саноғи йўқ. Абу Таммом Ҳубайб ибн Авс⁷⁰ ўзининг халифа ал-Муътасимга (218/833-227/842 й.) ёзган қасидасида Насаф ҳақида шундай дейди:

*Рум ҳам ўз тубида беркиниб тушар даҳшатга,
Турклар ҳам Насафнинг ортидан қолар вахшатга*⁷¹.

Абу-л-Муъин ан-Насафий даврида Насаф йирик тижорат, ҳунармандчилик маркази бўлган. Шунингдек, у ерда илм-фан барқ уриб ривожланган. Насаф Самарқанд билан чегарадош бўлиб, ўзаро алоқалари жуда мустаҳкам бўлган. Бу шаҳар XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилиб, унинг яқинида XIV асрдан бошлаб Қарши шаҳри пайдо бўлди⁷².

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам эрта даврлардан бошлаб ривожланди. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий (194/810-256/870 й.) ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис

⁶⁹ Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. V жилдли /Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-фикр, 1419 / 1998. Т.V. Б. 486-487 (Бундан кейин: Ансоб).

⁷⁰ Абу Таммом Ҳубайб ибн Авс ат-Тоъий (788-845 й.) – аббосий халифаларни, хусусан, ал-Муътасимни мактаб қасидалар ёзган араб шоири (ал-Мунжид фи-л-аълум. 5-нашр. – Байрут: 1987. – Б. 17).

⁷¹ Ушбу байт С.Окилов томонидан назмий таржима қилинган.

⁷² Бартольд В.В. Работы по исторической географии: Сочинения. – М.: Издательство восточной литературы, 1965. Т. III. Б. 450.

илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Зеро, Насафда ҳадис илми тараққиётининг илк даври Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом ал-Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (в. 279/892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий ас-Санжоний (V/IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, унинг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланди. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинди. Улар Имом ал-Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф деб билар эдилар⁷³. X-XI асрларга келиб Насаф Мовароуннаҳрда ўзига хос илмий-маданий марказлардан бири даражасига кўтарилади. Самъоний Ўрта Осиёдаги ҳадисшунослик мактаблари вужудга келган жойлар ҳақида сўзлар экан, Марв, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар қаторида Насафни ҳам қайд этади. «Китобу-л-ансоб» ҳақида тадқиқотлар олиб борган олим Ш.С.Камолиддинов бу ҳақда: «X асрда, Самъоний шаҳодатига кўра, ҳадисшуносликнинг яна бир йирик маркази Насафда Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абу-л-Муъмин ибн Халаф ан-Насафий, ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, XI асрда Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммодий ан-Нахшабий каби олимлар мактаблари фаолият кўрсатиб турган эдилар»⁷⁴, - деб маълумот келтиради.

Насаф ҳақида яна кўплаб олимлар ўз асарларида маълумотлар келтирганлар. Жумладан, ал-Ҳамавий ҳам ўзининг «Муъжаму-л-булдон» асарида Насаф шаҳрини Жайхун ва Самарқанд орасидаги йирик марказ бўлганлигини ва у ерда кўплаб олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар келтиради⁷⁵.

Хусусун, X асрда мусулмон оламида тасаввуф ҳам кенг тарқалган эди. Тасаввуфга оид ҳадисларни йиғиш, ўрганиш ва уларга бағишлаб асарлар ёзиш

⁷³ Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000. – № 2. – Б. 92.

⁷⁴ Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб Абу Са‘да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под редакцией П. Г. Булгакова. – Т.: Фан, 1993. – Б. 164 (Бундан кейин: Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб.).

⁷⁵ Ҳамавий Шихабуддин Абу Абдиллох Яъқут ибн Абдиллох ар-Румий ал-Бағдодий. Муъжаму-л-булдон: VIII жилдли / Аҳмад Ножи ал-Жамолий нашри – Қоҳира: 1906. Ж.V. Б. 285.

ўша даврда кенг тарқалиб урф бўлган. Чунончи, Самъоний Насаф ва унинг маҳаллалари ҳақида сўз юритганда, шайх Абу Абдирахмон Муъоз ибн Яъқуб номини тилга олади. Шайх Абу Абдирахмон Яъқуб Насафга яқин бўлган Косон даҳасида туғилган. Унинг вафот этган йили 219/834 йилга тўғри келади⁷⁶.

Шайх Абу Абдирахмон Яъқуб ал-Косоний Насафда «ал-Жомиъу-л-атик» номли машҳур жомеъ масжиди ва работ қурдирган. Шунингдек, Шайх қурдирган маҳалладаги кўча унинг номи билан аталган. Кейинчалик, Шайх номидаги кўча «Сиккату-з-зуҳҳод» (Зоҳидлар кўчаси) номи билан ўзгарган⁷⁷. Абу Абдирахмон ал-Косоний ан-Насафий ўз даврининг кўзга кўринган ҳадисшунос олимларидан ҳисобланган. У, асосан, тасаввуф, зоҳидлик ҳақидаги ҳадисларни тўплаган ва уларга шарҳлар ёзган.

Тасаввуфга оид асарлар Насафдан унча узоқ бўлмаган Пазда шаҳрида вужудга келган мактабда ҳам яратилган. Паздада Мовароуннаҳрнинг пойтахт шаҳарларидан олимлар келиб дарс берганлар. Жумладан, машҳур суфийлардан бўлган Тоҳир ибн Муҳаммад ал-Бухорий Пазда қўрғонида яшаган ва шогирдларига таълим берган. Айни вақтда у тасаввуфга доир бир нечта асарлар яратади. Унинг «Китоб уйуни-л-мажолис ва сурури-д-дорис» (*Йигинлар қаймоғи ва ўқувчилар қувончи китоби*) номли асари машҳур бўлган. Тоҳир ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Ҳаддодий 406/1016 йилда вафот этган.

Шунингдек, Насаф воҳасида фаолият олиб борган яна бир фақиҳ Абу Бакр ал-Косонийни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу олим ўзининг фикҳга оид «Бадойиу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шароиъ»⁷⁸ номли асари билан машҳур бўлган.

Насафлик яна бир олим Абу-л-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий ҳам ўз даврининг машҳур уламоларидан саналган.

⁷⁶ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. — 368.

⁷⁷ Бартольд. В. Соч. Т.I. Б. 196-197.

⁷⁸ «Бадойиу-с-саноиъ» асари биринчи бор 1328/1910 йил Мисрнинг «ал-Матбаъату-л-Жамолийа» босмахонасида тошбосма ҳолатида тадқиқотчи Муҳаммад Асъад Поша Жобирий Зода томонидан нашр этилган. Ушбу манба Тошкент ислом университетининг Манбалар ҳазинасида 118 рақами остида сақланмоқда. Шунингдек, ушбу асар 1997 йил 10 жилдда аш-Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳрири остида Байрутнинг «Дору-л-кутуби-л-илмийа» нашриётида қайтадан нашр этилган.

Жаъфар ан-Насафий «Насаф ва Кеш тарихи» деган муфасссал асар яратган. Жаъфар ал-Мустағфирий ан-Насафий 350/961 йилда туғилиб, 432/1041 йилда вафот этган. Афсуски, унинг «Насаф ва Кеш тарихи» номли асари бизгача етиб келмаган.

Мустағфирийнинг ушбу асаридан Самъоний ҳам ўзининг «ал-Ансоб» номли асарида унумли фойдаланган. Олим ушбу асарида бу икки шаҳар одамларини 80 тоифага бўлиб, нақл қилган. Шунингдек, ушбу асарида насафлик ва кешлик 43 та олим, шоир ва дин арбоблари ҳақида ҳикоя қилади. Бу фозил кишилар Насаф ва Кешда X-XI асрларда яшаб, фаолият кўрсатганлар. Шунингдек, мазкур тарихий асарда муаллифнинг 4 устози ва 2 шогирди ҳақида ҳам маълумот берилган.

Ал-Мустағфирий ушбу асаридан ташқари яна бизнинг давримизгача етиб келмаган «Самарқанд тарихи» номли асарини ҳам ёзган⁷⁹.

Машҳур тарихчи олим Наршахий ҳам X-XII асрларда Насафда фан ва маданият гуллаб яшнаганлиги ҳақида кўп мисоллар келтиради. Лекин Наршахий бу даврда фаолият олиб борган олимлар қаторига Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафийни мисол қилиб келтиради. Афсуски, унинг асарида Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида маълумотлар келтирилмаган⁸⁰.

XII асрнинг ўрталарида Насаф воҳасида Нажмуддин ан-Насафий (461/1068-537/1142 й.) номли яна бир олим фаолият олиб борган. Нажмуддин ан-Насафий ҳақида Абу-л-Муъин ан-Насафийга нисбатан кўпроқ тадқиқотлар олиб борилган. Чунки, кўпгина тарихий манбаларда ўрта асрлардаги Насафнинг маърифий-маданий ҳолати тавсиф этилганда, асосан ушбу аллома тилга олинган. Олимнинг бу қадар шуҳратига унинг қолдирган илмий мероси асос бўла олади, албатта. Чунки Нажмуддин ан-Насафий ўз даврининг таниқли қомусий билим соҳиби – алломаларидан бўлган. Унинг тўлиқ номи Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн

⁷⁹ Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб. – Б. 146.

⁸⁰ Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жавоҳир. Тарихи Бухоро. – Қоҳира: 1385/1965. – Б. 63.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий⁸¹ бўлиб, баъзи манбаларда унга «Мотуридий» нисбаси ҳам берилган. Бу унинг маълум бир муддат Самарқандда яшаб ижод қилганлигидан далолат беради. Шунингдек, у Имом ал-Мотуридий мактаби вакили бўлган. Шунинг учун ҳам у “Мотуридий” нисбаси билан ҳам аталган бўлиши мумкин. Самъоний алломани Исмоил, Нажмуддин деган исмлар билан эмас, балки, уни Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мотуридий⁸², деб атаган.

Нажмуддин ан-Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиби бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, фақиҳи, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири ҳам бўлган. Унинг ёзган асарларининг мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисмигина бизгача етиб келган. Бундан бир неча йил аввал таниқли шарқшунос П.Г.Булгаков Нажмуддин ан-Насафийга тегишли бир асарни кашф қилган. Тадқиқотчи Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида шу пайтгача ҳеч кимнинг эътиборини тортмаган бир қўлёзма билан танишади. Илмий текширишлар натижасида бу нодир қўлёзма аллома Нажмуддин ан-Насафий қаламига мансуб бўлиб, «Матлаъу-н-нужум ва мажмаъу-л-улум» (*«Юлдузлар чиқиши ва илмлар жамланиши»*) номли асар эканлиги маълум бўлди⁸³.

Нажмуддин ан-Насафий тилшунослик, тарих, фикҳ каби илмларга бағишлаб 100 дан ортиқ асарлар яратган. Машҳур энциклопедик олим Самъоний ҳам Нажмуддин ан-Насафийдан таҳсил олган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача 10 та китоби етиб келган⁸⁴.

Нажмуддин ан-Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг «Манзумот ан-Насафий фи-л-хилофийят» (*«Ихтилофлар ҳақида Насафий манзумаси»*) номли асари машҳур бўлган.

⁸¹ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. – Т.: 1963. Т. VI. Б. 465.

⁸² Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб. – Б. 143.

⁸³ Раҳимджанов Д. Диссертация. – Б. 46.

⁸⁴ Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб. – Б. 146.

Аллома ушбу асарини ўрта асрларда одат бўлган шеърӣ услубда ёзган. Алломанинг ақоидга оид яна бир машҳур асари «Ақоиду-н-Насафӣ» ҳисобланиб, ҳозирги даврда ҳам бу асар ўз аҳамиятини йўқотмаган ва мадрасаларда ундан дарс бериб келинмоқда. Ушбу асарга Амир Темур даврида яшаган машҳур мутакаллим Саъдуддин ат-Тафтазонӣ 1367 йилда шарҳ ёзган. Нажмуддин ан-Насафӣнинг «Ақоид» асари Бухорода Субҳонқулихон даврида 1702 йили номаълум хаттот томонидан кўчирилган ва форс-тожик тилига таржима қилинган. Алломанинг ушбу асари калом илмига бағишланган бўлиб, «Кашфу-з-зунун» асарининг муаллифи Хожи Халифа ушбу асарни Абу-л-Муъин ан-Насафӣнинг «Табсирату-л-адилла» асарининг гўё фихристи каби, деб баҳолаган⁸⁵.

Шунингдек, аллома Қуръон илмига оид ҳам бир қанча асарлар ёзганлиги бизга маълум. Нажмуддин ан-Насафӣнинг Қуръон илмига оид «ал-Явоқит фи-л-мавоқит» (*«Қулай вақтлардаги Йаъқутлар»*), «Даллату-л-қорӣ» (*«Қорилар хатолари»*) ҳамда тасаввуфга оид «Рисолаи Нажмӣя» (*«Нажмиддин рисоласи»*) номли асарлари мавжуд бўлган⁸⁶.

Юқоридаги асарлардан фарқли равишда алломанинг «Китобу-л-қанд фи зикри уламои Самарқанд» номли таснифи унинг шоҳ асари ҳисобланади. Нажмуддин ан-Насафӣнинг ушбу асари қисқартирилган шаклда «ал-Қанд фи тарих Самарқанд» деб ҳам аталган.

Олимнинг ушбу асаридан ўрта асрлардаги кўплаб муаллифлар фойдаланганлар. Жумладан, Абу Саъд ас-Самъонӣ ҳам «Китобу-л-ансоб» номли кўп жилдли йирик асарини ёзишда ушбу асарга кўп маротаба мурожаат қилган. Самъонӣ ушбу асарга таяниб Самарқандда қорахонӣлар даврида яшаган 23 та олим ва шоирлар ҳақида маълумотлар келтирган⁸⁷.

⁸⁵ Хожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асамиъи-л-кутуб ва-л-фунун: II жилдли. – Истанбул: 1941-43. Ж.I. Б. 337.

⁸⁶ Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 123-124.

⁸⁷ Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансоб. – Б. 143.

Нажмуддин ан-Насафийнинг ушбу асари ҳақида қатор тадқиқотчилар турли ихтилофли фикрларни ҳам билдирганлар. Хусусан, рус олими В.В.Бартольд, алломанинг ушбу асарини унинг шогирди Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Самарқандий қисқартирилган ҳолда форсий тилига таржима қилган ва «Қандия-и Хурд» («Кичик қандия») номи билан атаган, деган хулосага келган⁸⁸. Тадқиқотчи Д.Раҳимжонов Нажмуддин ан-Насафийнинг ушбу асари устида илмий тадқиқотлар олиб бориб, айнан шу мавзуга бағишлаб ёзган мақоласида юқоридаги фикрнинг нотўғри эканини исботлаган⁸⁹. Д.Раҳимжоновнинг таъкидлашича, форс тилидаги «Қандия-и хурд» асарининг Насафийнинг «ал-Қанд фи маърифати уламои Самарқанд» асарига умуман алоқаси йўқдир. У ўз мақоласида бундай нотўғри хулосани В.В.Бартольд келтирганини айтади ва ўзининг ушбу фикрларга эътирозларини билдиради. Юқоридаги нотўғри хулосага 1907 йил Париждаги Франция миллий кутубхонаси томонидан боши ва охири йўқ, Мовароуннаҳр ҳадисчилари ҳақидаги биографик қомуснинг тўлиқ бўлмаган бир қўлёзма сотиб олинганидан сўнг чек қўйила бошланди.

Ушбу қўлёзма билан 1950 йилда А.Тўган ва Х.Питтер ҳамда 1953 йили Р.Фрай каби ғарб тадқиқотчилари танишиб чиқиб ўз мулоҳазаларини билдирганлар⁹⁰. Лекин ушбу тадқиқотчиларнинг фикрлари ҳам юқоридаги икки асарнинг алоҳида асар эканлиги ҳақидаги бир тўхтамга асос бўла олмади.

Орадан бир неча йиллар ўтгач, Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида Париж қўлёзмасига ўхшаш яна бир қўлёзма топилгандан сўнг бу соҳадаги тадқиқотлар яна жадаллашиб кетди. Ушбу қўлёзма билан Турк олими Фуат Сезгин яқиндан танишиб чикди ва у Насафий томонидан Абу-л-Аббос Жаъфар ал-Мустаффирийнинг «Тарих Самарқанд» номли биографик қомусига *зайл*

⁸⁸ Бартольд. В. Соч. Т. I. Б. 59-61.

⁸⁹ Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. – 1997. – № 3. – Б. 29.

⁹⁰ Қаранг: Тўган А. Tarihde Usul. – Istanbul: 1950. – Б. 207.

(давом) тарзида ёзилган «ал-Қанд фи тарих Самарқанд» номли асарнинг нусхаси, деган хулосага келди⁹¹.

Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг фикрларини ўрганиб Д.Раҳимжонов шундай хулосага келган: В.Бартольд «Китобу-л-қанд»нинг икки номи – «Қанд» ва «Қандия» ҳақидаги янглиш фикрни билдиради. Ваҳоланки, иккинчи номи «Самарқанд» сўзидан ясалган нисбий сифат бўлиб, «Китобу-л-қанд»га мутлақо алоқаси йўқ. Шунингдек, «Қандия-и хурд» «Мунтахаб Китоби-л-қанд»нинг форс тилига таржимаси эмас, балки Самарқанд тарихига бағишланган кўп сонли мустақил асарлардан биридир⁹².

Лекин сўнгги йилларда ушбу асар икки маротаба мукаммал равишда нашрдан чиқарилди. Энг аввал, 1991 йил Нажмуддин ан-Насафийнинг бу асари «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» номи билан Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёднинг «Мактабату-л-Кавсар» номли матбасида ватандошимиз Назар Муҳаммад ал-Фарйобий томонидан тадқиқ этилиб, нашр эттирилди. Иккинчи нашр эса, айнан шу ном билан 1999 йили Эроннинг пойтахти Техронда «Ойинаи мерос» номли нашриётда Юсуф ал-Ҳодий томонидан амалга оширилди. «Китобу-л-қанд»нинг сўнгги ушбу икки нашри ҳозирги вақтда кўплаб олимлар томонидан кенг қўламда илмий тадқиқотларда фойдаланилмоқда.

Машҳур энциклопедик олим, фақиҳ ва тарихчи Нажмуддин Умар ан-Насафий 460/1068 йилда туғилиб, 537/1142 йили вафот этган.

Насаф X-XI асрларда ҳадис, калом ва фикҳ илмлари бўйича Ўрта Осиёда йирик марказлардан бири сифатида санокли шаҳарлар қаторидан ўрин олган. Чунки, IX асрдаёқ Насаф ва ундан унча узоқ бўлмаган Пазда ва Кеш воҳаларида ҳадисшунослик мактаблари шакллана бошланган эди.

⁹¹ Сезгин Ф. *Geschichte des arabischen Schriftums*: T. I. – Leiden: 1967. – Б. 353. (Бундан кейин: Сезгин Ф. GAS.).

⁹² Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. – 1997. – № 3. – Б. 29.

Бу даврларда Ўрта Осиёда фикҳ илмини ўрганиш бўйича асосий марказлари Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф шаҳарлари деб ҳисобланган⁹³.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Насафий илмий фаолияти энг юксак чўққига кўтарилган паллада Мовароуннаҳрда қорахонийлар ва салжуқийлар ўртасидаги кескин курашлар икки фикҳий мазҳаб (ҳанафий ва шофиъий) уламоларининг ҳам ўрталаридаги мурасасизликка сабаб бўлган. Ўртадаги бу мурасасизликлар фикҳий масалаларда эмас, балки асосан ақидавий масалаларда тус олган эди. Ҳанафийлар, жумладан Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳам ўзларининг шайхлари куфалик Абу Ҳанифа ва самарқандлик Абу Мансур ал-Мотуридий фикрларини қўллаб қувватлар эдилар. Шофиъийлар эса, бу ҳудудда хали кенг тарқалмаган Абу Ҳасан ал-Ашъарийнинг таълимотини ёйишга ҳаракат қилар эдилар. Шофиъийларнинг Мовароуннаҳрда фаолият олиб боришлари салжуқийларнинг бу ўлкада тутган мавқелари билан узвий боғлиқ эди.

Шунингдек, XI-XII асарларда Мовароуннаҳрда илм-фан янада ривожланди ва кўплаб олимлар етишиб чиқдилар. Бу даврнинг яна бир муҳим томони шунда кўринадики, ислом динининг биргина йўналиши эмас, балки, унга тааллуқли кўплаб илмлар ривожланди. Чунки, бу даврда калом илми нуқтаи назаридан мотуридийа таълимоти шаклланди, фикҳ илми бўйича ҳам кўплаб фақиҳлар сулоалари вужудга келди. Шунингдек, ислом динининг тасаввуф, ҳадис, тафсир илми каби йўналишларда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Айниқса, бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро ва Насаф шаҳарларида юқоридаги илмлар жадал ривожланди. Юқорида келтирилган маълумотларга аҳамият берадиган бўлсак, номлари зикр этилган уламоларнинг барчаси ҳанафий бўлганлар. Демак, бу ўлкада ҳанафий мазҳаби азалдан шаклланиб борган ва ўзининг узоқ тарихига эга бўлган, деган хулосага келишимиз мумкин.

⁹³ Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб. – Б. 155.

1.2. Калом илми тарихи ва унинг Мовароуннахрга кириб келиши

«Калом» арабча сўз бўлиб, гап, нутқ, баён каби маъноларни англатади. Калом илми аслида ақоид илмининг исмларидан биридир. Чунки ақоид илми ўз тарихининг турли босқичларида шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб, бир неча номлар билан аталган. Дастлаб ислом илмларининг барчаси умумий тарзда «Исломий илмлар» ёки «Фикҳий илмлар» деб аталган. Сўнгра ундан турли илмлар (ҳадис, тафсир, фикҳ, тасаввуф, ақоид) ҳосил бўлиб, ислом динига хос илм сифатида эътироф этила бошлаган. Ақоид илми ҳам ўзининг ушбу номида барқарор қолгунча турли номлар билан аталиб турган.

Ақоид илми турли даврларда «ал-Фикҳу-л-акбар», «Илму-л-калом», «Усулу-д-дин», «Илму-т-тавҳид» ва ниҳоят сўнгги номи «Илму-л-ақоид» деган номлар билан аталган.

«Илму-л-калом» ақоиднинг энг машҳур исми ҳисобланиб, «ал-Фикҳу-л-акбар» исми билан бир асрда, яъни II/VIII асрда юзага келган. Чунки бу исм Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофиъий, Имом Молик ва бошқалардан ривоят қилинган⁹⁴.

Ҳозирги даврга келиб ғарб ва турк шарқшунослари ушбу илмга нисбатан «Илоҳиёт» ва «Теология» каби исмларни ишлатмоқдалар. Чунки кейинги асрларда ақоид илми тўртта таснифга бўлинган: 1. *Илоҳиёт*. Бунда Илоҳ ва У зотга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади; 2. *Нубувват*. Бунда ваҳий, пайғамбарлик, расуллар ва уларга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади; 3. *Кавниёт*. Бунда борлиқдаги мавжуд инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади; 4. *Самъиёт*. Бунда эшитиш билангина, яъни асосан нақлга таянилган ҳолда собит бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритилади. Булар асосан ғайб оламига тегишли масалалар ҳисобланади⁹⁵.

⁹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б. 8.

⁹⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Б. 66.

Ақоиднинг юқорида келтирилган номларига келсак, тарихда уларнинг барчасига тааллуқли асарлар битилган. Масалан, «ал-Фикху-л-акбар» номини биринчи бўлиб Абу Ҳанифа қўллаган ва шу ном билан ўзининг ақоид илмига оид машҳур асарини ёзган. «Усулу-д-дин» номини биринчи бўлиб қўллаган шахс Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий бўлган. Унинг «ал-Ибана ан усули-д-дийана» номли асари мавжуд бўлган. Ақоид илмининг ушбу номига яна Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг бизга маълум бўлган «Табсирату-л-адилла фий усули-д-дин» асарини ҳам мисол келтириш мумкин. Ақоиднинг «Илму-т-тавҳид» номини эса, биз бевосита Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид» асарида учратишимиз мумкин. «Илму-л-ақоид» номига эса Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий» номли асари ёрқин мисол бўла олади. Ақоиднинг мазкур номлари умумий тарзда «Илму-л-калом» деб аталган ва ушбу соҳа вакиллари «мутакаллим» номи билан эътироф этилган.

Калом илми вужудга келган дастлабки даврларда унга нисбатан салаф уламолари қарши чиққанлар ва ҳатто калом билан шуғулланган инсонни кофир даражасига ҳам чиқарганлар. Бунга сабаб, исломнинг илк даврларида ҳар қандай шаръий масаларни ечишда фақатгина Қуръон ва Сунна таълимотига суяниш зарур бўлган. Ақлий тафаккурга оид бўлган мантиқ, фалсафа каби фанлар куфроний ҳисобланиб, улар билан шуғулланиш қатъиян ман қилиб қўйилган эди. Калом илми эса, ақидавий масалаларни нақлий далиллар ҳисобланмиш Қуръон ва ҳадислар билан бир қаторда ақлий тафаккур ва баъзи ўринларда фалсафий ёндашувларни ўзида мужассам этган илм ҳисобланган. Шу боис дастлабки даврларда калом билан шуғулланган олимлар («мутакаллим») фақиҳ уламолар томонидан кескин танқидга учраганлар.

Бунга мисол қилиб калом илмини танқид қилган бир қанча фақиҳ уламоларнинг фикрларини келтириш мумкин: Абу Ҳанифа (Имом Аъзам)

шундай деган: «Амр ибн Убайдни худо урсин. Чунки калом илмига ўша эшик очиб берди»⁹⁶.

Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирди Абу Юсуф шундай деган: «Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир»⁹⁷.

Имом Шофиъий эса, калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: «Аҳли калом ҳақидаги менинг ҳукмим қуйидагича: Уларни дарахт пўслоғлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингизиб ўзларининг қабилаларига сазойи қилиш керак ва қабила аҳлларига, бундай жазо фақат Қуръон ва суннатни тарк этганларга берилур, деб жар солиш керак»⁹⁸.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас».

Абу-л-Лайс ал-Ҳофиз шундай деган: «Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташланади»⁹⁹.

Калом илмини танқид қилган олимлар, Қуръон ва ҳадисда ислом таълимоти, мафкураси, эътиқодий-назарий қарашлари муфасссал талқин этилган ва шунгача бўлган ҳар қандай диний, фалсафий, мантиқий ёки ақлий назариялар бекорчи нарсалардир, деган фикрларида қатъий туриб олганлар. Улар ислом динигача шаклланган юнон, форс ёки шарқ фалсафаси, шу жумладан калом илмидан воз кечишни маъқул деб билганлар. Чунки калом илмидан нақлий далилларни олиб ташласа, фалсафа илмига жуда яқин бўлиб қолар эди. Калом илмига нисбатан таъқиқ ва чекловлар ҳижратнинг иккинчи асригача давом этган.

Лекин, кейинги асрларга келиб ислом дини дунёнинг кўп мамлакат ва халқларига ёйилиши ва ислом мафкурасининг турли ноисломий мафкуралар билан тўқнашуви натижасида уларга раддия бериш муаммолари келиб чиқа бошлади. Чунки ислом ақидалари ва аҳкомларини уларга тушунтириш ва асослаб

⁹⁶ Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом ал-Бухорий сабоқлари журнали. – 2004. – № 4. – Б. 253.

⁹⁷ Албоний Муҳаммад Носируддин. Шарҳу-л-ақидати-т-Таҳовийа. – Байрут: ал-Мактабату-л-Исламийа, 1984. – Б. 75.

⁹⁸ Албоний. Ўша асар. – Б. 76.

⁹⁹ Мансур А. Ўша мақола. – Б. 254.

бериш учун оят ва ҳадисларнинг ўзи кифоя қилмас эди. Шунингдек, ислом динининг ўзида исломнинг соф ақидасига зид бўлган тоифа ва оқимлар ҳам пайдо бўла бошлаган эди. Бундай оқим ва тоифалар ўзларининг дунёқарашларида асосан калом, мантиқ, жадал, мунозара каби ақлий далил ва ҳужжатларга суянар эдилар. Бундай оқимларнинг энг пешқадамлари, шубҳасиз муътазилийлар эди. Улар ўзларининг ақидаларини тарғиб қилишда ҳатто тазйиқ ва куч ишлатиш усулларида ҳам фойдаланар эдилар. Бунга мисол қилиб, уларнинг энг ёрқин вакилларида Ибн Абу Довуднинг халифа Маъмунга «Қуръон махлуқдир» деган нотўғри ақидани барча мусулмонларга мажбуран сингдириш зарурлигини уқтиргани ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги тарихий вақеалар гувоҳ бўлади. Шунинг натижасида соф ақида тарафдорлари ўз мухолифларига фақат нақлий далиллар билан эмас, балки мазкур ақлий далилларни ўрганиш билан ҳам шуғулланишларига тўғри келган эди.

Шундай қилиб, аввал салаф уламолари томонидан ман қилинган калом илми ислом дунёсида ҳам кенг кўламда ўрганила бошланди ва бу фанда ҳам дунёга машҳур ислом мутафаккирлари, файласуфлари ва мутакаллимлари етишиб чиқди. Натижада мусулмон оламида калом илмида аҳли сунна ақидасига мувофиқ бўлган икки мазҳаб: Бағдодда «ашъарийа», Самарқандда «мотуридийа» мактаблари пайдо бўлди. Юқорида калом илмига нисбатан билдирилган қарши фикрлардан фарқли ўлароқ, ушбу икки аҳли сунна мактаби мутакаллимлари калом илмига нисбатан ўзларининг ижобий фикрларини билдира бошладилар.

Бундай олимларга мисол қилиб, мотуридийа мактабининг машҳур мутакаллими Абу-л-Йусур ал-Паздавийнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Калом илми фарзи айн бўлган усули-д-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқодлилардан ўрганиш мувоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир»¹⁰⁰.

¹⁰⁰ Ўзерварли М. Матъроdo kelim ekolъ ve başlica temsilcileri // Üsküdar. – İstanbul: 2000. – Б. 7.

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий ўзининг «Иҳйа улуми-д-дин» асарида калом илмига шундай таъриф берган: «Ҳаж зиёратига борувчиларни йўлтўсар, қароқчилардан ҳимоя қилиш учун уларни қўриқлаб борувчи соқчиларнинг шарт ҳисоблангани каби, чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир».

Саъдуддин ат-Тафтазоний (712/1312-791/1389 й.) ўзининг «Мақосиду-т-толибин» номли асарида калом илмига шундай шарҳ беради:

«Калом илми диний ақоид усуллари ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-уқубатдан халос топишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир».

Демак, II/VIII асрдан бошлаб калом илми яна ривожлана бошлади. Мовароуннаҳрда ислом дини кириб келишининг дастлабки йиллариданоқ калом илми ҳам пайдо бўлди. Бунда албатта, қўшни Хуросондаги баъзи сиёсий вазиятлар ҳам омил бўлди.

Тарихга назар ташласак, VIII аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва қўшни Хуросонда бошқа ҳудудларга нисбатан ислом динига кирувчиларнинг сони ортиб борар эди. 110/728 йил Хуросон валийси ал-Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий Мовароуннаҳр аҳолисини ҳам исломга кириш учун даъват қилишга қарор қилди. Унга ушбу вазифани бажариш учун Абу-с-Сайдо Солиҳ ибн Тарифни юборшни маслаҳат берадилар. Абу-с-Сайдо ал-Ашрасдан янги исломга кирганларни солиқ (*жизйа*) тўлашдан озод қилиш керак эканини талаб қилди унинг ваъдасини олгач, Самарқандга йўл олди¹⁰¹.

Жизйадан қутилиш учун кўплаб аҳоли ислом динига кира бошлади. Натижада маҳаллий аҳоли ислом динига янги кирган ғайридинлар давлат

¹⁰¹ Мўминов. Диссертация. – Б. 113.

солиғидан (*жизйа*) озод этилар эдилар. Бу эса давлат хазинасини ўйловчи юқори хукмрон доираларининг норозилигини келтириб чиқарар эди. Шу сабабли ушбу худудларда жон бошидан олинадиган солиқ масаласи ҳақида кўп мунозаралар бўлиб турган. Айниқса, илмсизлик натижасида янги мусулмонлар *жизйа* билан бир қаторда унга умуман алоқаси бўлмаган хирож солиғини ҳам тўлашдан бош торта бошладилар. Бу Хуросон ноибларининг норозилгини келтириб чиқарди. Чунки улар бундай даромаддан осонгина воз кечишни истамас эдилар.

Вазиятдан бохабар бўлган ал-Ашрас Самарқанд кўмондони ал-Ҳасан ибн Аби-л-Амаррата ал-Киндийга янги мусулмонларнинг исломга чиндан кирганлигини текшириш вазифасини топширди. Ал-Ашрас ҳар бир мусулмондан хирож солиғини олишга буйруқ бергач, янги мусулмонлар бунга норозилик билдириб, ўз ҳуқуқларини талаб қилиб ҳатто Дамашқдаги халифага шикоят қиладилар¹⁰².

Ҳар икки томоннинг далиллари чин мусулмон ҳисобланиб, *жизйа* солиғидан озод бўлиш учун қандай шартларни бажариш зарур, деган муаммога бориб тақалар эди. Бу муаммо эндиликда фақат сиёсий мазмунга эга бўлмай, балки «муъмин» тушунчасига қандай таъриф бериш керак, деган масала билан боғлиқ эди¹⁰³. Чунки Хуросон ноиблари ўз моддий манфаатлари йўлида имоннинг шартларини ниҳоятда мураккаблаштириб, ҳаттоки унинг ичига Қуръоннинг энг узун сураларидан бирини ёд олишлик шартларини ҳам киргизган эдилар. Бундай вазифа араб тилини яхши билмайдиган форс ва туркларда қийинчилик уйғотар эди. Натижада имон масаласи калом илми бўйича ҳал қилиниши талаб қилинар эди. Бу вазиятда янги мусулмонларга муржиъийлар ўзларининг ақидалари билан «ёрдам» берадилар. Улар имоннинг шартларини кўриб чиқиб, имон фақат тил билан иқрор ва қалб билан тасдиқ қилишдан иборат, деган ақидани илгари сурдилар.

¹⁰² Табарий Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. Тариху-р-русул ва-л-мулук. III жилдли. – Лейден: 1879-1901. Ж. II. Б. 15.

¹⁰³ Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима – Т.: Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2001. – Б.27.

Бунинг натижасида муржиъийлар ўз-ўзидан янги мусулмонлар муаммоларига дахлдор бўлиб қолдилар ва жизъа солиғига қарши курашаётган Мовароуннаҳр аҳолисига иттифоқдош ҳисобланиб қолдилар. Бу эса Хуросон маъмуриятининг муржиъийларга нисбатан кескин норозилигига сабаб бўлди.

Бу воқеалар жиддий тўқнашувларга олиб келди. 110/728-729 йили муржиъийлар бошчилигида биринчи кўзғолон амалга оширилди. Орадан олти йил ўтгач, Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида яна йирик исён бошланди. Исёнчилар узокни кўзловчи сиёсий мақсадни кўзда тутган бўлсаларда, ушбу исён бир томондан диний мазмунга ҳам алоқадор эди. Бунинг бошида эса, шубҳасиз муржиъийлар турар эдилар.

Мазкур исён 128/746 йили батамом боситирилди. Жизъа масаласи ҳам вақт ўтиши билан ўз долзарблигини йўқота бошлади. Лекин юқоридаги воқеалар натижасида муржиъийлар келажакда етакчи диний ҳаракат сифатида ўз мавқеларин анча мустаҳкамлаб олишга эришган эдилар.

Аммо муржиъийлар ҳаракати Моваруннаҳрда узок муддат сақланиб қолмади. Чунки ушбу ҳудудда муржиъийа вакиллари мустақил фикрлаш ва чуқур билимга эга эмас эдилар. Улар бирон бир масаланинг ечимини топишда қийналиб қолсалар, Ироққа, аниқроғи муржиъийлар маркази ҳисобланган Куфага йўл олар эдилар. Лекин Куфада муржиъийларга қарши бўлган Абу Ҳанифа¹⁰⁴ ўз даврининг энг ҳурматли олими ҳисобланар эди. Демак, муржиъийлар Куфада ўзларининг ақидавий қарашларида Абу Ҳанифадан қаршиликка учраганлар.

Бундай шароит Мавароуннаҳрда нафақат калом масаласида, балки умумий диний муҳит учун ҳам иккинчи босқични белгилаб берди. Мовароуннаҳрдан Куфага сафар қилган олимлар у ерда Абу Ҳанифанинг қарашларидан таъсирланиб ўз юртларига қайтар эдилар. Натижада Мовароуннаҳрда

¹⁰⁴ Баъзи манбаларда, айниқса ғарб тадқиқотчиларининг мақолаларида Абу Ҳанифа муржиъийлар тарафдори бўлган деган хулосага келинган. Бу фикр нотўғридир. Чунки Абу Ҳанифа «Рисала ила Усмон ал-Бустий» номли рисоласида муржиъийларга қарши чиққан. Чунки Усмон ал-Бустий Абу Ҳанифани муржиъийлардан деб ҳисоблаган.

муржиъийлар таълимоти аста йўқолиб, Абу Ҳанифа таъсирида шаклланган таълимот сингиб кира бошлади.

III/IX асрга келиб эса, Мовароуннахрнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги диний муҳит бутунлай ҳанафийлашиб бўлган эди. Шу тариқа Мовароуннахр ва Хуросонда имон масаласи муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ҳанафий мазҳабига мансуб олимларнинг VIII-X асрдаги фаолиятларида калом масалалари асосий ўринни эгаллади¹⁰⁵.

Бундай вазият кейинги асрларга келиб Мовароуннахрда ҳоҳ фикҳий масалаларда, ҳоҳ ақидавий таълимотда куфалик Имом Абу Ҳанифанинг йўлини тутган қатор уламоларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, биз тадқиқотимизнинг юқори бетларида зикр қилган ва кейинги бетларида келадиган мовароуннахрлик олимларнинг барчаси «ҳанафий фақиҳлари» деб аталар эдилар.

Демак, Мовароуннахрда калом илмининг шаклланишига II/VIII асрдаги сиёсий вазиятлар сабаб бўлган. Сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб фаолият олиб борган муржиъийлар ушбу ҳудудда «имон» масаласини ҳал қилиш орқали калом илмининг дастлабки ривожланиш босқичларини белгилаб бердилар. Лекин кейинги даврларда муржиъийлар фаолияти умуман йўқолиб кетди. Мовароуннахрда кейинги асрларда калом илмининг ривожига Абу Ҳанифанинг ақидавий фикрларини маҳкам тутган ҳанафий уламоларидан Аҳмад ибн Исҳоқ Абу Бакр ал-Жузжоний (III/IX аср), Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон ал-Жузжоний, Абу Наср ал-Иёдий ҳамда Абу Мансур ал-Мотуридий (в. 333/944-45 й.) каби олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

¹⁰⁵ Қаранг: Мўминов А. Мовароуннахр ҳанафий фикҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000. – № 1. – Б. 88-91.

1.3. Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ҳақида

Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ҳақида табақот шаклида ёзилган бир қанча китобларда маълумот бериб ўтилган. Лекин ушбу китоблардаги маълумотлар алломанинг фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишимиз учун имкон бермайди. Чунки, ушбу китоблардаги маълумотларнинг деярли барчаси бир-хил бўлиб, улар бир-биридан кўчирилганлигини кўрсатади.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида Ибн Аби-л-Вафо ал-Қураший (в. 775/1373 й.), Ибн Қутлубуғо (в. 879/1474 й.), Тошкўбризода (в. 990/1582 й.), Ҳожи Халифа (в. 1067/1657 й.) ва Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий (в. 1304/1886 й.) каби олимлар ўз асарларида қисқача тўхталиб ўтганлар.

Юқоридаги олимлар ўз асарларида унинг тўлиқ исмини Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаид ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий ал-Макхулий деб келтирганлар¹⁰⁶.

Алломанинг юқоридаги номлар тартиби билан аталишидан қатъий назар, унинг исми табақот шаклидаги адабиётларда бир қанча ихтилофли ҳолда берилган. Масалан, барча китобларда унинг иккинчи бобоси «Муътаид», ёки «ал-Муътаид» деб номланган. Лекин Ибн Қутлубуғо унинг бобоси номини «Саъид»¹⁰⁷ деб, Хайруддин аз-Зириклий эса, «Муъбад» деб атаган¹⁰⁸.

Тарихчи ал-Кафавий алломанинг исмини Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Муътаид ибн Аҳмад¹⁰⁹, деб атайди.

¹⁰⁶ Қаранг: Тамимий Ал-Мавло Такийуддин Абдулқодир. Ат-Табақоту-с-санийа фи тарожими-л-ханафийа. IV жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳилв нашри. – Дору-р-Рифоъий, 1983. Ж. IV. Б. 513; Ибн Қутлубуғо ал-Қосим ибн Абдуллоҳ ас-Судунӣ. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ханафийа. – Leipzig: Flugel, 1862. – Б. 78; Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳиру-л-мудийа фи табақоти-л-ханафийа. 2 жилдли. – Хайдаробод: 1332/1913. Ж. II. Б.189; Бағдодий Исмоил Поша. Ҳадийату-л-орифин. II жилдли. – Истанбул: 1951-1955. Ж. II. Б. 487.

¹⁰⁷ Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 78.

¹⁰⁸ Зириклий Хайруддин. Ал-Аълом. VIII жилдли. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 1998. Ж. VII. Б. 341.

¹⁰⁹ Ал-Кафавий Маҳмуд ибн Сулаймон. Катаибу аълами-л-аҳйар мин фуқаҳои мазҳаби-н-Нуъмон ал-Мухтор. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 2929. – В. 196.

Абу-л-Муъин ан-Насафий яна «ал-Макхулий» нисбаси билан ҳам аталган. Бу унинг бобоси исмидан олинганлиги аёндыр. Шуниндек, у бир қанча лақаблар билан ҳам аталган. Масалан, аллома «ал-Имому-л-ажал аз-зоҳид» (*Зоҳид ва улуг имом*), «ал-Фақиҳу-л-ҳанафий ва сайфу-л-ҳаққ» (*Ҳанафий фақиҳи ва ҳақ (Аллоҳ) қиличи*), «Жомиъу-л-усул» (*Усуллар жамловчи*) ва «Раис аҳли сунна ва-л-жамоъа» (*Аҳли сунна вал жамоъа раиси*) каби номлар билан аталган. Бу номларни асосан биз алломанинг китоблари бошланишида учратишимиз мумкин. Унинг асарларини кўчирган хаттотлар «Қола . . .» (*Яъни, ... айтади*), деб кетидан юқоридаги номлар билан алломани сифатлаганлар.

Лекин Самъоний Абу-л-Муъинга нисбатан «ал-Ибсаний» нисбасини ҳам кўшиб атайди¹¹⁰. Самъоний Ибсан қишлоғини Қарши шаҳридан бир фарсах (тахминан, 5-6 км.) узоқликда жойлашганлигини таъкидлайди¹¹¹. Бундан Абу-л-Муъин ан-Насафий ушбу қишлоқда таваллуд топганлиги маълум бўлади.

Алломанинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари ҳақида ҳам бир қанча ихтилофлар мавжуддир. Зириклий унинг туғилган йилини ҳижрий 418 (милодий 1027) деб кўрсатади¹¹². Алломанинг «Табсирату-л-адилла» асарини нашрга тайёрлаган туркиялик олим Ҳусайн Отай Абу-л-Муъин ан-Насафий таваллуд санасини ҳижрий 438 йил, милодий 1046 йил деб кўрсатади¹¹³. Ҳусайн Отайнинг шогирди, яна бир туркиялик олим Мустафо Сайид Язичиўғли алломанинг туғилган ва вафот этган йилларини 417-508/1026-1115 йиллар¹¹⁴, деб белгилайди. Аммо замонамиз бошқа тадқиқотчилари якуний хулосага келиб, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг вафот этган йилини ҳижрий 508, милодий 1114 йил, деб чекланадилар ва унинг таваллуд топган йили ҳақида кўпинча маълумот бермайдилар. Лекин Ибн Қутлубуғо аллома 508 ҳижрий йили Зу-л-ҳижжа

¹¹⁰ Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий Ал-Ансоб. V жилдли. Абдуллох Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-фикр, 1419/1998. Ж. II. Б. 396.

¹¹¹ Самъоний. Ўша асар. Ўша жойда.

¹¹² Зириклий. Ал-Аълом. Ж.VII. Б. 341.

¹¹³ Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Тасбирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашри. - Анкара: 1993. ЖI. Б. 7.

¹¹⁴ Язичиўғли М. Maturidi kelim ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l - Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – Б. 289.

ойининг йигирма бешинчи куни етмиш ёшида вафот этганлигини таъкидлайди¹¹⁵. Ибн Қутлубуғонинг ушбу маълумоти билан биз «Табсирату-л-адилла» асарининг Мисрнинг Искандария кутубхонасида 4406 (301) рақам билан сақланаётган қўлёзмасида Насафийнинг ҳижрий 508 йил 70 ёшда вафот этган, деган маълумотларига таяниб, аллома 436/1046 йил таваллуд топган ва 508/1114 йил 3у-л-ҳижжа ойининг 25 куни (21 май) вафот этган деган хулосага келдик.

Ҳозирги вақтда Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг қабри Қарши шаҳридан унча узоқ бўлмаган Қарши туманининг Қовчин қишлоғида жойлашган мақбара деб тахмин қилинмоқда. Ушбу мақбара ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли томонидан табаррук зиёратгоҳлардан бири сифатида қадрланиб келинмоқда¹¹⁶. Лекин ушбу мақбарани аниқ Абу-л-Муъин Насафийники деган хулосага келиш учун мақбарани тадқиқ қилиш лозим. Чунки мақбарадаги қабр тошига ёзилган хат йиллар давомида ўзининг асл шаклини йўқотган ва уни ўқиб тушуниш мушкулдир. Шунинг учун ушбу мақбара насафлик яна бир олим Абу-л-Муъаййад ан-Насафийники бўлиши ҳам мумкин.

Самъонийнинг «ал-Ансоб» асарини тадқиқ қилган замондошимиз Ш.Камалиддинов ҳам ўз диссертациясида Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида маълумот келтиради. Тадқиқотчи Самъонийга таяниб алломанинг исмини Маймун ибн Аҳмад ал-Ибсаний, Абу-л-Муъин деб кўрсатади ва уни Насафдан 1 фарсах (6-7 км.) узоқликдаги Ибсан қишлоғидан етишиб чиққан муҳаддис сифатида эътироф этади. Сўнгра тадқиқотчи Абу-л-Муъинни Юсуф ибн Аби Бакр ал-Ибсанийнинг жияни эканлигини таъкидлайди¹¹⁷. Лекин биз Абу-л-Муъингача бўлган насафийлар сулоласи орасида ушбу номни учратмаймиз.

¹¹⁵ Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 78.

¹¹⁶ Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш илмий маркази» 2002 йил мазкур мақбара тарихига бағишланган «Ҳазрати Имом Муъийн зиёратгоҳи» номли рисоли нашрдан чиқарди. Ушбу рисолада мақбара тарихи ва унинг атрофидаги иншоотлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Қаранг: Ҳолиёров И, Шароф Ш. Ҳазрати Имом Муъийн зиёратгоҳи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

¹¹⁷ Камалиддинов Ш. Китаб ал-ансаб Абу Саъда Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии: Дис. ... канд. ист. наук. – Т.: Инс. Вост. АНУз. 1988. Приложение. Т. IV. раз. Хадисоведы. Биогр. 1060. – Б. 851.

Аммо Ш.Камолиддинов Юсуф ибн Аби Бакр ал-Ибсаний ҳақида ҳам алоҳида маълумот келтиради. Шундан сўнгра юқоридаги чигаллик бироз ўз ечимини топган бўлади. Ш.Камолиддинов Юсуф ибн Аби Бакрнинг таваллуд саналарини 478/1085-552/1157 йиллар деб кўрсатади. Унинг маълумотларига кўра, Юсуф ибн Аби Бакр ҳам муҳаддис бўлган ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Баладийдан таълим олган. Шунингдек, Самъоний ундан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомиъу-с-саҳиҳ» асаридан 11 ҳадисни ривоят қилган. Юсуф ибн Аби Бакр Самъонийга ушбу ҳадисларни Абу Бакр ал-Баладийдан ривоят қилган. Шунингдек, Самъоний ундан Ал-Азракийнинг «Китоб ахбори Макка» асарини ҳам ўрганган¹¹⁸.

Юсуф ибн Аби Бакрнинг яшаган санасига аҳамият берсак, у Абу-л-Муъиндан 43 йил кейин вафот этганлигини ва ундан ёш жиҳатидан анча кичик бўлганини англашимиз мумкин. Бундан аён бўладики, Абу-л-Муъин ан-Насафий Юсуф ибн Аби Бакрнинг жияни, деган фикр нотўғри ва аксинча, Юсуф ибн Аби Бакр Абу-л-Муъиннинг жияни бўлган деган эҳтимол пайдо бўлади.

Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, у дастлабки таълимни она шаҳри Насафда эгаллаб, сўнгра илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Самарқандга кўчиб ўтганлиги ва сиёсий вазиятлар таъсири остида Самарқанддан Бухорога кўчиб ўтганлиги аниқланди. Насафийнинг илмий фаолияти давомида бошқа ўлкаларга сафар қилганлиги манбаларда деярли учрамайди. Лекин алломанинг «ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид» асари ношири Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмаднинг маълумот беришича, Насафий Дамашқда Али ибн ал-Ҳусайн Муҳаммад ал-Балхий ас-Сакалкандийга ҳадис илмидан сабоқ берган¹¹⁹. Бундан биз Насафийни Дамашқда ҳам илмий сафарда бўлган, деган тахминга келишимиз мумкин. Насафий «Табсирату-л-адилла» асарини 500/1106 йили Бухорода ёзиб тугатганидан, у Бухорода анча вақт муқим қолган деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо

¹¹⁸ Камалиддинов Ш. Ўша тадқиқот. Приложение 12. Т. I. Б. 396.

¹¹⁹ Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашри. – Миср: Дорут-т-тибаъа ал-муҳаммадийа, 1986. – Б.34.

унинг қабри Қаршига яқин жойда жойлашган деган тахмин, Абу-л-Муъин ҳаётининг сўнгги йилларини она юрти Насафда ўтказганидан далолат беради.

Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз даврининг машҳур мутакаллим олими бўлган ва Самарқанддаги ҳанафий калом мактабининг йирик вакили Абу Мансур ал-Мотуридийдан (в. 333/944 й.) сўнг шу мактабнинг пешқадам вакили ҳисобланган. Насафийлар сулоласидан уч авлод кейин етишиб чиққан ушбу алломани Мотуридийа таълимотининг энг машҳур ва етук давомчиси, деб ҳисоблаш мумкин¹²⁰. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий-маънавий меросини яқиндан ўрганган тадқиқотчилар унинг ижодига юксак баҳо берганлар ва Мотуридийдан кейин ушбу мактаб тақдирининг ҳал қилинишида беқиёс хизмат кўрсатган мутакаллим олим сифатида эътироф этганлар.

Мотуридийа калом мактабининг йирик вакили Абу-л-Муъин ан-Насафий нафақат калом илмининг алломаси, балки ўз даврининг фақиҳи ва усулчи олими сифатида ҳам шуҳрат қозонган улуғ сиймолардан биридир¹²¹.

Афсуски, ушбу алломанинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳозирча юртимизда кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Туркиялик каломшунос олим профессор Ҳ.Отай: «Мотуридийа таълимотининг энг машҳур мутакаллим олими Абу-л-Муъин ан-Насафийдан кейин унинг йўлида ва тизимида у каби шахс ҳали етишиб чиқмаган»¹²², – деб алломанинг илмий меросига юксак баҳо беради. Мотуридийнинг «Тавҳид» асарини нашрга тайёрлаган тадқиқотчи Фатхуллоҳ Хулайф ҳам, мотуридийа калом мактабининг ривожига ҳеч ким Абу-л-Муъин ан-Насафийдек катта хизмат кўрсатмаган, ашъарийа мактабини Боқиллоний ва Ғаззолийсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, мотуридийани ҳам Абу-л-Муъинсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди¹²³, – деб унинг илмий меросини алоҳида қадрлаган. Алломанинг шаънига ва у қолдирган

¹²⁰ Рудольф. Ал-Матуриди. – Б. 58.

¹²¹ Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий ҳаёти ва мероси. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 3.

¹²² Отай Ҳ. Fahreddin Rvzî'nin kelam ilmindeki yeri. Фаҳруддин ар-Розийнинг «ал-Муфассал» асарининг туркча таржимасига ёзилган кириш сўзи: Kelvma girie. – Ankara: 1978. – Б. 3.

¹²³ Мотуридий Абу Мансур. Китобу-т-тавҳид / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактабат-ул-исломийа, 1979. – Б.5.

бой илмий меросига бундай мақтовларни билдирган яна кўплаб тадқиқотчи олимларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Абу-л-Муъин ан-Насафий Насафда туғилиб вояга етгач, дастлабки билимларни ўз оиласида, хусусан отаси Муҳаммад ал-Макхулдан олганлиги ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Сўнгра Абу-л-Муъин ан-Насафий Самарқандда ҳам узоқ йиллар илмий фаолият олиб борган ва ўз асарлари билан мотуридийа калом мактабининг ривожланишида ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Абу-л-Йуср ал-Паздавий, Фахру-л-ислом Абу-л-Ҳасан ал-Паздавий ва Абу-л-Муъин ан-Насафийдан иборат олимлар гуруҳи дастлаб Самарқандда, сўнгра Бухорода самарали илмий фаолият олиб борганлар.

Насафий илмий меросини тадқиқ этган олимлар унга нисбатан турлича ёндошганлар. Биз Насафийни мотуридийа таълимотининг вакили сифатида эътироф этамиз. Лекин Абу-л-Муъин ан-Насафийни баъзи олимлар нафақат мутакаллим, балки муҳаддис ёки фақиҳ сифатида ҳам таъкидлаганлар. Масалан, Самъоний алломани Ибсан қишлоғидан етишиб чиққан муҳаддис, деб таърифлаган. Шунингдек, Юсуф Зиё Кавакчи¹²⁴ ҳамда Бағдодий¹²⁵ каби комусшунос олимлар эса Абу-л-Муъин ан-Насафийни фақиҳ деб атаганлар.

Лекин, айтилиши вақтда Насафийни фақат мутакаллим олим сифатида тан оладиган тадқиқотчилар ҳам мавжуд. Турк каломшунос олими М.С.Язичиўғли Насафийга нисбатан «фақиҳ» нисбасини ишлатилишига кескин қарши чиқади¹²⁶. Язичиўғли Кавакчи ва Бағдодийларни Насафийни фақиҳ деб атаганларига урғу бериб, уларнинг бу фикрларини рад этади. Унинг фикрича, юқоридаги каби айрим манбаларда Насафийни фақиҳ деб аталишига аш-Шайбонийнинг (в. 187/802 й.) «ал-Жомиъу-л-кабир» асарига ёзилган «Шарҳу-л-жомиъи-л-кабир»

¹²⁴ Кавакчи Ю. XI ve XII asirlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: 1976. – Б. 75-76.

¹²⁵ Бағдодий. Ҳадийату-л-орифин. Ж. II. Б. 487.

¹²⁶ Язичиўғли М. Maturidi kalam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – Б. 289.

асари сабаб бўлган. Ҳақиқатан, кўпчилик манбаларда бу асар Насафийга мансуб эканлиги қайд этилган¹²⁷.

Язичиўғли бу асарни Насафийга тегишли эканлигини инкор этади. Унинг фикрича, К.Броккельман ҳам «Шарҳу-л-Жомиъи-л-кабир»ни Насафийга тегишли эканлигига шубҳа билан қараганлиги учун ҳам, унинг асарларини зикр қилганида бу китоб номини тилга олмайди.

Язичиўғли, Алоуддин ан-Насафий номли олимнинг «ал-Жомиъу-л-кабир»га шарҳ ёзганини ва бу асарни нашр қилдирган бир тадқиқотчининг эса, Ибн Аби-л-Вафонинг «ал-Жавоҳиру-л-мудийа» асаридаги маълумотга таяниб¹²⁸, бу асарни Насафийга тегишли, деган хулосага келганлигини таъкидлайди¹²⁹.

Язичиўғли ўз фикрларини хулоса қилиб, «Шарҳу-л-жомиъи-л-кабир»ни Абу-л-Муъин ан-Насафий ёзганлигига ҳеч қандай асосли далил йўқлигини ва бу асарни Насафий номли бошқа бир олим ёзганлигининг эҳтимоли кўпроқдир, деган тўхтамга келади. Язичиўғли ўз фикрларини хулоса қилиб, «Насафийнинг каломга оид китоблари қўлимизда турган экан, қандайдир манбаларда уни «фақиҳ» деб таърифланган гапларга аҳамият бермаслик керак», – дейди. У ўз фикрининг исботи учун Балх ҳанафий уламолари билан боғлиқ анчагина маълумотларни ўз ичига олган китоб муаллифи Абдуллатиф Мударрис «ал-Жомиъу-л-кабир» асарини ва унинг баъзи шарҳларини зикр қилган бўлсада, Абу-л-Муъин ан-Насафийга оид биронта шарҳни айтмаганлигин таъкидлайди¹³⁰. Шу тариқа Язичиўғли Насафийга нисбатан “фақиҳ” нисбасини ишлатилишига кескин қаршилик билдиради.

Бизнинг фикримизча, Язичиўғли каби, алломанинг илмий меросига нисбатан бир томонлама ёндошиш нотўғридир. Тўғри, айнаи дамда қўлимизда Насафийнинг биронта ҳам фикҳга оид асари йўқ. Лекин унинг асарларининг

¹²⁷ Насафий ҳақида маълумотлар келган кўпгина асарларда бу асар зикр қилинади: Бағдодий. Ҳадийату-л-орифин. Ж. II. Б. 487; Кураший. Ал-Жавоҳиру-л-мудийа. Ж. II. Б. 189; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунжн. Ж. I. Б. 570.

¹²⁸ Кураший. Ўша асар. II/189.

¹²⁹ Язичиўғли. Maturidi kelam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi. – Б. 289.

¹³⁰ Қаранг: Мударрис Муҳаммад Муҳрус Абдуллатиф. Машойиху Балх мина-л-ҳанафийа ва ма инфарада бихи мина-л-масоили-л-фикҳийа. II жилдли. – Бағдод: ад-Дору-л-арабийа ли-т-тибаъа, 1978-1979. Ж. I. Б. 106.

барчаси ҳали кашф қилинмаганини унутмаслик керак. Шунингдек, Насафийнинг энг яқин шогирди Алоуддин ас-Самарқандий машҳур фақиҳ бўлганлигини ҳам ёдда тутишимиз керак. Чунончи, Алоуддин ас-Самарқандий асосан фикҳга оид «Тухфату-л-фуқаҳо» асарини ёзишда ўз устози Насафийдан тегишли маслаҳатлар олганлиги табиийдир. Шунини яна алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳанафий мазҳабида яна бир машҳур фақиҳ олим Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳам алломанинг «Табсирату-л-адилла» асарини ривоят қилган¹³¹. Масалан, Абу Ҳанифа ҳам машҳур фақиҳ олим сифатида эътироф этилсада, унинг фикҳ илмига оид махсус асарлари ҳақида ҳозирги кунгача маълумотлар йўқдир. Демак, Язичиўғлининг даъвосига кўра, Абу Ҳанифани ҳам фақиҳ бўлмаган деган хулосага келиш керак бўлиб қолади. Насафийнинг кўплаб шогирдлари нафақат калом, балки фикҳ соҳасида ҳам ижод қилганлар. Демак, алломани фақиҳ нисбаси билан ҳам аташимиз мумкин бўлади. Унинг айни дамда фикҳга оид асарларининг мавжуд эмаслиги Насафийни фикҳ билан шуғулланмаган, деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам Юсуф Зиё Кавакжи Мовароуннаҳр фақиҳларининг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган асарида Абу-л-Муъин ан-Насафийга ҳам алоҳида жой ажратган. Бу ерда яна бир масала борки, ўша даврларда диний уламоларнинг аксарияти “фақиҳ” нисбаси билан аталиши анъана бўлган.

Самъонийнинг Насафийга нисбатан «муҳаддис» нисбасини қўллаганига келсак, Абу-л-Муъиннинг шогирдларидан бири Али ибн ал-Ҳусайн ас-Сақалқандийни Дамашқда ундан ҳадис ривоят қилганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Демак, Самъоний Абу-л-Муъин ан-Насафийни муҳаддис деб атаганига ҳам эътироз билдириб бўлмайди. Юқоридаги маълумотлардан шу нарсга аён бўладики, Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз даврида жумҳур уламолар оарсида “фақиҳ” нисбаси билан эҳтиром билан аталиб келинган.

¹³¹ Қаранг: Мазкур китоб: Илова 3.

1.4. Абу-л-Муъин ан-Насафий устоз ва шогирдлари

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг устозлари ҳам ҳанафий калом мактабининг йирик вакиллари бўлганлар. Олмон олими Й.Шахтнинг тузган тартибига биноан, Абу-л-Муъин ан-Насафий устозларининг кетма-кетлиги Абу Бакр ал-Жузжоний орқали Абу Сулаймон ал-Жузжоний билан бирлашади ва у орқали Имом Абу Ханифа билан боғланиб, тартиб якунланади.

Тартибга кўра, асосий боғланиш тугунлари Балх фақиҳлари Абу Сулаймон ал-Жузжоний ва унинг шогирди Абу Бакр ал-Жузжонийда туташади. Й.Шахт ўзи тузган тартибдаги олимларнинг аксарияти Балхдан эканлиги ва ҳанафий таълимоти кўпроқ Балх орқали Мовароуннахр, аниқроғи Самарқандга кириб келганини таъкидлайди ҳамда ўша пайтда Хуросон ва Хоразмда ҳанафий бўлмаган мазҳаб ва оқимларнинг таъсири кучли бўлган деган хулосага келади¹³². Лекин Шахт бу ерда яна бир машҳур ҳанафий фақиҳи Абу Ҳафс ал-Кабирни тушириб қолдирган. Ушбу фақиҳнинг Мовароуннахрда ҳанафий мазҳабининг ривожигаги ўрни катта бўлган. Абу Ҳафс ал-Кабир асли бухоролик бўлиб, юқорида номи зикр этилган Абу Сулаймон ал-Жузжонийга қадар Бухорода ҳанафий мазҳабини тарқалишида катта хизмат қилган. Тарихий манбаларда Абу Сулаймон ал-Жузжоний асосан Балхда эмас, балки Самарқандда қолиб ҳанафий мазҳабини тарқатгани ҳақидаги маълумотлар учрайди. Демак, Й.Шахтнинг ҳанафий таълимоти кўпроқ Балх орқали Мовароуннахр, аниқроғи Самарқандга кириб келган, деган фикри нотўғридир.

Й.Шахт Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг устозлар тартибини икки шаклда тузиб чиққан¹³³. Й.Шахтнинг тузган биринчи тартибига кўра, бизга Насафий дастлабки илмларни ота-бобосидан олганлиги яққол намоён бўлади. Лекин ушбу тартибда Абу-л-Муъин билан унинг катта бобоси Абу Мутиъ ан-Насафий

¹³² Шахт Й. Theology and Law in Islam / Ed. G. E. von Grunebaum. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1971. – Б. 1.

¹³³ Қаранг: Мазкур китоб: Илова 1.

ўртасида узилиш бўлиб қолган. Й.Шахт Насафий устозларининг яна бир тартибини тузиб чиққанки, бу тартиб энди Имом Абу Ҳанифадан бошланиб алломага унинг бобоси орқали эмас, балки бошқа устозлари орқали етиб келади¹³⁴. Ушбу тартибдан ўрин олган олимлар орасида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг номини алоҳида кўрсатиш жоиздир. Чунки ушбу аллома Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг энг буюк ва асосий маънавий устози ва шайхи ҳисобланган¹³⁵.

Юқоридаги Й.Шахт тузган икки тартибга биноан аллома дастлабки илмларини ўз оиласида, яъни боболари ва отасидан олганлигини англаб олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан унинг оиласи зиёли оила бўлганлиги бизга маълум бўлади ва ушбу оиланинг ҳар бир вакилини «Насафийлар сулоласи вакили», деб аташимиз мумкин. Тадқиқотимизда ушбу сулоланинг дастлабки вакили бўлмиш Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий ҳақида ҳам маълумот берамиз.

Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий

Насафийлар сулоласининг дастлабки вакили, Абу-л-Муъиннинг энг катта бобоси Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл ан-Насафий (в. 318/930 й.) ҳисобланиб, ўз даврининг кўзга кўринган оимларидан ҳисобланган ва ушбу сулоланинг асосчиси бўлган. Унинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул ҳам таниқли олим бўлиб, ҳанафийлар орасида катта обрў қозонган эди. Лекин, шунга қарамай, у отаси даражасида шуҳрат топмаган эди¹³⁶. Унинг набираси Аҳмад ал-Макхулий (379/989 й. Бухорода вафот этган)¹³⁷ ва жияни Абу-л-Маъолий Муътамид ан-

¹³⁴ Қаранг: Мазкур китоб: Илова 2.

¹³⁵ Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида китобимизнинг кейинги бобида тўхталиб ўтамиз.

¹³⁶ Қураший. Жавоҳир. Ж. II. Б. 134.

¹³⁷ Жавоҳир. Ж. II. Б. 121.

Насафий ал-Макхулий (в. X асрнинг 2-ярми) ҳам ҳанафий олимлар ўртасида муайян обрўга эга бўлган¹³⁸.

Абу-л-Муъиннинг катта бобосидан кейинги авлодлари томонидан бирон-бир асар ёзилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин Насафийнинг бобоси Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий (в. 318/930 й.) ўз даврида машҳур мутакаллим, фақиҳ, ҳадисшунос ва мутасаввиф бўлган¹³⁹. У Яҳйо ибн Муъознинг (в. 258/871 й.) шогирди бўлган ва карромийа йўналишининг асосчиси Абу Али Муҳаммад ибн Карром (в. 255/869 й.) билан бир даврда яшаган¹⁴⁰.

Макхул ан-Насафий ҳақидаги маълумотлар келтирилган манбаларда унинг «Китоб фи-т-тасаввуф» ва «Китобу-р-радд ала аҳли-л-бидъа ва-л-аҳва»¹⁴¹ дан ташқари яна «Китобу-л-луълиёт» ва «Китобу-ш-шуъо»¹⁴² каби асарлар ёзганлиги таъкидланади. Фуад Сезгин «Китоб фи фазли Субҳон Аллоҳ» номли асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди¹⁴³.

Макхул ан-Насафий ўз даврида калом илми ривожига асосий ўринлардан бирини эгаллаган бўлсада, қўлёзма манбаларда унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам учрайди. Манбаларда унинг 318/930 йилда вафот этганлиги қайд этилган¹⁴⁴.

Юқорида ушбу алломага тегишли бўлган бир қанча асарларни санаб ўтдик. Лекин олмон тадқиқотчиси У.Рудольф Макхулнинг бизгача атига учта асари сақланиб қолганлигини таъкидлайди ва асосан унинг «Китобу-р-радд» номли асари ҳақида кўпроқ маълумот беради¹⁴⁵.

У.Рудольф дастлаб Макхулнинг «Китобу-ш-шуъо» асари ҳақида тўхталади. Қайд этилишича, ушбу асар қўлёзма ҳолатида бўлиб, ҳанафий фикҳига бағишлаб

¹³⁸ Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Перевод с немецкого языка. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – Б. 58.

¹³⁹ Сезгин Ф. GAS. Ж 1. Б. 601-602; Броккельман GAL. Ж. I. Б. 357-358; Яна қаранг: Қураший. Жавахир. Ж. II. Б. 180; Массиньон Л. Essai sur les Origines de Lezique Technique de la Mustique Musulmane // Paris: 1922. – Б. 241.

¹⁴⁰ Броккельман. GAL. S.Ж. I. Б. 357, 358; Яна қаранг: Массиньон Л. Essai. – Б. 241.

¹⁴¹ Сезгин Ф. GAS. Ўша жой; Броккельман. GAL. Ўша жой.

¹⁴² Лакнавий . Ал-Фавоиду-л-баҳийа фи тарожими-л-ҳанафийа. 2 жилдли. – Қоҳира: 1324/1906. Ж. II. Б. 216.

¹⁴³ Сезгин Ф. GAS. Ж 1. Б. 602.

¹⁴⁴ Рудольф. Ал-Мотуридий. (ўзб. тил. тарж.). – Б. 94. Бунда Рудольф Макхулнинг устозини Имрон ибн ал-Аббос ибн Мусо ал-Мисноний деб кўрсатади. Мисноний учун қаранг: Ёкут. Муъжаму-л-булдон. Ж. IV. Б. 533.

¹⁴⁵ Рудольф. Ал-Мотуридий. (ўзб. тил. тарж.). – Б. 94-111.

ёзилган. Унда Макхул намоз уқиш тартибидаги ихтилофли бир масала ҳақида сўз юритади. Бу билан у фикҳ мактаблари ўртасидаги мунозарали масалага қўл уриб, унга шу даражада қизгин тус берадики, бу мунозара ҳатто VIII/XIV асрда ҳам давом этади¹⁴⁶.

Макхулнинг қўлёзма шаклида етиб келган яна бир асари «Китобу-л-луълиёт» рисоласи бўлиб, у алломанинг олдинги асаридан фарқли ўлароқ панд насихат тарзида ёзилган асар ҳисобланади¹⁴⁷. Бу ерда Аллоҳга манзур бўлишлик, зоҳидлик ҳақида гап боради, диёнатли ҳаёт кечириш учун нималарга амал қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилади.

Макхулнинг «Китобу-р-радд ала аҳли-л-бидъа ва-л-аҳва» номли учинчи рисоласи бевосита калом илмига алоқадор бўлиб, кенг шуҳрат топган. Ушбу асар калом илми тарихида алоҳида ўрин эгаллаган, унинг пойдеворини ташкил этган қимматли асарлардан ҳисобланади¹⁴⁸.

Энг қизиғи шундаки, Макхул фикҳий масалаларда шубҳасиз ҳанафий мазҳабида бўлган. Бунга унинг «Китобу-ш-шуъо» асари ҳам мисол бўла олади. Лекин ақидавий масалада эса, Макхул Абу Ҳанифанинг эмас, балки Ибн Карромнинг издоши бўлганлиги ажабланарли ҳолдир. Макхул ирода эркинлиги (*иститоъату-л-фeyъ*) масаласида Ибн Карром ғояларини қўллаб-қувватлайди.

Имон таърифи масаласида ҳам Макхул карромийлар тарафини эгаллайди. У, карромийлар каби, имондан нафақат амалларни балки «қалбни билишни» (*маърифату-л-қалб*) ҳам чиқариб ташлайди. Абу Ҳанифа учун эса бу имоннинг ажралмас, таркибий қисми ҳисобланган эди¹⁴⁹.

Макхулнинг карромийларга мос бўлган калом масаласидаги бу каби фикрларини қўллаб келтириш мумкин. Шундай қилиб, Абу-л-Муъин ан-Насафий

¹⁴⁶ Рудольф. Ал-Мотуридий. – Б. 95; Маделунг В. The Spread of Māturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 125.

¹⁴⁷ Паздавий Абу-л-Йуср Муҳаммад. Китоб усули-д-дин / Х. Питер нашри. – Қоҳира: Дор ихйоу-л-кутуби-л-арабийа 1383/1963. – Б. 241 (бундан кейин: Паздавий. Усул); Қураший. Жавоҳир. Ж. II. Б. 180; Қўлёзма ҳақида қаранг: Сезгин Ф. GAS. Ж. I. Б. 602.

¹⁴⁸ Сезгин Ф. GAS. Ж. I. Б. 602.

¹⁴⁹ Қаранг: Мотуридий Абу Мансур. Китобу-т-тавҳид / Фатхуллох Хулайф нашри. – Истанбул: ал-Мактабату-л-исломийа, 1979. – Б. 373. (Бу ерда карромийа мактаби танқид қилинади).

мотуридийа таълимотининг тарафдори сифатида ўз бобосининг ҳам баъзи фикрларига қарши чиқишга мажбур бўлган.

Макхул ан-Насафий Абу-л-Муъиннинг тўртинчи бобоси бўлган. Алломанинг учинчи бобоси Муҳаммад ибн Макхул отаси Макхулдан ҳадис ривоят қилган¹⁵⁰. Афсуски, у ҳақида бизгача тўлиқ маълумотлар етиб келмаган.

Алломанинг иккинчи бобоси Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макхул Абу-л-Маъолий 334/936 йили туғилган. Отаси Муҳаммад ибн Макхулдан ҳадис ривоят қилган. Абу Саҳл ал-Исфаройинийнинг шогирди бўлган ва ундан «Китобу ахбори-л-Макка» асарини ўрганган. Муътамид ибн Муҳаммад 430/1039 йиллар атрофида тахминан 100 ёшида вафот этган¹⁵¹.

Муътамиднинг укаси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Макхул Абу-л-Бадиъ фикҳ борасида катта илмга эга бўлган. У фикҳий масалаларни отаси Муҳаммад ибн Макхулдан ўрганган¹⁵². Лекин табакот шаклидаги асарларда унинг туғилган ва вафот этган саналари кўрсатилмаган.

Алломанинг аجدодлари ҳақидаги юқоридаги маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Абу-л-Муъин ан-Насафий буюк олимлар оиласига мансуб бўлган аллома ҳисобланган.

Абу-л-Йуср ал-Паздавий

Садру-л-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим ал-Паздавий 421/1030 йилда туғилган¹⁵³. Дастлабки сабоқни отаси Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ал-Паздавийдан олган. Бобоси Абдулкарим ибн Мусо Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлиб¹⁵⁴, у Самарқанд калом мактаби билан оиласи орқали ҳам танишиш имконига эга бўлган. Паздавий ўз даврида бир қанча ҳанафий

¹⁵⁰ Тамимий Ал-Мавло Такийуддин Абдулқодир. Ат-Табакоту-с-санийа фи тарожими-л-ҳанафийа. IV жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳилв нашри. – Дор ар-Рифоъий, 1983. Ж. IV. Б. 178.

¹⁵¹ Тамимий. Ўша асар. Ж. IV. Б. 10.

¹⁵² Тамимий. Ўша асар. Ж. I. Б. 316.

¹⁵³ Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 191.

¹⁵⁴ Паздавий. Усул. – Б. 3.

олимлардан таҳсил олган¹⁵⁵. Паздавийнинг устозлари орасида Абу Йаъқуб Юсуф ибн Муҳаммад ан-Нишопурий ва Абу-л-Хаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган¹⁵⁶. Паздавийнинг энг машҳур шогирдларидан «Ақоиду-н-Насафий» асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ан-Насафий (в. 537/1142 й.) ва Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳисобланган. Яна унинг шогирдлари орасида Рукну-л-аимма Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Санобий (ёки ас-Сабоъий) ал-Маданий, Муҳаммад ибн Тоҳир ас-Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳуламий каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, у 493/1099 йилда Бухорода вафот этган¹⁵⁷.

Паздавийнинг асарлари орасида унинг «Усулу-д-дин» асари¹⁵⁸ муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар 96 масаладан ташкил топган ва мазмун-моҳиятидан аҳли сунна ва-л-жамоъа йўналиши ва мотуридийа мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган «Аҳлу-з-зайғ вал бедаъ» асарининг таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Паздавий «Усулу-д-дин» асарининг бошида таъкидлашича, самарқандлик бир қанча олимлар ҳам шу мақсадда асарлар ёзган. Лекин Паздавий ушбу асарлардан унчалик кўнгли тўлмаганлиги сабаб мазкур асарни ёзишга қарор қилган¹⁵⁹.

Паздавий Ашъарийнинг кўплаб асарларини мутолаъа қилган¹⁶⁰ ва унинг «Китобу-л-муъжаз» ва «Мақолату-л-исломийин» асарларига ҳам урғу беради. Шунингдек, Паздавий ўз асарида кўп маротаба Мотуридийга ҳам иловалар қилади. Масалан, ўз асарининг бошида «Китобу-т-тавҳид»га урғу бериб, унинг услуб ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар беради. Шунингдек,

¹⁵⁵ Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳийа. Ж. I. Б. 188.

¹⁵⁶ Паздавий. Усул. – Б. 206, 312. Шунингдек, асар мукаддимаси. – Б. 11.

¹⁵⁷ Самъоний. Ансоби. Ж. I. Б. 78; Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 191.

¹⁵⁸ Паздавийнинг ушбу асари Х. Питер томонидан Анкарада (Хўжа Исмоил Саид кутубхонаси. Инв. № 1261) топилган (Қаранг: Oriens. II, 1949. S. 305). Орадан кўп ўтмай, Ханс Питер бу асар бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган (Бонн университети. 1952) ва асарни 1963 йил нашр эттирган. Кейинчалик ушбу асар Шарофиддин Гулсук томонидан турк тилига таржима қилиниб, Истанбулда 1980 йил «Аҳли сунна ақоиди» номи билан нашр этирилган..

¹⁵⁹ Паздавий. Ўша асар. – Б. 1,3.

¹⁶⁰ Ўша асар. – Б. 222.

Паздавийнинг Имом Муҳаммаднинг «ал-Жомиъу-с-сағир» асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» ҳамда фикҳга оид «ал-Воқиъат» ва «ал-Мабсут» асарлари мавжуд бўлган¹⁶¹. Паздавий Мовароуннаҳрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридийа калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланади.

Абу-л-Муъин ан-Насафий ўзининг самарали илмий фаолияти даврида кўплаб шогирдлар етиштирган ва унинг шогирдлари устоз йўлидан бориб, унинг ишларини давом эттирганлар. Насафийнинг шогирдлари ҳақида юртимизда айна дамгача етарли даражада маълумотлар берилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадқиқотимизда алломанинг энг машҳур сафдош-шогирдлари ҳақида қисқача бўлса ҳам дастлабки маълумотлар бериб ўтишни лозим топдик.

Унинг энг етук шогирди ва сафдошларидан бири Нажмуддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафий бўлган. Ушбу алломанинг илмий мероси ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Қуйида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг яна бир нечта бизга маълум бўлган шогирдлари ҳақида маълумот келтирамиз.

Алоуддин ас-Самарқандий

Ушбу аллома ҳам Насафийнинг энг яқин шогирдларидан ҳисобланган ва фикҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин ас-Самарқандий бўлиб, у 538/1143 йил вафот этган¹⁶². Юқорида насафлик уч буюк фақиҳлар жамоаси Самарқанддан Бухорога кўчиб ўтганлиги ва Алоуддин ас-Самарқандий ҳам улар билан бирга Бухорода илмий фаолият олиб борганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Алоуддин ас-Самарқандий Абу-л-Муъин ан-Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган ва шу асосда ўзининг фикҳга оид «Тухфату-л-фуқаҳо» номли машҳур асарини

¹⁶¹ Ибн Қутлубуғо. Тож. – Б. 191; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж. II. Б. 538; Бағдодий. Ҳадийату-л-орифин. – Истанбул: 1951-1955. Ж. I. Б. 363, Ж. II. Б. 42, 420.

¹⁶² Брокельман. GAL. Ж. I. Б.374.

яратган. Алоуддин ас-Самарқандий нафақат фикҳ, балки калом ҳамда тафсир илмлари борасида ҳам самарали ижод қилган ва мотуридийа калом мактабини қўллаб-қувватлаган. Натижада Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвилот аҳли сунна» номли тафсирига «Шарҳу таъвилоти аҳли сунна» номи билан шарҳ ёзган. Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Алоуддин ас-Самарқандининг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг «Таъвилот» асарини бирга мутолаъа қилганини ва Насафий жоиз, деб топган жойларга шарҳ ёзиб илова қилиб борганлиги ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани ҳақида таъкидлаган¹⁶³. Шунингдек, Алоуддин ас-Самарқандий Абу-л-Йуср ал-Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Алломанинг бир қанча шогирдлари ҳам бўлган. Унинг энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Муҳаммад ҳисобланган. Фотима бинт Муҳаммад машҳур фақиҳа олима даражасига кўтарилган. Алоуддин ас-Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийга турмушга берган¹⁶⁴. Ал-Косоний устозининг «Тухфату-л-фуқаҳо» асарига шарҳ тарзида «Бадоиъу-с-саноиъ фи тартиби-ш-шароиъ» (*«Шариъат тартибида ажойиб санъатлар»*) номли китобини ёзган¹⁶⁵. Ал-Косоний Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳам шогирдларидан ҳисобланган.

Иброҳим ас-Саффор ал-Бухорий

Ушбу олим ҳақида ҳам тадқиқотимиз юқорисида қисман тўхталиб ўтган эдик. Иброҳим ибн Исҳоқ ас-Саффор ал-Бухорий (в. 534/1139 й.) Абу-л-Муъин ан-Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган. Дастлаб у ўзининг «Рисола фиҳа масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа» номли

¹⁶³ Язичиўғли М. Maturidi kelim ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l – Mu'in Nese'fi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – Б. 267. Туркиялик ушбу олимнинг хабар беришича, Алоуддин ас-Самарқандийнинг ушбу шарҳи «Шарҳи Самарқандий» номи билан Мадинада 179 рақам билан сақланади.

¹⁶⁴ Комилов М. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожда Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти: Тар. ф. ном. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2000. -Б. 75.

¹⁶⁵ Ушбу аллома ҳақида юқорида қисман маълумот бериб ўтган эдик.

рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича «Китоб талҳиси-ладилла ли қавоъиди-т-тавҳид» номли ўқув қўлланмасини яратади. Ушбу қўлланманинг қўлёзмаси Туркиянинг Atif Efendi номли кутубхонасида № 1220 рақами остида сақланади¹⁶⁶. Иброҳим ас-Саффорнинг Бухорода мотуридийа калом мактабининг тарқалишида хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

Нуруддин ас-Собуний

Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр ас-Собуний (в. 580/1184 й.) ҳам ас-Саффор билан Бухорода мотуридийа калом мактабининг тарқалишида жонбозлик кўрсатган олимдир. У Абу-л-Муъин ан-Насафийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганган. Нуруддин ас-Собуний Бухорода ашъарийа мактаби вакили Фахруддин ар-Розий билан ҳам учрашган. Олим дастлаб «ал-Бидойа фи усули-д-дин»¹⁶⁷ номли ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Истанбулда Б. Топалўғли томонидан 1978 йил биринчи маротаба нашр этирилган. Шундан сўнг бу асар муҳимлиги учун яна етти маротаба нашр этилди. Собунийнинг яна «ал-Кифойа фи-л-ҳидойа» номли асари мавжуд бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Туркиянинг Laleli номли кутубхонасида № 2271 рақам билан сақланади.

Шунингдек, унинг «ал-Мунтақа мин исмати-л-анбийо» номли асари бўлган ушбу асарнинг ҳам қўлёзма нусхаси Laleli кутубхонасида № 2426 рақами билан сақланади¹⁶⁸.

Алоуддин ал-Асмандий

¹⁶⁶ Мўминов А. Диссертация. – Б. 60; Броккельман, GAL. Ж.I. Б. 427.

¹⁶⁷ Собунийнинг мазкур асари бўйича камина - т.ф.н. С.Окилов илмий раҳбарлигида 2008 йил Тошкент ислом университети магистранти С.Каримова “Нуриддин ас-Собуний мотуридийа таълимоти давомчиси сифатида” номли магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган.

¹⁶⁸ Мўминов А. Диссертация. – Б. 61.

Абу-л-Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ас-Самарқандий ал-Асмандий 488/1095 йили Самарқанд атрофидаги Асманд шаҳрида туғилган¹⁶⁹. Бу шаҳар Усманд ёки Саманд деб ҳам аталган¹⁷⁰. У «Тухфату-л-фуқаҳо» муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий билан чалкаштирилгани боис, манбаларда унга Асмандий нисбаси ҳам қўшиб аталади. Асмандий Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавийдан фикҳ илмини ўрганган, «ас-Садру-ш-шаҳид» номи билан машҳур Бурҳону-л-аймма Умар ибн Абдилазиз ибн Моза ал-Бухорийдан (в. 536/1142 й.) ҳадис ривоят қилган, Али ибн Умар ал-Ҳарротдан ҳадис илмини ўрганган.

Асмандий Абу-л-Муъин билан учрашгани ҳақида маълумотлар келмасада, калом илмига оид асарларини ёзишда асосан Насафийнинг илмий меросидан таъсирланган. У Абу-л-Муъин ан-Насафий асарларини замондоши Алоуддин ас-Самарқандийдан ўрганган.

Асмандийнинг калом илмига оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номи «Љубабу-л-калом» деб аталган¹⁷¹ бўлса, баъзи манбаларда унинг номи «ал-Ҳидойа фи усули-л-эътиқод»¹⁷² ёки «ал-Ҳидойа ва-л-калом»¹⁷³ деб келтирилган. Ушбу асар усулу-д-дин мавзуларини янги ўрганаётганларга йўлланма бериш учун ёзилган.

Асмандийнинг бошқа мавзуларга оид асарларига тўхталсак, унинг фуруъу-л-фикҳга оид «Тарикат хилофи-л-фикҳ байна-л-айммати-л-аслаф», «Базлу-н-назар фи-л-усул» ёки «Фи усули-л-фикҳ», «ат-Таълика фи-л-фикҳ» ва «ал-Амолий фи-т-тафсир» номли асарлари ҳам мавжуддир. Лекин баъзи манбаларда ва кутубхона каталогларида «Тухфату-л-фуқаҳо», «Мезону-л-усул», «Шарҳу-л-жомиъи-л-калом» ва «Шарҳи таъвилоти-л-Қуръон» асарлари Алоуддин ас-

¹⁶⁹ Қураший. Жавохир. Ж. II. Б. 74-75; Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 56.

¹⁷⁰ Йаъкут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. Ж. I. Б. 224; Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳйя фи тарожими-л-ҳанафийя: Ж. I. Б. 176.

¹⁷¹ Ушбу асар учун қаранг: Ўзерварли М. Alâeddin el-Üsmendî ve Lübâbü' l-Kelâm Adli Eseri. – İstanbul: 1999.

¹⁷² Лакнавий. Фавоид. Ж. I. Б. 176.

¹⁷³ Хожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж. I. Б. 2040.

Самарқандийга эмас, балки янглиш равишда Алоуддин ал-Асмандийга тегишли деб қайд этилган.

Ҳанафий фақиҳлари орасида ўзига хос обрўга эга бўлган ушбу аллома XII асрда Мовароуннаҳрда калом илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Асмандий 552/1157 йил 64 ёшида Бухорода вафот этган¹⁷⁴.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид» номли асарини тадқиқ қилган мисрлик олим Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад асар нашрининг кириш қисмида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг яна бир қанча шогирдлари ҳақида маълумот берган. Тадқиқотчи Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Аби Жаъфар ал-Балхий (в. 548/1153 й.), Исмоил Абу-л-Музаффар ат-Толиқоний (в. тахминан 540/1145 й.), Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Абдилкарим ибн Мусо ал-Паздавий (в. 542/1147 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Абу-л-Фатҳ ал-Ҳилмий (в. 547/1152 й.), Маҳмуд ибн Аҳмад ибн ал-Фараж ибн Абдилазиз ас-Соғаржий (в. 560/1165 й.) ва Али ибн ал-Ҳусайн Муҳаммад ал-Балхий ас-Сакалкандий (в. Халабда 547/1152 й.) каби олимларни Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг шогирдлари деб ҳисоблаган ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар келтирган¹⁷⁵. Шунингдек, Олмон тадқиқотчиси У.Рудольф ҳам Ибн Аби-л-Вафонинг берган маълумотларига таяниб, Бурҳонуддин Али ибн ал-Ҳусайн ал-Балхийни (в. 547/1152 й.) Абу-л-Муъиннинг шогирди бўлганлигини ва ундан «Китобу-л-олим ва-л-мутаъллим» асар матнини ўрганганлигини айтиб ўтади¹⁷⁶. Й.Шахт Зоҳиру-л-ислом Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Аби-р-Рабиъ ал-Мазиний ал-Мукриъ Абу-л-Алоъ Ҳамид ибн Идрис ва Абу-л-Муъин ан-Насафий орқали «Китобу-л-олим ва-л-мутаъллим» матнини ўрганганлигини таъкидлайди¹⁷⁷.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг юқоридаги олимлар қаторида яна бошқа шогирдлари ҳам бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки алломанинг бизга

¹⁷⁴ Ибн Кутлубуго. Тожу-т-тарожим. – Б. 56.

¹⁷⁵ Насафийнинг ушбу шогирдлари учун қаранг: Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашри. – Миср: Дору-т-тибаъа ал-муҳаммадийа, 1986. – Б.34-42.

¹⁷⁶ Рудольф. У. Ал-Мотуридий. -Б.47.

¹⁷⁷ Шахт Й. An Early Murci'ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘llim // Oriens. -1964. - №17. - Б. 104.

аниқ бўлган уч асаридан бири «Тамҳид» асари билан бир хил номланган яна бир асар мавжудлиги юқоридаги тахминларимизга асос бўла олади. Фарғонанинг ўша даврдаги Ломиш қишлоғидан чиққан олим Абу-с-Сано Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший (в. 539/1144 йилдан кейин) «ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид» номли асар ёзган¹⁷⁸. Мазкур асар ношири Абдулмажид ат-Туркий нашрнинг кириш қисмида Ломиший ҳақида муҳим маълумотлар беради ва у Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг шогирди бўлганлиги мумкин, деган фикрни билдиради¹⁷⁹. Ноширнинг тахмини асосли эканини текшириш мақсадида Ломишийнинг мазкур китобини кўздан кечириб чиққанимизда, Ломиший ушбу асарида Абу-л-Муъин ан-Насафийга уч маротаба мурожаат қилиб уни марҳум сифатида зикр этганига гувоҳ бўлдик. Бундан Ломишийнинг ушбу китоби Насафий вафотидан кейин ёзилганлиги маълум бўлади.

Ломишийнинг юқорида кўрсатилган асаридан ташқари яна «Китоб фи усули-л-фикҳ» номли фикҳга оид асари ҳам мавжуд¹⁸⁰. Мазкур асарнинг кириш қисми икки маротаба таҳрир этилган. Биринчиси «Қисму-т-таърифа» деб номланган. Иккинчи таҳрир мукаммал ҳолда «Китоб байон кашфи-л-алфоз» номи билан Муҳаммад Ҳасан аш-Шалабий томонидан таҳрир этилган.

Насафийнинг юқоридаги олимлардан бошқа яна шогирдлари бўлиши мумкин деган тахминимизга асос бўладиган бир яна масала борки, бу ҳам Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг яна ўша «Тамҳид» асари билан боғлиқ. Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абу Шакур ас-Солимий қаламига мансуб «ат-Тамҳид фи байони-т-тавҳид» номли асарнинг учта қўлёзма нусхалари сақланади. Ушбу қўлёзмаларнинг иккитаси шу ном билан РН 4604, Р 2638-III рақамлари билан, учинчи қўлёзма «ат-Тамҳид фи боби-

¹⁷⁸ Ломишийнинг ушбу асари Париж илмий текшириш тадқиқот марказининг мудир Абдулмажид ат-Туркий томонидан тадқиқ этилиб, 1995 йил Байрутда нашр этилган.

¹⁷⁹ Ломиший Абу-с-Сано Маҳмуд ибн Зайд ал-Ҳанафий. Китобу-т-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид / Абдулмажид ат-Туркий нашри. - Байрут: Дору-л-ғарби-л-исломий, 1995. – Б. 13.

¹⁸⁰ Ломишийнинг фикҳга оид мазкур асари ҳам Абдулмажид ат-Туркий томонидан нашр этирилган.

т-тавҳид»¹⁸¹ номи билан № 8160 рақами остида сақланмоқда. Олмон олими К.Броккельман ҳам ушбу аллома ҳақида маълумот келтирган ва уни Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуссайид ибн Шуъайб ал-Кашший ал-Ҳанафий ас-Солимий деб кўрсатсада¹⁸². Лекин унинг қачон яшаганлиги ҳақида маълумот бермайди. К.Броккельманнинг маълумотига кўра, ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Туркиянинг ‘Aşir кутубхонасида I. 524/5 рақами билан, Selim Г ғā кутубхонасида 587 рақами билан, ‘Atif кутубхонасида 1222 ва Shehid кутубхонасида 1153 рақамлари билан сақланмоқда. Ушбу аллома ҳақида шарқшунос олим А.Мўминовнинг берган маълумотлари бизнинг тахминимизга бироз ойдинлик киритган бўлади. Чунки А.Мўминов Солимийнинг яшаган даврини V/XI асрнинг икинчи ярмига тўғри келганлигини кўрсатади ва унинг ушбу асари асосан ўқув қўлланмаси сифатида истифода этилганлигини таъкидлайди¹⁸³. Бундан, табиийки, бизга Солимий Насафийнинг замондоши бўлганлиги маълум бўлади. Шунингдек, у Кашший нисбаси билан ҳам аталиши ва Кеш билан Насаф деярли бир воҳада жойлашганлиги икки алломанинг ўзаро илмий алоқалари мавжуд бўлган, деган тахминни келтириб чиқаради. Солимийни инглиз олими В.Маделунг ҳам Насафийнинг замондоши эканлигини таъкидлайди, аммо унинг шогирди бўлганлиги ҳақида бирор нарса демайди¹⁸⁴. Солимийнинг Абу-л-Муъин ан-Насафийга шогирд бўлганлиги ҳақида маълумот ҳеч қайси табақот шаклидаги асарларда учрамайди. Демак, Солимий¹⁸⁵ ва Насафийларинг бир хил номдаги асарлари ўзаро таҳлил қилиниб, улар орасидаги тафовут ёки ўхшаш фикрларга суянган ҳолда хулоса чиқариш мумкин бўлади.

¹⁸¹ Солимийнинг мазкур асари бўйича камина - т.ф.н. С.Окилов илмий раҳбарлигида 2008 йил Тошкент ислом университети магистранти С.Примов “Абу Шакур ас-Солимийнинг “ат-Тамҳид фи байони-т-тавҳид” асари мотуридийа акидаси бўйича муҳим манба” номли магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган.

¹⁸² Броккельман. GAL. SP. Ж. I. Б. 744.

¹⁸³ Мўминов. А. Диссертация. – Б. 59.

¹⁸⁴ Маделунг В. Abu l-Mu‘in al-Nasafi and Ash‘ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, KcIn: Brill, 2000. – Б. 319.

¹⁸⁵ Айни дамда Абу Шакур ас-Солимий қаламига мансуб «ат-Тамҳид фи байони-т-тавҳид» номли асарининг юртимиздаги қўлёзма фондларида сақланаётган нусхалари асосида замонавий илмий-танқидий нашри устида тадқиқот ишлари олиб бормоқдамиз. Шу пайтгача Солимийнинг мазкур асарининг замонавий нашри амалга оширилмаган.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Тамҳид» асарини нашр эттирган араб олими Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад Насафийнинг шогирдлари номини санаб ўтар экан, уннинг шогирдларидан Абу Ҳафс ан-Насафий ўзининг «Ал-қанд фи уламои Самарқанд» асарида устози ҳақида, «Шарқу ғарбнинг олимлари унинг илму ирфон денгизидан баҳра олиб, унинг илм зиёсига тўла нурларини кўзларига тўтиё айлар эдилар»¹⁸⁶, деган мақтов сўзларини баён қилади. Шунингдек, Абу-л-Муъин ан-Насафий ўзининг сермахсул ижоди, жадду жаҳди ва аҳли сунна ва-л-жамоъа эътиқодини ҳимоя қилишдаги саъй ҳаракатлари натижасида ўша даврдаги жумхур уламолар томонидан “Сайфу-л-Ҳаққ”¹⁸⁷, яъни “Ҳақиқат қиличи” деган улуғ лақаб билан ҳам аталгани алломанинг нечоғлик буюк донишманд ва мутакаллим олим бўлганидан далолат қилиб турибди.

¹⁸⁶ Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид. – Б.42.

¹⁸⁷ Аллоҳнинг “ал-Ҳаққ” деган сифатини инобатга олган ҳолда баъзи уламолар Насафийнинг “Сайфу-л-Ҳаққ” лақабини “Аллоҳнинг ҳақиқат қиличи” деб ҳам ифодалаганлар.

1.5. Абу-л-Муъин ан-Насафий асарлари

Абу-л-Муъин ан-Насафий қаламига мансуб асарлар ҳақида бир канча тарихий, комусий манбаларда маълумотлар келтирилган. Улардаги маълумотларга таяниб, биз алломанинг ўн бешга яқин асарларини билишимиз мумкин. Лекин айни дамда алломага тегишли ушбу асарларнинг учтасидан бошқалари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Қуйида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг, асосан, бизга маълум бўлган мазкур учта асари ҳақида тўхталиб ўтишга ҳамда айрим энциклопедик манбаларда унга нисбат берилган асарлар ҳақида ҳам маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

Алломанинг энг катта асари, шубҳасиз, унинг «Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин ала тариқати-л-Имом ал-Мотуридий» асари ҳисобланади¹⁸⁸.

«Ат-Тамҳид ли қавоъи-т-тавҳид»

(“Тавҳид қоидаларига муқаддима”)

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асари ҳажм жиҳатдан «Табсира»дан кейин иккинчи ўринда туради. Қисқача «Тамҳид» деб аталадиган бу асар 1986 йил араб тадқиқотчиси Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад томонидан Мисрнинг «Дору-т-Тибаъати-л-Муҳаммадийа» нашриётида илмий-танқидий таҳлил этилган ҳолда нашрдан чиқарилган.

Умумий 33 бобдан иборат бўлган ушбу асар «Табсира»нинг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Асарнинг бизгача кўплаб кўлёзма нусхалари етиб келган. Туркиялик тадқиқотчи М.С.Язичиўғли «Тамҳид»нинг Истанбул кутубхоналарида сақланаётган қуйидаги бешта кўлёзмаси ҳақида маълумот беради:

¹⁸⁸ Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари ҳақида кейинги бобда батафсил маълумот бериб ўтамыз.

1. **Atif Efendi** кутубхонасида сақланаётган қўлёзма: инв. рақами 1282. 719/1320 йилда кўчирилган. 181 варақдан иборат;

2. **Atif Efendi** кутубхонасида сақланаётган яна бир қўлёзма: инв. рақами 1221. 684/1285 йилда кўчирилган. 117 варақдан иборат;

3. **Üniversitet** кутубхонасида сақланаётган қўлёзма: инв. рақами 268. 534/1140 йилда кўчирилган. 53 варақдан иборат;

4. **Bayezid** кутубхонасида сақланаётган қўлёзма: инв. рақами 3078. 710/1311 йилда кўчирилган. 158 варақдан иборат;

5. **III Ahmed** кутубхонасида сақланаётган қўлёзма: инв. рақами 1866. Кўчирилган йили номаълум. 24 варақдан иборат.

Туркияда сақланаётган ушбу қўлёзмалар бўйича М.С.Язичиўғли илмий раҳбари профессор Х.Отайнинг тавсияси билан 1971 йил Насафийнинг ҳаёти ҳақида қисқача маълумот ҳамда «Тамҳид»нинг илмий-таҳлилий туркча таржимасини нашр эттирган. Язичиўғлининг маълумотига кўра, ушбу тадқиқот нашри Анкаранинг Илоҳиёт факультети кутубхонасида сақланмоқда¹⁸⁹.

К.Броккельман «Тамҳид»нинг 2476 рақамли яна бир қўлёзмаси борлиги ҳақида маълумот беради¹⁹⁰. Лекин ушбу қўлёзманинг қаерда сақланиши ҳақида ҳеч нарса ёзмаган.

Шунингдек, «Тамҳид»нинг Мисрдаги «Дору-л-кутуби-л-мисрийа» кутубхонасида яна учта нодир қўлёзма нусхалари сақланмоқда:

1. Биринчи қўлёзма 41 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 75 варақдан иборат. Ушбу қўлёзма 735/1335 йил Бухорода Абу-л-Қосим Салоҳ ибн Жубайр номли хаттот томонидан кўчирилган.

2. Иккинчи қўлёзма Б 22991 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 34 варақдан иборат. Ушбу қўлёзма 783/1379 йил хаттот Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шаҳир томонидан кўчирилган.

¹⁸⁹ Язичиўғли М. Maturidi kelam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – Б. 253.

¹⁹⁰ Броккельман. GAL. Т. I. Б. 547.

3. Учинчи қўлёзма 172 рақам билан сақланмоқда. Қўлёзма 29 варақдан иборат бўлиб, у Юсуф Аҳмад ал-Адҳам ал-Ҳанафий номли хаттот томонидан Қоҳирада 874/1470 йил кўчирилган.

Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад «Тамҳид»ни нашрга тайёрлашда юқорида келтирилган қўлёзмалардан истифода этганлигини нашрнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтган.

Туркиялик олим Ҳ.Отай ҳам «Тамҳид»нинг яна Туркия кутубхоналарида сақланаётган қуйидаги тўртта қўлёзмаси ҳақида маълумот беради¹⁹¹:

1. **Hamidiye** кутубхонаси. Инв. 722. 81 варақдан иборат. Кўчирилган йили ва хаттоти номаълум.

2. **Fatih** кутубхонаси. Инв. 3084/I. 63 варақдан иборат. Қўлёзма 687/1288 йил Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан кўчирилган.

3. **Cehid Ali Pasa** кутубхонаси. Инв. 1579. 99 варақдан иборат. Қўлёзма 1201/1787 йил Абдурраҳим Муҳаммад томонидан кўчирилган.

4. **Karazelebizade** кутубхонаси. Инв. 347/5. 44 варақдан иборат. Қўлёзма Муҳаммад ибн Али томонидан 702/1303 йил кўчирилган.

«Тамҳид»нинг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам тўртта нодир қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ушбу қўлёзмалар қуйидагилар:

1. Биринчи қўлёзма 177/III рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 47 варақдан иборат бўлиб, насх хатида 672/1274 йил кўчирилган. Хаттоти номаълум.

2. Иккинчи қўлёзма 8221/I рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 41 варақдан иборат бўлиб, 1181/1768 йил хаттот Ёдгор Мирзо Қурбон томонидан Бухорода насх хатида кўчирилган.

¹⁹¹ Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашри. - Анкара: Ж.И. 1993. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисми. Ebu'l Muon Nesefo ve Tebsiratъ'l-edille. - Б. 11.

3. Учинчи қўлёзма 3185/V рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма жами 18 варакдан иборат бўлиб, 739/1339 йил насхталик хатида кўчирилган. Хаттоти номаълум.

4. Тўртинчи қўлёзма 2521 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 47 варакдан иборат. Афсуски, унинг қачон ким томонидан кўчирилганлиги номаълум.

«Тамҳид» ношири Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад ушбу қўлёзмаларни эътиборга олмаган. Насафийнинг «Тамҳид» асари «Табсира»нинг кириш қисми ёки фихристи шаклидаги асар ҳисобланади. Чунки боб ва фаслларнинг берилиши солиштирилса, улар орасидаги узвий ўхшашликни сезамиз. Фақат «Табсира»да улар мукамалроқ ифода этилган. Шу боисдан бўлса керак, Ҳ.Отай «Тамҳид»ни «Табсира»нинг «Чўнтак китоби», деб атайди¹⁹². Насафийнинг ушбу асарига Низомуддин Ҳусайн Али ибн ал-Ҳажжож ас-Сигнакий «ат-Тасдид» номли шарҳ ёзган¹⁹³. Ас-Сигнакий ушбу асарини «Китобу-т-тасдид фи шарҳи-т-Тамҳид ли Аби-л-Муъин ан-Насафий» деб номлаган ва уни 706/1306-07 йил ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Рағӣр Раша кутубхонасида 774 рақами билан ҳамда Веуазит кутубхонасида 3078 рақами билан сақланмоқда.

Туркиялик олим Ҳ.Отай «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисмида «Табсира» билан бир қаторда «Тамҳид»ни ҳам ривоят қилган олимлар шажарасини кўрсатиб ўтган¹⁹⁴.

Яқинда Туркияда Насафийнинг “Тамҳид” асари унинг Истанбул кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари асосида турк тадқиқотчилари томонидан қайта нашр этирилди. Насафийнинг ушбу асари калом илмининг

¹⁹² Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашри. - Анкара: Ж.И. 1993. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисми. Ebu'l Muon Nesefo ve Tebsirat' l-edille. - Б. 12.

¹⁹³ Сигнакийнинг «ат-Тасдид» асари ҳақида «Табсирату-л-адилла»нинг Туркиянинг Фотиҳ кутубхонасида 2907 рақами билан сақланаётган қўлёзма нусхасида маълумот берилган: Табсирату-л-адилла. Қўлёзма. – Истанбул: Фотиҳ кутубхонаси. Инв.2907. -В. 1^а-1^б.

¹⁹⁴ Қаранг: Мазкур тадқиқот: Илова 4; Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашри. - Анкара: Ж.И. 1993. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисми. Ebu'l Muon Nesefo ve Tebsirat' l-edille. - Б. 77.

тарихи, унинг ривожланиш босқичларини, айниқса мотуридийа таълимотини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

«Баҳру-л-калом»

(“Калом илми уммони”)

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асарининг нашри ҳам бизнинг ихтиёримизда мавжуд бўлганлиги учун у ҳақида кенгроқ маълумот бериш имкониятига эгамиз.

«Баҳру-л-калом» асари алломанинг учта катта асарлари орасида («Табсира», «Тамҳид», «Баҳру-л-калом») энг биринчи нашр эттирилган асар ҳисобланади. Ушбу асар илк маротаба 1886 йили Бағдодда тош босмада нашр эттирилган. Сўнгра асар Мисрда 1911 йил қайта нашр этилган.

Кейинчалик эса ушбу асар икки маротаба турк тилига ҳам таржима қилиниб нашр эттирилган¹⁹⁵. Лекин «Баҳру-л-калом» асарининг энг сўнги нашри 1997 йил араб тадқиқотчиси Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур томонидан Дамашқда амалга оширилган. Тадқиқотчи ушбу нашрига ёзган кириш сўзида Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда «Баҳру-л-калом» асари ҳақида, шунингдек, калом илми тарихи ҳақида ҳам қисқача маълумотлар бериб ўтган.

Дунёнинг бир қанча кутубхоналарида «Баҳру-л-калом»нинг қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Улардан қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Асарнинг энг қадимги қўлёзма нусхаси Мисрда, Искандария шаҳрининг «Баладийа» кутубхонасида Д-210-Н рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 950/1544 йил кўчирилган.

2. Яна бир қўлёзма 766 рақам билан Дубайдаги Жумаъу-л-Можид деган олимга тегишли «ал-Марказ ли-с-сақофа ва-т-турос» номли марказнинг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Ушбу қўлёзма 1167/1754 йил кўчирилган.

¹⁹⁵ Язичиўғли М. Мвтѣrodo ve Nesefoye gore insane hъrriyeti kavrami. М. Е. В. Yayinlari. – Istanbul: 1992. – Б. 5.

3. Учинчи қўлёзма Дамашқдаги «аз-Зоҳирийа» кутубхонасида 4970 рақам билан сақланмоқда. Лекин ушбу қўлёзманинг кўчирилган вақти номаълум.

4. Асарнинг яна бир қўлёзмаси Мисрнинг «Дору-л-кутуби-л-Мисрийа» номли кутубхонасида 113 рақам билан сақланмоқда. Ушбу қўлёзманинг ҳам кўчирилган йили номаълум.

5. Асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси «ал-Баҳр фий ‘илми-л-калом» номи билан Россия ФА қошидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида В 3734 рақами билан сақланмоқда. Ушбу қўлёзма 1228/1813 йил кўчирилган. Асар китобнинг 29^а-71^б варақларини ташкил этади¹⁹⁶.

Юртимизда ҳам, хусусан ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ушбу асар билан бевосита боғлиқ бўлган учта нодир қўлёзма сақланмоқда.

Биринчи қўлёзма «Муътақадот» номи билан 4008/II рақамида, иккинчи қўлёзма «ар-Рисола ат-тайсир» номи билан 10370/I рақамида ва учинчи қўлёзма «Табсирату-л-адилла» номи билан 4146/V рақамида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмаларнинг дастлабки иккитасининг номларидан келиб чиқиб, тадқиқотчиларда Насафийнинг шундай асарлари ҳам мавжуд, деган хулоса келиб чиқиши табиийдир. Лекин ушбу икки қўлёзма билан яқиндан танишиб чиқилганда, улар Насафийнинг «Баҳру-л-калом» асарининг ўзи эканлиги маълум бўлди.

«Муътақадот» қўлёзмаси бир қанча асарларни ўз ичига олган мажмуъа ичидан ўрин олган. Қўлёзма китоби дастлаб «ал-Ақду-л-фарид фи назми-т-тажвид» асари билан бошланган. Ушбу асарнинг муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шариф ас-Самарқандийдир. Асар китобнинг 1-34^а варақларини ташкил этиб, жаъми 33 варақдан иборат. Мажмуъадан ўрин олган учинчи асар Абу-л-Мунтаҳанинг «Шарҳу-л-фикҳи-л-акбар» асари бўлиб, 1228/1813 йил

¹⁹⁶ Арабские рукописи Института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог. - Ч. I. - М.: Наука, 1986. -Б. 92.

кўчирилган. Асар китобнинг 86^a-109^b varaқларини ташкил этиб, жами 23 varaқдан иборат.

«Муътақадот» асари мажмуъадан ўрин олган иккинчи асар бўлиб, 34^b-85^b бетларни ташкил этади. Асар жаъми 52 varaқдан иборат. Қаторлар ўлчами 14,5 x 21,5 см.га тенг. Қўлёзма 1165/1752 йил кўчирилган. Афсуски, хаттотнинг номи берилмаган. Қўлёзма насх хатида хунук тарзда кўчирилган бўлиб, баъзан матндаги нуқталар ҳам тушиб қолган. Шунинг учун ушбу қўлёзмани ўқиб тушуниш муъаййан қийинчиликлар келтириб чиқаради.

«Муътақадот» дастлабки varaқининг юқори қисмида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг илм ҳақида ҳикматли сўзи келтирилган. Афсуски, ушбу иборанинг маълум қисми қўлёзма қайта таъмирланаётганда ўчиб кетган.

Ҳикматли сўз қуйидагича бошланган:

قال الشيخ أبو منصور الماتريدي كل من خرج طالبا للعلم فقد ... كفايته لأن فرض طلب لزم المسلمين لأن ... الكتاب لزم منهم فإن قام بهذا. ...

Нуқталар ўрнидаги сўзлар ўчиб кетганлиги учун ушбу иборани тушуниш мушкулдир.

Қўлёзманинг боши қуйидаги сўзлар билан бошланган:

الحمد لله ذي الجلال والكريم والصلاة والسلام على رسوله محمد خير الأنام وعلى آله وأصحابه الكرام قال الشيخ الإمام الأجل ورئيس الأئمة لسان الحق ولى النظم والبشر أبو المعين النسفي أعلموا إني اعتقد معرفة الله تعالى وتوحيده فأقول بأن الله تعالى واحد فرد قديم أزلي وانه حميد لا شريك له ولا شبه له ولا مثل له ولا شكل له ...

Маъноси: (Аллоҳ Таолога ҳамдлар айтилгач) Имомлар раиси, ҳақиқат тили, башарият валиси Абу-л-Муъин ан-Насафий шундай дейди: Билингларки, мен Аллоҳнинг маърифатига ва ягоналигига эътиқод қиламан, ва шундай дейман: Албатта Аллоҳ азалдан бор бўлган якка-ягона зотдир. Шубҳасиз, унга шерик бўладиган, унингдек кучга эга ва унинг шаклига ўхшаши биронта зот йўқдир... .

Ушбу қўлёзма Насафийнинг «Баҳру-л-калом» асари билан солиштирилганда, икки асарнинг бошланиши айнан бир хил эканлиги маълум бўлди. Лекин «Муътақадот»нинг сўнгги варақлари «Баҳру-л-калом»дан бироз фарқ қилади. «Баҳру-л-калом»нинг сўнгги бетлари

قال أهل النجوم: الشمس والقمر والنجوم في السماء الرابعة

деган сўзлар билан давом этади ва аҳли сунна ва ал-жамоъа ҳамда аҳли тафсир олимларининг фикрлари Қуръони карим оятлари билан тасдиқланган¹⁹⁷.

«Муътақадот»да эса, юқоридаги матндан сўнг Усмон (РА) ва Абу Бакр ас-Сиддиқ (РА) каби саҳобалар ҳақидаги ривоятлар келтирилган¹⁹⁸. Ушбу ривоятлар «Баҳру-л-калом» нашрида келтирилмаган. Лекин икки асар тўлиқ таққослаб кўрилганда, «Муътақадот» қўлёзмаси Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Баҳру-л-калом» асарининг айнан ўзи бўлиб чиқди. Демак, ушбу қўлёзманинг бундай номланиб қолганига сабаб, қўлёзма рўйхатга олинаётган вақтда у билан шуғулланган ходимлар уни қандай номланганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаганлар. Шунинг учун ходимлар асарнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб уни «Муътақадот» деб номлаганликлари мумкин.

Хулоса қилиб, ушбу қўлёзманинг номи «Муътақадот» эмас, балки, айнан «Баҳру-л-калом» асарининг ўзи, деб айтиш мумкин. Чунки Насафийнинг илмий мероси ҳақида хабар берувчи тарихий манбаларда унга «Муътақадот» номли асар тегишли экани ҳақидаги маълумотни учратмаймиз.

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган иккинчи, «ар-Рисола ат-тайсир» қўлёзмаси «Муътақадот» қўлёзмасига нисбатан жуда чиройли насхтаълиқ хатида кўчирилган. Ушбу қўлёзма 1228/1813 йил хаттот Муҳаммад ал-Бухорий томонидан кўчирилган. Ушбу қўлёзма китоби ҳам ўз ичига бир қанча асарларни мужассам этган. Мажмуъадаги биринчи асар «Ар-Рисола ат-тайсир»дир. Иккинчи асар Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қориъ

¹⁹⁷ Қаранг: Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳру-л-калом / Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур нашри. - Дамашқ: Мактаба дори-л-фарфур, 1997. -Б. 370.

¹⁹⁸ Қаранг: Муътақадот. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 4008/II. -В. 85^а.

қаламига мансуб «*Шарҳ рисола Жалол ад-Девоний фима садара мин ибн ал-Арабий*» номли асар бўлиб, китобнинг 80^б-117^а varaқларини ташкил этади. Учинчи асар форсий тилида ёзилган «*Рисола дар байон аз калимат Баҳоуддин Нақшбанд*» бўлиб, унинг муаллифи Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорийдир. Асар 1232/1817 йил кўчирилган. Шунингдек, китобдан яна Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит қаламига мансуб икки асар ўрин олган. Булар «*Васиятнома*» ҳамда «*ал-Фикҳу-л-акбар*» номли асарлардир. Ушбу қўлёзмалар мажмуъасидан ўрин олган асарларнинг хати бир хиллигидан ундаги барча асарлар битта хаттот томонидан кўчирилган, деган хулосага келиш мумкин.

«Ар-Рисола ат-тайсир» қўлёзмаси ҳам «Баҳру-л-калом»нинг матни билан солиштирилганда, ушбу қўлёзма ҳам айнан «Баҳру-л-калом» асарининг ўзи эканлиги маълум бўлди. Фақат бу қўлёзма нима учун «ар-Рисола ат-тайсир» деб номланганлиги номаълумдир. Чунки қўлёзманинг дастлабки varaқида

هذه الرسالة مسمى بالتيسر للإمام أبي المعين النسفي رحمة الله عليه

(Маъноси: Бу рисола Тайсир (енгил) деб номланиб, Имом Абу-л-Муъин ан-Насафийга тегишлидир), деган ибора мавжуддир¹⁹⁹. Ушбу матн қўлёзмани кўчирган хаттотнинг қаламига мансубдир. «ар-Рисола ат-тайсир» ўзбек тилида «Енгил рисола» деган маънони англатади. Балки Насафийнинг аввалги икки асарига («Табсира» ва «Тамҳид») нисбатан ушбу асар ҳажм жиҳатдан кичик бўлганлиги учун «Тайсир», яъни «енгилроқ» деган ном билан ҳам аталганлиги мумкин.

«Ар-Рисола ат-тайсир» ҳам ҳудди «Баҳру-л-калом» асаридаги жумлалар билан бошланади. Лекин ушбу қўлёзма 64 фаслдан ташкил топган. «Баҳру-л-калом» ношири Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчига осон бўлиши учун нашрни фаслларга ажратишда ўзига хос йўл тутган. Шунинг учун нашр билан қўлёзма солиштирилганда,

¹⁹⁹ Ар-Рисола ат-тайсир. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 10370/І. -В. 1^а.

фасллар кетма-кетлиги ўртасида ихтилофлар учрайди. Лекин қўлёзмадаги матнлар тартиби айнан «Баҳру-л-калом» нашри билан бирхилдир. Қўлёзма билан «Баҳру-л-калом» нашри Қуръондаги Зул-Қарнайн қиссаси билан якунланган. Фақат «Баҳру-л-калом» нашрида Зул-Қарнайн ҳақидаги ривоят батафсилроқ баён этилган²⁰⁰.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафий қаламига мансуб ушбу қўлёзма номаълум сабаблар билан «ар-Рисола ат-тайсир» деб номланиб қолган. Аслида ушбу қўлёзма алломанинг бизга маълум «Баҳру-л-калом» асарининг айнан ўзидир. Чунки худди «Муътақадот» каби «ар-Рисола ат-тайсир» номини ҳам Насафий илмий мероси ҳақидаги маълумотлар келтирилган тарихий манбаларда учратмаймиз.

«Табсирату-л-адилла» номли қўлёзмага келсак, ушбу қўлёзманинг ҳажми «Табсира»нинг бошқа тўлиқ ҳолдаги икки қўлёзмаларига нисбатан анча кам эканлиги боис нашр билан таққослашга ҳаракат қилдик. Лекин қўлёзма текширилганда, Насафийнинг «Баҳру-л-калом» асари экани маълум бўлди²⁰¹. Мазкур қўлёзма 4146/V рақами остидаги мажмуъа таркибида келтирилган. Ушбу мажмуъада каломга оид бир қанча асарлар бирлаштирилган. Лекин китобда «Табсира» атиги 61 варақни ташкил этган, холос. Қўлёзма варақининг ҳажми 14x24,5 см.га ва матннинг ҳажми эса 8x18 см.га тенгдир. Ҳар бир саҳифадаги матнлар 23 қатордан иборат. Шунингдек, ушбу қўлёзма мажмуъасидан калом илмига оид «Тухфату-л-мутакаллимин» ва «Шарҳу-л-фикҳи-л-акбар» каби асарларнинг ҳам нодир қўлёзма нусхалари ўрин олган. «Табсира»нинг ушбу қўлёзма нусхаси насх хатида ёзилган бўлиб, 1231/1816 йили Рамазон ойининг тўққизинчи, жума кунида хаттот Муҳаммад Низомиддин Мирзо Азизхон томонидан тугалланган.

²⁰⁰ Таққосланг: Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳру-л-калом / Валийуддин Муҳаммад Солих ал-Фарфур нашри. - Дамашк: Мактаба дори-л-фарфур, 1997. -Б. 371-372; Ар-Рисола ат-тайсир. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 10370/І. - В. 81^а.

²⁰¹ Мазкур қўлёзма ҳам «ар-Рисола ат-тайсир» нусхаси билан таққослаб чиқилди. Қаранг: Ар-Рисола ат-тайсир. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 10370/І. -В. 1^б, 79^а ва Табсирату-л-адилла. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ. Инв. № 4146/V.- В. 81^а, 110^а.

Бизни ажаблантираётган нарсa шундаки, ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида айнан «Баҳру-л-калом» номли қўлёзма йўқдир. Аксинча, ушбу асарнинг учта нусхаси ҳам турли номлар билан аталган. 4146 рақамли қўлёзма нусхаси ҳам худди «ар-Рисола ат-тайсир» нусхасидаги каби қўлёзма хаттоти томонидан «Табсирату-л-адилла» деб аталган. Хаттот асарни қуйидаги сўзлар билан тугаллаган:

«Аллоҳнинг инояти ила Сайфу-л-Ҳаққ Абу-л-Муъин ан-Насафий қаламига мансуб «Табсирату-л-адилла» асари Аллоҳнинг фақир қули Мирзо Азизхон томонидан ёзиб тугалланди²⁰².»

Бу ерда нима учун «Баҳру-л-калом» асари уч хил ном билан келган, деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, юқоридаги «ар-Рисола ат-тайсир» ва «Табсирату-л-адилла» хаттотлари фойдаланган қўлёзма ҳам «Баҳру-л-калом» деб номланмаган. Шу сабабли хаттотлар уни Насафийнинг шоҳ асари «Табсира» билан қиёслаганлар. Шу тариқа «ар-Рисола ат-тайсир» хаттоти ўз қўлёзмасига матннинг «Табсира»дан анча кам ва енгил бўлгани учун «ар-Рисола ат-тайсир», яъни «*Енгиллаштирилган рисола*» деб номлаган бўлиши мумкин. Иккинчи хаттот эса, қўлёзмани «Табсира»нинг қисқартирилган шакли, деган тахминга бориб уни «Табсирату-л-адилла» деб номлаган. Шунингдек, Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асарининг Мисрда сақланаётган 4406 (301) рақамли қўлёзма нусхасида алломанинг «Табсирату-л-адилла» асаридан ташқари яна «ат-Табсира фи илми-л-калом» номли бошқа асарлари ҳам мавжуддир, деган маълумотни учратамиз²⁰³. Ушбу маълумотдан биз «Баҳру-л-калом» асари «ат-Табсира фи илми-л-калом» деб ҳам номланган бўлиши мумкин деган хулосага келишимиз мумкин.

«Баҳр» деган сўз *денгиз*, *уммон* каби маъноларни англатади ва илм аҳли ўз асарларининг тўлиқ ҳолатда эканига далолат бериб мажозий маънода ушбу сўз

²⁰² Табсирату-л-адилла. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 4146/V. -В. 110^а.

²⁰³ Табсирату-л-адилла. Қўлёзма. -Қоҳира: ал-Азҳар кутубхонаси. Инв. № 4406 (301) -В. 2^а.

билан асарларини номлаганлар²⁰⁴. Демак, бу ерда «Баҳру-л-калом» ва «ар-Рисола ат-тайсир» («*Енгил рисола*») номлари маъно жиҳатидан бир-бирига қарши бўлиб қолмоқда. Насафийнинг машҳур уч асарлари номларига ва уларнинг ўзагига аҳамият берсак (м-н: «Табсира», «Тамҳид», «Тайсир»), «ар-Рисола ат-тайсир» номи «Баҳру-л-калом» номига нисбатан алломанинг юқоридаги икки машҳур асарларининг номига яқинроқдир. Чунки Насафий ҳар бир асарини номлаганда иккинчи боб феълининг масдаридан фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, алломанинг ушбу асари аслида «ар-Рисола ат-тайсир» деб номланган бўлиши мумкин ва кейинги даврларда ушбу асар тадқиқотчилар томонидан мазмун-моҳиятига қараб юқоридаги бир қанча номлар билан аталган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг юқоридаги учта машҳур асарларидан ташқари айрим олимлар яна бир нечта асарларни унга нисбат берадилар. Қуйида Насафийга нисбат берилган баъзи асарлар ҳақида тўхталамиз.

«Шарҳ ал-жомиъи-л-кабир»

(«*Катта тўплам шарҳи*»)

Турк олими М.С.Язичиўғли ушбу асарни Абу-л-Муъин ан-Насафийга умуман алоқаси йўқ эканлигини таъкидлайди. Энциклопедик олим Ҳожи Халифа ҳамда ал-Қураший эса ушбу асарни Абу-л-Муъинга тегишли эканлигини зикр қилганлар²⁰⁵. «Ал-Жомиъ ал-кабир» асари, аслида Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг шогирди Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийга (в. 187/802 й.) тегишли. Ҳ.Отайнинг фикрича, Насафий ўз даврининг машҳур илмларидан ҳисобланган фикҳни яхши ўзлаштирган бўлсада,

²⁰⁴ Ушбу номдаги кўплаб асарларни мисол келтириш мумкин: масалан: Абу Лайс ас-Самарқандийнинг «Баҳру-л-улум» номли тафсири.

²⁰⁵ Қаранг: Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-мудийа фи табақоти-л-ҳанафийа: 2 жилдли. – Хайдаробод. 1332/1913.Ж. II. Б. 189; Ҳоожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асомиъи-л-кутуб ва-л-фунун: II жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43. Ж.I. Б. 570.

лекин ушбу соҳа билан махсус шуғулланмаган. Шунинг учун ҳам ушбу асарни Абу-л-Муъинга тегишли эканлиги шубҳали ҳолатдир²⁰⁶. Ҳожи Халифа «Кашфу-зунун»да ушбу асарни Абу-л-Муъинга тегишли эканлигига ўзи ҳам шубҳа билдирган. Чунки унинг асарида Алоуддин номли бир шахснинг номи зикр этилган. Ҳ.Халифа эса ушбу исми тушунтиришда хатоликка йўл қўйган бўлиши мумкин. Ҳ.Отайнинг фикрича, ушбу асар бошқа бир Насафийга тегишли, яъни Аҳмад Абу Наср ан-Насафийнинг назм шаклида битилган «ал-Жомиъу-л-кабир» номли асарининг шарҳи бўлиши мумкин.

“Маноҳижу-л-аимма фи-л-фурӯъ”

(«Имомларнинг фуруъу-л-фикҳдаги услублари»)

Ушбу асар ҳам «Кашфу-з-зунун»да, шунингдек «Изооҳу-л-макнун» ҳамда «ал-Фавоиду-л-баҳийа»да зикр этилган. Ҳ.Отайнинг тахминига кўра, бу асар усулу-л-фикҳга оид. Мутакаллим олимларнинг усулу-л-фикҳ ҳақида асар ёзиш одатлари ҳам бўлган²⁰⁷. Лекин бизнинг фикримизча, асарнинг номидан ҳам маълумки, у фуруъу-л-фикҳга оиддир. Агар ушбу асар фуруъу-л-фикҳга тааллуқли бўлса, бу асар ҳам Абу-л-Муъинга тегишли эканлиги шубҳалидир.

Демак, ушбу асар ҳам худди юқоридаги асар каби Абу-л-Муъинга тегишли эканлиги шубҳали бўлиб қолади. Лекин ушбу асарни Насафийга тегишли эмас, деган қатъий хулосага келишга шошилмаслик керак. Чунки ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Лолали номли кутубхонасида 1147 Тавҳид рақаида «Маноҳижу-л-иктидо би-л-аиммати-л-муҳтадин» номи билан сақланмоқда. Ушбу қўлёзма билан яқиндан танишиш унинг асл муаллифини аниқлашга ёрдам беради, дейиш мумкин.

²⁰⁶ Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашри. - Анкара: Ж.И. 1993. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисми. Ebu'l Muon Nesefo ve Tebsirat' l-edille. -Б. 10.

²⁰⁷ Отай Ҳ. Ўша тадқиқот. Ўша жойда.

«Изоҳу-л-манҳаж ли кавни-л-ақли ҳужжатаи»

(«Ақлнинг ҳужжати бўлишида манҳажнинг изоҳи»)

Абу-л-Муъин ан-Насафий бу асарини «Тамҳид»нинг «Исбот каромати-лавлийи» номли фаслининг охирида «Табсира» билан бирга зикр қилган²⁰⁸. Демак, ушбу асарни Насафийга тегишли эканлигида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайди. Афсуски, ҳозирги маълумотларга кўра, ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари дунё кутубхоналарида учрамайди.

Абу-л-Муъин ан-Насафий «Табсира»да яна «Қасиду-л-қавоъид фи илми-лақоид» ҳамда «ал-Ифсод ли ҳадъи-л-илҳод» номли асарлари ҳақида маълумотлар берган²⁰⁹.

Юқоридаги асарлардан ташқари кўпгина тадқиқотчилар Абу-л-Муъин ан-Насафийга яна «ал-Умда фи усули-л-фикҳ» ва «ал-Олим ва-л-мутаъаллим» асарларини нисбат берадилар.

«Тамҳид» ношири Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмаднинг таъкидлашича, «ал-Умда фи усули-л-фикҳ» асари Абдуллоҳ ан-Насафий (в. 720/1320 й.) деган бошқа олимга тегишли деган тахмин ҳам бор²¹⁰. Ушбу асарнинг Мисрнинг «Дору-л-кутуби-л-мисрийа» кутубхонасида иккита қўлёзма нусхаси, биринчиси 711 *Ақоид Таймур* рақами ва иккинчиси 37830 *Б. Ақоид* рақами билан сақланмоқда. Ушбу қўлёзмалардаги келтирилган далиллардан, мазкур асар Абу-л-Муъин ан-Насафийга тегишли эканлиги маълум бўлади. Чунки ушбу асар Насафийнинг «Тамҳид» асарига жуда яқин руҳда ёзилган.

«Ал-Олим ва-л-мутаъаллим» асарига келсак, ушбу асарни «Баҳру-л-калом» ношири Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур Хайруддин аз-Зириклийнинг маълумотига таяниб Абу-л-Муъинга нисбат берган²¹¹. Шунингдек, Россия ФА

²⁰⁸ Насафий. Ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашри. – Миср: Дору-т-тибаъа ал-муҳаммадийа, 1986. – Б.256. (Бундан кейин: Насафий. Тамҳид).

²⁰⁹ Насафий. Тасбирату-л-адилла фи усули-д-дин: II жилдли. К. Салома нашри. - Дамашк, 1990-1993. Ж. II. Б. 885. (Бундан кейин: Насафий. Табсира).

²¹⁰ Насафий. Тамҳид. Кириш. -Б. 44.

²¹¹ Насафий. Баҳру-л-калом / Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур нашри. - Дамашк: Мактаба дори-л-фарфур, 1997. Кириш. -Б. 37.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам ушбу асарнинг қўлёзмаси янглиш равишда Абу-л-Муъин ан-Насафий номи билан сақланмоқда²¹². Лекин Фарфурнинг ушбу фикрига биз қўшила олмаймиз. Чунки кўпгина тадқиқотчилар ушбу асарни Имом Аъзам Абу Ҳанифага тегишли, деган хулосага келганлар. Жийбуллоҳ Ҳасан ҳам «ал-Олим ва-л-мутаъаллим» асарини Абу-л-Муъин ан-Насафийга тегишли эканлигини рад этади ва фақат Насафий ушбу асарни Абу Ҳанифадан ривоят қилганлигини таъкидлайди²¹³. Олмон тадқиқотчиси У.Рудольф эса, бу асарни ҳаттоки Абу Ҳанифага ҳам эмас, балки Абу Муқотил ас-Самарқандийга (в. 208/823 й.) хос деган хулосага келади²¹⁴. Лекин ушбу асар ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти уни Абу Ҳанифага хос эканлигидан далолат беради. Насафийнинг ўзи ҳам «Табсира»нинг «*Тақлидчининг имони*» номли фаслида, «*Абу Ҳанифа «ал-Олим ва-л-мутаъаллим» китобида шундай зикр қилган...*», деган иборани ишлатади²¹⁵. Демак, ушбу асарни Абу-л-Муъинга тегишли эмас, деган қатъий хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, К.Броккельман «Мубаҳасат аҳли-с-сунна ва-л-жамоъа маъал фирақи-д-далла ва-л-мубтадиъа» номли асарни Насафийга тегишли эканини баён қилган²¹⁶.

Юқорида Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси билан боғлиқ бўлган бир қанча асарлар ҳақида маълумот бердик. Лекин ўйлаймизки, алломанинг яна бизга номаълум бўлган бошқа асарлари мавжуд бўлиши мумкин. Бундай тахминимизга келажакда алломанинг илмий мероси ҳақида олиб бориладиган янги изланишлар аниқлик киритади, албатта.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насафий илмий фаолиятнинг сермахсул даври Бухоро шаҳрига тўғри келади. Унинг 481/1088-89 йилда Бухорога ўз

²¹² Арабские рукописи Института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог. М.: Наука, 1986. Ж. I. Б. 93.

²¹³ Насафий. Тамҳид. Кириш. -Б. 44.

²¹⁴ Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Перевод с немецкого языка. - Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – Б. 29-36.

²¹⁵ Насафий. Табсира. Ж. I. Б. 25.

²¹⁶ Броккельман. GAL. Ж.I. Б. 426.

сафдошлари билан кўчиб ўтиши бу шаҳарда унинг илмий фаолияти учун қулай шароит яратиб берди. Тарихий манбаларга аҳамият берсак, Насафий айнан Бухорода ўзининг энг катта асарларини ёзиб тугатган ва шу шаҳарда кейинги даврларда мотуридийа таълимотини ривожлантирган унинг кўплаб шогирдлари пайдо бўлди. Насафий ва унинг сафдошларининг Бухорога кўчиб ўтишлари натижасида ҳанафий уламолари билан шофиъий уламолари ўртасидаги ақидавий масалаларда дастлабки ихтилофлар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик эса бу ихтилофлар шу даражага бориб етдики, салжукийлар сояси остида фаолият олиб борган шофиъий-ашъарийларнинг мотуридийа таълимотига нисбатан тўхматлари Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ўз илмий меросида кескин бурилиш ясаганига сабаб бўлди.

Алломанинг ёзиб қолдирган асарларига тўхталсак, биз фақат улар орасида учта асарнигина аниқ далиллар билан Насафийга хос деган хулосага келдик ва ушбу асарлар билан боғлиқ бўлган бошқа номдаги қўлёзмаларни таҳлил қилишга муваффақ бўлдик.

Насафийнинг илмий меросига бўлган муносабатларга аҳамият берсак, юртимизда яқингача Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий мероси билан тадқиқотчиларимиз яқиндан таниш бўлмаганлар. Шунини айтиш керакки, Мовароуннаҳрда калом илми тарихи ҳақида бир қанча асарларда маълумотлар келтирилган. Хусусан, ушбу диёрда калом илмида ўзига хос мактаб яратган буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида кам бўлса ҳам, муайян даражада маълумотларни учратиш мумкин. Лекин Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида биронта ҳам маълумот келтирилмаганини қандай изоҳлаш мумкин. Рус тадқиқотчиларидан В.Бартольд ҳам Насафий яшаган даврга тўхталсада, аллома ҳақида биронта ҳам сўз айтмаган. Яна таниқли рус тадқиқотчиларидан И.П.Петрушевский ҳам ўзининг «Ислам в Иране» номли йирик асарида XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги калом илми ривожи ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Жумладан, И.П.Петрушевский ушбу асарида мотуридийа ва ашъарийа

мактаблари ва уларнинг вакиллари ҳақида тўхталиб ўтсада, лекин Мотуридий издошларидан у фақат Нажмуддин Абу Ҳафс ан-Насафийни мисол қилиб келтиради, холос. Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида эса мутлақо гап юритмайди. Аксинча, ашъарийлардан бўлган Имом Ғаззолий ҳақида маълумотлар келтиришда давом этади²¹⁷. Бу мулоҳазаларимиздан Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ўша даврнинг кўпчилик тадқиқотчилари назаридан тамомила четда қолганлиги маълум бўлади. Шунингдек, юртимиз тадқиқотчилари ҳам ушбу мавзуга тўхталганларида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий меросини четлаб ўтганлар. Афсуски, ушбу ҳолат мустақиллигимиздан кейин ҳам давом этмоқда. Масалан, тарихчи олим П.Равшанов ўзининг «Қашқадарё тарихи» номли китобида ҳам XI-XII асрлардаги Насаф тарихи ҳақида кўп маълумотлар беради. Ушбу олим ҳам, афсуски, мазкур асарида Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмаган. У ҳам И.П.Петрушевский каби алломанинг энг яқин шогирди Нажмуддин ан-Насафий ҳақида сўз юритган. Шунингдек, калом илмига оид тадқиқот олиб бораётган бошқа тадқиқотчилар ҳам ҳамон Насафийнинг илмий меросига бефарқ қолиб келмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги нафақат калом илми, балки барча диний илмлар ривожланиш тарихи ҳақида гап кетар экан, шубҳасиз, буюк олим Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий меросига ҳам юртимиз тадқиқотчилари ўз илмий изланишларида тегишли ўрин ажратишлари зарурдир.

²¹⁷ Қаранг: Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. - Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 220-234.

II БОБ.

«ТАБСИРАТУ-Л-АДИЛЛА» - КАЛОМ ИЛМИГА ОИД ЁЗИЛГАН МУҲИМ АСАР СИФАТИДА

2.1. «Табсирату-л-адилла» - XII асрда ёзилган мотуридийа таълимоти бўйича муҳим манба

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари ҳақида кўплаб олимлар ўзларининг яхши фикрларини билдирганлар. Ҳатто алломанинг замондошлари ҳам бу асарга юксак баҳо берганлар. Шундай алломалардан бири Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг замондоши ва шогирди Нуруддин ас-Собуний (в. 580/1184 й.) Фахруддин ар-Розий билан қилган муноқашасида шундай дейди: «Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асарини ўқиб чиққанимда тадқиқ ва таҳқиқда унга тенг келадиган бирор асар йўқлигига ишончим комил бўлди»²¹⁸.

«Тавҳид» асарининг ношири Фатҳуллоҳ Хулайф «Табсира»ни мотуридийа калом мактабидаги «Тавҳид»дан кейинги асосий манба деб ҳисоблайди²¹⁹. Шунингдек, турк тадқиқотчиларидан Ҳ.Отай ва М.Язичиўғлилар «Табсира»ни «Тавҳид»нинг хотимаси ва ажралмас қисми, деб эътироф этадилар. Олмон тадқиқотчиси У.Рудольф «Табсирату-л-адилла» асаридан манба сифатида ўз тадқиқотида самарали фойдаланган ҳамда ушбу нодир асарнинг аҳамиятига юксак баҳо берган²²⁰.

Мотуридийа таълимотини ўрганишда ҳамда бу каломий мактабни бошқа мактаблардан энг равон тарзда фарқлаб очиб беришда «Табсирату-л-адилла» асарининг аҳамияти каттадир.

²¹⁸ Мотуридий Абу Мансур. Китобу-т-тавҳид / Фатҳуллоҳ Хулайф нашри. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломийа, 1979. Кириш. -Б. 5.

²¹⁹ Мотуридий. Ўша асар. Ўша жойда.

²²⁰ Рудольф У. Ал-Матуриди. – Б. 194.

«Табсирату-л-адилла» асари икки маротаба нашрдан чиқарилган. «Табсира»нинг мукаммал нашрини Сурия пойтахти Дамашқдаги араб тилини ўрганиш бўйича Франция илмий тадқиқот маркази тадқиқотчиси Клауд Салома амалга оширган. Асарнинг ушбу Дамашқ нашри икки жилдда нашр қилинган бўлиб, биринчи жилд 1990 йил, иккинчи жилд эса 1993 йил нашр этилган. Ушбу нашрнинг умумий ҳажми изоҳ ва мундарижаларни инобатга олганда 1011 бетдан иборат. Нашр жами 45 боб ва 47 фаслдан иборат. К.Салома ушбу нашр биринчи жилдининг охирида 15 бетдан иборат француз тилида алломанинг қисқача ҳаёти ва илмий мероси ҳамда асар ҳақида маълумот бериб ўтган. Тадқиқотчи асарни нашрга тайёрлашда «Табсира»нинг Мисрдаги тўртда қўлёзма нусхасидан фойдаланган²²¹. Сурияда нашрдан чиқарилган ушбу нодир манбадан кўплаб ғарб олимлари ўз тадқиқотларида фойдаланганлар. Юқорида таъкидлаганимиздек, У.Рудольф ҳам айнан шу нашрдан ўз тадқиқотида иқтибослар келтиради. Шунингдек, таниқли инглиз олими В.Маделунг ҳам «Табсира»нинг ушбу нашри ҳақида ўз мақоласида хабар берган²²².

Лекин «Табсира»нинг яна бир нашри мавжудлиги ҳақида кўпгина тадқиқотчилар, айниқса, ғарб тадқиқотчилари беҳабар қолганлар. Туркиянинг Анқара университети Илоҳиёт факултетининг профессори Ҳ.Отай ушбу нодир манбани 1993 йил биринчи жилдини ва 2004 йил иккинчи жилдини нашр эттирган. Ҳ.Отай нашрнинг охирида 77 бетдан иборат турк тилида алломанинг илмий мероси ва мазкур асари ҳақида маълумот берувчи сўнг сўз сифатида рисола ёзган. Тадқиқотчи ушбу нашрни амалга оширишда «Табсира»нинг Туркиядаги барча мавжуд қўлёзма нусхаларидан²²³ унумли фойдаланган. Лекин Ҳ.Отай Насафийнинг мазкур асарни ёзишига нима сабаб бўлгани ва унинг Мотуридийнинг «Тавҳид» асаридан қай жиҳатлари билан ажралиб туриши

²²¹ Бу ҳақда ушбу бобнинг иккинчи бандида маълумот берамиз.

²²² Маделунг В. Abu l-Mu'tin al-Nasafi and Ash'ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan's Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Kln: Brill, 2000. – Б. 318.

²²³ «Табсира»нинг Туркияда сақланаётган қўлёзма нусхалари учун қаранг: Мазкур тадқиқот: Илова 5..

ҳақида маълумотлар бермаган. Шу нуқтаи назардан, бизнинг тадқиқотимиз Ҳ.Отайнинг тадқиқотидан алоҳида ажралиб туради.

К.Салома «Табсира»ни нашрга тайёрлашда Ҳ.Отайга нисбатан асарнинг камроқ қўлёзма нусхаларидан фойдаланган. Шу нуқтаи назардан бизда икки нашр ўртасида ихтилоф ва фарқлар мавжуд бўлиши мумкин, деган тахмин пайдо бўлди. Лекин «Табсира»нинг Дамашқ ва Анқара нашрлари бир-бири билан солиштирилганда, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ топилмади. Асар иккала нашрда ҳам бир хил сўзлар билан бошланган ҳамда боб ва фаслларнинг кетма-кетлиги ҳам иккала нашрда бирхилдир.

«Табсирату-л-адилла» асари Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг энг буюк асари эканлигини асарнинг бошиданок билиб олишимиз мумкин бўлади. Насафий «Табсира»нинг муқаддимасида, - «Мендан дўстларим (шогирдларим) ақидавий масалаларда энг аниқ далилларга асосланган бир китоб ёзишимни ва ушбу китобда аҳли сунна ва-л-жамоъа шайхлари суянган (қўллаб-қувватлаган) фикрларни баён қилиб беришимни илтимос қилишди», - деб таъкидлайди²²⁴. Асарнинг тўлиқ номи «Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин ал тариқати-л-Имам Аби Мансур ал-Мотуридий» (*Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатиға биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш*). Насафийнинг ушбу асарни ёзишига, аввало ўзи юқорида таъкидлаганидек, шогирдларининг ундаши туртки берган бўлса, иккинчи жиҳатдан ўша даврда мотуридийа таълимоти бўйича «Китоб ат-тавҳид»дан кейин биронта ҳам йирик асар ёзилмаганлиги сабаб бўлган. Мана шу сабаб ва омилларни ҳисобга олиб, аллома улкан асар ёзишга бел боғлаган. Насафий «Табсирату-л-адилла» асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фихрист сифатида икки асари: «Тамҳид» ва «Баҳру-л-калом» асарларини ёзган.

«Табсирату-л-адилла» асари ёзиб тугатилгандан сўнг ўша давр мутакаллим олимлари, айниқса Мовароуннаҳрда ҳам маълум даражада тарқалиб борган

²²⁴ Насафий. Табсира. Ж. I. Б. 3.

ашъарийа таълимоти вакиллари томонидан катта шов-шувга сабаб бўлган. Насафийдан сўнг ҳам «Табсира» асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келган.

«Табсирату-л-адилла»нинг Туркиянинг Fatih кутубхонасида 2907 рақам билан ҳамда Beyazit кутубхонасида 3063 рақам билан сақланаётган икки қўлёзмасининг биринчи варақларида уни ривоят қилган олимлар рўйхати ҳақида маълумотлар берилган²²⁵.

Мазкур рўйхатга аҳамият берсак, «Табсира» билан нафақат мутакаллим олимлар, балки фикҳ илми билан шуғулланган олимлар ҳам яқиндан таниш бўлганлар. Бунга рўйхатнинг тўққизинчи қаторида турган мовароуннаҳрлик машҳур фақиҳ Бурҳонуддин ал-Марғинонийни мисол қилиб келтириш мумкин.

«Табсирату-л-адилла»нинг калом илмига оид ёзилган бошқа асарлардан яна бир устун томони шундаки, унда нафақат каломий масалалар, балки мовароуннаҳрлик бир қанча машҳур мутакаллимларнинг ҳаётлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр калом илми тарихи ва у ерда фаолият олиб борган мутакаллимлар ҳақида ҳозирги кунгача айрим энциклопедик манбалардаги қисқача маълумотларга суяниб келинмоқда эди. Фақатгина охирги икки-уч йиллар давомида олмон шарқшуноси У.Рудольф²²⁶ ҳамда юртдошимиз А.Мўминовларнинг²²⁷ саъйи ҳаракатлари натижасида бир қанча калом илмига оид тарихий манбалар кашф этилди.

Айни вақтда, Насафийнинг «Табсира» асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирган қимматли маълумотлар биронта ҳам хоҳ энциклопедик, хоҳ калом илмига оид асарларда учрамайди.

²²⁵ Қаранг: Мазкур китоб. 3-Илова. Табсира. Қўлёзма. Fatih. № 2907. -В. 2; Табсира. Қўлёзма. Beyazit. № 3063. -В. 2.

²²⁶ Рудольф ўзининг «ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде» номли асарида Мавароуннаҳр калом мактаби тарихини очиб беришда кўп ўринларда асосан Насафийнинг «Табсира»сидан фойдаланган.

²²⁷ Маълумот учун қаранг: Мўминов А, Кюгельген А. X аср илоҳиётчилари. Имом ал-Бухорий сабоқлари, -2003. - №. 1. -Б.15-17. Ушбу мақолада матуридийа таълимотининг ўрганилиши бўйича бир қанча янги тарихий манбалар ҳақида маълумотлар берилган.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннахр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиққан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, муътазилийларнинг азалий рақиблари ҳисобланганлар²²⁸.

Насафий ўз асарида мовароуннахрлик машҳур мутакаллимлардан Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабиҳ ал-Жузжоний, аш-Шайх Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-хусайн ал-Иёдий ҳақида маълумотлар келтиради. Аш-Шайх Абу-л-Қосим Ҳаким ас-Самарқандининг ривоят қилишича, Абу Наср ал-Иёдийнинг олдига турли адашган фирқаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри ақидаларини исботлаш учун келганларида, албатта улар Иёдийнинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар²²⁹.

Шунингдек, «Табсира»да Абу Наср ал-Иёдийнинг икки ўғли: Абу Аҳмад ва Абу Бакр ал-Иёдийлар ҳақида ҳам маълумотларни учратамиз. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг невараси, Мовароуннахр ва Хуросонда «Садру-л-фуқаҳо» унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс ал-Ажали ал-Бухорий шундай деган: «Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад ал-Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад ал-Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас»²³⁰.

Иёдийлар билан бир қаторда Насафий мовароуннахрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни ал-Қозий Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Муслама ибн Абдиллоҳ ибн Муғйра, «Маъолиму-д-дин», «Китобу-л-ийтисом» ва «Китобу-р-радд ала-л-карромийа» асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Йаман ас-Самарқандий ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад ас-Самарқандий биринчилардан

²²⁸ Табсира. Ж.И. Б. 356.

²²⁹ Табсира. Ж.И. Б. 356.

²³⁰ Табсира. Ж.И. Б. 357.

бўлиб карромийларга қарши раддия билдирган олим ҳисобланган²³¹. «Табсира»да сўнгги мутакаллим сифатида «Жумал усули-д-дин» китобининг муаллифи ал-Фақиҳ Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳақида маълумотлар келтирилади.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирар экан, ниҳоят ўзининг шайхи Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида сўз юрита бошлайди. У Мотуридий ҳақида шундай дейди: «Биз юқорида зикр қилган олимларнинг барчаси мавжуд бўлмаганда ҳам, Абу Мансур ал-Мотуридий уларнинг барчаси ўрнига кифоя қилар эди. У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дуру-гавҳарларни олиб чиқди ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий унинг қабри устига, «Ушбу қабр илмларни ўз нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган шахснинг қабридир», - деб ёзишларига буюрган эди»²³².

Насафий «Табсира»да Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари ҳақида маълумотлар келтиради. «Китобу-т-тавҳид», «Китобу-л-мақолат», «Китоб радд авоили-л-адилла ли-л-Каъбий», «Китоб байон ваҳми-л-муътазила», «Китоб радд таҳзийби-л-жадал ли-л-Каъбий», «Радд китоби-л-Каъбий фи ваъид-л-фуссоқ», «Радд усули-л-хамса ли Аби Умар ал-Боҳилий», «Радд китоби-л-имома ли баъзи-р-равофиз», «Китоб радд ала-л-қаромита» ҳамда усулу-л-фикҳга оид «Маъхазу-ш-шароий», «ал-Жадал» каби асарлар шулар жумласидандир²³³.

Шунингдек, «Табсира»да Мотуридий ҳақида келтирилган яна бир ривоят ҳам диққатга сазовордир. Унда таъкидланишича, Мотуридий агар бирон бир мажлисда иштирок этмай қолса, ҳатто унинг устози Абу Наср ал-Иёдий ўз

²³¹ Табсира. Ж.И. Б. 358.

²³² Табсира. Ж.И. Б. 358.

²³³ Табсира. Ж.И. Б. 359.

шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Мотуридийни узоқдан бўлсада, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб турар ва «Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилгандек яратган», - деб жилмайиб қўяр эди²³⁴.

Насафий ўз асарида яна таъкидлашича, Мотуридийнинг «Таъвилоту-л-Қуръони-л-Карим» номли асари ўз даврида машҳур ҳисобланган ва кўплаб олимлар ушбу асарни қуйидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: «Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устунни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда балиғ васф ила яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин»²³⁵.

Мовароуннаҳрлик уламолар ҳақидаги маълумотларни Насафий Абу-л-Қосим Ҳаким ас-Самарқандий (в. 342/953 й) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, шундай дейди: «Агарда мен ҳанафий мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳрнинг туркларнинг энг қуйи чегарасигача бўлган барча диёрларидаги уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақидаги мухтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим»²³⁶.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, «Табсирату-л-адилла» асари мотуридийа таълимоти ва ушбу мазҳаб вакилларнинг илмий-маънавий мерослари ҳақида кўплаб хабарлар мужассам бўлган ғоятда муҳим манба ҳисобланади.

Тадқиқотимиз натижасида Абу-л-Муъин ан-Насафий “Табсирату-л-адилла” асарини 500/1106 йили Рабиъу-с-соний ойининг олтинчи куни (4 декабрь),

²³⁴ Табсира. Ж.И. Б. 359.

²³⁵ Табсира. Ж.И. Б. 359.

²³⁶ Табсира. Ж.И. Б. 360.

пайшанба, аср вақтида Бухорода²³⁷ ёзиб тугатгани аниқланди. Ушбу санадан биз Насафий мазкур асарини умрининг сўнгги йилларида ёзиб тугатганига гувоҳ бўламиз. Бизнинг фикримизча, Насафий «Табсира»ни ёзиб бўлгач, умрининг қолган вақтида «Табсира»га жуда яқин бўлган, баъзан унинг фихристи, деб ҳам баҳоланган «Тамҳид» ва «Баҳру-л-калом» асарларини ёзган. Чунки Насафий «Табсира»да баъзи асарлари ҳақида маълумотлар келтирган бўлсада, «Тамҳид» ва «Баҳру-л-калом» асарлари ҳақида маълумотлар бермаган. Аксинча, «Тамҳид»нинг бир қанча жойларида «Табсира» ҳақида тўхталиб ўтган. Шунинг учун ушбу икки асар «Табсира»дан кейин ёзилган деган хулосага келиш мумкин.

²³⁷ Табсирату-л-адилла. Қўлёзма. – Истанбул: Қилич Али Поша кутбхонаси. Инв.506/2. -В. 1^а.

2.2. «Табсирату-л-адилла»нинг қўлёзма нусхалари

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асарининг қўлёзма нусхалари дунёнинг бир қанча мамлакатларида, шунингдек, ватанимиз кутубхона фондларида ҳам сақланмоқда. Изланишларимиз натижасида «Табсира»нинг қўлёзма нусхалари асосан Мисрда, Туркияда, Эронда ҳамда юртимиздаги қўлёзмалар хазиналарида мавжудлиги маълум бўлди.

Француз тадқиқотчиси К.Салома «Табсира»ни нашрга тайёрлашда асосан Миср қўлёзма фондларида сақланаётган тўртта қўлёзма нусхасидан фойдаланганлиги ҳақида нашрнинг муқаддимасида таъкидлаб ўтган.

К.Салома асарни нашрга тайёрлашда фойдаланган қўлёзмаларнинг биринчиси Мисрнинг Искандария шаҳри кутубхонасида 779 Б рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма 209 саҳифадан иборат. Насх хатида битилган ушбу қўлёзма 659/1269 йили Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли хаттот томонидан Бухорода кўчирилган бўлиб, нашр муқаддимасида ёзилишича, «Табсират ал-адилла»нинг энг қадимий қўлёзма нусхаси ҳисобланади²³⁸.

Иккинчи қўлёзма Қоҳирадаги «Дору-л-кутуби-л-мисрийа» кутубхонасида сақланмоқда. Бу қўлёзма 490 варақдан иборат ва йирик насх хатида кўчирилган. Афсуски, ушбу қўлёзма кўчирилган йил ҳам, унинг хаттоти ҳам кўрсатилмаган. Лекин К.Саломанинг таъкидлашича, бу қўлёзма юқорида зикр қилинган биринчи қўлёзмадан кўчирилган. Чунки иккала қўлёзмада айнан бир хилдаги хато ва нуқсонлар учрайди.

²³⁸ Насафий. Табсира. Ж. I. Б. 2.

Нашр учун фойдаланилган учинчи нусха Қоҳирадаги машҳур ал-Азҳар университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадир. У 4406 (301) рақами остида бўлиб, 383 саҳифадан иборат. Насх хатида битилган бу қўлёзма 1129/1717 йили кўчирилганлиги ҳақида унинг охириги саҳифасида қайд этилган. Афсуски, бу нодир қўлёзмани ҳам кўчирган хаттотнинг номи зикр этилмаган.

Тадқиқотчи ўз ишида «Дору-л-кутуби-л-мисрийа»да «10м Тавҳид» рақамида сақланадиган яна бир қўлёзмадан ҳам фойдаланган. 395 варақдан иборат 1136 ҳижрий (1724 мелодий) санада насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма Абдулфаттоҳ Жод ал-Мавло Абу-л-Фатҳ ад-Далижий томонидан кўчирилган.

Сурияда нашр қилинган ушбу асар юқорида айтилганидек икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди 21 та боб ва 24 та қисмларни ўз ичига олган. Китобнинг иккинчи жилди эса, 26 та боб ва 21 та қисмдан таркиб топган. нашрнинг икки жилдини умумий ҳисоблаганда 1012 бетни ташкил қилади.

«Табсирату-л-адилла»нинг яна бир қўлёзма нусхаси Эрондаги Оятуллоҳ ал-Узамий ал-Маръаший ан-Нажафий ташкил этган «ал-Хизанату-л-оламиё ли-л-махтутот ал-исломийа» (*Ислом қўлёзмалари бўйича дунё хазинаси*) номли кутубхонада 1707 рақами билан сақланмоқда.

Асарнинг ушбу қўлёзмаси ҳақида Эрондаги ушбу кутубхонадаги қўлёзма асарларга бағишлаб каталог сифатида Дамашқда чоп этилган «Наводиру-л-махтутоти-л-арабийа» номли китобда батафсил маълумот берилган.

Эронда сақланадиган «Табсира»нинг ушбу қўлёзма нусхаси насх хатида хаттот Аҳмад ибн ал-Қосим ибн ал-Ҳасан ибн Масъуд томонидан 595/1199 йили муҳаррам ойининг 11 куни ёзиб тугалланган. Қўлёзманинг хати ниҳоятда қабих ёзилганлиги ҳамда сатрларнинг чалкашлиги сабабли уни ўқиб тушуниш маълум даражада қийинчилик туғдиради. Қўлёзма 179 варақдан иборат бўлиб, варақларининг ранги қахва рангидадир²³⁹. Қўлёзманинг биринчи бетида (варағида) Иброҳим ибн Фазлуллоҳ ал-Қаттоний, Муҳаммад ибн Абдиллоҳ,

²³⁹ Наводиру-л-махтутоти-л-арабийа мина-л-қорни-с-салис ила-с-садиси-л-ҳижрий. - Дамашқ; 2002. – Б. 21.

Файзуллоҳ ибн Шайх Аҳмад Ҳамд ас-Сивасий номли муфохристларнинг (саҳифаловчилар) номлари келтирилган. Қўлёзма матнлари билан диққат билан танишиб чиқилса, аввалги тадқиқотчилар ушбу асарни «ал-Милал фи-л-калом» деб номлаганларидан ушбу асар билан тўлиқ ва батафсил танишмаганларига гувоҳ бўламиз²⁴⁰.

«Табсира»нинг қўлёзмаси сақланаётган Эрондаги кутубхона ходимлари, асарнинг ушбу қўлёзмаси билан тадқиқотчи К.Салома кеч, яъни «Табсира»нинг иккинчи жилди нашрга тайёрланаётган вақтда танишишга муяссар бўлганлигини ва калом илмидаги ушбу муҳим манбанинг энг қадимги қўлёзма нусхасини асарни нашрга тайёрлашда истифода этолмаганлигидан таассуф билдирадилар²⁴¹. Қўлёзманинг кўчирилган йилидан шу нарса маълум бўладики, Эрондаги ушбу нодир манба «Табсира»нинг энг қадимги қўлёзма нусхаси ҳисобланади.

«Табсирату-л-адилла»нинг энг кўп қўлёзмалари сақланаётган юрт, шубҳасиз Туркия ҳисобланади. Тадқиқотларимиз давомида Истанбулнинг Сулаймония кутубхоналарида «Табсира»нинг 18 та қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги аниқланди²⁴².

«Табсирату-л-адилла»нинг Туркиядаги мавжуд барча қўлёзма нусхалари ҳақида туркиялик таниқли каломшунос олим Ҳ.Отай «Табсира»нинг ўзи тайёрлаган нашрида қимматли маълумотлар келтирган, ҳамда ҳар бир қўлёзманинг бош ва охириги варақларидан асл нусхасининг суратларини илова қилган. Ушбу нашр «Табсира»нинг қўлёзмалари билан танишишимизда бизга катта ёрдам берди. Шунингдек, «Табсирату-л-адилла»нинг Туркиядаги мавжуд қўлёзма нусхалари бўйича туркиялик яна бир олим М.Ўзерварли ҳам илмий тадқиқотлар олиб бориб магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган²⁴³.

²⁴⁰ Наводиру-л-махтутоти-л-арабийя мина-л-қорни-с-салис ила-с-садиси-л-ҳижрий. – Б. 21.

²⁴¹ Ўша китоб. – Б. 22.

²⁴² Мазкур қўлёзмаларнинг барчаси ҳақида ушбу китоб сўнгида маълумот берилган. Қаранг: Илова 5.

²⁴³ Маълумот учун қаранг: Ўзерварли М. Ebu'l-Mu'in en-Nesefti'ye ait Tebsiretu'l- edille'nin kaynaklari. (Yüksek lisans tezi). – Istanbul: 1988. – 74 б.

«Табсирату-л-адилла»нинг юртимиздаги ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам иккита қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ушбу қўлёзма нусхаларнинг энг қадимийси 3268 рақами остида сақланмоқда. Қўлёзма 266 варақдан иборатдир. Саҳифанинг ҳажми 15,5х22,5 см.га, матннинг ҳажми эса 11х18 см.га тенгдир. Ҳар бир саҳифадаги матнлар 27 қатордан иборат. Қўлёзманинг қоғози оч сариқ рангда бўлиб, насх хатида ёзилган. Афсуски, бу қўлёзманинг қачон ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълум. Ушбу қўлёзманинг ҳолати ва варақларининг турига қараб, уни энг қадимий нусха деган хулосага келдик.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги иккинчи қўлёзма 5857 рақами билан сақланади. Қўлёзма умумий 289 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифа ҳажми 18х29,5 см.га, матнлар ҳажми эса 10х20 см.га тенгдир. Ҳар бир варақдаги матнлар 29 қатордан иборат. Қўлёзманинг охириги варақида ёзилишича, ушбу нодир манба 1146/1734 йили Али ибн аш-Шариф ат-Титлавий томонидан насх хатида кўчирилган. Асарнинг ушбу қўлёзма нусхаси учта қўлёзма орасида энг мукаммал ва фойдаланишга қулай бўлган асардир. Чунки ушбу қўлёзманинг хати чиройли, равон ва тушунарли равишда ёзилган бўлиб, варақлари ҳам яхши сақланган.

Биринчи қўлёзмани «Табсира»нинг икки нашри билан солиштирганда, фасл ва бобларда ихтилофлар кўзга ташланмади. Фақат қўлёзмада фасллар номи баён этилмаган ва фақат «Фасл» деб таъриф берилган. К.Салома ва Ҳ.Отай нашрларида ҳар бир фаслларга ном берилган. Нашрлар ўзаро таққосланганда, «Табсира»нинг икки нашридаги боб ва фаслларнинг номлари бир хил бўлиб чиқди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, икки ношир фойдаланган қўлёзмаларда фасллар номлари ҳам ёзилган.

Иккинчи қўлёзмада эса, китобнинг дастлабки варақида фасллар фихристи жадвал шаклида берилган. Қўлёзма худди нашрдаги каби «ал-Калом фи таҳдидил-илм» деган боб билан бошланади. Лекин фаслларнинг номи қўлёзмада умумий

шаклда берилган, холос. Масалан, нашрда *имон* мавзусидаги фасллар «Фасл фи ибтоли анна-л-имон хува-л-қавлу-л-мужаррад», «Фасл анна-л-имон йакуну би-л-қолб» каби турли номлар билан аталган. Ёки *имомат* мавзусидаги фасллар ҳам «Фасл фи вужуби-л-иймон аз-зоҳир», «Фасл фи имомати-л-мафзул» каби номлар билан аталган. Қўлёзмада эса, масалан *имон* ҳақидаги мавзулар боши «*ал-Калом фи-л-имон*», *имомат* мавзуси «*ал-Калом фи-л-имома*» деган сарлавҳалар билан бошланиб фаслларнинг эса номлари берилмаган. Шунингдек, нашр билан қўлёзмада атоқли шахслар, олимлар номларидан кейинги аталадиган саловот ва раҳмат сўзлари турлича ифодаланган. Қўлёзмада бу сўзлар биров кенгрок берилган. Лекин нашр ва қўлёзмалар фаслларининг матнида ихтилоф ва ноқис жиҳатлари кўзга ташланмади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, «Табсирату-л-адилла»нинг юртимизда сақланаётган 3268 ва 5857 рақамли қўлёзма нусхалари асарнинг тулиқ ва мукаммал нусхаси ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига қарашли қўлёзмалар фондида ҳам 2360 рақам остидаги қўлёзмалар мажмуъасида «Табсира»нинг яна бир қўлёзма нусхаси сақланади. Мажмуъага «Табсира»дан бошқа яна «Васият Аби Ҳанифа» (Абу Ҳанифанинг шогирдларига васияти), «Тухфату-л-мутакаллимин», «Шарҳ ал-фикҳи-л-акбар», «Шарҳ ақидати-т-Таҳовийа», «Бидойату-с-Собуний», «Табсирату-л-адилла», «Усулу-ш-шайхи-л-ажал Аби-л-Қосим ас-Саффар», «ал-Фикҳу-л-акбар ли сирожил-уммат ва кошифи-л-умур Аби Ҳанифа роҳимахуллоҳ алайҳи» ва «Дафтару-с-соний фи ақоид» номли асарлар ҳам киритилган.

Ушбу мажмуъада юқорида зикр этилган асарлар тўлиқ ҳолда берилмай, балки қисқартирилган шаклда ёзилган. Қўлёзманинг охириги саҳифасида ўтган асрнинг ўрталарида Мусулмонлар диний идораси кутубхонасининг ходими Устоз Алоуддин Маҳдум домланинг ўғли Нодирхон Маҳдумнинг имзоси қўйилган ва 1951 йил 3 апрель санаси кўрсатилган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу мажмуъадаги асарлар аввал кутубхонада алоҳида-алоҳида ва

тўлиқ бўлмаган ҳолда сақланган, Устоз Нодирхон Махдум ушбу қўлёзма нусхаларини калом илмига оидларини имкон қадар жамлаб, юқорида кўрсатилган йилда мажмуъа ҳолига келтирган ва уни «Табсира» деб номлаган. Китобнинг муқоваси ҳам ушбу китоб ўтган асрнинг ўрталарида қайта таъмирланганлигидан далолат беради. «Васият Аби Ҳанифа» ва «Тухфату-л-мутакаллимин» асарлари 1275/1858 йилда Бухорода кўчирилган бўлиб, афсуски қўлёзмада хаттотнинг номи кўрсатилмаган. Ушбу икки асар насх хатида қадимий Самарқанд қоғозига битилган. Қўлёзмадаги «Шарҳ ал-фикҳи-л-акбар», «Шарҳ ақидати-т-Таҳовийа» ва «Бидойату-с-Собуний» асарлари 1096/1685 йилда хаттот Нур Муҳаммад Шайх Кабир ибн Шайх Али томонидан кўчирилган. Ушбу асарлар насхталик хатида кўчирилган. «Табсирату-л-адилла» ушбу қўлёзмада ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган ва нечанчи йил ким томонидан кўчирилганлиги ҳам номаълумдир. Асар насх хатида ёзилган. У «Табсира»нинг бошқа қўлёзма нусхаларидаги каби:

الرحيم الرحمن الله بسم

الكرام وأصحابه آله وعلى الأنام خير محمد رسول على والصلوة والإكرام الجلال ذي الله الحمد
الله رحمه النفس المعين أبو والدين الحق سيف والجماعة السنة أهل رئيس الأجل الإمام الشيخ قال
عليه...

кириш сўзи билан бошланган. Қўлёзма саҳифасининг ҳажми 17,5 x 11,5 см.га эгадир. Асарнинг матни 12,5 x 7 см.га тенг бўлиб, ҳар бир varaқ 21 қатордан иборат. Ушбу қўлёзма «Табсира»нинг нашри билан солиштирилганда, қўлёзмада асарнинг тўлиқ мавзуларидан айримлари танлаб жамланган. Қўлёзмада ҳар бир мавзуларнинг фаслларида айримлари берилган, холос. Шунинг учун ушбу қўлёзмани «Табсирату-л-адилла»нинг тўлиқ ҳоли эмас, балки унинг қисқаритилган шарҳи, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, «Табсирату-л-адилла»нинг яна бир қўлёзма нусхаси Россия ФА қошидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам С 1319

рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 264 варақдан иборат бўлиб, афсуски кўчирилган йили номаълум²⁴⁴.

2.3. «Табсирату-л-адилла»нинг таркибий тузилиши

Биз «Табсирату-л-адилла» асарининг таркибий тузилишини К.Саломанинг нашри орқали ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Китобнинг катта қисми муътазилийлар²⁴⁵ билан муноқаша ва уларнинг ғояларига қарши раддияларга бағишланган. Асарда Насафийнинг бир неча бор «Замонамиз баъзи муътазилийлари» иборасини ишлатишидан, унинг даврида ҳам Мовароуннаҳрда оз бўлсада муътазилийлар фаолият олиб борганлиги маълум бўлади. Шунингдек, асарда айрим ашъарийларга ҳам раддиялар берилган ва баъзи ўринларда уларнинг фикрлари ҳам қўллаб-қувватланган.

«Табсира» ношири К.Саломанинг эътироф этишича, Насафий ҳар бир фаслни ўз мазҳабининг қисқача баёни билан бошлаб, сўнгра муҳолиф мутакаллим фирқаларининг райъларини келтириб ўтади ва уларни батафсил равишда шарҳлаб уларга раддиялар келтиради²⁴⁶. Лекин биз асарни кўздан кечирганимизда бундай ҳолатни умуман учратмадик.

Афсуски, ушбу тадқиқотимизда биз икки жилддан иборат ҳамда ҳажм жиҳатдан катта бўлган ушбу асарнинг барча фасллари ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтиш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун асарнинг мазмуни ва унда кўтарилган масалаларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уларни очиб беришга ҳаракат қилдик.

²⁴⁴ Арабские рукописи Института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог. М.: Наука, 1986. Т. I. Б. 92.

²⁴⁵ Муътазилийа таълимоти ҳақида сўз борар экан, кўплаб уламолар ушбу таълимотни адашган, ботил таълимот сифатида эътироф этиб келганлар. Ҳақиқатда ҳам ушбу таълимот вакиллариининг илгари сурган ақидалари натижасида калом илмига нисбатан турли қаршиликлар келиб чиққан эди. Муътазилийлар ақида масаласида икки аҳли сунна ва-л-жамоъа мазҳаби: ашъарийа ва мотуридийанинг муҳолифлари бўлган. Шунинг учун ҳам Насафийнинг ижодида биз муътазилийларга нисбатан ҳам қарши фикрларни учратамиз. Мазкур китобда биз Насафийнинг муътазилийага қарши билдирган фикрларини асл ҳолида беришни лозим топдик. (Мазкур китобнинг учинчи бобида муътазилийа ва ашъарийа таълимотлари ҳақида батафсил маълумот берилган).

²⁴⁶ Насафий. Табсира. Кириш. -Б. 1.

«Табсира»нинг таркибий тузилишига келсак, асарнинг биринчи жилди 45 та фаслдан, иккинчи жилди эса, 47 фаслдан иборат. Асарда муаллиф асосан Абу Ханифа мазҳабини ҳамда ўзининг маънавий шайхи ҳисоблаган Абу Мансур ал-Мотуридий мактабини ботил мазҳабларнинг нотўғри ақидаларидан ҳимоя қилади.

Масалан, асарнинг «*العلم تحديد في الكلام*» (*Илмнинг таърифи*) номли фаслида илм ҳақида муътазилийлар ва ашъарийларнинг фикрлари баён қилинади ва уларга раддия билдирилади. Муътазилий Абу-л-Қосим ал-Балхийнинг фикрича, илм - бу бирон нарса қандай бўлса, уни шундай деб эътиқод қилиш. Яна бир муътазилий Абу Али ал-Жуббойи: «Илм – бир нарса қандай бўлса зарурат ва далил билан, шундай, деб эътиқод қилиш», - деб таъкидлайди.

Насафий муътазилийларнинг ушбу фикрига қуйидагича раддия билдиради: «Илмни эътиқод деб таърифлаш ботилдир. Агар илм эътиқод бўлса, илмли одам мўътақид (эътиқодли одам) ҳисобланади. Бунга бизнинг икки эътирозимиз бор: 1. Аллоҳ эътиқод қилувчи эмасдир. Бу ҳолда юқоридаги фикрга кўра Аллоҳ билувчи эмас, деган хулосага келиб қолиш мумкин. Бу сўз ботилдир. 2. Аллоҳ (нақлий ва ақлий далиллардан билишимизча) Алимдир, лекин Мўътақид эмас. Бу ҳам илмнинг эътиқод эмаслигига далилдир»²⁴⁷.

Шундан сўнг муаллиф ашъарийларнинг фикрларига раддия билдиради. Абу Бакр ал-Боқиллонийнинг таърифича, илм бир нарсани қандай бўлса, шундай деб танимоқ, яъни маърифат қилмоқдир. Бу фикр ҳам нотўғридир. Чунки Аллоҳ «Алим» сифати билан сифатлансада, лекин «Ориф» сифати билан танилмаган. Шундай экан, «илм» билан «маърифат» алоҳида нарсадир. Яна баъзи ашъарийларнинг фикрича, илм – бир нарсани қандай бўлса, шундай идрок қилмоқдир (унга етмоқлик). Бу ҳам нотўғри фикрдир. Чунки Аллоҳ маълумдир. Банда уни билади. Лекин бу унга етди дегани эмасдир²⁴⁸. Демак, Насафий ушбу

²⁴⁷ Табсира. Ж. I. Б. 6.

²⁴⁸ Табсира. Ж. I. Б. 7.

асарида ботил фирқалар билан бир қаторда аҳли сунна эътиқодида бўлган ашъарийларга ҳам ўз эътирозларини билдирган.

Насафий илм борасида баъзи ўринларда ашъарийларнинг фикрларини ҳам қўллаб-қувватлаган. Баъзи ашъарийлар, илм бу билувчини Олим деб аталишига вожиб қилувчи нарсадир ва илм шундай сифатки, унга эга бўлган зот олимдир, деб таъкидлайдилар. Бу тўғри лафздир. Лекин уларга хусумат қилувчилар, бир нарсани ўзини ўзи билан таърифлайсизларми? - деб эътироз билдирганлар. Яъни Зайд Амрнинг ўғли. Амр Зайднинг отаси, дегандек.

Насафий бу ўринда ашъарийларнинг фикрларини қўллаб-қувватлар экан, шундай дейди: «Мушоҳада қилиб кўрсак, масалан, Олим одам қора рангли бўлгани учун олим эмас. Чунки қора ранг олим бўлмаган жисмларда ҳам бордир. Бундан зоҳир бўладики, олим унда илм қоим бўлганлиги учунгина олим ҳисобланади»²⁴⁹. Бу мисолдан Насафийни ашъарийларга нисбатан, рақиб эмас балки объектив муносабатда турганини англашимиз мумкин. Чунки Насафий ашъарийларнинг фикрларига раддия билдиргандан сўнг, дарҳол кейинги бетларда уларнинг фикрларини қўллаб-қувватлайди. Бизнинг назаримизда, Насафий ўқувчида асарнинг бошиданоқ унинг ашъарийларга нисбатан салбий муносабатда бўлган экан, деган хулосага келиб қолмаслиги учун ҳам ашъарийларнинг фикрларини тўғри деб ҳисоблаган. Демак, Насафий асарнинг дастлабки қисмларида асосан муътазилийларни танқид остига олган.

Насафий ушбу фаслнинг сўнггида Мотуридийнинг фикрларини келтиради: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фикрича, илм шундай бир сифатки, илм эгаси бўлган зот унга тажалли қилади (ўша сифат орқали намоён бўлади). Бу таъриф энг саҳиҳ ва эътирозга сабаб бўлмайдиган бир таърифдир»²⁵⁰.

Шунингдек, «والعلوم الحقائق إثبات في الكلام» (*Ҳақиқат ва илмлар исботи ҳақида сўз*) номли фаслда юқорида илмга таъриф берилгандан сўнг нарсанинг ҳақиқати ҳақида сўз юритилади. Насафий, нарсанинг ҳақиқати йўқ ва уни билиб

²⁴⁹ Табсира. Ж. I. Б. 10.

²⁵⁰ Табсира. Ж. I. Б. 11.

бўлмайди, деганларга қарши ўзининг далилларини ифодалайди. Унинг таъкидлашича, ақл эгалари улар билан мунозаралар олиб бормасликка ижмоъ қилганлар²⁵¹.

Насафий айтади: «Биз улар билан мунозара олиб бормаймиз. Балки, мисол учун уларнинг тана аъзоларани кесиб, уларни оч ҳолда қолдириб «тарбиялаймиз». Сўнгра уларга: сизнинг таъбирингиз бўйича, бу кесиш ва очлигу ташналикнинг ҳақиқати йўқдир ва булар фақат сизлар учун гумондир. Ҳақиқатда эса роҳат ва инъомдир, деймиз. Шунда улар ўзларининг мазҳаблари ботил эканлигига иқрор бўладилар»²⁵². Насафий бундай ботил фикрдаги одамларга ушбу фаслда уларнинг нотўғри эътиқодига кўплаб далил ва исботлар келтиради ҳамда ушбу тоифани «Софистика» (السوفسطائية), яъни софистлар деб атайдиган²⁵³.

«المعارف أسباب في الكلام» фаслида (Маърифат (билиш) омиллари ҳақида) Насафий илм асбоблари ва тариқатини учга бўлади: 1. Соғлом ҳис, эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тегиб билиш. 2. Содиқ кишининг хабари. 3. Ақл.

Софистлар буларнинг барчасини инкор қилади. Бошқа бир тоифалар, яъни «Суманийя» (السمنية) ва «Бароҳима» (البراهمة) лар хабарни илм - билиш асбобларига киритмайдилар. Суманийалар софистларга қўшилиб ақлни ҳам маърифат асбобларидан деб ҳисобламайдилар. Аммо бароҳималар ақлни киритиб, фақат хабарни инкор қиладилар. Уларнинг таъкидлашича, хабар икки хил, яъни тўғри ва ёлғон бўлиши мумкин. Ёлғон хабар маърифат асбоби бўлолмайди. Насафий айтади: «Биз уларга шундай деймиз: Сизнинг «Хабар маърифат асбобларидан эмас», деган сўзингиз сиз томондан берилган хабардир. Сизлар эса хабарни ботилга чиқаряпсизлар. Демак, сизнинг даъвоингиз ҳам пучдир»²⁵⁴.

Кўриниб турибдики, Насафий ушбу фирқаларнинг раъйларига қарши уларнинг ўзларининг сўзларидан мисол келтириб далиллар келтиради. Бу,

²⁵¹ Табсира. Ж. I. Б. 12.

²⁵² Табсира. Ж. I. Б. 12.

²⁵³ Табсира. Ж. I. Б. 14.

²⁵⁴ Табсира. Ж. I. Б. 15-21.

албатта алломанинг араб тилининг балоғат, фасоҳат илмлари ҳамда мантиқ илмини мукаммал билганидан далолат беради.

«Табсира»нинг

«لأديان صحة معرفة أسباب من والتقليد والإلهام حسنه القلب في يقع ما كون إبطال في الكلام»

(Қалбда чиройли кўринмоғи, илҳом ва тақлид динларнинг тўғрилигини билиш асбобларидан (воситаларидан) дейиш ботиллиги ҳақида) номли фаслда юқоридаги ҳиссиётлар орқали динни аниқ билиб бўлмаслиги ҳақида далиллар келтирилади. Баъзи қавмлар, агар кимнинг қалбига бирор нарса чиройли кўринса, уни дарҳол ушлаши лозим, деб даъво қилади. Бу ботилдир. Чунки динлар турлидир ва айримлари бир-бирига зиддир. Ҳар бир кишининг дини унинг қалбида чиройли кўрингани учун тўғри бўлиб чиқаверса, дунёдаги барча динлар тўғри бўлиб қолади²⁵⁵. Шунингдек, илҳом ҳам диннинг тўғри эканлигини исбот қила олмайди.

Насафий динни бирон кишига тақлид қилиб тўғри дейдиганларга қарши раддия сифатида муътазилийларнинг фикрларига қарши чиқади. Муътазилийларнинг фикрича, ҳар бир мужтаҳид ҳақдур. Насафий айтади: «Мен ижтиҳод қилиб, мужтаҳид ҳақ ёки ноҳақ бўлишини аниқладим. Мен тўғри аниқладимми, ёки хатоми? Агар улар «йўқ», деб жавоб берса, мужтаҳид доим ҳам ҳақ бўлмаслиги маълум бўлади. Агар «ҳа» десалар, мужтаҳид ҳам хато қилиши мумкинлигини ўзлари исботлаб берадилар»²⁵⁶. Бу мисол билан Насафий тақлид орқали ҳам диннинг тўғри эканлигини билиб бўлмаслигини исботлаб беради.

Асарда сўнгра бевосита имон ҳақида сўз юритилиб, имонга тақлид орқали эришиш мумкинми, ёки йўқми?, деган масалага жавоблар берилади. Насафий бу ўринда Абу Ҳанифанинг «Имон – бу тасдиқ», деган сўзларини ва Мотуридийнинг ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлаганини таъкидлайди²⁵⁷.

²⁵⁵ Табсира. Ж. I. Б. 22.

²⁵⁶ Табсира. Ж. I. Б. 23.

²⁵⁷ Табсира. Ж. I. Б. 25.

Насафий бу борада Мотуридийнинг фикрини далил қилиб, тақлидчининг имони ҳам имон ҳисобланади, деган фикрни илгари суради. Лекин у азоблардан қутилиш учунгина имонни тақлид қилган бўлса, унинг имони нафъ бермайди, - деб таъкидлайди²⁵⁸. Аҳамият берадиган бўлсак, Насафий ҳар бир фаслнинг сўнггида ўзининг фикрлари билан бир қаторда Мотуридийнинг фикрларини келтиради ва бунда Мотуридийга баъзан урғу бериб, уни алоҳида мақтовлар билан тилга олади.

Илм, маърифат ва имон ҳақида сўз юритилгач, Насафий оламнинг яратилиши ва унинг жузълари ҳақида сўз юритади. Бунда асосан у динсизларнинг олам азалийдир деган фикрларининг куфр эканлигини исботлаб беради. Асарда таъкидланишича, Аллоҳ муваффақият эгасидир. Аҳли калом наздида “Олам” лафзи Аллоҳдан бошқа барча нарсаларга ишлатилади. Уларнинг «Олам» деб аталишининг сабаби унинг кўрувчи, билувчи, эшитувчи ва қудратли яратувчиси борлигидан (أعلم) аломат эканлиги учундир. У яратувчи ҳеч бир нарсага ўхшамас²⁵⁹. Бу ерда Насафийнинг юқорида таъкидлаганимиздек, балоғат, фасоҳат илмлари билан бир қаторда фалсафани ҳам мукаммал эгаллаганига гувоҳ бўламиз. Чунки кейинги бетларда Насафий фалсафий мушоҳадалар билан файласуфлар ҳамда муътазилийларнинг фикрларига қарши чиқади.

Насафийнинг таъкидлашича, мутакаллимлар оламнинг қисмларини учга тақсим қилинишига ижмоъ қилганлар: 1. Жавҳарлар; 2. Жисмлар; 3. Аъроз (акциденция).

Лекин Мотуридий оламни икки қисмга бўлган: 1. Аъроз (الأعراض) (акциденция); 2. Аъён (الأعيان) (Субстанция).

Аърозлар ўз-ўзидан қоим бўлмаган нарсалар (بالنفس قائم غير).

Аъёнлар эса ўз-ўзидан қоим бўлган нарсалар (بالنفس قائم)²⁶⁰.

²⁵⁸ Табсира. Ж. I. Б. 26.

²⁵⁹ Табсира. Ж. I. Б. 44.

²⁶⁰ Табсира. Ж. I. Б. 45.

Сўнгра «Табсира»нинг навбатдаги фаслларида юқорида зикр қилинган барча жузъларнинг азалий эмас, балки, ҳодис эканлигини исботловчи далиллар келтирилган.

Шунингдек, оламнинг “муҳдис”и (яратувчи) борлиги ва олам “муҳдас” (яратилган) эканлиги далиллар асосида исботланган. Насафий шундай дейди: «Биз оламини ҳодис эканлигини исбот қилдик. Демак, олам ҳодис ва муҳдасдир. Муҳдас «Жоизу-л-вужуд» бўлади, «Вожибу-л-вужуд» бўлолмайди. Чунки «Вожибу-л-вужуд» келажакда йўқ бўлмаслиги ва ўтмишда ҳам азалий бўлиши лозим нарсадир. Лекин биз оламнинг ҳодис бўлганини ва ҳодис бўлганидан аввал йўқ бўлганини исботладик»²⁶¹.

Бунда асосан, муътазилийлардан бўлмиш Сумома ибн Ашрас, дастлаб карромий сўнгра муътазилий Абу-л-Ҳузайл ал-Аллоф ва Абу Али ал-Жуббоийларга қарши раддиялар билдирилган.

Оламнинг муҳдас, яъни яратилгани ва унинг муҳдиси, яъни сонъеси (яратувчи) борлиги исботлангач, ушбу яратувчи-муҳдис биттами ёки кўпми?, деган саволга далиллар билан жавоблар келтирилади. Бунда асосан, дуалистлар ва кўпхудоликларга қарши далиллар билан раддиялар келтирилади.

Сўнгра сонъеягона бўлиши исботлангач, мажусийларга қарши раддиялар келтирилади. Уларнинг даъво қилишича, дунёда икки худо бор. Биринчиси Яздан яхшилик худоси бўлиб, у яхшиликни яратган. Иккинчиси Ахриман бўлиб у ёмонликни яратган ва ёмонлик худоси, деб аталади. «Масхия» деб аталувчи мажусий фирқа, «Яздан нур эди, баъзи қисми бўлиниб, зулматга айланди. Зулматдан Ахриман пайдо бўлди» -деб даъво қилади. «Зарвонийа» фирқаси эса, «Зарвон (нур) намозида шакк келтирди ва шунда шайтон пайдо бўлди» - деб даъво қилади. Асарда бу каби фирқаларга қарши нақлий ва ақлий далиллар келтирилади²⁶².

²⁶¹ Табсира. Ж. I. Б. 78-80.

²⁶² Табсира. Ж. I. Б. 93-98.

Сўнгра «Санавийа»ларга қарши далиллар келтирилади. Улар, ҳеч бир нарса ўзидан бошқа нарсасиз пайдо бўлмайди, деган даъво орқали «Олам ҳам нур билан зулмат аралашмасидан ҳосил бўлган», дейдилар. Барча яхши нарсалар нурга, ёмонлик, ғам-андухлар эса зулматга қиёс қилинади. Бу тоифа учга бўлинади: 1. Монавийа (المانوية); 2. Дайсонийа (الديسانية); 3. Марқоюнийа (المرقيونية). Биринчи тоифа Монийга мансуб. Монийнинг мазҳаби барча нарсалар нур ва зулматдан яралган, дейди ва зулматни ҳам, нурни ҳам беш қисмга бўлади.

Дайсонийа ҳам шу фикрда бўлиб, фақат нур ҳам, зулмат ҳам бир бутун нарса, деб даъво қилади.

Марқоюнйаларнинг фикрича, азалда нур ва зулмат бўлган. Сўнгра улар ўртасида «муъаддал» деган яна бир субстанция бўлган. Зулмат мана шу ўрта қатламга ҳаддидан ошиб аралашиб олган ва шу йўл билан Олам пайдо бўлган. Насафий бу куфроний тоифаларнинг сўзларини кескин танқид остига олган ва уларни кофир деб ҳисоблаган²⁶³. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, «Табсирату-л-адилла» асари орқали ўқувчи турли ислом динидан ташқаридаги оқимлар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Сўнгра Аллоҳни (Аллоҳ) Аъроз, Жавҳар ҳамда Жисм деб сифатловчи тоифаларга қарши раддиялар берилган. Насафийнинг таъкидлашича, Аллоҳни насронийлар «жавҳар» деб сифатлаганлар. Аҳли қибла, яъни мусулмонлар бу фикрга қарши чиққан. Фақат карромийлар уни қўллаб-қувватлаган. Асарда уларнинг ушбу фикрларига қарши далиллар келтирилган²⁶⁴. Демак, бу ўринда биз «Табсира» орқали нафақат ислом динидаги адашган оқимлар, балки бошқа аҳли китоб вакиллариининг ақидавий фикрларини билиб оламиз. Насафий бу ўринда ислом динидаги адашган оқимларнинг (м-н: карромийлар) нотўғри эътиқодларини ғайридинлар билан муқояса қилиш орқали очиб беришга ҳаракат қилади.

²⁶³ Табсира. Ж. I. Б. 99-108.

²⁶⁴ Табсира. Ж. I. Б. 112-118.

Аллоҳни дунёнинг таркибий қисмларидан эмаслиги исботлангач, энди Мужассималарга қарши раддиялар билдирилади. Аҳли сунна мутакаллимлари Аллоҳни жисм эмас, деб эътиқод қилса, бунда яҳудийларнинг кўп қисми, мушаббаҳалар (антропоморфист) ва карромийлар ихтилоф қилганлар. Уларнинг ушбу нотўғри эътиқодларига қарши раддиялар келтирилади.

Насафий Аллоҳни «Шай» (شيء) деб эътироф этади ва бу фикрни инкор этган Жаҳм ибн Сафвоннинг сўзларига раддия келтиради²⁶⁵.

Сўнгра асарда Аллоҳ ва ўзгалар ўртасида “мумосала” (ўхшашлик) йўқлиги ҳақида сўз боради. Аллоҳ «Олим»дир ва ундан бошқа олимлар ҳам бор. Лекин улар ва Аллоҳ ўртасида зинҳор “мумосала” бўлиши мумкин эмас. Яъни Аллоҳнинг илми доимийдур, фоний эмас, зурурий ҳам эмас ва касб ҳам қилиб олинган эмас. Бошқаларнинг илмлари эса аъроздир (акциденция), боқий эмас, ё зарурий, ёки касб қилиб олингандир. Илмлар ўртасида мумосала бўлмагач, олимлар ўртасида ҳам мумосала бўлмайди²⁶⁶.

Асарнинг «المائية في» (Маййа (моҳият) ҳақида) номли фаслида Насафий ҳанафий мутакаллимларига қарши билдирилган сўзга раддия билдиради. Улар шундай дейдилар: «Имомингиз Абу Ҳанифа, Аллоҳнинг моҳияти бор, уни ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди, деб айтиб турибдику, сизлар эса ташбеҳга қарши чиқасизлар. Моҳият жисмда бўлади. Лекин сизлар эса Аллоҳни жисм эмас, дейсизлар». Насафийнинг таъкидлашича, Абу Ҳанифадан ривоят қилинган ушбу сўз саҳиҳ эмасдир. Агар улар бу хабарни саҳиҳ, деб туриб олсалар ҳам, ул зот ушбу сўзни Аллоҳни жисмга ўхшатиш маъносида айтмаган²⁶⁷.

Асарнинг навбатдаги бобларида Аллоҳнинг сифатлари ҳақида сўз боради. Оламни яратувчи – Сонеъ қадим, азалий эканлиги исботлангач, Сонеъ нуқсонлардан пок булмоғи зарур. Унинг азалий тирик (الحي), қудратли, эшитувчи, кўрувчи, билувчи эканлиги собит бўлади. Аҳли ҳаққ айтади: «Яратувчи ўзини,

²⁶⁵ Табсира. Ж. I. Б. 156-157.

²⁶⁶ Табсира. Ж. I. Б. 158-160.

²⁶⁷ Табсира. Ж. I. Б. 121-125.

ўзининг сифатларини ва бундан бошқа нарсаларни ҳам билади. Шунингдек, энди содир бўладиган нарсаларни ҳам билади». Лекин баъзи тоифалар, Аллоҳ нарсаларни фақат ҳодис бўлгандан сўнг билади, деб эътиқод қилади. Уларга қарши раддиялар келтирилади²⁶⁸.

Сўнгра асарда Аллоҳнинг каломи ҳодис, дейдиганларга раддиялар билдирилади. Инсонлар Аллоҳнинг каломи азалий, қадим ёки муҳдас эканлигида ихтилоф қилганлар. Аҳли ҳаққ айтади: «Аллоҳнинг каломи унинг азалий сифатидир, лекин ҳарф ва товуш жинсидан эмас. Бу сифат Аллоҳнинг зотида қоимдир ва у сукутга тескарисидир. Аллоҳ бу сифати билан ҳақиқатда гапиргувчи зотдир». Бу ерда, асосан муътазилийларга қарши далиллар келтирилади²⁶⁹.

Асарнинг навбатдаги бетларида Қуръон ҳақида гап боради ва Қуръонни «махлук» деб эътиқод қиладиганларга қарши далиллар келтирилади. Бунда, асосан Аллоҳнинг каломи унинг азалий сифати эканлиги ва ҳарфлар ушбу сифатнинг иборалари эканлиги исботланган. Шунингдек, «Бу иборалар Аллоҳнинг каломидан ҳикоятдир» - деб айтиш жоизми ёки йўқми? - деган саволга жавоб берилади. Унда таъкидланишича, аввалги аҳли сунна мутакаллимлари «ҳикоя» ва «ибора» терминларини бир маънони англатади, деганлар. Фақат Ашъарий билан Абу-л-Аббос ал-Қалонсий бунга қўшилмаган. Бу ерда ҳам асосан муътазилийларга раддиялар келтирилади²⁷⁰.

Сўнгра Аллоҳнинг каломини қироат қилаётган инсондан эшитилаётган нарса ҳақида Ашъарий, Ибн Фурак, Исфакхоний, Мотуридий, Абу-л-Аббос ал-Қалонсий ва Исфаронийларнинг фикрлари келтирилади.

Шундан сўнг «таквин» ва «мукавван» ҳақида сўз боради. Насафий айтади: «Билгинки, араб тилида таквин *тахлиқ*, *халқ*, *ижод*, *ихдас*, *ихтиро* каби бирхил маънога эга, яъни йўқ нарсани вужудга келтиришдир»²⁷¹. Буерда аҳли ботилнинг

²⁶⁸ Табсира. Ж. I. Б. 196-199.

²⁶⁹ Табсира. Ж. I. Б. 259-299.

²⁷⁰ Табсира. Ж. I. Б. 301-302.

²⁷¹ Табсира. Ж. I. Б. 306.

«Таквин азалий, десак, олам ҳам азалий, деган хулосага олиб келади», деган сўзларига раддия келтирилади.

Асарнинг навбатдаги бобида ирода Аллоҳнинг азалий сифати эканлиги ҳақида сўз боради. Унда таъкидланишича, «ирода» сўзи «ар-Равд» (الروء) сўзидан олинган. Ар-Равд эса, мурод қилинган талабнинг зикридир. Ироданинг таърифи ҳақида батафсил баён қилган Насафий айтади: «Аллоҳнинг иродаси бор, деб сифатлаш жоизлиги ҳақида инсонлар ихтилоф қилганлар. Аммо жумҳур имомлар, Аллоҳ ҳақиқатда ирода билан сифтланган, дейдилар»²⁷².

Сўнгра оламнинг яратгувчиси (сонё) ҳаким, яъни ҳикматли зот эканлиги ҳақида сўз боради ва «ҳикмат» сўзининг луғавий маъноси ҳақида уламоларнинг ихтилофлари келтирилади²⁷³.

Асарнинг навбатдаги фаслида Аллоҳни кўриш ақлан жоизлиги ҳақида сўз боради. Насафий айтади: «Аҳли ҳаққнинг таъкидлашича, Аллоҳни кўрмоқ мумкиндир. Ақлий далил буни тасдиқлайди. Мусулмонлар охиратда жаннатга кирганларида Аллоҳни кўрадилар. Бунга Қуръон ва суннатда ҳам далиллар бор». Кўриш мумкин эмас дегувчилар Қуръондан «الأبصار تدركه لا» оятини далил қилиб оладилар. Насафий ушбу оятни бошқача шарҳлаб, уларга раддия билдиради²⁷⁴. Бу ўринда Насафийнинг оятларни таъвил қилганидан уни тафсир илмидан бохабар бўлганига гувоҳ бўламиз.

Ниҳоят, «Табсира»нинг биринчи жилдида Пайғамбарлик ва элчилик (*расуллик*) пайғамбарларнинг мўъжизалари ҳаққ эканлиги, элчиликни исботловчи илмлар ҳақида, Муҳаммад(САВ)нинг элчиликларини исботи ҳақида, шунингдек, авлиёларнинг кароматларининг исботи ҳақида далиллар келтирилган. Шу тариқа китобнинг биринчи жилди ниҳоясига етган.

«Табсирату-л-адилла»нинг иккинчи жилди «والتجفير التعديل مسائل فصل» (*Келтишув ва айбловчи масалалар*) номли фасл билан бошланади. Бунда асосан,

²⁷² Табсира. Ж. I. Б. 373-383.

²⁷³ Табсира. Ж. I. Б. 384.

²⁷⁴ Табсира. Ж. I. Б. 387-423.

жабарийлар ҳамда қадарийларнинг инсондаги феълга нисбатан билдирган фикрларига қарши раддиялар билдирилади. Асарда таъкидланишича, Жаҳм ибн Сафвон, инсонда ҳақиқатда феъл йўқ, феълнинг инсонга изофа қилиниши, феъл содир бўлаётган жой жиҳатидандир, деб даъво қилади. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаганлар «жабарийлар» деб аталади. Умматдаги бошқа фирқалар инсон ҳақиқатда фоил (бажарувчи)дир, у касб қилади, дейдилар. Фақат Ашъарийнинг таъкидлашича, инсон касб қилгувчи, амал қилгувчи, деб аталади. Лекин фоил деб аталмайди. Ҳақиқий фоил Аллоҳдир²⁷⁵.

Қадарийларнинг даъво қилишича, феълларни вужудга келтирувчи инсоннинг ўзидир. Бу феълларда Аллоҳнинг ҳеч қандай иштироки йўқдир. Бироқ, қадарийларнинг аввалгилари бандани мутлоқ яратувчи дейишга жасоратлари етмаган. Улар: «Инсон феълларни ўзи вужудга келтиради, лекин биз уни холиқ демаймиз» - деб даъво қилганлар. Шу билан улар аҳли ҳаққнинг «Аллоҳдан ўзга холиқ йўқ» деган сўзларини қувватлашган. Лекин уларнинг ичидан Абу Али ал-Жуббойи²⁷⁶ деган олимлари чиққанидан сўнг, у холиқ билан вужудга келтирувчи ўртасида фарқ йўқдир ва инсон ўзининг ихтиёрий феълининг холиқидир, деб даъво қилган. Сўнгра Абу Абдиллоҳ ал-Басрий ҳам (қадарий) банда ўз феълининг ҳақиқатда холиқидир, Аллоҳ эса муъжасан холиқ деб айтилади, деб даъво қилган²⁷⁷. Насафий юқоридаги икки оқимларга қарши раддиялар билдирар экан, шундай дейди: «Аҳли ҳаққ, феълларнинг вужудга келтирувчиси ҳам, яратувчиси ҳам ҳақиқатда Аллоҳнинг ўзидир ва банда бу ерда фақат касб қилгувчи ва фоил бўлади, деб эътироф этадилар»²⁷⁸. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, калом илмининг ушбу мавзуси ниҳоятда нозик ҳисобланиб, бизнинг давримизда ҳам ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Сўнгра «иститоъат» ҳақида сўз боради. Иститоъат, қувват, қудрат ва тоқат сўзлари аҳли калом истилоҳида инсонга изофа қилинган ҳолда бир нарсани

²⁷⁵ Табсира. Ж. II. Б.539.

²⁷⁶ Ушбу олим Ашъарийнинг биринчи устози бўлган. У ҳақида китобимизнинг учинчи бобида маълумот берилган.

²⁷⁷ Табсира. Ж. II. Б. 539-540.

²⁷⁸ Табсира. Ж. II. Б. 540.

билдиради. Худди шер араб тилида “اسد” ва “ليث” деб аталганидек. «Қудрат» ва «иститоъат» иккига бўлинади: 1. Олат ва асбобнинг саломатлиги ва у феълдан олдин бўлади. 2. Феъл билангина маънога эга иститоъат. У шундай аърозки, ҳайвонлар ихтиёрий амалларини у билан амалга оширадилар ва бу аърозни Аллоҳ яратади²⁷⁹. Бу ерда Насафий «иститоъат»нинг икки қисмга бўлинишига далиллар келтиради. Масалан Қуръондан:

«مَسْكِينًا سَتِينَ فَأِطْعَامُ يَسْتَطِيعُ لَمْ فَمِنْ» (яъни, кимки рўзага қодир бўлмаса, олтмишита мускинни таомлантурсин), деган ояти. Бу ерда «иститоъат» асбоблар ва олатларнинг жиҳатидандир. Чунки икки ой рўза тутишга қудрат мавжудлигини уни адо қилмасдан олдин тасаввур қилиб бўлмайди²⁸⁰.

Асарнинг навбатида «истиоъат»нинг икки қарама-қарши ишларга ҳам яроқли бўлиши ҳақида гап боради. Феълнинг асбобларидан бўлган сабаб икки қарама-қарши нарсага ҳам ярайверади. Масалан тил рост сўзни ва ёлғон сўзни ёки, тасдиқ ва инкорга ҳам яраши мумкин. Мусулмоннинг қотил бўлган қўли кейинчалик кофирни ҳам ўлдириши мумкин. Лекин, баъзиларнинг таъкидлашича, қудрат икки қарама-қарши нарсага ярамаса, у ҳолда бандага тоқатидан ортиқ нарса юклаб қўйилган бўлади. Масалан: Кофир имонга буюрилган. Агар унинг куфр келтиришга яроқли қудрати имон келтиришга ярамайдиган бўлса, у ўзи қодир бўлмаган ишга буюрилган бўлиб қолади²⁸¹.

Сўнгра инсоннинг феъли махлуқ (яратилгани) ҳақида сўз боради. Бу ерда ҳам юқоридаги каби Жаҳм ибн Сафвон ва жабарийларнинг, инсонда ҳеч бир қудрат йўқ ва унинг барча амаллари мажбурийдир, яъни худди томир титраши кабидир, деган даъволарига раддиялар билдирилган. Шунингдек, инсон ўз феълини ўзи яратади, дейдиган қадарий ва муътазилийларга ҳам раддиялар билдирилган. Насафийнинг таъкидлашича, ашъарийлар бу масалада мотуридийлар билан бир фикрда бўлган. Лекин улар банда холиқ, фоил эмас,

²⁷⁹ Табсира. Ж. II. Б. 541.

²⁸⁰ Табсира. Ж. II. Б. 541.

²⁸¹ Табсира. Ж. II. Б. 583-593.

балки косиб, яъни касб қилувчи, деб айтганлар. Насафий уларнинг бу сўзларига қарши чиқади ва инсонни фоил деб атайди ва «الخير وافعلوا» деган оятни мисол келтиради²⁸².

Шундан сўнгра Насафий инсон ҳақиқатда холиқ эмас, балки фоил эканлиги исботлаш учун, ушбу мавзуни олтига бўлиб чиқади ва уларни алоҳида шарҳлаб беради:

1. محال الله لغير التخليق قدرة إثبات أن في فصل.
1. Аллоҳдан ўзгада яратиш (холқ) қудрати йўқлиги исботи (613-638 бб.).
2. التخليق قدرة له وليس فعلا للعبد أن في فصل.
2. Инсонда феъл бор. Лекин яратиш қудрати йўқ (инсон ўз феълида мажбурланган эмас) (638-643 бб.).
3. قادرين قدرة تحت واحد مقدور دخول جواز في فصل.
3. Бир мақдур нарсa икки қудратли кишининг қудратига дахлдор бўлиши мумкинлиги ҳақида (643-654 бб.).
4. والخلق والكسب الفعل معنى فصل.
4. Феъл, касб ва холқ сўзларининг маънолари ҳақида (554-661 бб.).
5. القبيح إيجاد في فصل.
5. Қабих нарсани вужудга келтириш ҳақида (661-674 бб.).
6. لله شريكا كونه يلزم لا للعبد الفعل إثبات أن في فصل.
6. Инсон фоил дегани, Аллоҳга у шерик дегани эмаслигининг исботи (674-680 бб.).

Насафий юқоридаги олти фаслда ҳақиқий қудрат Аллоҳга хос эканлиги, банда эса фақат фоил эканлигини аниқ далиллар билан очиб берган.

Асарнинг навбатдаги фаслларида таваллуд (ўз-ўзидан яралиш) назариясининг ботиллиги ҳақида сўз боради. Жумхур қадарийлар инсон феъли сабабли пайдо бўлган нарсаларни инсоннинг феъли, дейишади ва бу ҳам етмагандек, инсон уларнинг холиқи (яратувчиси) ва бунда Аллоҳнинг ҳеч иши

²⁸² Табсира. Ж. II. Б. 594.

(“сунъ”и) йўқдир, дейишади. Улар бундай ҳодисаларни «*мутаваллид феъллар*» деб атайдилар. Масалан, овчи ўқ отгандан сўнг ўқнинг ҳаракати, мўлжалга тегиши, ҳайвонга мусибат бўлиши, оғриқлари, унинг ўлими – овчи ёйни тортиб, қўйиб юборишидан таваллуд бўлган, инсон бу нарсани халқ қилган ва касб этган, деб даъво қилишади. Насафий қадарийларнинг ушбу фикрларига раддиялар билдирган²⁸³.

Сўнгра “ажал” ҳақида сўз боради. Насафий айтади: «Биз мактул (ўлдирилган) киши ўз ажали билан ўлди, деймиз. Аллоҳ у кишида ҳаётни йўқ қилувчи маъноларни халқ этиши (яратиши) билан ўлди, деймиз. Бу ўлим Аллоҳга мафъулдир, инсоннинг феъли эмасдир»²⁸⁴. Ўлим Аллоҳнинг феъли-халқидур, қатл (ўлдириш) инсоннинг феъли касбидир. Ушбу қатлни Аллоҳ инсонда вужудга келтириб яратади ва оқибатда мактулнинг руҳи танасидан ажралишини ҳам Аллоҳ вужудга келтиради. Бунда инсоннинг икки ажали бор дейдиган муътазилийларнинг эътиқодларига қарши далиллар келтирилади²⁸⁵.

Асарнинг кейинги бетларида “*ризқлар*” ҳақида сўз боради. Унда таъкидланишича, аҳли ҳаққнинг фикрига кўра, инсон фақат ўз ризқини ейди, бировнинг ризқини ҳаргиз емайди. Муътазилийлар эса, инсон ўз ризқини еёлмай қолиши ва бировнинг ризқини еб қўйиши мумкин, дейди. Асарда уларнинг фикрларига қарши далиллар келтирилади. Ризқ сўзининг луғавий маънолари баён этилади ҳамда Абу-л-Ҳасан ар-Рустуфағний ва Абу Исҳоқ ал-Исфаройинийларнинг ажал ва ризқ масаласини бир масала деб таъкидлаганлари ҳақида сўз боради²⁸⁶.

Асарнинг кейинги фаслида «*ирода*» ҳақида сўз борар экан, Насафий айтади: «Бизнинг усулимиз шундай: Ҳар бир ҳодиса Аллоҳнинг иродаси билан бўлади – яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам; гўзаллик ҳам, қабоҳат ҳам; жавҳар ҳам, аъроз ҳам. Муътазилийлар эса, Аллоҳ бизнинг ҳикматли ва итоатли ишларимиз-

²⁸³ Табсира. Ж. II. Б. 680-686.

²⁸⁴ Табсира. Ж. II. Б. 687.

²⁸⁵ Табсира. Ж. II. Б. 687-688.

²⁸⁶ Табсира. Ж. II. Б. 688-689.

феълларимизни ирода қилади, маъсият ва қабоҳат ишларимизни ирода қилмайди, деб даъво қиладилар. Бизнинг шайхимиз Абу Мансур ал-Мотуридий айтадилар: «Ирода масаласида икки йўл бор: 1. Иродани тушинишда мутлоқ умумий тушуниш; 2. Ирода сўзини мутлоқ эмас, сўзлагувчининг мақсад ва муродига қараб тушуниш. Бунда ироданинг бир нечта маънолари бордир: а) Таманний-истак; б) Буйруқ-амр ва унга даъват; в) Ризо-розилик; г) Ўзга кучни йўқ қилиб, ўзи мақсад-ирода қилган феълни юзага чиқариш»²⁸⁷. Бунда ироданинг охириги маъноси ҳақида батафсил маълумот келтирилади.

Сўнгра «қазо» ва қадар» масаласи ҳақида сўз боради. Бунда аввал «қазо»нинг маънолари очиб берилади:

1. «қазо» ҳукмдир. *فلان على القاضي قضى* (Қози фалончига ҳукм чиқарди), деганидек;

2. «қазо» буйруқдир. *إحسانا وبالوالدين إياه إلا لاتعبدوا أن ربك وقضى* ояти нинг маъноси каби;

Шунингдек, 3. Фароғ-қутилиш; 4. Феъл маъносида; 5. Бирон нарсани бажариш, «қазо» қилиш; 6. «қазо» - билдириш, хабар бериш; 7. «қазо» - аслида бир нарсанинг тугаши тамом бўлиши.

«Қадар»нинг икки жиҳати бор: 1. Бирон нарсанинг чиқиш чегараси, худуди; 2. Ҳар бир нарса воқеъ бўладиган замон ва маконни қадар қилиш, унга бериладиган савоб ва иқобни қадар қилиш. Бу фаслда ҳам асосан, мўътазилиёлар ва қадарийларга раддиялар билдирилган ва ҳар бир ҳодиса Аллоҳнинг «қазо»си ва қадари билан содир бўлиши исботланади²⁸⁸.

Сўнгра ҳидоят қилиш ва излол-адаштириш ҳақида сўз боради. Аллоҳ инсоннинг феъллини яратувчиси, холиқи эканлиги исботлангач, демак, тўғри йўлга кириш (*ихтидо*)ни ва адашиш (*залолат*)ни Аллоҳ яратади. Ҳидоят ва адаштириш ҳам Аллоҳдан эканлиги ҳақида исбот ва далиллар келтирилади²⁸⁹.

²⁸⁷ Табсира. Ж. II. Б. 689-715.

²⁸⁸ Табсира. Ж. II. Б. 715-719.

²⁸⁹ Табсира. Ж. II. Б. 719-723.

Юқоридаги масаладан сўнг, фойдали нарсалар (الأصلح) ҳақида сўз боради. Аҳли ҳаққ айтади: «Аллоҳ қодирдур, хоҳласа барча кофирлар ихтиёрий имон келтирган бўлардилар». Лекин Аллоҳ бундай қилмади (бунинг ҳикмати Аллоҳга аёндыр). Бунда муътазиллийларнинг Аллоҳ бу нарсага қодир эмас, деган ботил даъволарига раддиялар келтирилган²⁹⁰.

Насафий «Табсира»да қадарийалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Пайғамбаримиз (САВ), «Қадарийлар умматнинг мажусийларидир», деган саҳиҳ ҳадис бор. Ушбу ҳадисга мувофиқ барча уммат муътазиллийларни мажусийлар деб атаган. Лекин муътазиллийлар, биз эмас, аслида сиз қадарийлардир, дейдилар ва «Қадарийлар Аллоҳга хусумат қилувчилардир» - деган ҳадисни мисол келтирадилар. Улар айтадилар: «Сизлар ўзингиз қилган барча қабих ишларингизни Аллоҳдан деб, унга тўнкайсизлар ва унга хусумат қиласизлар. Мажусийлар ҳам онаси, қизи ва опасига ўйланиш Аллоҳнинг иродаси билан, деб даъво қилар эдилар». Бизнинг фикримизча, тарихда аҳли сунна мутакаллимларига нисбатан бундан ортиқ айб ва туҳмат ёғдирилмаган бўлса керак.

Лекин Насафий бу ўринда муътазиллийларнинг ушбу хусуматларига қарши уларнинг ўзлари ташбеҳ қилган мажусийлар орқали раддия билдирадигани, бунда Насафийнинг ниҳоятда улкан ақл ва тафаккур соҳиби эгаси бўлганига шохид бўламиз. Насафий айтади: «Лекин аҳли ҳаққ аслида муътазиллийларнинг ўзлари қадарий эканлигини шундай исбот қилади: «Мажусийлар, аввалда битта худо бўлган, кейин унда ёмон фикр пайдо бўлиб, ўша фикрдан ёмонлик худоси пайдо бўлган дейдилар. Мажусийлар Аллоҳга битта шерик қилса, қадарийлар ва муътазиллийлар ҳамма инсонларни шерик қиладилар»²⁹¹.

Сўнгра қабр азоби борлиги ҳақида сўз боради. Барча уммат кофирларга ва баъзи осийлик қилган мўъминларга қабр азоби борлиги, аҳли тоат, солиҳларга неъмат борлиги ҳамда мункар ва накир савол қилиши ҳақлигини далиллар билан

²⁹⁰ Табсира. Ж. II. Б. 723-759.

²⁹¹ Табсира. Ж. II. Б. 759-723.

исботлаганлар. Қуръон ва ҳадисда буларга далиллар кўпдир. Бунда қабр азобини инкор қилувчи муътазилийларга қарши далиллар келтирилган²⁹².

Асарнинг кейинги фаслида гуноҳи кабира қилган аҳли қибланинг ҳолати ҳақида сўз боради. Бунда аҳли ҳаққнинг, гуноҳи кабира қилган киши ўз гуноҳидан пушаймон бўлса ва тавба қилса имондан чиқмайди, агар тавба қилмай ўлиб қолса ҳам Аллоҳнинг ҳукмида бўлади. Аллоҳ хоҳласа уни кечиради, хоҳламаса кечирмайди, деган сўзлари келтирилган. Муржиъийлар, гуноҳи кабиранинг мўъминга ҳеч зарари йўқ, деганлар. Муътазилийлар, гуноҳи кабира қилган киши фосиқ бўлади ва манзили имон ва куфр ўртасида (манзила байна-л-манзилатайн) бўлади, деганлар. Хаворижлар, гуноҳи кабира қилган киши кофир бўлади ва дўзахда абадий қолади, деганлар. Буларнинг барчасига раддиялар билдирилган²⁹³.

Насафий гуноҳи кабирага нисбатан юқорида адашган оқимлар томонидан билдирилган фикрларига қарши асарнинг навбатдаги қисмида мукаммал жавоб беради. Бунда гуноҳи кабира билан боғлиқ масала бўлган шафоат ҳақида сўз боради ва шафоат борлиги исботланади.

Аҳли ҳаққ айтади: «Гуноҳи кабира қилган мўъминни Аллоҳ расуллар, набийлар ва солиҳларнинг шафоати туфайли кечириши мумкин»²⁹⁴.

Асарнинг навбатдаги фаслларида “имон” ҳақида сўз боради. “Имон”га умумий таъриф берилиб, турли оқимларнинг унга нисбатан билдирган фикрлари баён қилинади. “Имон”ни фақат тил билан айтмоқликнинг ботиллиги исботланади. Шунингдек, қадарийларнинг, имон қалб билан танимоқдир, деган гапларига раддиялар билдирилади. Бу ўринда Абу Ҳанифа, Мотуридий, Ашъарийларнинг “имон” қалб билан тасдиқдир, деган сўзларининг ҳақлиги исботланади. Шунингдек, “имон”нинг камаймаслиги ва кўпаймаслиги ҳам исботланади.

²⁹² Табсира. Ж. II. Б. 723-766.

²⁹³ Табсира. Ж. II. Б. 766-792.

²⁹⁴ Табсира. Ж. II. Б. 792-798.

Насафий “имон” масаласида Ашъарийнинг айрим фикрларини рад этади. Унинг таъкидлашича, “имон” бу тасдиқдир. Унинг таърифи ва чегараси маълумдир. Аммо Ашъарий ва ундан аввал ўтган хаворижлар, агар “имон” соҳиби оқибатда кофир бўлиши ёзилган бўлса, унинг “имон”и ҳозирги вақтда эътиборга олинмайди ва кофирнинг ҳам агар оқибатда мўъмин бўлиши ёзилган бўлса, у қилиб турган гуноҳига қарамай мўъмин ҳисобланади, деб даъво қилганлар. Насафий уларнинг ушбу фикрларига қарши шундай дейди: «Бу ботил сўздир. Аллоҳ тирик кишини у тириклик вақтида тирик деб билади. Оқибатда у ўлиши аниқ бўлгани билан уни ўлик деб ҳисобламайди. Туғилмаган одамни ҳам оқибатида туғилишини билса ҳам, уни тирик деб ҳисобламайди»²⁹⁵.

Шунингдек, асарнинг кейинги бетларида “имон”даги “истисно” ҳақида, яъни мўъмин киши «*Алҳамду лиллоҳ, мен албатта мусулмонман*», дейиши лозим эканлиги ҳақида сўз боради.

Сўнгра “имон” билан “ислом” бир нарса эканлиги далиллар билан исбот қилинган. Асарда таъкидланишича, “имон” билан “ислом”ни алоҳида деб тан оладиганлар Қуръондан қуйидаги оятни мисол келтирадилар:

أَسْلَمْنَا قَوْلُوا وَلَكِنْ تَوَمَّنُوا لَمْ قُلْ آمَنَّا الْأَعْرَابُ قَالَتْ

Насафий айтади: «Биз бу оятни қуйидагича тушунамиз: Аъробийлар имон келтирдик, дейдилар. Уларга айтинг: Имон келтирдик, деманглар, балки қиличдан кўркқанимиздан таслим бўлдик, денглар»²⁹⁶.

“Имон” масаласи ниҳоясига етгач, “имомат” ҳақида сўз боради. Бунда мусулмонларнинг ҳукмларини ижро этиш учун имомларнинг²⁹⁷ зарурлиги, имомларнинг зоҳир бўлиши ва халқ уларга мурожаат қила олиши ҳақида, шунингдек, рофизийларнинг ғойиб имомга мунтазир бўлиш эътиқодларининг нотўғрилиги ҳақида сўз боради.

²⁹⁵ Табсира. Ж. II. Б. 813.

²⁹⁶ Табсира. Ж. II. Б. 817.

²⁹⁷ Бу ерда «имом» асосан раҳбар, йўлбошчи маъноларида келган. Шунинг учун ушбу сўзни ҳозирги давримиздаги масжидларнинг имомлари деб тушунишимиз керак эмас.

Имомнинг бегуноҳ бўлиши шарт эмаслиги ҳақида сўз борар экан, Насафий, бегуноҳлик фақат пайғамбарларга хос эканлигини таъкидлайди²⁹⁸.

Шунингдек, асарда имомликнинг мерос йўли билан ўтмаслиги ҳам батафсил ёритиб берилган. Имомликка тайинланадиган киши Қуръон ёки ҳадис билан аниқ кўрсатилмаган, балки умматнинг ихтиёри билан тайинлангани ҳақида сўз боради²⁹⁹.

«Табсирату-л-адилла»нинг сўнгги фаслларида тарихий воқеалар, яъни чаҳорёр халифалар – Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ибн Хатоб, Усмон ибн Авфон ва Али ибн Аби Толибнинг халифаликлари, Али (РА)нинг асҳоби жамал билан қилган жанглари, сиффин жанги ва юқоридаги тўрт халифаларнинг фазилатлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Шу тариқа калом илмига оид ушбу нодир манба ўз ниҳоясига етган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари унинг асарлари орасида энг каттаси ва муҳими ҳисобланган. Бизнинг давримизгача калом илмига оид ушбу нодир асар ўз ичига қамраб олган мавзулари таҳлил қилинмаган. Асарнинг икки ноширлари ҳам унинг мавжуд қўлёзма нусхалари устида тадқиқот олиб борганлар ва асарни нашрга тайёрлаганлар. Ушбу асардан кўплаб замонамиз тадқиқотчилари ўз илмий ишларида манба сифатида фойдаланган бўлсаларда, унинг ёзилиш тарихи ва сабаблари ҳақида тадқиқот олиб бормаганлар. Шунингдек, ушбу асарнинг асрлар давомида нима учун эътибордан четда қолиб келгани ҳамон очиб берилмаган. Чунки асарнинг таркибий тузилиши кўриб чиқилганда, унда кўтарилган мавзулар ушбу соҳага оид бошқа асарларга нисбатан аниқ ва раvon очиб берилгани маълум бўлди. Кейинги асрларда машҳур бўлган Нажмудин ан-Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий» асари ҳам, Нурудин ас-Собунийнинг «ал-Бидойа» асари ҳам «Табсирату-л-адилла» асаридан фойдаланилган ҳолда ёзилгани аниқланди. Ушбу асарларнинг «Табсира»га нисбатан илм аҳли орасида

²⁹⁸ Табсира. Ж. II. Б. 826.

²⁹⁹ Табсира. Ж. II. Б. 828-840.

кенг тарқалганига сабаб, уларнинг «Табсира»нинг фикристи шаклида бўлгани ва ундан анча енгил ҳисоблангани сабаб бўлган. Чунки «Табсирату-л-адилла» асари калом илмига оид энг мукаммал асар ҳисобланган ва ундан ақоид илмидан дарс беришда бошқа асарларга нисбатан фойдаланиш мураккаб ҳисобланган. Шунингдек, «Табсира»да биз юқорида гувоҳ бўлганимиздек, аҳли сунна мутакаллимлари, жумладан ашъарийларга айрим ўринларда қарши фикрлар билдирилган. Лекин юқорида кўриб ўтганимиздек, Насафий асарнинг бошларида ашъарийларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган. Фақат асарнинг ўрталарига келиб ашъарийларга қарши ўз фикрларини билдирган³⁰⁰. Бизнинг фикримизча, бу омил ҳам кейинги асрларда «Табсира»нинг мавқеи бироз паст бўлганига сабаб бўлган. Чунки бошқа мотуридийа мутакаллимларининг асарларида ашъарийа таълимотига нисбатан қарши фикрлар билдирилмаган ва аксинча, уларнинг баъзилари ўз асарларида Ашъарийнинг фикрларини қўллаб-қувватлаганлар. Натижада ашъарийа ва мотуридийа олимларини аҳли суннанинг ажралмас вакиллари сифатида эътироф этган кейинги аср уламолари «Табсира»га бироз эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлар. Яна бир сабаб шундан иборатки, ақлий далилларга илгаридан қарши бўлган ўша салаф уламоларининг Абу Мансур ал-Мотуридийга нисбатан бўлган муносабатлари³⁰¹ Насафийга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Бизнинг фикримизча, «Табсира»нинг кенг тарқалмаганига яна бир сабаб шуки, Мотуридий ва Насафий вафотларидан кейин уларнинг асарлари асосан Мовроуннаҳрда тарқалган, холос ва араб ўлкаларида номаълум бўлган. Чунки Мотуридийнинг хориж сафарлари ҳақида манбаларда биронта ҳам маълумотни учратмаймиз. Шунингдек, Насафийнинг тили ниҳоятда мураккаб бўлганида ҳамдир. Ушбу алломалар мантиқ, балоғат, фасоҳат каби илмларни мукаммал билганлар ва ўз асарларини ушбу илмлар таъсирида ёзишган. Кейинги давр уламолари эса ушбу илмлардан узоқлашиб кетганлар ва

³⁰⁰ Насафийнинг «Табсира»нинг айнан ўрталаридан бошлаб ашъарийларга қарши фикр билдиргани сабабларини мазкур тадқиқотимиз учинчи бобининг учинчи бандида баён қилинган.

³⁰¹ Мотуридийга нисбатан салафларнинг муносабатлари ҳақида кейинги бобда тўхталиб ўтамыз.

Ўз илмий ижодларида асосан матнлар шарҳи ва рисоалар ёзиш билан чекланганлар. Бу жараён нафақат калом илми, балки фикҳ соҳасида ҳам кўзга ташланар эди. Масалан, Бурҳонуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Аби Бакр Абдулжалил ибн ал-Жалил ар-Ришдоний ал-Марғинонийнинг (в. 593/1196 й.) «Ҳидоя» асари нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун мусулмон оламида ханафий мазҳаби бўйича йирик асарлардан бири ҳисобланган бўлсада, ушбу асарга нисбатан унинг шарҳлари кенг тарқалган. Масалан, «Ҳидоя» асарининг шарҳи бўлмиш, бухоролик фақиҳ олим Убайдуллоҳ ибн Масъуд (в. 747/1347 й.) қаламига мансуб «Мухтасар» асарини мисол қилиш мумкин. Ушбу асар кенг омма орасида «Ҳидоя»дан ҳам кўпроқ тарқалган. Бунга сабаб, албатта унинг тили осон ва мазмуни енгил бўлганидир³⁰². Шу нуқтаи назардан калом илмида мазмунан ва тил жиҳатидан жуда мукаммал ёзилган «Табсира» ҳам кейинги давр авлодларида қийинчилик уйғотган. Шунинг учун биз унинг шарҳи сифатида эътироф этиб келаётган «Ақоиду-н-Насафий» асрлар давомида то ҳозирги кунгача ҳам мотуридийа таълимотини ўрганишда энг асосий манба сифатида фойдаланиб келинмоқда.

³⁰² Кейинчалик ушбу асар ҳатто ўзбек тилида «Мухтасару-л-виқоёя» номи билан таржима қилинган.

III БОБ.

АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ - МОТУРИДИЙА ТАЪЛИМОТИНИНГ ДАВОМЧИСИ

3.1. XI-XIII асрларда Мовароуннахрда мотуридийа таълимотининг ривожланиш босқичлари

Мотуридийа калом мактаби ҳақида маълумотга эга бўлиш учун, аввало ушбу мактабнинг Мовароуннахрдаги ривожланиш тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Мовароуннахрдан исломий илмлар бўйича, жумладан калом илми соҳасида ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққанлиги тарихдан бизга маълумдир. Мовароуннахр мутакаллим олимлари орасида аллома Абу Мансур ал-Мотуридий ва у яратган калом мактабининг ўрни ниҳоятда бекиёсдир.

Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридийа таълимотини ўрганилиши кўпгина олимлар орасида бахсли мунозараларга сабаб бўлиб келган³⁰³.

Чунки мотуридийа таълимоти вакиллариининг Абу Ҳанифа мазҳабида эътиқод қилганлиги бизга маълум. Шундай бўлса ҳам, калом илмида «Ҳанафийа каломи» деган ибора умуман ишлатилмаган. Бироқ, дастлабки даврларда Мотуридий Мовароуннахрдан чиққан калом илмидаги энг машҳур аллома сифатида тан олинган бўлсада, унинг таълимоти алоҳида мактаб сифатида шаклланмаган эди.

³⁰³ Жимаре Д. *Théories de l'acte humain en théologie musulmane*. – Paris: 1980. – Б. 171. Яна қаранг: Улуғтож С. *Kelam Mlmi ve Mslrm Akridi (Serhu'l-Akrid Tercymes)*. Girie. – Istanbul: 1980. Тафтазонийнинг «Шарху-лақоид»ига ёзган кириш сўзи. – Б. 34.

Биз юқорида Абу-л-Муъин ан-Насафий ўзининг «Табсирату-л-адилла» асарида Мотуридий ҳақида кўплаб ижобий фикрлар билдириб, унинг изидан борганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Шунингдек, Мотуридийнинг йирик издошларидан яна бири Нуруддин ас-Собуний (в. 580/1184 й.) «Ал-Бидойа» асарида³⁰⁴ Мотуридийни «Аш-шайху-л-имом», «Раис аҳли сунна ва-л-жамоъа», «Олиму-л-ҳуда» каби сифатлар билан улуғлаган. «Усулу-д-дин» муаллифи Имом Абу-л-Йуср Муҳаммад ал-Паздавий (в. 493/1099 й.) ҳам Мотуридийни «Шайх» деб атаган ва уни аҳли сунна ва-л-жамоъа пешқадамларидан деб эътироф этган³⁰⁵. Мотуридийнинг кейинги асрдаги издошларидан турк олими Ибн ал-Хумам ҳам ўзининг «Китобу-л-мусойара» номли асарида Мотуридий ва самарқандлик уламолар ҳақида сўз юритар экан, Мотуридийни уларнинг устози, деб атаган³⁰⁶.

Мотуридий хоҳ ўзи яшаган асрда, хоҳ кейинги асрларда бўлсин, таъсири кучли мутакаллим бўлган. Шунинг натижасида унинг калом илмидаги ўзига хос услублари ва фикрлари XI асрга келиб Мовароуннаҳрда алоҳида мактаб сифатида қабул қилиниши арафасида эди. Чунки бу каби эътирофни Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний (в. 792/1390 й.) ҳам унга нисбатан билдирган. Тафтазоний мовароуннаҳрлик ҳанафий мутакаллимларини «Мотуридийа» деган умумий ном билан атайдиган³⁰⁷. Гарчи маълум сабабларга кўра, ашъарийлар каби кўп сонли тарафдорларига эга бўлмасада, аҳли сунна ва-л-жамоъанинг энг кучли ва ўзига хос жабҳасини ташкил қилган мотуридийа таълимоти келажакда кўп тадқиқ қилиниши керак бўлган таълимотдир.

Лекин ҳозирги давр шарқшуносларининг бир қатор вакиллари Мотуридий таълимотига нисбатан «Ҳанафий-мотуридийа» атамасини қўллаб келмоқдалар.

³⁰⁴ Собуний Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр. Китобу-л-бидойа мина-л-кифойа фи усули-д-дин / Фатхуллоҳ Хулайф нашри. – Искандария: 1969. Матн ва туркча таржимага қаранг: Топалўғли Б. Nûreddin es-Sâbûnî. Mâtûridîyye Akâidi. Dr. Bekir Topaloğlu tercüme ve neşri. – Ankara: 1998.

³⁰⁵ Паздавий Абу-л-Йуср Муҳаммад. Китоб усули-д-дин / Х. Питер нашри. - Қоҳира: Дор ихйои-л-кутуби-л-арабийа, 1383/1963. – Б. 124 (Бундан кейин: Паздавий. Усул).

³⁰⁶ Камолуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн ал-Хумам. Китобу-л-мусайара. - Миср: 1889. – Б. 107.

³⁰⁷ Муслихуддин Мустафо Касталлий. Хошийату-л-Касталлий ала-л-ақоиди-н-Насафийа. Нашр этилган жойи номаълум, 1326/1928. –Б. 17.

Жумладан, франциялик шарқшунос Луис Гарде «*Introduction a la Theologie Musulmane*» (Paris, 1970) ва «*Dieu et la Destinee de l'Homme*» (Paris, 1967) номли асарларида мотуридийа таълимотини айнан шундай деб атаган. Яна бир француз шарқшуноси Даниел Жимаре ҳам мотуридийа таълимоти вакиллари шундай номлаган³⁰⁸. Бундан кўриниб турибдики, улар мотуридийа калом мактабини мустақил калом мактабидан кўра, кўпроқ, ҳанафийа мактабининг бир бўлаги сифатида баҳолаганлар. Аммо юқоридаги фикрлардан қатъий назар, мотуридийа таълимотини алоҳида илоҳиёт мактаби сифатида эътироф этган олимларни ҳам учратамиз³⁰⁹.

Лекин айна дамда юртимизнинг айрим шарқшунослари ҳам Мотуридийга нисбатан ўз фикрларини бошқачароқ билдириб ўтмоқдалар. Шундай олимлардан Ҳ.Исломий Мотуридийга нисбатан умуман бошқача тарзда, яъни алломани машҳур мутасаввиф авлиё мартабасига кўтаради. Ҳ.Исломий Алишер Навоийнинг «Насоиму-л-муҳаббат» асаридаги маълумотларга таяниб шундай хулосага келади³¹⁰. Бизнинг фикримизча, Мотуридийни мутасаввиф авлиё сифатида эътироф этиш нотўғридир. Чунки, Мотуридий ҳақида энг қимматли ва аниқ маълумотлар келтирилган «Табсирату-л-адилла»да ҳам аломанинг тасаввуфга оид асарлари ва унинг ушбу соҳа билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида маълумотни учратмаймиз. Навоийнинг «Насоиму-л-муҳаббат» асаридаги маълумотларга келсак, унда Навоий Мотуридийга нисбатан ҳурмат юзасидан «шайх» нисбасини қўллаган. Мотуридийни нафақат Навоий, балки бошқа бир қатор олимлар ҳам ушбу нисбат билан атаганлар. Биз Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг Мотуридийга нисбатан билдирган фикрлари ҳақида юқорида «Табсира» асари орқали муайян тасаввур ҳосил қилган эдик. Насафий Мотуридийни нафақат ўзининг, балки, бутун мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг шайхи деб ҳисоблаган ва шундай аталишига катта ҳисса қўшган.

³⁰⁸ Қаранг: Жимаре Д. *Théories de l'acte humain en théologie musulmane*. – Paris: 1980. – Б. 172.

³⁰⁹ Қаранг: Ишик К. *Mıtırıdî'nin kelâm sisteminde İlim, Allah ve Peygamberlik anlayışı*. – Ankara: 1980. – Б. 7.

³¹⁰ Исломий Ҳ. Алишер Навоий Мотуридий тўғрисида // Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни: маърузалар тўплами. – Т.: ЎзФА ШИ, 1999. – Б. 30.

Буни биз «Табсира»нинг бир қанча ўринларида, «Бизнинг шайхимиз Абу Мансур ал-Мотуридий . . .», - деган иборанинг ишлатилганидан ҳам кўришимиз мумкин³¹¹. Насафий «Табсира»да Мотуридийга нисбатан юксак мактовларни шу даражада билдирганки, ҳатто унга «Аърафу-н-нас би мазҳаби Аби Ҳанифа» (*Абу Ҳанифа мазҳабининг энг машҳур олими*) деб таъриф беради³¹². Бизнинг назаримизда ушбу таъриф Мотуридийга нисбатан берилган энг тўғри таърифдир. Ҳ.Исломий мақоласида таъкидлашича, Навоий «Насоъим»да васф этган Мотуридий номи Фаридуддин Аторнинг «Тазкирату-л-авлийо», Абдуррахмон Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароти-л-қудс» каби табақот асарларида ҳам ўрин олмаган³¹³. Демак, мутасаввиф авлиёлар зикр этилган бошқа машҳур табақот асарлардан ўрин олмаган ушбу маълумот биргина Навоийнинг тавсифи билан Мотуридийни суфий авлиё бўлган, деган хулосани келтириб чиқармайди. Бизнинг бу борада қатъий фикримиз шуки, Мотуридий тасаввуф илмидан хабардор бўлсада, уни авлиё деб аташимиз нотўғридир. Бизнинг фикримизча, Мотуридий зоҳид бўлган ва бутун умри давомида калом, тафсир илмлари ва маълум даражада усулу-л-фиқҳ билан шуғулланган.

Мотуридийа таълимотининг Мовароуннаҳрда ривожланиш босқичларига тўхталсак, олмон тадқиқотчиси У.Рудольф ушбу таълимотнинг ривожланиш босқичларини учга бўлиб кўрсатади.

Биринчи босқич IV/X аср охиригача бўлган давр ҳисобланиб, Рудольфнинг фикрича, бу даврда мотуридийанинг тараққиёти учун ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмаган. Рудольф бунда фақат Мотуридийнинг тарафдори сифатида Абу Салома ас-Самарқандий ва унинг «Жумал усули-д-дин» асарини кўрсатади ва Мовароуннаҳр ханафийларининг кўпчилиги Мотуридийни ўша даврда жиддий қабул қилмас эдилар, деб таъкидлайди³¹⁴. Рудольф ўз фикрининг исботи учун Мотуридийдан кейинги авлоднинг етакчи сиймоси бўлган Абу Лайс ас-

³¹¹ Масалан қаранг: Табсира. Ж. II. Б. 885.

³¹² Табсира. Ж. I. Б. 162.

³¹³ Исломий Ҳ. Алишер Навоий Мотуридий тўғрисида. – Б. 32.

³¹⁴ Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. - Алматы. Фонд «XXI век», 1999. -Б. 248.

Самарқандийнинг ўз асарларида умуман Мотуридийни тилга олмаганлигини мисол тариқасида келтиради³¹⁵. Биз Рудольфнинг ушбу фикрига қўшилмаймиз. Битта олимнинг Мотуридийга мурожаат қилмагани Рудольфнинг бундай хулосага келишига асос бўла олмайди. Ваҳоланки, биз юқорида ушбу даврда мовароуннаҳрлик ҳанафий олимлар орасида Мотуридийнинг тарафдорлари ҳақида сўз юритиб, Абу-л-Муъин ан-Насафий “Табсира”да уларни баён қилиб ўтгани ҳамда «Бундай олимлар ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди», деган сўзлари ҳақида маълумот бериб ўтган эдик³¹⁶. Насафий ўндан ортик ҳанафий уламолар ҳақида хабар берар экан, уларни Мотуридийга хайрихоҳ бўлганлигини бир қанча ривоятлар билан кўрсатиб ўтади³¹⁷. Шунингдек, мазкур даврда (IX асрнинг охири ва X асрнинг биринчи ярми) Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўзи ҳам фаолият олиб борганини унутмаслик керак. Абу Лайс ас-Самарқандий эса, тарихдан маълумки, асосан Балх олимларидан таълим олган. Унинг устозларидан Абу Жаъфар ал-Ҳандавоний (ал-Балхий), Ал-Халил ибн Аҳмад ал-Қозий ас-Сижзий, Муҳаммад ибн ал-Фал ал-Балхий каби олимларни санаб ўтиш мумкин³¹⁸. Кўриниб турибдики, Абу Лайс ас-Самарқандий балхлик олимлардан таълим олгани боис, мовароуннаҳрлик уламолар ижодига унчалик аҳамият бермаган бўлиши мумкин. Шунинг учун Рудольфнинг фикрига бу олимнинг қарашлари асос бўла олмайди. Демак, IV/X асрдан бошлаб Мотуридийнинг таълимоти бу минтақада ҳанафийа таълимоти таъсири остида эндиgina юзага келаётган эди, деган хулосага келиш мумкин.

Рудольф иккинчи босқични V/XI аср деб кўрсатади ва ушбу даврда ашъарийларнинг мавқеъи Хуросонда сезиларли даражада ошиб борганини таъкидлайди. Ушбу даврда ашъарийлар ва мовароуннаҳрлик ҳанафийлар ўртасида турли тортишувлар, баҳс ва мунозаралар бўлиб турар эди.

³¹⁵ Рудольф У. Ўша асар. Ўша жойда.

³¹⁶ Ҳанафий уламолари учун қаранг: Табсира. Ж. I. Б. 356-360.

³¹⁷ Табсира. Ж. I. Б. 356-358.

³¹⁸ Абдуллаев А. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – 2001. – № 1. – Б. 29.

Мунозаранинг асосини Аллоҳнинг сифати азалийми, ёки муваққатми, деган муаммо ташкил қилар эди. Рудольф бу тортишувда ашъарийлардан Абу Бакр ибн Фурак (в. 406/1015 й.) ва Абу Исҳоқ ал-Исфароийнийни (в. 418/1027 й.), мовароуннаҳрлик ҳанафийлардан Абу Шакур ас-Солимийни мисол келтиради ва ушбу иккала томон вакиллари, айниқса, ас-Солимийни Мотуридийга умуман мурожаат қилмаганига таажжуб билдиради. Шу тариқа ушбу босқичда ҳам мотуридийа таълимоти унча тараққий этмаган деган хулосага келади³¹⁹. Абу Шакур ас-Солимийнинг биз юқорида таъкидлаган “Тамҳид” асарининг айрим ўринларида ҳақиқатда ашъарийлар билан бўлган мунозара ва тортишувлар ўрин олган. Лекин Солимий ўз асарида ашъарийларга раддия берар экан, Мотуридий фикрларини биринчи устунга қўйганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун Рудольфнинг ушбу фикри ҳам мулоҳазалидир. Чунки Рудольф, дастлаб мотуридийа таълимотининг ривожланиш босқичининг юқорига кўтарилган даврини V/XI аср деб кўрсатади ва кейинги гапи билан ўз фикрига ўзи қарши чиқади. У V/XI аср охирларига тўхталар экан, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг номини тилга олади ва ушбу даврда мотуридийа таълимотининг ривожланишида унинг ўрни ниҳоятда катта бўлганини алоҳида қайд этади³²⁰. Рудольфнинг фикрига кўра, Мотуридий билан Насафий давлари ўртасида ушбу таълимотнинг ривожига бўшлиқ давр пайдо бўлиб қолмоқда. Бу ерда Насафийга мотуридийа таълимоти ким орқали етиб келган, деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, Насафий мотуридийа таълимотини Абдулкарим ал-Паздавий ва Абу-л-Йуср ал-Паздавийлар орқали ўрганган бўлиши мумкин³²¹. Демак, хулоса қилиш мумкинки, V/XI асрда мотуридийа таълимоти гарчи у ушбу ном билан ҳали аталмаган бўлсада, ҳанафий уламолари томонидан ривожланиб бораётган эди.

³¹⁹ Рудольф. У Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. - Алматы. Фонд «XXI век», 1999. -Б. 93.

³²⁰ Рудольф. Ўша асар. -Б. 249-250

³²¹ Й.Шахт тузган биринчи шажарада ҳам Абу-л-Муъин билан унинг бобоси Абу-л-Мутиъ ўртасида бир аср муддат узилиш бор. Лекин иккинчи шажарада Абу-л-Мутиъдан сўнг узилган тугунларни Хатиб ан-Нийозавий ва Абу-л-Йуср ал-Паздавийлар боғлайдилар. Қаранг: Мазкур китоб: 1, 2-иловалар.

Абу-л-Муъин ан-Насафий даврига келиб, ашъарийа таълимотининг таъсир доираси ошади ва Бағдодда кенгайиб, сўнгра Хуросон шаҳарларидан ҳисобланмиш Нишопурда ҳам кенг тарқала бошлайди. Ҳатто, Нишопурда V/XI асрларда ашъарийларнинг бир гуруҳ намоёндалари таълим бера бошлайдилар. Айнан шу Нишопурда ашъарийа мактабининг машҳур намоёндалари устоз ва шогирд Абу-л-Маъолий Абдулмалик ибн Абдиллоҳ ал-Жувайний (419/1028-478/1085 й.) ҳамда Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (450/1058-505/1111 й.) каби мутакаллимлари кенг фаолият олиб борганлари боис бу ўлкада ашъарийа таълимотининг таъсир доираси сезиларли даражада ошди. Ҳатто салжуқий Султон Санжарнинг вазири Низомулмулк Нишопурда Жувайний учун алоҳида «Низомийа» номли мадраса барпо этади³²². Чунки Жувайний Макка ва Мадинада яшаб «Имому-л-Ҳарамайн» деган улуғ мақомга эга бўлиб қайтган эди. Муътазилийларнинг эса, бу даврда фаолиятлари анча пасайиб бораётган эди. Бу жараёнлар Қозиу-л-Қузот Абдулжаббор (в. 415/1024 й.) вафотидан бир аср ўтгач юз бера бошлади³²³.

Биз юқорида ашъарийларнинг Хуросонда ўз мавқеларини анча тиклаб олганлиги ҳақида гапирган эдик. Ашъарийлар эса, маълумки, шофиъий мазҳабида бўлган. Бу даврда эса, Мовароуннаҳрда аксарият уламолар ҳанафий мазҳабида эдилар. А.Мўминовнинг таъкидлашича, мовароуннаҳрлик ҳанафий уламоларнинг хуросонлик шофиъийлар билан ўзаро ғоявий рақобатлари натижасида ҳанафийларнинг илмий фаолиятларида шофиъийларга нисбатан асосий йўналишни белгилаб берди³²⁴. Бу даврга келиб IV/X асрда самарқандлик ҳанафийларнинг «жузжонийа», «иёдийа» каби номлар билан шаклланган каломий таълимот Абу-л-Муъин ан-Насафий, Абу-л-Йуср ал-Паздавий, Абу Шакур ас-Солимий ҳамда Алоуддин ас-Самарқандий каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида «Мотуридийа» деган шаклга айланиб борар эди.

³²² Маълумот учун қаранг: Тауфик К., Сагадеев. Ал-Ғазāли // Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 51-52; Сагадеев А. Ал-Джувайни // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 68.

³²³ Маделунг В. Abu l-Mu`nn al-Nasafn and Ash`arn theology. – Б. 321.

³²⁴ Мўминов А. Диссертация автореферати. - Б. 37.

А.Мўминовнинг таъкидлашича, VI/XII асрда Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоид» асарининг пайдо бўлиши мотуридийа таълимоти тарихида катта воқеа бўлди³²⁵. Биз А.Мўминовнинг ушбу фикрига қўшиламиз. Чунки Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ушбу асари мотуридийа ва ашъарийа таълимоти ўртасидаги ўзаро хайрихоҳликнинг қарор топишида муъайян даражада омил бўлган. Бунга биз ашъарийа мактабининг таниқли мутакаллим Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазонийнинг (в. 792/1390 й.) ушбу асарни шарҳлаб ёзган «Шарҳ Ақоиди-н-Насафий» номли асарини мисол келтиришимиз мумкин³²⁶. Лекин, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари ушбу каломий мактаб ривожига Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид» асарида келтирилган асосий манба ҳисобланган.

Бу ўринда бежиз яна «Табсира»ни тилга олаётганимиз йўқ. Чунки Мовароуннаҳрда V-VI/XI-XII асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам мотуридийа таълимотининг ривожланиши асосан ушбу асар билан узвий боғлиқдир.

Мазкур тадқиқотимизнинг олдинги бандларида XI аср охирларида Насаф воҳасидан етишиб чиққан уч буюк аллома – Садру-л-ислом Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Паздавий ан-Насафий (в. Бухорода 493/1100 й.), унинг акаси Фахру-л-ислом Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдилкарим ал-Паздавий ан-Насафий (в. Кешда 482/1089 й.) ва Абу-л-Муъин ан-Насафийларнинг муштарак тарзда олиб борган илмий фаолиятлари Самарқандда мотуридийа таълимотининг ривожланиши учун улкан хизмат қилгани ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Лекин кейинги даврларга келиб мотуридийа таълимотининг мавқеи Бухорода ҳам сезиларли даражада кўтарилиб борди. Бухорода ушбу таълимотнинг ривожланишида Насафийнинг энг яқин шогирдларидан Алоуддин

³²⁵ Мўминов А. Диссертация автореферати. - Б. 37.

³²⁶ Аслида Тафтазоний ушбу шарҳни мотуридийа таълимотини ривожлантириш мақсадида ёзиб, сўнг уни умуман бошқача танқидий талқинга буриб юборганлиги ҳақида ҳам маълумотар мавжуд. Тафтазонийдан сўнг унинг айрим шогирдлари мотуридийага нисбатан тухмат ёғдирганлар. Бундай ашъарий олимлар ҳақида кейинги бетларда маълумот бериб ўтамиз.

ас-Самарқандий (в. 538/1143 й.), Нуруддин ас-Собуний (в. 580/1184 й.), ва Иброҳим ас-Саффор (в. 534/1139 й.) каби олимларнинг саъйи-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунинг учун Насафий «Табсира»да бухоролик ҳанафий олимларини алоҳида тилга олади. У, «Моваруннахрнинг Бухоро ва бошқа шаҳарларидан етишиб чиққан ҳанафий олимлари . . .», деб таъкидлаганида, ҳатто Самарқандни ҳам зикр этмаган³²⁷. Бу ерда Насафий асосан Бухорога урғу берган. Демак, Бухорода тарихдан ҳанафий мазҳабининг мавқеи баланд бўлган.

Абу-л-Муъин ан-Насафий вафотидан сўнг ҳам мотуридийа таълимотининг ривожига бухоролик олимларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Буни биз «Табсирату-л-адилла» асарини ривоят қилган олимлар шажарасини ўрганиш орқали аниқлашимиз мумкин бўлади³²⁸. Агар ушбу шажарага аҳамият берсак, «Табсира»ни Насафийдан Алоуддин ас-Самарқандий ривоят қилганини кўрамиз. Чунки Алоуддин ас-Самарқандий ўз устози Насафий билан Бухорода кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилиб биргаликда фаолият олиб борган. Шажарада Алоуддин ас-Самарқандийдан сўнг Аш-Шайх Зиёуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Носир ибн Абдилазиз ан-Нусухий, Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг (в. 593/1196 й.) номлари зикр қилинади. Шундан сўнг «Табсира»ни яна бухоролик олимлар ривоят қилишга ўтадилар. Шажаранинг навбатида Аш-Шайх Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абдиссаттор ибн Муҳаммад ал-Кардарий (599/1202-643/1245 й.), Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (у Ҳофизуддин ал-Кабир номи билан машҳур, 615/1218-693/1293 й.) ва Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий (в. 730/1329 й.) каби олимларнинг номлари зикр этилган.

Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абдиссаттор ал-Кардарий муғуллар даврида сиёсий фаолиятдан узоқлашиб, Бухорода умрининг охиригача ўз масжидида шогирдларига таълим бериш билан машғул бўлган. Кардарийнинг

³²⁷ Табсира. Ж. I. Б. 360.

³²⁸ Қаранг: Мазкур китоб. Илова 4.

энг яқин шогирдларидан Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (Ҳофизуддин ал-Кабир) бўлган³²⁹.

«Табсира»ни Ҳофизуддин ал-Кабир ал-Бухорийдан Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий ривоят қилган. Ушбу олим мураккаб сиёсий вазият туфайли Бухородан Термизга кўчиб ўтишга мажбур бўлган. Термиздан эса Сарахсга кўчиб ўтган. Чунки 669/1270 йилга келиб Бухоро ва Самарқандда фаолият олиб борган кўпчилик машҳур ҳанафий фақиҳлар муғуллар зуғуми туфайли Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлган эдилар³³⁰.

Юқорида номлари зикр этилганлар машҳур ҳанафий фақиҳлари даражасига етишган таниқли олим эдилар. Ушбу фақиҳларнинг «Табсира»га мурожаат қилиб уни ривоят қилганларидан шундай хулосага келиш мумкинки, XIII асрда юртимизда фикҳ илми билан бир қаторда маълум даражада калом илми, хусусан Мотуридийа таълимоти ҳам алоҳида эътиборда бўлган. Лекин «Табсира»ни ривоят қилган юқоридаги ҳанафий уламоларининг деярли барчаси ўзларининг илмий фаолиятларида асосан калом илми билан эмас, балки фикҳ илми билан шуғулланганлар. Шунинг натижасида XIII асрнинг охирларидан бошлаб мотуридийа таълимотига нисбатан эътибор янада сусайиб борганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

³²⁹ Мўминов А. Диссертация. – Б. 237.

³³⁰ Мўминов А. Ўша тадқиқот. – Б. 242-243.

3.2. Муътазилийа таълимоти тарихи

Калом илми деганда, инсон кўз ўнгида аввало муътазилийа таълимоти намоён бўлиши табиий ҳолдир. Чунки айнан ушбу таълимот вакиллариининг ақидавий қарашлари натижасида ушбу илм “калом” деб ном олган. Шунингдек, калом илмида биринчи йирик йўналиш ҳам муътазилийа таълимоти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мазкур китобда тарихи Ҳасан ал-Басрийнинг собиқ шогирдларидан бўлган Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайдга бориб тақаладиган ушбу таълимот ҳақида батафсилроқ маълумот беришни жоиз топдик. Муътазилийлар Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида VII-IX асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ҳасан ал-Басрий (вафоти 110/728 йил) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (вафоти 131/748 йил) ва Амр ибн Убайд (вафоти 144/761 йил) ўзларининг “манзила байнал манзилатайн” (аросат) мавзуидаги ақидалари билан ажралиб чиқадалар ва «муътазила» (ажралганлар) номини оладилар.

Умавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик даврида Шайх Ҳасан ал-Басрий ҳузурига бир одам келиб: “Эй динимизнинг пешвоси, замонамизда бир жамоъа пайдо бўлган, улар гуноҳи кабира қилувчиларни кофир ҳисоблайдилар. Яна бир жамоъа эса, кофирга тоъат фойда қилмаганидек, мўъминга ҳам гуноҳ зарар қилмайди, дейдилар. Улар ҳақида сиз нима дейсиз?», - деб сўради. Ҳасан ал-Басрий фикрга чўмиб, жавоб беришга улгурмай Восил ибн Ато ўрнидан туриб, масжид устунига суяниб деди: «Мен гуноҳи кабира қилганни мутлоқ мўъмин демайман, мутлоқ кофир ҳам эмас, икковининг ўртасидаги манзилатдадир. Мўъминлик мақтов исмдир, фосиқ эса мақтовга лойиқ эмас, демак бундай одам мўъмин бўлолмайди. Уни кофир ҳам деб бўлмайди, чунки у шаҳодат калимасини айтган. Агар тавба қилмай ўлса, абадий дўзахга тушади, чунки охиратда фақат икки тоифалар: жаннатга тушувчилар ва дўзахга тушувчиларгина бўлади. Лекин фосиқнинг азоби

кофирнинг азобидан енгилроқ бўлади», - деб жавоб беради. Ҳасан ал-Басрий: «Восил бизлардан ажради» - дедилар. Шундан буён бу тоифа «муътазила» (ажралган) деб номланади.

Муътазилийларнинг ўзлари ҳам доим бир-бири билан мубоҳасада бўлувчи бир неча гуруҳларга бўлинган эдилар. Уларнинг энг катта ва кучлиси Бағдод ва Басра мактаблари эди. Бағдод мактаби бошида Бишр ибн ал-Муътамар, Басра мактаби бошида эса Восил ибн Ато турарди. Мазкур икки мактаб вакиллари орасида кучли баҳслар бўлган. Бу икки мактаб ўртасидаги тортишувларни муътазилийа олими Абу Рашид ан-Найсабурий (в. 415/1024 й)нинг “ал-Масоил фи-л-хилаф байнал басрийин вал-бағдодийин” (1979 йил Байрутда нашр этирилган) номли китобида яққол кўриш мумкин.

Муътазилийларлар улавийлар давлатига муҳолиф бўлиб фаолият олиб борганлар. Зайдийларга хайрихоҳликлари туфайли аббосийлар ҳам уларга дастлаб салбий муносабатда бўлдилар. Айниқса, Хорун ар-Рашид даврида улар катта таъқиб остига олинадилар. Лекин Маъмун ва ундан кейинги 2 халифа ал-Муътасим ва ал-Восиқ даврларида (813-847) аҳвол бутунлай ўзгариб, улар аббосийларнинг суюкли пешволарига айланадилар ва ҳатто баъзи йирик давлат мансабларига ҳам сазовор бўладилар. Чунки халифа Маъмун ҳам ёшлигидан муътазилийларнинг обрўли олими Абу Ҳузайл ал-Аллофдан сабоқ олган эди. Лекин ал-Мутаваккил ҳукмронлигида (847-861) улар яна таъқиб остига олинадилар. Бу даврда Маъмун даврида “Қуръон махлукдир” деган ақидаларини уламоларга мажбурлаб сингдиришда ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални фитна билан Маъмун саройида дарра билан жазолатган Инб Аби Довуд қатл қилинган. Буидлар даврида (945-1055) муътазилий Абдулжаббор(в.1025 й) мактаби яна ривожланди. XII-XIII асрларда эса муътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

Муътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирардилар. Илк муътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб

ҳисоблаганлар, аммо кейинги даврлардаги айрим муътазилийлар эса халифаликка қурайшликдан бошқа киши лойиқ эмас, деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, имом илоҳий кўрсатма бўйича ҳокимият тепасига келмайди, балки у ижтимоий, этник келиб чиқишидан катъий назар, мусулмон жамоъасидан сайланиши лозим.

Улар ал-адлийун, ал-адлийа, аҳл ал-адл, аҳл ал-адл ват-тавҳид каби номлар билан аталганлар. Уларнинг бундай номланишига беш асосий тамойилларининг дастлабки иккитаси сабаб бўлган. Муътазилийанинг катта имомларидан бўлган Абу Ҳузайл ал-Аллоф (227/841 ёки 235/849 йил вафот этган) “ал-Усул ал-хамса” (“Беш усул”) номли асар ёзиб муътазилийа таълимотининг асосини бешта тамойилга бўлиб чиққан. Унинг ушбу асари муътазилийлар орасида шуқадар машҳур бўлганки, ҳатто улар бир-бирларининг қанчалик катта илмга эга эканликларини ушбу асарни қай жаражада билишлари орқали баҳолаганлар. Муътазилийанинг беш асосий тамойили қуйидагилардир:

1. “ал-Адл” (Аллоҳнинг адолати) - илоҳий адолат инсоннинг ирода эркинлигини тақозо этади. Аллоҳ фақат яхшилик (ал-аслах) ижодкори бўлиб, у умр давомида белгилаб қўйган нарсалар тартиби бузилишига йўл қўймайди, яъни Аллоҳ фақат яхши амалларни яратган.

2. “Тавҳид” (Аллоҳнинг ягоналиги) - Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш, кўпхудолик ва антропоморфизм, яъни Аллоҳни одам қиёфасида тасаввур қилишни инкор этиш. Бунда улар мужассама ва мушаббаҳаларга қарши турганлар.

3. “ал-Ваъд вал ваъийд” (ваъда ва жазолаш) - муътазилийлар билан бирга хаворижлар эътироф этган бу қоидага кўра Аллоҳ мўъминларга жаннат, кофирларга дўзах ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни Пайғамбар (сав) шафоатлари-ю, Аллоҳнинг “Раҳмон”, “Раҳим”лиги ўам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон ҳатти-ҳаракати

учун тўлиқ жавоб бериши лозим. Бунда улар осий мусулмоннинг шафоъат билан жаннатга киришини инкор этадилар. Уларнинг фикрича агар осий мусулмон ҳам итоъаткор мусулмон ҳам бирга жаннатга кирса Аллоҳнинг адолатлиги бузилади.

4. “Манзила байнал манзилатайн” (Оралиқ ҳолатда қолиш) - гуноҳи кабира қилган мусулмон мўъминлар қаторидан чиқарилади (муржиъийлар фикрига карши), лекин кофир бўлиб қолмайди (хаворижлар фикрига кўра), балки оралиқ ҳаётда бўлади. Бу қоида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биринчи муътазилийларнинг Ҳасан ал-Басрий даврасидан ажралиб чиқишига сабаб бўлган эди. Ҳасан ал-Басрийнинг фикрича ундай мусулмонлар мунофиқ ҳисобланган.

5. “ал-Амр бил маъруф ван наҳий анил мункар” (Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш) - барча воситалар билан (зўрлик қилиб бўлса ҳам - «қилич билан») бу ҳукм бажарилиши лозим бўлган. яъни улар “ал-Амр бил маъруф” деганда ўзларининг эътиқодий қарашларини, “Наҳий анил мункар” деганда ўз эътиқодий қарашларидан бош тортганларни назарда тутганлар.

Шунингдек, муътазилийлар Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этиб: “Инсон ўз тақдирини ўзи яратади”, деганлари учун, улар «қадарийлар» деб ҳам номланган. Лекин уларнинг ўзлари буни инкор этганлар.

Аҳли сунна эътиқодига кўра хайр ва шаррнинг (яхшилик ва ёмонликнинг) холиқи аслида Аллоҳдир. Муътазилийлар фикрича, Аллоҳ шаррни (ёмонликни) тақдир қилмаган ва у билан ҳукм ҳам этмаган. Агар ёмонлик билан ҳукм этса-ю, кейин азоб берса, Аллоҳ ўз бандасига зулм қилган бўлади деган ақидани ушлаганлар.

Муътазилийлар ашъарийа ва мотуридийа каби ақлни нақлий далиллардан кейинга эмас, балки биринчи ўринга қўйганлар. Ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто, оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки нусусни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам салаф уламолари, аҳли ҳадис уламолари ва мотуридийа ва ашъарийа вакиллари муътазилийа

таълимотини танқид қилганлар ва баъзи ўринларда уларни ҳатто куфрда айблаганлар.

Муътазилийа таълимотининг аҳли сунна вал жамоъа эътиқодига зид бўлган асосий ақидавий қарашлари қуйидагилар бўлган:

- Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса;

- Аллоҳни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам кўриш мумкин эмас;

- Қуръон махлуқдир. У азалий эмасдир;

- Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Уларнинг фикрича, феълларни банданинг ўзи яратади;

- Қатл этилган банда ажалидан олдин ўлган ҳисобланади;

- Ҳалол луқма банданинг ўз ризқидир, лекин ҳаром луқма эса аслида банданинг ризқи эмас;

- Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас;

- Аллоҳ фақат яхшиликни ирода қилади, ёмонлик эса унинг иродасидан ташқаридадир;

- Амаллар имоннинг таркибига киради ва амаллар имоннинг асосий рукнидир;

- Банданинг имони унинг амалларига қараб камайиб ва кўпайиб туради;

- Гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида колур;

- Гуноҳи кабира қилган мўъминлар дўзахда абадий қоладилар;

- Шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳларни ҳеч ким шафоат этмас;

- Жаннат билан дўзах хали яратилмаган. Чунки Аллоҳ дўзах аҳллари ва жаннат аҳллари сонини қиёматгача аниқ билмайди;

- Қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Пул сирот, Ҳавзи Кавсар

кабиларнинг ҳаммаси аслида йўқ нарса;

- Авлиёларнинг каромати бўлмаган нарса. Чунки уларнинг каромати пайғамбарлар мўъжизалари билан бир нарса бўлиб қолади;

- Муқаллид (бошқаларга тақлидан мўъмин одам)нинг имони қабул қилинмайди (масалан, ота-онаси мўъмин бўлгани учун ўзини мўъмин ҳисоблаган).

Муътазилийа таълимотининг ўзидан тарихда йигирмадан ортиқ фирқалар ажралиб чиққан. Лекин масаланинг бошқа томонига аҳамият берсак, ушбу таълимотнинг мусулмон оламида ислом дини ва мусулмонларнинг мавқеи ошишида, жаҳон илм-фан маданияти тарақиётида тутган ўрни ниҳоятда катта бўлган. Халифа Маъмун асос солган Маъмун академиясида фаолият олиб борган ва дунёвий илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган диний олимларнинг аксарияти муътазилийа таълимотининг вакиллари бўлган. Шу нуқтаи назардан, муътазилийа таълимоти ҳақида сўз борганда фақат танқидий муносабатда эмас, балки уларнинг жаҳонда ўзларининг улкан илмий муваффақиятлари билан мусулмонларнинг мавқеини юқори кўтарганларини ҳам алоҳида қайд этиш адолатдан бўлади.

3.3. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ва ашъарийа таълимоти

Яқин тарихда юртимизда Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг таълимотига оид бир қанча тадқиқотлар ва илмий мақолалар ёзилган бўлсада, лекин ашъария таълимоти асосчиси Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ҳаёти ва илмий меросига оид ишлар ҳануз амалга оширилмаган. Ушбу алломанинг тарихда соф аҳидавий таълимотнинг сақланиб қолишида тутган ўрни ниҳоятда каттаки, Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси билан танишмоқчи бўлган ўқувчи, албатта Ашъарий ҳақида ҳам етарли даражада маълумотга эга бўлиши лозимдир. Шунингдек, юқорида ашъарийлар ва мотуридийлар ўртасида бўлган мунозаралар ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Зеро, тарихий манбаларда Мотуридийга нисбатан Ашъарий ҳақида кенгроқ маълумотлар сақланиб қолган. Шу нуқтаи назардан, мазкур китобда ўқувчида муайян таассурот қолиш учун асли басралик бўлган Ашъарий илмий мероси ва унинг издошлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ашъарийнинг тўлиқ исми Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдиллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо ал-Ашъарий³³¹ бўлиб, у Басрада ҳижрий 260 йил, милодий 873 йил таваллуд топган³³². Ашъарий дастлабки илмини ўз отасидан олади ва вояга етгач ўз замонасининг машҳур олимлари бўлган Абу Исҳоқ ал-Марвазий³³³ ва Ибн Сурайждан³³⁴ фикҳ илмини, Закариё ибн Яҳйо ас-Сожий³³⁵дан ҳадис илмларини ўрганади.

³³¹ Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур. Китобу-л-ансоб. Жилд 4. – Б.39;

³³² Ашъарийнинг таваллуд куни ҳақида турли ихтилофлар мавжуд бўлиб, аксарият манбаларда мазкур сана кўрсатилган.

³³³ Иброҳим ибн Аҳмад Абу Исҳоқ ал-Марвазий. У Ироқда шофиъий мазҳабининг машҳур уламоси ҳисобланган. Ҳижрий 376, милодий 986 йил вафот этган (Зириклий Хайрулдин. Ал-Аълом. Жилд 1. – Б.23).

³³⁴ Аҳмад ибн Сурайж. Шерозда қозилик қилган усул, фуруъ ва ҳисоб илмларини яхши билган. Шофиъий мазҳабида машҳур мутакаллим ҳисобланган. Ҳижрий 371 йил вафот этган (Зириклий. Ал-Аълом. Жилд 1. – Б.21).

Ашъарий умрининг ярмини асосан муътазилийага қарши курашишга бағишлаган бўлсада, дастлаб унинг ўзи муътазилийа таълимоти вакили бўлган. Муътазилийа таълимотида унинг устози Абу Али ал-Жуббойи³³⁶ бўлган. Ашъарий қирқ ёшигача муътазилийа таълимотига эътиқод қилган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбида ушбу таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг халқасида ўзини ноқулай сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмас эди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида савол беради. Унинг саволи қуйидагича эди: Бу дунёда мўъмин уч ака ука яшаб ўтган, уларнинг каттаси тоъат-ибодатда ҳаёт кечирган. Иккинчи ака эса, гуноҳ, маъсият ишлар билан яшаган. Учинчиси эса сағирлик пайтида (балоғатга етмасдан) вафот этган. Уларнинг қиёматдаги ҳолати қандай бўлади?

Жуббойи жавоб берибди: Катта ака аҳли тақво бўлгани учун тўғри жаннатга тушади. Иккинчиси дўзахга тушади. Чунки у осий банда бўлган эди. Учинчи ука эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам қирмайди. Чунки у гуноҳ ҳам, ибодат ҳам қилмаган.

Шунда Ашъарий эътироз билдира бошлайди: Аросатда қолган кичкина ука, – “Эй Роббим, сен менга катта акам сингари узоқ умр берганингда, мен ҳам умримни тоъат-ибодат билан ўтказардим. Сен мени сағирлик пайтимда жонимни олдинг. Энди мен жаннатга киришдан маҳрум бўлиб қолдим, менинг айбим нима?!”, – деб эътироз билдирсачи?.

Жуббойи жавоб берибди: Аллоҳ шунда айтади: “Мен сенга узоқ умр берганимда, сен иккинчи акангдек гуноҳкор банда бўлардинг. Чунки мен сенинг тақдирингни аввалдан биламан. Шунинг учун мен сенга раҳм қилиб, сағирлик пайтингда жонингни олдим”.

³³⁵ Закариё ибн Яхйо ас-Сожий ҳижрий 220, милодий 835 йил туғилиб, ҳижрий 307, милодий 920 йил вафот этган. Басралик муҳаддис бўлган. Унинг “Илалу-л-ҳадис” номли машҳур китоби бўлган (Зириклий. Ал-Аълом. Жилд 3. – Б.81).

³³⁶ Абу Али Муҳаммад ибн Абдилваҳҳоб ал-Жуббойи (ҳижрий 236 йил, милодий 850 йил туғилиб, ҳижрий 305 йил, милодий 917 йил вафот этган. Жуббойи мўътазилийларнинг энг машҳур шайхларидан ҳисобланган. Насафий уни “Табсира”да қаромий деб ҳам атаган.

Ашъарий хайрон бўлиб яна сўрайди: Агар иккинчи ака, – “Эй Роббим, сен менга узоқ умр бердинг, мен гуноҳкор банда бўлдим. Лекин сен мени кичик укам каби сағирлик пайтимда жонимни олсанг бўлмасмиди?! Шунда мен дўзахга тушишдан сақланиб қолар эдим”. Ашъарийнинг ушбу эътироз сифатидаги саволига Жуббойи жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий муътазилийа таълимотидан воз кечади.

Ашъарийнинг ўзи “ал-Ибона ан усул ад-дийана” номли китобида муътазилийадан қандай воз кечганини қуйидагича ҳикоя қилиб берган: Мен борган сари ушбу таълимотдан бешиб борар эдим. Ундаги фикрлар мени асло қониқтирмас эди. Кечалари ҳам халоватим йўқолган эди. Бир куни мен тунда уйғониб таҳажжуд намози ўқидим ва Аллоҳдан кўнглимдаги ғашликни даф қилишни ва мени ўз ҳидоятига бошлашини сўраб дуо қилдим. Шу аснода мен уйқуга кетибман. Шунда тушимда Расулуллоҳ (сав)ни кўрдим ва ул зотга қалбимдаги кечаётган ғалаён ҳақида шикоят қилдим. Шунда Расулуллоҳ (сав), – “сенинг нажот топишинг фақат менинг суннатимни маҳкам тутишинг билан амалга ошади”, – деб жавоб бердилар. Шундан сўнг мен бир неча кун уйда михланиб қолдим, жамоъат намозларига ҳам чиқишни хоҳламас эдим. Лекин еттинчи кун жомеъ масжидига чиқиб, мўъминларга шундай хитоб қилдим: Эй биродарлар, мен елкамдаги ушбу тўнимни танамдан қандай ечиб улоқтираётган бўлсам, қалбимдан ҳам бидъат эътиқодни шундай улоқтириб ташлаяпман. Мен бугундан бошлаб муътазилийа таълимотидан воз кечдим ва умримнинг қолган қисмини ушбу таълимотга қарши курашга сарфлайман³³⁷.

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради. У шундай даврда ҳаёт кечирганки, ўша даврларда фикрий курашлар авжга чиққан ва “аз-Занж” қўзғолони бўлган ва карматийларнинг қўли баланд келиб Баҳрайндан то Шомгача (Сурия) тарқалган эди. Ашъарий ўз даврининг машҳур шайхлари, мутасаввиф ва фақиҳлари

³³⁷ Ашъарий Абул Ҳасан. Ал-Ибона ан усули-д-дийана. Аббос Саббоғ нашрга тайёрлаган. Байрут: Дору-н-нафоис нашриёти. 1994 йил. – Б. 12-13.

саналган Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий³³⁸, Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий, Маҳмуд ибн Довуд ал-Исбаҳоний³³⁹, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал³⁴⁰, Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда аслида зиндиқ бўлган Ибн ар-Ровандий³⁴¹ билан бир даврда яшаган. Ашъарийнинг юқорида келтирилган замондошларидан маълумки, у бир томондан шунча диний уламолар орасида ўз мавқеини тиклаб олиши ва Ибн ар-Ровандий каби ислом душманларига қарши фаолият кўрсатиши зарур эди.

“Табакот аш-шофиъийа ал-кубро” асари муаллифи ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг яшаган даврларини еттига бўлиб чиққан: Биринчи давр: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тоий, Абу-л-Ҳасан ал-Боҳилий, Бандор ибн ал-Ҳусайн³⁴², Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Табарий³⁴³. Иккинчи давр: Абу Бакр ал-Боқиллоний³⁴⁴, Абу Бакр ибн Фурак³⁴⁵. Учинчи давр: Абдулжаббор ибн Али ал-Исфаройиний³⁴⁶. Тўртинчи давр: ал-Хатиб ал-Бағдодий³⁴⁷, Абу-л-Қосим ал-Қушайрий³⁴⁸. Бешинчи давр: Абу Ҳомид

³³⁸ Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ҳижрий 224 йил, милодий 839 йил туғилиб, ҳижрий 310 йил, милодий 923 йил вафот этган. У муаррих ва муфасссир бўлган. Тарихга оид “Ахбор ар-русул ва-л-мулук”, тафсирга оид “Жомеъу-л-байон фи тафсири-л-Қуръон” номли асарлари бўлган.

³³⁹ Адиб, шоир ва зукко лим бўлган. Ҳижрий 255 йил, милодий 869 йил туғилиб, ҳижрий 297, милодий 910 йил вафот этган. Унинг “ал-Вусул ила маърифати-л-усул” номли асари бўлган.

³⁴⁰ Абдуллоҳ ибн Ҳанбал тўртта фикҳий мазҳаблардан бирининг асосчиси. У тарихда имом Аҳмад ибн Ҳанбал номи билан танилган. Ҳижрий 290 йил, милодий 903 йил вафот этган.

³⁴¹ Ибн ар-Ровандий машҳур зиндиқлардан бўлган. Отаси яҳудий бўлган. У ўзини мусулмон кўрсатсада, аслида ислом динига қарши китоблар ёзган. Унинг Қуръонга қарши “ад-Дофеъ” ва шариятга қарши “аз-Зумарда” номли асарлари бўлган. У ҳижрий 298 йил, милодий 910 йил вафот этган.

³⁴² Бандор ибн ал-Ҳусайн аш-Шерозий. У Ашъарийнинг хизматида бўлган. Ҳижрий 353 йил, милодий 964 йил вафот этган.

³⁴³ Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Табарий Бағдодда Низомийа мадрасасида мударрис бўлган. Салжуқий султони Барқайруқнинг яқин кишиларидан бўлган. Ҳижрий 504 йил, милодий 1110 йил вафот этган.

³⁴⁴ Муҳаммад ибн Тўйиб Абу Бакр ал-Боқиллоний ашъария таълимотининг машҳур мутакалламларидан ҳисобланган. Ҳижрий 403 йил, милодий 1012 йил вафот этган.

³⁴⁵ Абу Бакр ибн Фурак Муҳаммад ибн ал-Ҳасан калом илми ва усул илмида машҳур олим бўлган. Ашъарийнинг асарларига мақолалар ёзган. “Мушаккалу-л-ҳадис ва ғарибуҳу” номли асари бўлган. Ҳижрий 406 йил, милодий 1015 йил вафот этган.

³⁴⁶ Абдулжаббор ибн Али ал-Исфаройиний ҳижрий 408 йил, милодий 1017 йил вафот этган.

³⁴⁷ Аҳмад ибн Али ибн Собит ал-Хатиб ал-Бағдодий машҳур ҳадис ёд олувчилардан бўлган. Унинг “Тарихи Бағдод” номли асари бўлган. Ҳижрий 372 йил, милодий 982 йил туғилиб, ҳижрий 450 йил, милодий 1057 йил вафот этган.

³⁴⁸ Абу-л-Қосим Абдулкарим ибн Ҳавозун ал-Қушайрий. Ниҳоятда такводор ва зоҳид бўлган. Унинг “ар-Рисола ал-Қушайрийа” номли асари бўлган. Ҳижрий 376, милодий 986 йил туғилиб, ҳижрий 465 йил, милодий 1072 йил вафот этган.

ал-Ғаззолий³⁴⁹, Ибн Асокир³⁵⁰, Абу-л-Фатҳ аш-Шаҳристони³⁵¹. Олтинчи давр: Фахруддин ар-Розий³⁵², Сайфуддин ал-Омидий³⁵³, Иззуддин ибн Абдиссалом³⁵⁴. Еттинчи давр: Такиййуддин ибн Дақиқ ал-Ийд³⁵⁵.

Ашъарийнинг илмий мероси, яратган асарлари ҳақида турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи тарихчилар унинг юзга яқин асарлари мавжуд бўлган деса, баъзилари элликдан ортиқ асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Ашъарий муътазилия эътиқодида бўлган даврида ҳам ушбу таълимотга оид асарлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бизгача унинг муътазилия таълимоти ҳақида бирон-бир асари етиб келмаган. Ас-Субкий “Табақот аш-шофиъийа ал-кубро” номли асарида Ашъарийнинг бирқанча асари ҳақида маълумот бериб ўтган: “ал-Умда фи-р-руъйа”, “ал-Фусул фи-р-радд ала-л-мулҳидин”, “ал-Мужаз”, “Имомат Аби Бакр ас-Сиддик”, “Холку-л-аъмол”, “ал-Иститоъа”, “ас-Сифаат”, “ар-Руъйа”, “ал-Асмо ва-л-аҳком”, “ар-Радд ала-л-мужассама”, “ал-Ийзоҳ”, “ал-Лумаъ ас-сағир”, “ал-Лумаъ ал-кабир”, “аш-Шарҳ ва-т-тафсил”, “ал-Муқаддама”, “ан-Нақс ала-л-Жуббойи”, “ан-Нақс ала-л-Балҳий”, “Мақолат ал-мулҳидин”. Хожи Халифа “Кашфу-з-зунун” асарида яна Ашъарийга “Тафсир Аби-л-Ҳасан”, “Ийзоҳ ал-бурҳон фи-р-радд ала аҳли-з-зайғ ва-т-туғйон” номли

³⁴⁹ Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий машҳур файласуф, мутасаввуф бўлган. У “Ҳужжату-л-ислом” лақаби билан ҳам танилган. “Ихёо улуми-д-дин” ва “Таҳафуту-л-фаласифа” номли машҳур асарлари бўлган. Ҳижрий 450 йил, милодий 1058 йил туғилган ва ҳижрий 505 йил, милодий 1111 йил вафот этган.

³⁵⁰ Али ибн ал-Ҳусайн ибн Асокир муаррих, муҳаддис ва ўз даврининг машҳур ҳофизларидан ҳисобланган. Унинг тарихга оид “Тарих ибн Асокир” номли асари бўлган. Шунингдек унинг “Табйин казиби-л-Муфтарий фи ма нусиба ила-л-Имом Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий” номли асари дастлаб Дамашқда 1947 йил нашр этирилган.

мавжуд. Ҳижрий 449 йил, милодий 1105 йил туғилган ва ҳижрий 571 йил, милодий 1176 йил вафот этган.

³⁵¹ Муҳаммад ибн Абдилкарим Абу-л-Фатҳ аш-Шаҳристони калом илмининг машҳур имомларидан саналган. Унинг “ал-Милал ва-н-Ниҳал” номли машҳур асари мавжуд. Ҳижрий 479 йил, милодий 1086 йил туғилган ва ҳижрий 548 йил, милодий 1153 йил вафот этган.

³⁵² Муҳаммад ибн Умар Фахруддин ар-Розий ўз даврининг машҳур ҳаким ва мутакаллим уламоларидан бири ҳисобланган. “Тафсиру-р-Розий” ва “Мафатиху-л-ғайб” номли асарлари бўлган. Ҳижрий 544 йил, милодий 1150 йил туғилган ва ҳижрий 606 йил, милодий 1210 йил вафот этган.

³⁵³ Али ибн Муҳаммад Сайфуддин ал-Омидий усулчи, ва мутакаллим бўлган. Унинг “ал-Ихком фи усули-л-аҳком” номли асари бўлган. Ҳижрий 551 йил, милодий 1156 йил туғилган ва ҳижрий 631 йил, милодий 1233 йил вафот этган.

³⁵⁴ Ушбу олим ўз даврида илми билан машҳур бўлган ва “Султону-л-уламо” номли лақабга сазовор бўлган. “ат-Тафсиру-л-кабир” ва “Масоилу-т-тариқа” номли асарлари бўлган. Ҳижрий 577 йил, милодий 1181 йил туғилган ва ҳижрий 660 йил, милодий 1262 йил вафот этган.

³⁵⁵ Мусо ибн Али Такиййуддин ибн Дақиқ ал-Ийд ўз даврининг машҳур фақиҳларидан саналган. Унинг шофиъийа мазҳабига оид “ал-Муғний” номли асари бўлган. Ҳижрий 641 йил, милодий 1244 йил туғилган ва ҳижрий 685 йил, милодий 1286 йил вафот этган.

асарларни нисбат бериб ўтган. Ашъарийнинг юқоридаги асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта, “Мақолату-л-исломийин ва ихтилофу-л-мусоллин”³⁵⁶, “Рисола истиҳсони-л-ҳавз фи илми-л-калом”³⁵⁷, “ал-Лумаъ фи-р-радд ала аҳли-з-зайғ ва-л-бидаъ”³⁵⁸, “Рисола ила аҳли-с-сағр би баби-л-абвоб”³⁵⁹, “ал-Ибана ан усули-д-дийана”³⁶⁰ номли асарларининг илмий таҳлилий нашрлари амалга оширилган.

Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг вафот этган санаси ҳақида ҳам турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи манбаларда ҳижрий 330 йил (милодий 941 йил) деб кўрсатилса, баъзиларида ҳижрий 330 йиллардан кейин вафот этгани айтиб ўтилган. Лекин аксарият манбаларда Ашъарий ҳижрий 324 йил (милодий 936 йил) вафот этгани ва Бағдодда дафн қилингани ҳақида маълумотлар мавжуд. Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг соф ислом ақидасини сақланиб қолишида ҳамда турли ақидавий ботил таълимотларнинг йўқ бўлиб кетишидаги хизматлари ниҳоятда катта бўлган. Шунинг учун ҳам гарчи, ислом оламида “аҳли сунна вал жамоъа” эътиқодида кўплаб уламолар мавжуд бўлсада, унинг ақидавий қарашлари “Ашъария” номи билан алоҳида таълимот сифатида эътироф этилган. Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийларнинг таълимотлари ўртасида фақатгина жузъий фарқлар бўлган ва улар асосан бир-бирини тўлдириб келган³⁶¹. Шунинг учун ҳам ушбу икки таълимот ислом илоҳиётида тўғри таълимот сифатида эътироф этилган.

³⁵⁶ Ушбу асар 1950 йил Қоҳира шаҳрида тадқиқотчи Муҳаммад Муҳйиддин Абдулҳамид томонидан нашр этирилган. 1980 йил эса ғарб тадқиқотчиси Хелмут Рейтр Фесбадн шаҳрида қайта нашрга тайёрлаган.

³⁵⁷ Ушбу асар кичик рисола шаклида 1925 йил Ҳайдарободда нашр этирилган.

³⁵⁸ Ушбу асар тадқиқотчи Макорисий томонидан 1952 йил Байрутда “Рисола истиҳсони-л-ҳавз фи илми-л-калом” асарига қўшилган ҳолда нашр этирилган.

³⁵⁹ Ушбу асарнинг қўлёзмасининг асл нусхаси сақланиб қолмаган. Лекин Байрутдаги Америка университетида асар қўлёзмасидан сурат нусхаси сақланмоқда.

³⁶⁰ Ушбу асарнинг Байрутдаги Америка университетида ва Мисрнинг Искандария Давлат кутубхонасида “Китобу-т-тавҳид” номи билан қўлёзма нусхаси сақланади. Қисқача “Ибана” номи билан танилган ушбу асар дастлаб 1903 йил Ҳайдарободда, сўнгра 1965 йил Қоҳирада Муҳйиддин Хатиб томонидан нашр этирилган. Асарнинг сўнги наشري тадқиқотчи Аббос Саббоғ томонидан Байрутда “Дору-н-нафоис” нашриётида 1994 йил амалга оширилган.

³⁶¹ XIX асрда араб олими Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин ашариъа ва мотуридийа таълимотлари ўртасидаги ихтилофларга бағишлаб “Ар-Равдату-л-баҳийа фима байна-л-ашаъира ва-л-мотуридийа” номли китоб ёзган. Ушбу китоб 1996 йил Байрутда “Дор сабили-л-иршод” нашриётида тадқиқотчи Али Фарид Дахруж томонидан нашр этирилган.

3.4. Абу-л-Муъин ан-Насафий ижодида мотуридийа таълимотининг талқини («Табсирату-л-адилла» ва «Китобу-т-тавҳид» асосида)

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг барча асарлари орасида унинг «Китобу-т-тавҳид» асарининг аҳамияти каттадир ва кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу асар Мотуридийнинг шоҳ асари ҳисобланади. Мотуридийнинг «Тавҳид» асарини 1970 йил араб тадқиқотчиси Фатҳуллоҳ Хулайф илмий-танқидий таҳлил қилиб Байрутда нашр эттирган. Кейинчалик ушбу асар 1979 йил Истанбулда иккинчи бор ҳам нашр этирилган.

Мотуридийнинг «Тавҳид» асари унинг илмий фаолиятида қанчалик асосий ўрин тутса, «Табсирату-л-адилла» ҳам Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий фаолиятида шундай мавқега эга асар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотимизда «Тавҳид» ва «Табсира» асарларида кўтарилган айрим мавзуларни ўзаро қиёсий таҳлил қилишни лозим деб топдик.

Мотуридийнинг «Тавҳид» асари ҳақида кўплаб тадқиқотчилар ўз фикрларини билдирганлар. Европалик олим Роберт Браншви́гнинг таъкидлашича, «Тавҳид» тартибсиз ва мужмал жумлалар билан ифодалангани учун тушунарсиз ва ўқиш анча мураккаб бўлган асардир³⁶².

Язичиўғлининг фикрича, «Тавҳид» мураккаб тилда ёзилганлигига Мотуридийнинг турли гуруҳларга берган раддия ва муноқашалари таъсир кўрсатган. Мотуридий ушбу асарида Каъбий, Ибн Шабиб, Ибн ар-Ровандий, Даҳрийа, Суманийа, Софистлар ва Мажусийлар каби алоҳида шахслар ва оқимларга раддияларни махсус бобларда беришни жоиз деб топган. Юқоридаги ушбу фирқаларга раддиялар моҳият жиҳатидан ёндошиб ёзилганлиги учун асарда бирлик ва лўндалик ёқолган ва сўз ифодасида мураккаблик юзага

³⁶² Браншви́г Р. Devoir et pouvoir, histoire d'un probleme de theologie musulmane. – Т. I. – Paris: 1976. – Б. 199.

келган³⁶³. Язичиўғлининг ушбу фикри бироз нотўғридир. Чунки Насафий ҳам «Табсира»да кўплаб юқоридаги оқим вакилларига қарши раддиялар билдирган. Лекин асарнинг структураси ва жумлаларнинг шаклига бу омиллар таъсир кўрсатмаган. Бизнинг фикримизга кўра, Мотуридийнинг «Тавҳид»да қўллаган мураккаб ва ёпиқ усулларига ўша даврдаги ўзига хос мавжуд бўлган илмий услуб сабаб бўлган. У.Рудольф «Тавҳид» билан «Табсира»ни ўзаро қиёслар экан, шундай хулосага келади: Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асарини кўздан кечиран эканмиз, унда «Тавҳид» асарига кўплаб ўхшаш таърифлар ва далилларни учратамиз. Шунингдек, Насафийнинг тили Мотуридий тилига қараганда тушунарлироқдир. Шундай қилиб, «Табсира»нинг матни биз учун Мотуридий калом мактабини фақатгина шарҳлаб қўя қолмайди. У «Тавҳид» матнини филологик жиҳатдан тиклашимизда ҳам ғоятда катта фойда беради³⁶⁴. Д.Жимаре ҳам «Тавҳид»га нисбатан «Табсира»даги мавзулар бир тизимли ва тартибли шаклда ифодаланганини таъкидлайди³⁶⁵.

«Табсира» билан «Тавҳид»ни ўзаро солиштирганда, «Табсира»да кўтарилган мавзулар «Тавҳид»га нисбатан кўпроқ ва қамровлироқ қилиб берилган. Насафий ушбу асарида мухолифларнинг фикрларини ҳам объектив тарзда ёритишга ҳаракат қилади. Бу жиҳатлари билан «Табсира» калом илми тарихига оид биронта асарларда берилмаган маълумотларни ўзида акс эттирган. Шунингдек, икки асар солиштирилганда, Насафий баъзи масалаларни шарҳлашда Мотуридийнинг айнан сўзларини «Тавҳид»дан кўчиради. Аммо Насафий «Тавҳид»дан жумлаларни тўлиқ кўчирмай, балки уларни таҳлил қилиб қўшимча иборалар билан тўлдиради.

Лекин Насафий «Табсира»да мухолифларнинг фикрларини келтирар экан, баъзан уларнинг номларин ошкор қилмайди. Бундай ҳолларда ўз нуқтаи назари билан у қарши чиқаётган фиркалар ёки шахсларнинг фикрларини ажратиб олиш

³⁶³ Язичиўғли М. Maturidi kalam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985. – Б. 254

³⁶⁴ Рудольф У. Ал-Матуриди. – Б. 222.

³⁶⁵ Жимаре Д. Theories de l'acte humain en theologie musulmane. – Paris: 1980. – Б. 195.

мушкулдир. Шундай қилиб, «Табсира»ни ўқиётганда ўқувчи диққатлироқ бўлмаса ва танланган мавзу яхшилаб кузатилмаса, янглишиб кетиш ҳеч гап эмас. Чунки икки асардаги усуллар ўзаро солиштирилганда, Насафийнинг тили Мотуридий тилига нисбатан фарқли эканлиги кўзга ташланади. Мотуридий фалсафий атамаларга бошланғич сўз қўллайди. Насафий эса, аксинча, бугунги кун тили билан айтганда, «семантик» усул қўллайди.

Биз икки асарни бобма-боб ва фаслма-фасл солиштириб чиқиш имконидан йироқмиз. Шунинг учун ушбу тадқиқотимизда «Тавҳид» ва «Табсира» асарларида кўрилган айрим ақидавий масалаларни муқояса қилиб ўтишни лозим топдик. Мана шу орқали икки мутакаллимнинг услублари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Масалан, калом илмида энг нозик ва зарур бўлган ««қазо» ва қадар» масаласини икки мутакаллим қандай шарҳлаганини «Тавҳид» ва «Табсира» мисолида кўриб ўтамыз.

Мотуридий ушбу фаслни «Масъала фи-л-қазо ва-л-қадар» деб номлаган. Насафий эса, ушбу фаслга «ал-Калом фи-л-қазо ва-л-қадар» деб ном қўйган.

Икки асарда ҳам ушбу масала бир ҳил шарҳлар билан бошланади. Яъни, Аллоҳ феълларнинг яратгувчиси бўлгани исботлангач, албатта у ушбу феълларнинг тақаввуни, «қазо» ва қадарини ҳам олдиндан белгилаб қўйгандир³⁶⁶. Насафий «қазо» ва «қадар»ни шарҳлашда айнан Мотуридийнинг фирларини қўллаб-қувватлайди. Аммо Насафийнинг тилига эътибор берсак, масалани тушунтираётганда жумлаларни очиқ ва тушунарли баён қилади. Масалан, «Бу масаланинг бошида биз аввал «қазо» ва «қадар» маънолари ҳақида тўхталиб ўтамыз», - деб кейин ушбу икки калиманинг барча маънолари ҳақида маълумотлар келтиради³⁶⁷. Насафий «қазо» калимасининг «ҳукм», яъни амр, буйруқ маъносини шарҳлашда нақлий далил қилиб Аллоҳнинг қуйидаги каломини мисол келтиради:

³⁶⁶ Мотуридий. Тавҳид. – Б. 305; Насафий. Табсира. Ж. II. Б. 715.

³⁶⁷ Табсира. Ж. II. Б. 715.

إِيَّاهُ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا رَبَّكَ وَقَضَى

Маъноси: Роббингиз сизларни фақат ўзигагина ибодат қилишга буюрди. («Исро» сураси, 23-оят).

Мотуридий ҳам ушбу оятни далил қилиб келтиради. Лекин у ушбу оят билан яна бир катор оятларни мисол келтиради³⁶⁸. Демак, Мотуридий кўпроқ нақлий далил келтиради. Насафий эса, «Тавҳид»ни таҳлил қилган ҳолда ушбу оятлар орасидан бирини танлаб «Табсира»да баён қилади.

Мотуридий «қазо» сўзининг ҳукм, ёки буйруқ маъносини англатишини араб тилида қуйидагича ифодалайди³⁶⁹:

فرجع عليه، يقطع أن وأحق به، يليق ما على والقطع بالشيء الحكم الحقيقة في القضاء ثم على يكون أن شيء بكل الأولى وعلى عليه، هي ما على كونها تحقيق لأنه الأشياء؛ خلق إلى مرة ... خلق ما

(Таржимаси: «қазо» сўзининг моҳияти ҳақиқатда бир нарса билан ҳукм чиқармоқлик ва унга энг лойиқ ва ҳақлий нарса билан қатъийлаштирмоқликдир. Сўнгра нарсаларнинг яратилишига яна бир марта назар ташламоқлик. Чунки бу нарса махлуқни аслига кўра таҳқиқ қилишиликдир ва бу билан ҳар бир нарса асл яралмиши билан кўзга ташланади.)

Насафий эса «қазо» сўзининг буйруқ маъносини англатишини аниқ ва содда қилиб тушунтиради³⁷⁰:

به عليه حكم أي بكذا فلان على القاضي قضى: يقال الحكم، به ويراد يُذكر القضاء وحتم ربك أمر أي «إِيَّاهُ إِلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا رَبَّكَ وَقَضَى»: تعالى الله قال الأمر؛ به ويراد ويُذكر وألزم

(Таржимаси: «қазо» сўзидан мурод – ҳукм чиқаришдир. Айтилади: Қози фалончи устидан ҳукм чиқарди, яъни унга ҳукм жорий қилди. Яна «қазо» сўзидан мурод – буйруқ беришдир. Аллоҳ Таоло ўз каломидида қуйидагича таъкидлайди:

³⁶⁸ Таққосланг: Тавҳид. – Б. 306.

³⁶⁹ Тавҳид. – Б. 306.

³⁷⁰ Табсира. Ж. II. Б. 715.

«Роббинг сенга ўзигагина ибодат қилишга буюрди». Яъни Роббинг амр қилди, лозим қилди.)

Юқоридаги икки жумлани солиштирганда, албатта Насафийнинг шарҳи енгил ва тушунарлироқ эканига гувоҳ бўламиз.

Насафий Мотуридийдан фарқли равишда каломий ибораларни шарҳлашда айрим шоирларнинг ижодларига ҳам мурожаат қилади. Масалан, «қазо» сўзининг *фироғ, бўшаи ёки қутилиш* маъносини англатишини араб шоири Абу Зуъайбнинг қуйидаги мисраси орқали тушунтиришга ҳаракат қилади:

تَبَعَ السَّوَابِغَ صَنَعَ أَوْ دَاوَدَ قَضَاهُمَا مَسْرُودَتَانِ وَعَلَيْهِمَا

Маъноси: У иккисининг зиммасида икки иш бор эди

Лекин у ишларни Довуд шоҳона равишда амалга оширди.

Насафий ушбу мисра орқали «қазо» сўзининг мустаҳкам бажармоқ, ёки аниқ амалга оширмоқ маъноларида келишини ифодалайди³⁷¹. Шунингдек, Насафий бошқа олимларнинг ҳам фикрларини келтиради. Масалан, Ибн Арафанинг, «الشَّيْءُ قَضَاءٌ» (бирор нарсанинг «қазо»си) калимаси ўша нарсани мустаҳкам равишда амалга ошириш маъносидадир», - деган шарҳини ифодалайди³⁷².

Лекин баъзи ўринларда икки асар қиёсланганда Насафий айнан Мотуридийнинг сўзларини кўчирганига ва баъзи жойларидаги айрим феълларнинг ўрнига синоним феъллар ишлатганига гувоҳ бўламиз³⁷³.

Насафий Мотуридий йўли ва тизимадан четга чиқмайди. «қазо» ва қадар» масаласида муътазилийларни танқид қилганда ҳам Мотуридий каби машҳур муътазилийа олими Каъбийнинг фикрларига қарши чиқади³⁷⁴.

³⁷¹ Табсира. –Ж. II. Б. 715.

³⁷² Ўша асар. – Б. 716.

³⁷³ Масалан қаранг: Тавҳид. – Б. 307, Абзац 2; Табсира. Ж. II. Б. 716, Абзац 3, 4.

³⁷⁴ Табсира. Ж. II. Б. 317.

Насафий «Табсира» асарида ортиқча, кераксиз сўзлардан четлаб ўтади ва ўз фикрларини аниқ ва равон ифодалашга ҳаракат қилади. Мотуридий эса, жумлалар тузишда бироз кўпроқ ибора ва сўзлардан фойдаланади. Бунга мисол тариқасида икки асарда Каъбийга нисбатан ишлатилган жумлаларни солиштириб ўтишимиз мумкин.

«Табсира»да қуйидагича ифодаланади³⁷⁵:

تعالى الله وقضاء باطل، متفاوت الكفر لأن الكفر يقضي لا تعالى الله أن المعتزلة وزعت
الكعبي احتج وبه. وصواب حق

(Таржимаси: Муътазиллийлар, Аллоҳ таъоло куфр билан ҳукм қилмайди, чунки кофирлик сабаблари турличадир ва Аллоҳнинг ҳукми ҳақиқий ва тўғридир, деб таъкидлайдилар. Каъбий ушбу ҳукмни тасдиқлайди.)

«Тавҳид»да эса қуйидагича ифодаланади³⁷⁶:

فسر، ما بعض في وجعلها القضاء وجوه فسر ثم الكفر، يقضي لا تعالى الله أن زعم والكعبي
وقضاء وباطل، متفاوت الكفر بأن احتج ثم. خطأ الوجوه أحد في ذلك احتمال على الجملة في إنكاره
... وصواب حق الله

(Таржимаси: Каъбий айтади: «Аллоҳ таъоло куфр билан ҳукм қилмайди». Сўнгра ушбу сўзига ойдинлик киритиб шундай дейди: «Ҳукм сабаблари турлича ва ҳукм сабабларига кўра натижа ҳосил қилади. Куфрни сабаблар эҳтимолига кўра инкор қилиш хатодир. Сўнгра куфр сабаблари турлича ва Аллоҳнинг ҳукми ҳақиқий ва тўғридир».)

Юқоридаги икки жумлаларга аҳамият берсак, улар бир хил маънони англатсада, лекин икки хил шаклда ифодаланган. Бу ерда Насафийнинг тили Мотуридийникига нисбатан анча осон ва равон эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Шу сабабли Насафий ушбу мавзуга ажратган жойи «Табсира» нашрида тўрт бетни ташкил қилса, «Тавҳид»да эса ушбу мавзуга тўққиз бет ажратилган.

³⁷⁵ Табсира. Ж. II. Б. 716.

³⁷⁶ Тавҳид. – Б. 307.

Икки асарнинг кейинги бетларини кўздан кечирав эканмиз, Насафий «Табсира»да энди «Тавҳид»дан иқтибослар келтирмайди. Аксинча, у мавзуларни шарҳлашда ва уларни очиб беришда «Тавҳид»дагига нисбатан кўпроқ олимларнинг фикрларини мисол келтиради ва ўқувчига аниқ далиллар ва мисоллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилади.

Икки асар ҳажм жиҳатидан солиштирилганда, «Табсира» «Тавҳид»га нисбатан икки баравар кўпдир. Бунга сабаб, Насафий ўз асарида «Тавҳид»да кўрилган мавзуларни қисқа ва лўнда иборалар билан ифодалаган ва ушбу мавзуларга алоҳида қўшимчалар киритган.

Масалан, икки асарда «имон» мавзусини қиёсий таҳлил қилиш орқали ушбу фикримизга аниқлик киритишимиз мумкин. Бунда Насафий Мотуридийга нисбатан кенгроқ фикрлар билдириб, калом илмида «имомат» мавзусини ҳам очиб беради.

Мотуридий «Тавҳид»да «имон» мавзусини шарҳлар экан, бир қавмнинг: «Имон хоссатан тил билан тасдиқдир, қалбга эса унинг алоқаси йўқдир», - деган фикрини келтиради ва ушбу фикрга ўзининг эътирозини бир қанча нақлий далиллар орқали баён қилади³⁷⁷. Афсуски, Мотуридий ушбу фикрни билдирган қавмнинг номини келтирмайди. Бу ерда ўқувчида бироз қийинчилик туғилиши мумкин.

«Табсира»да эса, аксинча, Насафий «имон» ҳақида бир қанча олимларнинг билдирган фикрларини баён қилади. Насафий Молик ибн Анас, аш-Шофиъий, ал-Авзоъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва мадиналик бир қанча салаф уламоларнинг: «Имон қалб билан таниш, тил билан иқдор бўлиш ва унинг арконларига амал қилишдир», - деган фикрларини келтиради³⁷⁸.

Юқорида «Тавҳид»да: «Имон хоссатан тил билан тасдиқдир, қалбга эса унинг алоқаси йўқдир», - деган фикрни баён қилган қавмнинг номини биз бевосита «Табсира» орқали билиб олишимиз мумкиндир. Насафий бу фикрни

³⁷⁷Тавҳид. – Б. 373.

³⁷⁸Табсира. Ж.П. Б. 798.

билдирган олимларни ар-Риқоший, Абдуллоҳ ибн Саъийд ал-Қаттон ва карромийлар деб кўрсатади³⁷⁹.

Насафий Мотуридийдан фарқли равишда «имон»га оид мавзуларни алоҳида фасллар билан очиб беради. Масалан, «Тавҳид»да имоннинг камайиши ёки кўпайиши масаласи умумий тарзда баён қилинган. «Табсира»да эса, ушбу мавзу алоҳида фаслда берилган³⁸⁰.

Ушбу мавзунинг кейинги бетларида ҳам юқоридаги каби Мотуридий оқимларнинг номларини баён қилмайди. Масалан, «имон» билан «ислом»ни баъзи қавм алоҳида нарса эканлигини таъкидлайди³⁸¹. «Табсира»да эса Насафий ушбу фикрни ҳашавийлар билдирганини ифодалайди³⁸².

«Имон» мавзуси билан «Тавҳид» асари ўз ниҳоясига етади. «Табсира»да эса, Насафий ушбу мавзуга зайл сифатида «имомат» масаласини баён қилади.

Насафий «имомат» мавзусини Мотуридий ўзининг «Мақолат» асарида баён қилганини таъкидлайди ва Мотуридий имомнинг тайинланишида ундан афзал инсон бўлмаслиги керак, деган шартни инкор қилганини баён қилади³⁸³. Ашъарий эса, имом тайинланаётганда ундан афзалроқ шахс бўлмаслигини шарт қилади. Насафий бу ерда ашъарийларнинг фикрларига қарши Умар (РА) жароҳат олган вақтларида ўзларининг ўринларига тайинлашга олтита одамнинг номзодини кўрсатганларини мисол келтиради. Мотуридийнинг таъкидлашича, олтита одам орасида Али (РА) билан Усмон (РА) ҳам бор эдилар. Номзодлар орасида энг афзали Али (РА) билан Усмон (РА) бўлганларига қарамай Умар (РА) барча олтита номзодни ўзаро танлаш ихтиёрига хавола қилганлар³⁸⁴.

Мотуридийнинг ушбу далилини биз «Тавҳид» орқали тополмаймиз. Чунки Мотуридий ушбу мавзуни «Мақолат» асарида баён қилган. «Табсира»да эса ушбу мавзу аниқ баён қилинган. Демак, биз «Табсира» орқали Мотуридийнинг

³⁷⁹ Табсира. Ж. II. Б. 798.

³⁸⁰ Табсира. Ж. II. Б. 809.

³⁸¹ Тавҳид. -Б. 393.

³⁸² Табсира. Ж. II. Б. 817.

³⁸³ Табсира. Ж. II. Б. 834.

³⁸⁴ Табсира. Ж. II. Б. 835.

бошқа асарларидаги фикрлар билан ҳам танишиш имконига эга бўлишимиз мумкин.

«Табсира»нинг «Тавҳид»га нисбатан яна бир устун томони шундаки, асарда барча каломий масалалар шарҳлаб бўлингандан сўнг, Насафий саҳобалар ҳаётига оид маълумотларни ҳам баён қилган. Асарнинг сўнгги қисмлари тўрт халифанинг (Абу Бакр ас-Сиддиқ (РА), Умар ибн Хаттоб (РА), Усмон (РА), Али ибн Аби Толиб (РА) халифаликка лойиқ зот бўлганларини юқоридаги *«имомат»* мавзусида билдирилган фикрлар орқали исботлаб беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид» асарининг филологик таҳлилидир ва ушбу икки асар кўп жиҳатдан яқин бўлиб, бир-бирини тўлдириб келувчи калом илмига оид манбалар ҳисобланади. Насафий ўз даврида «Тавҳид»дан қониқиш ҳосил қилмаган. Чунки «Тавҳид»да турли ботил фирқалар танқид остига олинган бўлсада, аҳли сунна мутакаллимлари ҳисобланган ашъарийларга нисбатан фикр ва эътирозлар билдирилмаган. Насафийнинг даврида эса, ашъарийлар мовароуннаҳрлик ҳанафий мутакаллимлари учун етарли даражада ўз таъсирларини ўтказиб бораётган эдилар. Демак, Насафийнинг олдида нафақат ақидавий адашган фирқалар, балки айрим аҳли сунна олимларининг фикрларига ҳам ўз қарашларини баён қилишдек вазифа турган³⁸⁵. Насафийнинг мақсади, мотуридий ва ашъарий ўртасидаги фарқларни аниқ кўрсатиб бериш ва мана шу орқали Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотини юзага чиқариш эди. Шу мақсадда Насафий ўзининг шайхи Мотуридийнинг «Тавҳид» асарини таҳлил қилишга киришади ва ўз асарида атайлаб айрим жойларда «Тавҳид»дан тўғридан-тўғри жумлаларни кўчиради ва уларни таҳлил қилиб баён қилади. «Табсира»ни «Тавҳид»нинг таҳлили эканига яна шуни кўрсатиш мумкинки, Насафий ўз асарида Мотуридийнинг айрим фикрларини билдирар экан, устози ушбу фикрларни фалон китоби (м-н: «Мақолот») баён этганини айтиб ўтади.

³⁸⁵ Шунинг учун «Табсира»нинг айрим жойларида ашъарийга ҳам билдирилган муносабатларга дуч келишимиз мумкин.

Лекин ҳеч бир жойда, Мотуридий «Тавҳид»да шундай деган, иборани ишлатмайди. Балки «Тавҳид»даги айрим тўлиқ абзацларни ўзининг асарига сингдириб юборади. Насафийнинг мақсади, мусулмон оламида мвқеи аста пасайиб бораётган «Китобу-т-тавҳид»нинг аввалги мавқеини «Табсира» орқали яна ўз ҳолига келтириш эди. Чунки ушбу асарни ҳатто Мотуридийнинг айрим издошлари ҳам танқид остига олган эдилар. Шунинг учун Насафий ушбу асарини Мотуридийга катта урғу берган ҳолда «Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий» деб номлаган.

Шунингдек, замонамизнинг айрим ғарб олимлари, жумладан У.Рудольф, туркиялик шарқшунослардан Ҳ.Отай ва М.Язичиўғли, Насафий «Табсира»ни ёзиш орқали мотуридийа таълимотини тартибли бир шаклга келтиришни ўз олдига мақсад қилган, деган хулосага келганлар. Бундай хулоса нотўғридир. Агарда Насафийнинг мақсади ҳақиқатда шундай бўлганда, Мотуридийнинг бошқа асарларини ҳам таҳлил қилар эди. Аксинча, Насафий Мотуридийнинг «Таъвилот» асарини «Табсира»да энг мукаммал тафсир сифатида эътироф этган³⁸⁶ ва ушбу асарга шарҳ ёзган шогирди Алоуддин ас-Самарқандийга ундан сабоқ берган. Демак, Насафий «Тавҳид»ни калом илмига оид энг муҳим манба сифатида қадрлаган ва уни танқид қилган олимларнинг фикрларига қарши турган ҳолда ушбу асарга мазмунан яқин турган «Табсирату-л-адилла» асарини ёзган.

³⁸⁶ Табсира. Ж. I. Б. 359.

3.5. Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг мотуридийа таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси

Абу Мансур ал-Мотуридий ўзининг таълимотини ўша даврда кучли бўлган муътазилийлар билан ақидавий кураш жараёнида ривожлантириб кенгайтирди. Мотуридий яшаган даврда «мотуридийа» деган таълимот умуман йўқ эди³⁸⁷. Мовароуннаҳрдаги барча мутакаллимлар «ҳанафий олимлари» деб аталар эдилар. Демак, Мотуридийнинг энг асосий ғоявий мухолифлари, шубҳасиз муътазилийлар, ботинийлар, қарматийлар каби оқимлар ҳисобланган.

Мотуридийнинг Бағдодда фаолият олиб борган замондоши Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (259/873-323/935 й.) мовароуннаҳрлик мутакаллимлар учун мухолиф эмасдек туюлар эди. Аммо Абу-л-Муъин ан-Насафий даврига келиб ашъарийа таълимотига нисбатан мотуридийа таълимотининг мавқеи бироз пасайиб бораётганлиги сезилиб турар эди.

Бунинг бир қанча сабаблари бор эди: Биринчи сабаб - юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Хуросонда шофиъийларнинг мавқелари анча мустаҳкамланиб боргани бўлса, иккинчи сабаб – бу ўша асли басралик бўлган, кейинчалик Бағдодда ўзининг янги калом мактабига асос солган Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг айнан ўзи билан боғлиқ эди.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ашъарий қирқ йил муътазилий тарафдори бўлган ва муътазилийларнинг энг катта пешволаридан бўлмиш Абу Али Муҳаммад ибн Абдилваҳҳоб ал-Жуббойнинг (236/850-305/917 й.) шогирди ҳисобланган³⁸⁸. Лекин уч ака-уканинг охиратдаги тақдири ҳақидаги масала бўйича Ашъарий ўз устозидан қониқарли жавоб ололмайди ва шу сабабли у

³⁸⁷ Маделунг В. Abu l-Mu‘in al-Nasafi and Ash‘arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Kūln: Brill, 2000. – Б. 320.

³⁸⁸ Язичиўғли М. Maturidi kelim ekolu’nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu’l – Mu’in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. –Ankara: 1985. – Б. 282.

ушбу оқимдан юз ўгиради³⁸⁹. Сўнгра у Бағдодда ўз фаолиятини олиб боради. Лекин унинг даврида Бағдоддаги аксарият уламолар ҳанбалий мазҳабида эдилар. Натижада Ашъарий муътазилийларнинг таъсиридан бутунлай фориғ бўлганлигини исботлаш учун ўша даврдаги салаф уламолари: муҳаддис, муфассир ва фақиҳларга моилроқ туриб муътазилийларга қарши кураш олиб боради. Чунки Бағдоддаги ҳанбалий муҳити унинг муътазилийлардан тўлиқ холос бўлганига шубҳа билан қарар эди.

Бундай ноқулай муҳитда Ашъарий бир томондан муътазилийлар билан курашишга, иккинчи томондан эса ҳанбалий уламоларнинг ишончларини қозонишга мажбур бўлган. Шу сабабли у ўз замонасидаги муфассир ва муҳаддисларга маъқул кўриниш учун асарларида кўпроқ нақлий далилларга, яъни Қуръон ва ҳадисларга кўпроқ аҳамият беради.

Сўзимизнинг исботи учун Ашъарийнинг «Китобу-л-ибана ан усули-д-дийана» асари билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоядир. Ибн Асокирнинг таъкидлашича, Ашъарийнинг ушбу асари унинг ҳанбалийлар билан ўртадаги «совуқлик»ни йўқотиш учун ёзилган асари ҳисобланади ва ушбу асарда ҳанбалийларнинг таъсири мавжудлигини англаб олиш ҳам қийин эмасдир³⁹⁰.

Мотуридий эса Ашъарийга нисбатан сиёсий ва маънавий-маърифий жиҳатдан эркинроқ муҳитда яшаб ижод қилган. Шунинг учун у ўз асарларида фикрларини ифодалаш учун нақлий далиллар билан бир қаторда ақлий далилларга ҳам кўпроқ ўрин ажратган³⁹¹. Бу эса, албатта ўша даврда ақлий исбот далилларни юнон фалсафасининг таъсири деб қабул қилган муҳаддис ва муфассирлар ҳамда салаф уламолари орасида Мотуридийга нисбатан Ашъарийнинг таълимоти маъқул деб топилишига сабаб бўлган.

³⁸⁹ Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. - Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 223.

³⁹⁰ Ибн Асокир. “Табйин казиби-л-Муфтарий фи ма нусиба ила-л-Имом Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий” – Дамашқ: 1347/1947. – Б. 390-391.

³⁹¹ Язичиўғли М. Мвт̣ьrodi kelwm ekoḷь'nỵn iki ḅьуьk simasi: Eby Mansur Mvturodo ve Ebu'l-Mu'on Nesefo. – Б. 253.

Бизнинг фикримизча, Ашъарийнинг кўпроқ обрўга эга бўлганига яна бир сабаблардан бири – унинг насл-насаби билан ҳам боғлиқдир. Айрим манбаларда келишича, унинг насли Яман юртидаги бир қабила бошлиғи ал-Ашъарга мансуб бўлса, бошқа бир жиҳатдан Пайғамбаримизнинг машҳур саҳобаларидан бири, ўзининг кўплаб ҳадис ривоят қилгани билан танилган Абу Мусо ал-Ашъарийга бориб тақалади³⁹². Унинг бундай ҳурматли наслга эга бўлгани ҳам маълум даражада салафларда унга нисбатан ижобий ёндашувларни пайдо қилган бўлиши мумкин.

Мотуридийанинг ашъарийага нисбатан камроқ тарқалишига яна бир сабаблардан бири, Мотуридийнинг айрим издошлари уни танқид қилганлар. Натижада бундай танқидларни ўша давр олимлари бошқача талқин қилганлар. Мотуридийнинг замондоши ва издоши Абу-л-Йуср Муҳаммад ал-Паздавий унинг «Китобу-т-тавҳид» асарини танқид қилган. У «Тавҳид»даги маънода ёпиқлик, кераксиз иборалар ва режанинг жуда мураккаблиги каби камчиликларни танқид остига олган³⁹³. Паздавийнинг бу танқидларини баъзи ғарб олимлари нотўғри тушунганлар. Шундай олимлардан бири, француз Даниел Жимаре Паздавийнинг бу танқидларини ўқиб, уни қандай қилиб мотуридийа мутакаллимидеб ҳисоблаш мумкин, деган фикрга ҳам боради³⁹⁴. Бизнинг фикримизча, бу каби танқидлар ўша замонларда ва жойлардаги фикрий ҳурлик ва баҳслардаги ҳурриятликдан дарак беради. Паздавийнинг мана шу танқиди билан уни мотуридийлардан эмас, деган хулосага келиш нотўғридир.

Биз Паздавийнинг танқидларига нисбатан фикримизнинг далили сифатида шуни кўрсатишимиз мумкинки, Паздавий ўзининг билдирган танқидларидан қатъий назар, айнан мана шу асарининг кейинги бетларида Мотуридийни аҳли суннанинг энг пешқадам олимларидан ҳисоблайди. Шуни алоҳида таъкидлаш

³⁹² Калнабавий Исмоил ибн Мустафо ибн Махмуд Абу-л-Фазл. Ҳошия ала шарҳи-д-Даввоний ли-л-ақоиди-л-Аздийа / Аҳмад Рафъат ибн Усмон ал-Ҳилмий нашри. Тошбосма. – Истамбул: Аҳмад Хассон босмаҳонаси, 1323/1905. – В. 36.

³⁹³ Паздавий. Усулу-д-дин -Б.З. (Паздавийнинг ушбу асари «Аҳли сунна ақоиди» номи билан Док. Шерафиддин Гўлсуқ томонидан турк тилига ҳам таржима қилинган. Истанбул: 1980.).

³⁹⁴ Каранг: Жимаре Д. *Théories de l'acte humain en théologie musulmane*. – Paris: 1980. -Б. 172.

лозимки, Паздавийнинг танқидлари фақатгина асардаги услуб ва матнлар тартибига тегишлидир. Асосий масалалар, яъни Мотуридийнинг шахсий фикрлари танқид остига олинмаган. Демак, Паздавийнинг Мотуридийга нисбатан билдирган танқидларини уни камситиш деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Паздавий ушбу асарида нафақат Мотуридий, балки Самарқанддан чиққан бошқа мутакаллимларнинг ҳам айрим жузъий камчиликларини кўрсатиб ўтган³⁹⁵.

Аслида Паздавий мотуридийа мактабидан чиқиб уни танқид қилган ягона шахс эмас. Мотуридийа мактабининг ёрқин вакилларида бўлган турк олими Камолуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн ал-Ҳумам³⁹⁶ (в. 861/1457 й.) ҳам Мотуридийни танқид қилган. Паздавий Мотуридийнинг фақат услубини танқид остига олган бўлса, Ибн ал-Ҳумам ҳатто Мотуридийнинг айрим ақидавий қарашларига ҳам ўз эътирозларини билдирган.

Ибн ал-Ҳумам мотуридийа калом мактабининг ўзига хос жиҳатларидан бўлган «таквин» масаласида бу мактабга қарши чиқади. «Таквин»ни мотуридийлар Аллоҳнинг азалий сифати деб қабул қилса, Ибн ал-Ҳумам бундай демайди³⁹⁷. Бунга у Абу Ҳанифанинг бу ҳақда ҳеч нарса айтмаганлигини асос қилади.

Баъзи ўринларда Ибн ал-Ҳумам ҳатто Ашъарийнинг фикрларини ҳам қўллаб-қувватлайди³⁹⁸. У ўз асарларида ашъарийа таълимоти вакили Боқиллонийнинг фикрларига ҳам мурожаат қилади. Лекин бизнинг кўз олдимизда Ибн ал-Ҳумам мутаассиб эмас, ҳур фикрли олим сифатида гавдаланмоғи лозимдир. Чунки у Мотуридийни сўзсиз тан олган ва ўзи ҳам самарқандлик мутакаллимларга хайрихоҳ бўлган.

³⁹⁵ Паздавий. Усул. – Б. 3.

³⁹⁶ Жимаре Д. Theories. -Б. 224; Ибн ал-Ҳумамнинг Тунис миллий кутубхонасида «Китоб матни-т-тахрир фи усули-л-фикҳи-л-ҳанафийа» номли асарининг қўлёзмаси 9145 рақами билан сақланмоқда. Яна қаранг: Yazicioglu M. Le Kalam et Son Role Dans la Societe Turco-Ottomans aux Xve et XVIe Siecles. Докторлик диссертацияси. Париж. 1977. -Б. 93.

³⁹⁷ Ибн ал-Ҳумам. Китобу-л-мусайара. -Миср: 1889. – Б. 85. Мотуридийнинг «таквин» сифати учун қаранг: Тавхид. -Б. 64-66, 118-121. Насафий ҳам «Табсира»да «таквин» учун шарҳ берган. Паздавийда «таквин» учун қаранг: Усулу-л-дин. -Б. 69.

³⁹⁸ Ибн ал-Ҳумом. Китобу-л-мусайара. -Б. 180.

Юқорида номлари зикр этилган олимлар Мотуридий таълимотини бутунлай нотўғри таълимот сифатида эмас, балки ундаги айрим жузъий камчиликларни танқид остига олганлар ва шунга қарамай улар Мотуридийни ҳанафий мазҳабининг буюк мутакаллими сифатида эътироф этганлар. Аммо мотуридий таълимотига нисбатан юқоридаги танқидларни кўпчилик уламолар бошқача назарда тушунганлар ва табиийки, шунинг натижасида бу таълимотга бўлган эътибор аста-секин сусайиб борган.

Мотуридийга нисбатан бундай танқидлар таъсирида Насафий даврига келиб қўшни Хуросонда ашъарийлар бутунлай ўрнашиб олган эди ва улар вақти-вақти билан Мовароуннаҳрдаги мутакаллимларга қарши тухмат таъналарини ёғдиришгача журъат қила бошлаган эдилар. Мана шундай даврда Насафий ўз илмий фаолиятини олиб борган ва ўзининг шак-шубҳасиз устози деб ҳисоблаган Мотуридий ва унинг таълимотини юқоридаги билдирилган танқидлардан ислоҳ қилиб ривожлантирган ва уни мохолифлардан ҳимоя қилган.

Насафий ашъарийларнинг Мовароуннаҳрдаги мавқелари мустаҳкамланиб бораётганига бефарқ бўлолмас эди. Чунки Хуросонда фаолият олиб борган ашъарий мутакаллимларидан Жувайний ҳамда Фахруддин ар-Розийлар Мовароуннаҳрга тез-тез сафар уюштирар ва ҳанафийлар билан мубоҳасалар олиб борар эдилар. Уларнинг сафарлари албатта, Мовароуннаҳрда мотуридий мактабининг ривожига етарли даражада таъсир ўтказиши табиий эди.

В.Маделунгнинг таъкидлашича, Насафийнинг замондошлари Абу-л-Йуср ал-Паздавий ва Абу Шакур ас-Солимиийлар ҳам ўз ижодларида тўлиқ ашъарий таълимотига суяниб қолган эдилар³⁹⁹. Биз ушбу фикрга қўшилмаймиз. Паздавий ўз асарларида Ашъарийнинг айрим фикрларини тасдиқлаган бўлиши мумкин. Лекин кези келганда Паздавий Мотуридийни Ашъарийдан устун томонларини ҳам кўрсатиб ўтган. Масалан, «таквин» масаласида Паздавий Ашъарийни танқид қилади ва ушбу мавзу бўйича Мотуридийнинг фикрларини қўллаб-

³⁹⁹ Маделунг В. Abu l-Mu`nn al-Nasafi and Ash`ari theology. –Б. 326.

қувватлайди⁴⁰⁰. Абу Шакур ас-Солимиийнинг биз юқорида таъкидлаган “Тамҳид” асари эса бутунлай мотуридийа таълимоти таъсирида ёзилган асардир. Ҳатто Солимиий “Тамҳид”нинг бир ўрнида ашъарийларнинг ҳанафий-мотуридийларга нисбатан билдирган таъналарини таъкидлаб уларни танқид остига олган. Аслида ашъарийада Аллоҳ Таоло махлуқларни яратишидан олдин холиқ, раззоқ ва маъбуд бўлмаган ва ҳозирда Аллоҳ Таоло гуноҳларни кечурувчи, савоб берувчи ва жазоловчи эмас, деб эътиқод қилинади. Пайғамбарлар ҳозирги кунда пайғамбар эмас ва пайғамбарликдан олдин ҳам пайғамбар бўлмаган, деган ақида устивор бўлган. Мўъминларнинг имони гуноҳи сабабли камаяди, дейилади. Ашъарийларнинг бу эътиқодларини Абу Шакур ас-Солимиий бир ашъарийа таълимотига мансуб олим билан мунораза қилганини баён қилади: Бир ашъарий фирқасига мансуб бўлган киши билан мунозара қилдим. У менга айтди: “Сиз ҳанафийлар наздидаги таҳорат билан намоз шундан иборатки, битталарингиз тарновнинг тагида турганда юзи, икки билаг, икки қадами ҳўлланса сўнгра кабутарнинг тезагини тўшаб, устида туриб форсча “худо бузург” яъни “Аллоҳу акбар” деб айтса ва форсча бир оят миқдорича қироат қилиб “баргсиз” яъни “мудҳамматан” деса сўнг сукут қилиб рукуъ сажда қилса ва ташаххуд миқдорича ўтирса, бу нарса сизларнинг ибодатларингиз ҳисобланади. Бу сизларнинг Абу Ҳанифа ва унинг асҳобларига эргашганларингиздан”, – деди. Мен унга жавоб бериб айтдим: “Сиз ашъарийлар Аллоҳ махлуқотларни яратишдан олдин холиқ, раззоқ ва маъбуд бўлмаган, ҳозирда У гуноҳларни кечирувчи, савоб берувчи ва азоблагувчи эмас, Расулуллоҳ (с.а.в.) бугунги кунда ва ваҳийдан олдин ҳам расул бўлмаган, мўъминлар гуноҳ қилиши билан имонлари ноқис бўлади, деган эътиқоддасизлар. Сизларнинг бу эътиқодингиз бўйича сиз эътиқод қиладиган маъбуд аввал Парвардигор бўлмаган сўнгра Парвардигорга айлангандир, яна Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам олдин расул бўлмаган сўнгра расул бўлиб, ўлимидан кейин расулликдан четлатилган, маъсият ишлар мўъмин кишининг имонини

⁴⁰⁰ Паздавий. Усулу-д-дин -Б. 70.

ноқис қилади. Сизларнинг санаб ўтилган ушбу хато эътиқодларингиз юқорида бизнинг ибодатларимиз ҳақида билдирган эътирозларингизга жавоб бўлишга кифоя қилади”⁴⁰¹. Солимийнинг мотуридийа олимларини бундай ҳимоя қилганидан кўриниб турибдики, Маделунгнинг фикрлари нотўғридир⁴⁰².

Энди яна ўз қаҳрамонимизга қайтсак, Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз асарларида ашъарийларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошади. Уларни айрим масалада танқид қилса ҳам, Ашъарийни аҳли ҳадис мутакаллимими сифатида эътироф этади.

Насафий ашъарийа мактабининг машҳур номояндалари Абу Бакр Муҳаммад ибн ат-Таййиб Боқиллоний (в. 404/1013 й.), Абу Бакр ибн Фурак (в. 406/1015 й.), Абу-л-Қоҳир ал-Бағдодий ва Абу Исҳоқ ал-Исфаройинийларнинг (в. 418/1027 й.) ижодлари билан яқиндан таниш бўлган ва ўз асарларида уларга тез-тез мурожаат ҳам қилиб турган⁴⁰³.

Лекин Насафий юқорида таъкидланган дўстона муносабатларга қарамасдан мотуридийа таълимотини танқид қилган ашъарийларни номларини келтирмасдан баён қилади ва улардан бири билан мунозара қилганини таъкидлайди⁴⁰⁴.

Аслида, мовароуннаҳрлик ҳанафийлар ашъарийа уламоларини аҳли сунна мутакаллимлари сифатида тан олишар ва уларнинг ушбу ўлкада пайдо бўлишларига унчалик аҳамият бермас эдилар. Шу нуқтаи назардан ҳам биз Паздавий ва Солимий каби ҳанафий уламоларининг асарларининг баъзи ўринларида, ҳатто Насафийнинг “Табсира”сида ҳам ашъарийа таълимотига нисбатан хайрихоҳлик жиҳатларини ҳам сезишимиз мумкин. Очиғини айтганда, Насафий яшаган даврда Мовароуннаҳрда икки мактаб ўртасида ақидавий масалаларнинг кўп жиҳатларида мутаносиблик мавжуд эди.

⁴⁰¹ Абу Шакур Солимий. Ат-Тамҳид фи байони-т-тавҳид. Тошбосма. - Б-17.

⁴⁰² Ғарб шарқшунос олимларининг бир нуқсон томонлари шундаки, улар асл манба билан тўлиқ танишиб чикмай хулоса чиқариб юборадилар. Бизнингча, уларнинг араб тилини мукаммал билмаганлари бундай хатоларга йўл қўйишларига сабаб бўлган. Масалан, У.Рудольфнинг ўша катта шов-шувга сабаб бўлган монографиясида ҳам шундай нотўғри хулосалар учраб туради.

⁴⁰³ Маделунг В. Abu l-Mu`nn al-Nasafn and Ash`arn theology. – Б. 327.

⁴⁰⁴ Табсира. Ж. I. Б. 364-365.

«Табсира»ни кўздан кечирсак, асарнинг дастлабки бетларидаги мавзуларда Насафий асосан муътазилий ва бошқа адашган фирқаларга қарши раддиялар билдиради. Бунда у баъзан Ашъарийнинг ҳам фикрларини қўллаб-қувватлайди.

Лекин икки аҳли сунна каломий мактаб ўртасидаги зиддиятларни Насафий кейинроқ шарҳлашга ўтади. Буни у «Табсира» асарида аниқ ва равшан қилиб очиб беради. Насафий ашъарийлар билан бошланган мунозара ва тортишувлар қайси марказий нукталар атрофида намоён бўлаётганини аниқ баён этишга киришади. Унинг таъкидлашича, учта ашъарийа мутакаллимлари Мовароуннаҳр ҳанафийларига қарши тухмат тошларини ота бошлайдилар. Булардан икки ашъарийа олими қисқа-қисқа мунозаралар олиб борган бўлса, учинчиси эса бу ишда қатъийлик ва кўрсликни намойиш этади. Улар ўз далилларини Қуръон, фикҳ ва грамматикадан тўплаб ҳанафийларни тухмат қила бошлайдилар. Ҳамма масала асосан «*халқ*» (яратиш) сифати ҳақида боради. Улар ҳанафийларни куфрона бидъатчи деб номлайдилар ва «*халқ*» сифати ҳақида айтган гапларини ўтмишда ҳанафийлардан биронта ҳам нуфузли олим таъкидламаганини рўкач қиладилар.

Бундай кескин таъна ва тухматлар Насафийга оғир ботади. Чунки у ҳанафий мазҳабини қаттиқ ҳурмат қилар ва ушбу мазҳабга нисбатан билдирилган ҳар қандай салбий муносабатларга бефарқ бўлолмас эди. У «Табсира»нинг навбатдаги бетларида («Табсира» 310-372 бб.) мовароуннаҳрлик ҳанафий уламолар ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Насафий ушбу мавзуга нукта қўяр экан, унинг узун бўлиб кетганидан узр сўрайди ва ҳанафий уламоларининг пешвоси сифатида Мотуридийга алоҳида урғу беради. Насафийнинг асосий ва қатъий фикри шундан иборат эдики, таъна тоши отилаётган таълимот янги эмас, унга Абу Ҳанифанинг барча издошлари ҳамма вақт амал қилиб келганлар. Шунини исботлаш учун Насафий тарихга мурожаат қилиб кўзга кўринган барча мовароуннаҳрлик ҳанафийа олимларини номма-ном санаб чиқади.

Лекин Насафий шунда ҳам, бағдодлик ашъарийа мактаби асосчисига қарши биронта ҳам сўз айтмайди. Аксинча, ушбу бидъатчи олимларнинг номларини ҳам ошкор қилмайди. Бундан биз Насафийнинг ниҳоятда одил, ҳақиқатгўй ва бошқа аҳли сунна олимларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлганини англашимиз мумкин.

Насафий юқоридаги бидъатчиларнинг номларини ошкор қилмаган ҳолда уларни ашъарийларнинг ўзига ҳам тухмат тошларини отганликда айблайди. Унинг таъкидлашича, кўзга кўринган ашъарийа олимларининг вафотидан сўнг уларнинг рақиблари томонидан бўхтон ва уйдирмалар тарқатила бошланди⁴⁰⁵.

Бу ерда Насафий албатта ашъарийани назарда тутган. Чунки «Табсира»нинг юқорида зикр этилган (310-372 бб.) бетларидаги бобларнинг асосий қисми ашъарийа рақибларининг баҳс-мунозараларига бағишланган. Унда мотуридийа ақидасига тухмат тошини отган номи аноним ҳолида келтирилган ашъарийа бўхтончиси зикр этилади.

Инглиз тадқиқотчиси В.Маделунг Насафий сир тутган ушбу ашъарийа олимини Абу Мансур ибн Аййуб ан-Найсабурий бўлса керак, деб тахмин қилади⁴⁰⁶. Бизнинг фикримизча, Маделунгнинг ушбу тахминига асос бордир. Чунки Ибн Асокир ўз асарида Абу Мансур ибн Аййуб ҳақида хабар беради ва у Абу Бакр ибн Фуракнинг шогирди бўлгани ва 421/1030 йили Нишопурда вафот этганини таъкидлайди⁴⁰⁷.

Мовароуннаҳр калом мактабига бўлган “ҳужум” биринчи бўлиб мана шу ашъарийа мутакаллими томонидан бошланганининг эҳтимоли бордир. Чунки ўша даврдаги Хуросондаги шофиъийлар ва ҳанафийлар ўртасидаги кучли рақобатдан сўнг, можаролар Бағдодда эмас, балки Нишопурдаги шофиъий-ашъарий олими томонидан амалга оширилгани ажабланарли ҳол эмасдек туюлади.

⁴⁰⁵ Табисра. Ж. I. Б. 372.

⁴⁰⁶ Маделунг В. Abu l-Mu`nn al-Nasafi and Ash`ari theology. – Б. 327

⁴⁰⁷ Ибн Асокир. “Табйин казиби-л-Муфтарий фи ма нусиба ила-л-Имом Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий” – Дамашқ: 1347/1947. – Б. 249.

Ашъарийларнинг мовароуннахрлик ҳанафийларга нисбатан бундай тухматлари Насафийнинг қаттиқ ғазабини келтиради. Насафий бу тухматни тўғридан-тўғри ўзининг маънавий устози ва шайхи Абу Мансур ал-Мотуридийга йўналтирилган деб ҳисоблайди. Чунки Абу-л-Муъин ан-Насафий Мотуридийни мовароуннахрлик бошқа муткаллимлардан кўра кўпроқ қадрлаган. Яна «Табсира»га мурожаат қилсак, ушбу фикримизни асосли эканига гувоҳ бўламиз. Аслида Мотуридийга қадар Мовароуннахрда Абу Ҳанифа ақидавий қарашлари таъсири остида «жузжонийа», «иёдийа» номли таълимотлар шаклланган бўлсада, Насафий ўз асарида ушбу таълимотларни умуман тилга олмайди. Балки, уларнинг асосчилари ҳақида тўхталиб ўтади. Фақат муътазилийларга қарши тузилган ўнта иёдийа масаласини қисқача айтиб ўтади, холос⁴⁰⁸. Демак, Насафий Мовароуннахрда Абу Ҳанифа мактабидан кейин Мотуридий таълимотини бошқа олимларнинг таълимотларига нисбатан энг юқори ҳисоблаган. Унинг биз юқорида кўриб ўтган «Табсирату-л-адилла», «Баҳру-л-калом» ва «Тамҳид» каби қатор асарлари Мотуридийнинг «Китобу-т-тавҳид» асарига жуда яқин руҳда ёзилган асарлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мотуридий исмини биринчи бўлиб Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз асарининг номига алоҳида мактаб сифатида олиб чиқди⁴⁰⁹. Абу-л-Муъиннинг вафотидан биров вақт ўтгач, унинг шогирди Нажмуддин ан-Насафий ўзининг машҳур «Ақоиду-н-Насафий» асарини яратган ва унда мотуридийа таълимотини Абу-л-Муъин ифодалари воситасида акс эттирган.

Шу тариқа калом илми бўйича кейинги давр тараққиёт босқичларини белгилаб берувчи янги анъана юзага келган. Гарчи у ҳамон «Асҳоб Аби Ҳанифа» номи билан юритилсада, аслида у тўлиқ самарқандлик олимга тегишли эди. Шу боис бу таълимотни ҳеч иккиланмай «Мотуридийа» деб аташ мумкин эди ва

⁴⁰⁸ Табсира. Ж. I. Б. 357.

⁴⁰⁹ «Табсирату-л-адилла»нинг тўлиқ номини юқорида баён қилган эдик. Насафий ушбу асарига Мотуридийга катта урғу бериб «Мотуридийа тариқатига асосан аниқ далиллар» деб ном қўйган.

шундай ҳам бўлди. Мотуридий ўз даврида муътазилийларнинг пайдо бўлиши билан уларга қарши чиққан ҳолда ўзининг калом йўналишини вужудга келтирган бўлса, V/XI асрга келиб Абу-л-Муъин ан-Насафий ашъарийлар берган «туртки» эвазига унинг каломий (ақидавий) тизилмаларини алоҳида мактаб сифатида қабул қилинишига катта хизмат қилди. Насафий вафотидан сўнг бир қанча вақт ўтгач, мусулмон оламида «Мотуридийа калом мактаби» деган ибора пайдо бўлди. Буни эса, албатта насафлик мужтаҳид аллома, «Сайфу-л-Ҳаққ» (*Ҳақиқат қиличи*) деган юксак номга лойиқ топилган ҳанафий олими Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг беқиёс хизматларининг маҳсули деб ҳисоблаш мумкин.

Афсуски, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг хизматлари натижасида мотуридийа таълимоти XI-XII асрларда ўзининг энг юқори ривожланиш палласига кўтарилган бўлса, Насафий вафотидан бир неча аср ўтгач ушбу таълимотга нисбатан яна таъна тошлари ёғдирила бошлади. Масаланинг энг қизиқ томони шундаки, мотуридийа таълимотини бидъатчи адашган оқимлар эмас, балки яна ўша ўзларини аҳли сунна ва-л-жамоъа пешқадамлари деб ҳисоблаб келган ашъарийа олимлари камситиб ҳақорат қила бошлаган эдилар.

Буни биз бир қанча ашъарийа олимларининг асарлари орқали кўришимиз мумкин. Машҳур ашъарийа олимларидан бири Аздулдин Абдурахмон ибн Аҳмад ал-Ийжий (в. 756/1355 й.) қаламига мансуб «ал-Ақоиду-л-Аздийа» номли китобига яна бир ашъарийа олими Муҳаммад ибн Асъад ас-Сиддикий ад-Даввоний (830/1427-908/1516 й.)⁴¹⁰ «Шарҳу-л-Ақоиди-л-Аздийа» номли шарҳ ёзган. Мазкур шарҳга яна бир ашъарийа олими Исмоил ибн Мусафо ибн Маҳмуд Абу-л-Фазл ал-Калнабавий (1205/1791 й.) «Ҳошийа ала шарҳи-д-Даввоний ли-л-ақоиди-л-Аздийа»⁴¹¹ номли ҳошия ёзган ва унда бир қанча ашъарийа олимларининг ашъарийа ва мотуридийа таълимотига нисбатан билдирган

⁴¹⁰ Муҳаммад ибн Асъад ас-Сиддикий ад-Даввоний Шероз яқинидаги Козарун вилоятларидан бири бўлмиш Даввон шаҳрида туғилган.

⁴¹¹ Маълумот учун қаранг: Калнабавий Исмоил ибн Мустафо ибн Маҳмуд Абу-л-Фазл. Ҳошийа ала шарҳи-д-Даввоний ли-л-ақоиди-л-Аздийа / Аҳмад Рафъат ибн Усмон ал-Ҳилмий нашри. Тошбосма. – Истамбул: Аҳмад Хассон босмаҳонаси, 1323/1905.

фикрларини баён қилган. Аҳмад Рафъат ибн Усмон ал-Ҳилмий номли тадқиқотчи нашрга тайёрлаган ушбу асарда Калнабавий билан бир қаторда Маржоний ва Ҳусайн ал-Халҳолий (в. 1014/1606) каби ашъарийа олимларининг ҳам фикрлари баён этилган. Ушбу манба бизни ўзида юқорида номлари келтирилган ашъарийа олимларнинг айнан мотуридийа таълимотига нисбатан билдирган фикрлари билан жалб қилди. Ушбу ашъарийа олимлари тарихда унчалик катта ном қозонган бўлмасаларда, мотуридийа таълимотига нисбатан жуда кескин ва ҳақоратли фикрлар билдирганлар. Бу ерда фақат Абу-л-Фазл ал-Калнабавий мотуридийани бироз танқид остига олсада, лекин ушбу таълимотни «ал-Фирқату-н-нажийа» (*«Нажот топган (тўғри йўлдаги) фирқа»*) қаторидан ҳисоблаган. Лекин Маржоний ҳамда Ҳусайн ал-Халҳолий ашъарийани «ал-Фирқату-н-нажийа» деб ҳисоблайди ва мотуридийа таълимотини Росулulloҳ (с.а.в) ҳабар бериб кетган етмиш учта адашган оқимлар қаторига қўшиб юборадилар⁴¹². Бизнинг назаримизда, моуридийа таълимотига нисбатан бундан ортиқ тухмат ва ҳақорат бўлмаса керак.

Аслида, Насафий вафотидан кейин мотуридийага насбатан тухмат ва танқидлар давом этишини ҳис қилган эди. Абу-л-Муъин ан-Насафий вафотидан бир неча аср кейин мотуридийа таълимотига нисбатан юқоридаги оғир ҳақоратлар содир бўлди. Мотуридийа уламолари орасида Насафийдан бўлак биронта ҳам олим ушбу таълимотнинг тараққиёти ва ривожига ҳақида етарли даражада қайғурмас эдилар. Аксинча, уларнинг баъзилари ўз асарларини ўзларининг номлари билан атар эдилар. Масалан, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий» асарини олайлик. Биз ушбу асарни камситиш ниятида эмасмиз. Чунки юқорида ушбу асар «Табсира»нинг фихристи ҳолатидаги асар эканини ҳам таъкидлаган эдик. Лекин олимнинг ўз асарига ўзининг номини олиб чиқиши қандайдир маънода ақида ва калом илмида ўз йўналиши ва таълимотига

⁴¹² Қаранг: Калнабавий Исмоил ибн Мустафо ибн Маҳмуд Абу-л-Фазл. Ҳошийа ала шарҳи-д-Даввоний ли-л-ақоиди-л-Аздийа – В. 37-38.

эга эканини рўқач қилаётгандек сезилади. Ваҳоланки, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий» асари асрлар давомида катта шухратга эришиб келган бўлсада, аслида Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ақидавий қарашлари таъсирида юзага келган асардир. Шунинг учун ҳам Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз сафдошларининг сусткашлигидан ўзининг шоҳ асари номига катта урғу билан Мотуридий номини олиб чиққан.

Насафий вафотидан кейин мотуридийа таълимотининг ашъарийа таълимотига нисбатан яна сустривожланганига сабаб, мовароуннахрлик кейинги аср уламолари асосан фикҳ илми билан шуғулланганлари ва ақида илмидан биров йироқда бўлганлари сабаб бўлган. Чунки «Табсирату-л-адилла» асарини ривоят қилган олимларнинг барчасига аҳамият берсак, уларнинг барчаси ҳанафий (фикҳий) мазҳаби ривожига катта хизмат қилганларига гувоҳ бўламиз⁴¹³. Шунингдек, XIII-XV асрларда Мовароуннаҳрда тасаввуф илмининг кенг кўламда ривожланиши ҳам мотуридийа таълимотининг ривожига ўзининг таъсирини ўтказди. Юқорида номлари келтирилган Маржоний ва Ҳусайн ал-Халҳолий каби олимларнинг мотуридийага нисбатан қилган ҳақоратларига қарши биронта мотуридийа вакиллари ўз раддияларини билдирмаганлар. Насафийдан сўнг ушбу таълимотни ўзининг бор жаҳди билан ҳимоя қилган биргина олимни таъкидлаб ўтишимиз мумкин, холос. Бу ҳам бўлса, аслида турк миллатига мансуб Камолуддин Муҳаммад ибн Абдилвоҳид ибн Абдилҳамид (Ибн Ҳумамуддин ал-Ҳанафий номи билан машҳур, 718/788-1386/1456 й.)⁴¹⁴ эди. Мана шу олим ўзининг «Китобу-л-мусайара» номли асари орқали мотуридийа таълимотини кейинги асрларда маълум даражада ривожланишида ўзининг катта хизмат кўрсатди. Афсуски, ушбу олим Маржоний ва Ҳусайн ал-Халҳолий каби туҳматчилар даврида вафот этган эди.

⁴¹³ Қаранг: Мазкур тадқиқот: 3-илова. Иловада номлари келтирилган аш-Шайх Сирожуддин Умар ибн Али, Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абдиссаттор ал-Кардарий каби олимларнинг барчаси асосан фикҳ илми билан шуғулланганлар.

⁴¹⁴ Биз мазкур тадқиқотнинг 142-бетида Ибн ал-Хумам ўзининг «Китобу-л-мусайара» асарида Мотуридийнинг айрим фикрларига эътироз билдирган бўлсада, лекин у ўзини мотуридийа калом мактабининг вакили сифатида эътироф этган ва ушбу таълимотни ҳимоя қилгани ҳақида айтиб ўтган эдик.

Юқоридаги мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафий мотуридийа таълимоти вакилларининг энг ёрқин вакилидир. Гарчи ушбу мактабда Абу-л-Йусур ал-Паздавий, Алоуддин ас-Самарқандий, Нуруддин ас-Собуний каби машҳур мутакаллимлар мавжуд бўлганидан қатъий назар, ушбу олимларнинг мотуридийа таълимоти ривож учун қўшган ҳиссалари, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг хизматларига етолмайди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тарихда Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий-маънавий мероси ва ҳаётига бўлган муносабат етарли даражада бўлмаган. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, юртимизда ва собиқ иттифоқ даврида фаолият олиб борган кўплаб шарқшунослар ўз асарларида ушбу алломанинг илмий меросини четлаб ўтганлар. Ҳатто, босқичма-босқич нашр эттирилиб ва тўлдирилиб борадиган Ислом динига оид энциклопедик манбаларда ҳам Насафийнинг номи келтирилмаслиги кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Биз ушбу тадқиқотимизни амалга оширишда асосан ғарб, турк тадқиқотчилари ва кейинги йилларда самарали ижод қилиб келаётган юртимиз тадқиқотчиларидан устозимиз т.ф.д. У.Уватов, т.ф.д. А.Мўминов ва ёш олимларимиздан т.ф.н. Ш.Зиёдов, т.ф.н. Д.Раҳимжонов ҳамда т.ф.н. М.Комиловнинг олиб борган тадқиқотларидан фойдаландик. Айниқса, т.ф.д. А.Мўминовнинг докторлик диссертациясидаги XI-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги фақиҳлар ҳаёти ҳақида келтирилган маълумотлар бизнинг тадқиқотимиз учун фойдали манба сифатида хизмат қилди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу монографияда Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий мероси ва ҳаёти-фаолиятини комплекс равишда ўрганиб ўқувчиларга тақдим этишга ҳаракат қилинди. Натижада монография хотимасида қуйидаги хулосаларга келинди:

-Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келиши биланок ўша даврдаги сиёсий вазиятлар натижасида мусулмонлар орасида калом илмига нисбатан эҳтиёж пайдо бўлган эди. Бунда Мовароуннаҳрда калом илмининг дастлабки вакиллари муржиъийлар эдилар. Уларнинг саъйи-ҳаракатлари натижасида бу ўлкада акидавий масалалар ҳам ўрганила бошлади. Кейинги асрларда Мовароуннаҳрга ханафийа таълимотининг кириб келиши ва шаклланишида ҳам муржиъийлар бевосита сабабчи эдилар. Лекин Абу Ҳанифа ушбу таълимот вакилларига

ақидавий масалаларда қарши бўлгани учун муржиъийлар аста-секин Моваруннаҳрда йўқолиб борди. Бу ўлкада хоҳ фикҳда бўлсин, хоҳ ақидада бўлсин Абу Ҳанифанинг таълимоти шаклланиб борди.

-Шу сабабли, Абу Мансур ал-Мотуридий даврида ва ундан олдинги асрда ҳам Мовароуннаҳрда олимлар фикҳда ҳам, ақида масалаларида ҳам Абу Ҳанифанинг изидан борганлар. Уларнинг асарлари асосан ҳанафий мазҳабига асосланиб ёзилар ва ўз фикрларини ифодалашда Абу Ҳанифанинг фикрларига таянар эдилар.

-Абу Мансур ал-Мотуридий даврида «Мотуридийа мактаби» деган ном ҳали шаклланмаган эди. Фақат Мовароуннаҳрда маълум даражада «Иёдийа» ва «Жузжонийа» таълимотлари мавжуд эди. Лекин умумий шаклда мовароуннаҳрлик барча мутакаллимлар «*Асҳоб Аби Ҳанифа*» деб аталар эдилар.

-Абу Мансур ал-Мотуридийнинг асосий рақиби муътазилийлар ҳисобланалр эди ва у ўз асарларида асосан мана шу оқим вакилларига қарши ўз раддияларини ифодалар эди. Мотуридий билан бир даврда Бағдодда Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ҳам ўз фаолиятини олиб борган ва ушбу икки аҳли сунна мутакаллимларининг фикрлари ўртасида ўзаро мутаносиблик мавжуд эди.

-Ҳанафийлар ва шофиъийлар ўртасидаги рақобатлар V/XI асрларга келиб пайдо бўла бошлади. Бунда кўшни Хуросонда шофиъий-ашъарийларнинг муваффақиятли фаолиятлари ва уларнинг айримларининг Мовароуннаҳр шаҳарларига ҳам қилган сафарлари асосий омил бўлди.

-Абу-л-Муъин ан-Насафий давридаги сиёсий вазият анча кескин тус олган эди. Салжуқийлар ва қорахонийлар ўртасидаги бўлиб турган урушлар Мовароуннаҳрда маърифий-маданий ҳолатларга ҳам ўзининг таъсирини ўтказар эди. Мисол учун салжуқийларнинг Самарқандни босиб олиши натижасида Насафий ва Паздавийларнинг Бухорога кўчиб ўтишлари Бухорода ҳам Абу Ҳанифа издошларининг сони ортиб боришига туртки бўлди.

-Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг Мовароуннаҳрда мотуридийа таълимотининг шаклланиши ва ривожланишида ўрни ниҳоятда беқиёс эди. Насафий ашъарийларнинг ушбу ўлкадаги ҳанафий уламоларига нисбатан билдирган тухматларига қарши кураш олиб борди ва ушбу ўлкада Мотуридий қолдириб кетган таълимотнинг сақланиб қолишига замин яратиб берди.

-Мотуридий ва Насафий илмий мерослари ўзаро қиёсий таҳлил қилинганда, Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари Мотуридийнинг «Тавҳид» асарининг мантиқий давоми бўлибгина қолмай, балки уни маълум даражада тўлдириб ва батафсил шарҳлаб берувчи асар эканлиги аниқланди.

-«Табсирату-л-адилла»ни нафақат мотуридийа таълимотини ўзида акс эттирган асар, балки мовароуннаҳрлик ҳанафий олимлар ҳақида келтирилган кўплаб қимматли маълумотларга эга муҳим асар сифатида ҳам эътироф этиш мумкиндир. Чунки Кураший, Ҳожи Халифа, Тошкўпризода каби таниқли энциклопедик олимлар ўз асарларида ҳанафий олимларнинг ҳаётлари ҳақидаги аниқ маълумотларни айнан «Табсира»дан олганликлари аниқланди.

-Абу-л-Муъин ан-Насафий асарларининг юртимиз кутубхоналарида сақланаётган барча қўлёзма нусхалари илмий муомалага киритилди. Ушбу нодир манбалардан хориждаги тадқиқотчилар беҳабар бўлганлиги учун тадқиқотда маълум даражада улар ҳақида янги маълумотлар келтирилди. Айниқса, ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган «Муътақадот» ва «ар-Рисола ат-тайсир» номли қўлёзмалар илмий таҳлил қилинганда, ушбу икки нодир манба Насафийнинг «Баҳру-л-калом» номли асари эканлиги аниқланди.

-Тадқиқот натижалари яна шуни кўрсатдики, Насафий ўз йўлида мустаҳкам туриб, қуфалик олим Абу Ҳанифа таълимотини муҳолифлардан ҳимоя қилган ва ўзининг ҳам ҳанафий мазҳабида эканлигидан доим фахрланган. Насафий Мотуридийни ўзининг маънавий устози деб ҳисоблаган ва мовароуннаҳрлик барча ҳанафий олимлари орасида унинг номи биринчи каторда туришининг тарафдори бўлган.

-Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз ҳаёти ва илмий фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар жумласидан Алоуддин ас-Самарқандий, Иброҳим ас-Саффор, Алоуддин ал-Асмондий ва Нуруддин ас-Собуний каби кейинчалик машҳур мотуридийа мутакаллимлари сифатида шуҳрат қозонган олимларнинг номларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Насафий вафотидан кейин уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Мовароуннаҳрда мотуридийа таълимоти янада ривожланди.

-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари мотуридийа таълимотига асосланган асарлар орасида энг машҳури ва ғоятда қимматли манба эканлиги тадқиқотда кўрсатиб берилди. Ушбу асарнинг кейинги асрларда олимлар орасида қўлдан-қўлга ўтиб ривоят қилиниши мотуридийанинг Мовароуннаҳр шаҳарлари ва бошқа қўшни ўлкаларга ҳам тарқалганидан далолат беради.

-Насафийнинг тинимисиз изланишлари ва у қолдирган шогирдларининг саъй-ҳаракатлари натижасида VI/XII аср охирларига келиб ушбу таълимот мотуридийа таълимоти сифатида тан олинди ва кейинги аср авлодлари мовароуннаҳрлик ҳанафий мутакаллимларини «*Асҳоб мотуридийи*», яъни «*Мотуридийа вакиллари*» деб эътироф эта бошладилар. Бунда Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг илмий-маънавий мероси асосий ўринни эгаллагани шубҳасиздир.

-Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихдан то ҳозирги кунгача ҳам юртимиздаги мавжуд диний билим юртларида, мадрасаларда «Ақоид» фанидан Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ақоиду-н-Насафий», Имом Таҳовийнинг «Ақидату-т-Таҳовий», Али Қорийнинг «Шарҳу-л-фикҳи-л-акбар» асарларидан фойдаланиб келинмоқда. Лекин Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асари ҳамон олимлар назаридан четда қолиб келмоқда. Биз юқорида ушбу нодир манбани мотуридийа калом мактабида қандай муҳим мавқега эга бўлгани ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Мазкур тадқиқот хулосалари шуни кўрсатадики, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсирату-л-адилла» асарини кенгроқ таништиш ва диний билим юртларида ушбу манба асосида ўқув

қўлланмалари тузиб чиқиш вақти етиб келди. Чунки нафақат мотуридийа таълимотини халққа етказиш, балки ҳозирги кундаги адашган оқимларга қарши курашда ушбу манба асосий омил бўлиб хизмат қилади.

-Шу нуқтаи назардан, «Табсирату-л-адилла» асарининг яна бир жиҳатлари мавжудки, унда кўрилган айрим масалалардан (м-н: муътазилийлар, қадарийлар, жабарийлар каби оқимларга қарши билдирлган фикрлар) ҳозирги кунда юртимизда учраб турган айрим ақидавий нотўғри фирқа ва гуруҳларнинг эътиқодларига раддия сифатида истифода этиш мумкин.

Тадқиқотимиз хотимаси сифатида шуни айтмоқчимизки, бизнинг ушбу тадқиқотни амалга оширишдан энг асосий мақсадимиз, аввало Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини халқимизга етказиш ҳамда унинг меросининг ҳозирги кундаги аҳамиятини очиб бериш бўлса, иккинчи жиҳатдан асрлар давомида турли танқидлар ва камситишлар таъсирида кам ўрганилган мотуридийа таълимотини ва унинг тарихи ҳақида маълумот бериш эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз мазкур тадқиқотимизда аҳли сунна ва-л-жамоъанинг машҳур мутакаллим Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий ва унинг таълимотига қарши биронта ҳам сўз айтишни мақсад қилмаганмиз. Ушбу таълимот асрлар давомида то ҳозирги кунгача албатта тўлиқ ва аҳли сунна ва-л-жамоъа эътиқодига мос бўлган таълимот сифатида эътироф этилган. Шунингдек, биз Абу-л-Муъин ан-Насафийни ҳам ушбу таълимотга қарши шахс сифатида таъкидлаганимиз йўқ. Чунки Насафийнинг ўзи ҳам асарларининг бирон жойида ушбу олимни танқид қилмаган. Балки, унинг издошларини танқид остига олган. Афсуски, ашъарийлар орасида айрим олимлар мотуридийа таълимотига нисбатан ноўрин тухмат ва ҳақоратларни билдириб ўтганлар. Шунинг учун ушбу олимларни биз тадқиқотимизда тухматчилар деб атадик. Бизнинг, бундай айрим ашъарийа олимларига нисбатан билдирган фикрларимизни бутун таълимотга йўналтирилган айб, деган хулосага олиб келмаслигини хоҳлар эдик.

Бизнинг мақсадимиз, калом илмида аҳли сунна ва-л-жамоъа мазҳаблари деб эътироф этилган мотуридийа ва ашъарийа таълимотларини ўзаро жипслаштириб, уларда илгари сурилган ғояларни ҳазирги муракаббат вазиятда амалиётга тадбиқ этишдир. Чунки, аслида ушбу икки таълимот орасидаги фарқлар ўзаро жузъий ҳисобланиб катта ихтилофларга сабаб бўлмаган фарқлар ҳисобланади.

Яна бир масала мавжудки, тадқиқотимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, калом илмининг дастлабки пайдо бўлган даврида унга нисбатан салаф уламолари кескин қаршилик билдирган бўлсалар, ҳозирги кунда ҳам ўзларини салафлар қаторида ҳисоблайдиган айрим араб давлатидаги олимлар ушбу таълимот вакиллариини ҳамон «Аҳлу-л-куфр» (*Куфр аҳли*) деб салбий муносабат билдириб келадилар. Ҳатто уларнинг баъзилари ушбу таълимотга қарши тадқиқотлар олиб бориб китоблар нашр эттирганлар⁴¹⁵. Калом илмининг ҳозирги кунда, ғоялар кураши авж олган ниҳоятда мураккаб бир даврда аҳамияти бекиёс экан, демак, ушбу таълимотга нисбатан билдирилаётган эътирозларга қарши туриш учун икки ақидавий мазҳаб ўртасида ўзаро хайрихоҳлик ва мутаносиблик ришталарини ўрнатиш лозимдир.

⁴¹⁵Мисол учун қаранг: Аҳмад ибн Авзиллоҳ ибн Доҳил ал-Лоҳибий ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридийа: диросатан ва тақвима. -Ар-Риёд: Дору-л-Асима, 1413/1993. Муаллиф ушбу асарида мотуридийага нисбатан кескин фикрлар билдириб, ушбу таълимотни асосан мантиқ ва фалсафага суянган деб эътироф этган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Биз куриш, яратиш йўлидан борамиз. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – 112 б.
2. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 1994. – 160 б.
3. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. - Т.: Ўзбекистон, 1999. -16 б.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-679.
5. Каримов И. А. Узбекистан: Национальная независимость, экономика, политика, идеология. –Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
6. Каримов И. А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. - Т.: Шарқ, 1995. -24 б.

I. МАНБАЛАР:

A) Қўлёзмалар:

7. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла.
الأدلة تبصرة. النفسي المعين أبو.
ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 3268.
8. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла.
الأدلة تبصرة. النفسي المعين أبو.
ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 4146/V.
9. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла.
الأدلة تبصرة. النفسي المعين أبو.
ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 5857.
10. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла.

الأدلة تبصرة .النسفي المعين أبو

Туркия. Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Фотиҳ. № 2907.

11. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла.

الأدلة تبصرة .النسفي المعين أبو

Туркия. Сулаймония кутубхонаси. Қўлёзма. Боязид. № 3063.

12. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Ар-Рисола ат-тайсир.

التيسير الرسالة .النسفي المعين أبو

ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 10370/I.

13. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Муътақадот.

المعتقدات .النسفي المعين أبو

ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 4008/II.

14. Абу-л-Муъин ан-Насафий. Ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид.

التوحيد لقواعد التمهيد .النسفي المعين أبو

ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 177/III.

15. Муҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Катаибу аълами-л-аҳйар мин фуқаҳои мазҳаби-н-Нуъмон ал-Мухтор.

المختار النعمان مذهب فقهاء من الأخيار أعلام كتائب .الكفوي سليمان بن محمود

ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма. Инв. № 2929.

Б) Нашр этилган асарлар:

16. Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин. Ар-Равдату-л-баҳйя фима байна-л-ашаъира ва-л-мотуридийя / Али Фарид Даҳруж нашрга тайёрлаган. - Байрут: Дор сабили-л-иршод, 1996. – 204 б.
17. Албоний Муҳаммад Носируддин. Шарҳ ал-ақоиди-т-Таҳовийя. – Байрут: Ал-Мактаба ал-исломийя, 1984. – 536 б.
18. Асқалоний ибн Ҳожар. Лисону-л-мийзон. V жилдли. – Байрут: Муассасату-л-оламий, 1977.

19. Ашъарий Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибана ан усули-д-дийана. Аббос Саббоғ нашрга тайёрлаган. Байрут: Дору-н-нафоис нашриёти. 1994 йил. – 183 б.
20. Ашъарий Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Лумаъ / Р. Мк. Картий нашрга тайёрлаган. – Байрут: 1953. – 467 б.
21. Ашъарий Абу-л-Ҳасан Али ибн Исмоил. Мақолату-л-исломийин ва хилафу-л-мусоллин / Х. Питер нашрга тайёрлаган. – Wiesbaden: 1963. – 358 б.
22. Балхий Абу Мутъий. Ал-Фикҳу-л-Абсат / Муҳаммад Зоҳид нашрга тайёрлаган. - Қоҳира: 1949. – 60 б.
23. Бағдодий Исмоил Поша. Ҳадияту-л-орифин. II жилдли. – Истанбул: 1951-1955.
24. Бағдодий Абу Мансур ибн Тоҳир. Китобу-л-фарқ байна-л-фирақ / Муҳаммад Бадр нашрга тайёрлаган. - Қоҳира: 1328/1910. – 452 б.
25. Зириклий Хайруддин. Ал-Аълум. VIII жилдли. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 1998.
26. Ибн Асокир. Табйин казиби-л-Муфтарий фи ма нусиба ила-л-Имом Аби-л-Ҳасан ал-Ашъарий. – Дамашқ: 1347/1947. – 672 б.
27. Ибн Қутлубуғо ал-Қосим ибн Абдиллоҳ ас-Судуний. Тожу-т-тарожим фи табакоти-л-ҳанафийа. - Leipzig: Flugel, 1862.
28. Калнабавий Исмоил ибн Мустафо ибн Маҳмуд Абу-л-Фазл. Ҳошийа ала шарҳи-д-Даввоний ли-л-ақоиди-л-Аздийа / Аҳмад Рафъат ибн Усмон Ҳилмий нашри. Тошбосма. – Истамбул: Аҳмад Ҳассон босмахонаси, 1323-1905. – 297 в.
29. Камолуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн ал-Ҳумам. Китобу-л-мусайара. - Миср: 1889. – 437 б.
30. Измирлий Исмоил Ҳаккий. Муҳассалу-л-калом вал-ҳикма. - Истанбул: 1336/1902. - 254 б.

31. Косоний Саййид Мубашшир Сулаймон. Ўрта Осиё тарихи (сиёсий, диний, ижтимоий, адАби). III жилдли. - Саудия Арабистони мамлакати: Абҳо ас-Сафро, 1411/1991. Ж. I. – 380 б.
32. Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоиду-л-баҳийа фи тарожими-л-ҳанафийа. 2 жилдли. - Қоҳира: 1324/1906.
33. Ломиший Абу-с-Сано Маҳмуд ибн Зайд ал-Ҳанафий. Китобу-т-тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид / Абдулмажид ат-Туркий нашрга тайёрлаган. - Байрут: Дору-л-ғарби-л-исломий, 1995. – 258 б.
34. Ломиший Абу-с-Сано Маҳмуд ибн Зайд ал-Ҳанафий. Китоб фи усули-л-фикҳ / Абдулмажид ат-Туркий нашрга тайёрлаган. - Байрут: Дору-л-ғарби-л-исломий, 1995. – 270 б.
35. Мотуридий Абу Мансур. Китобу-т-тавҳид / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломийа, 1979. – 408 б.
36. Муслиҳуддин Мустафо Касталлий. Ҳошийату-л-Касталлий ала-л-ақоиди-н-Насафийа. Нашр этилган жойи номаълум, 1326/1928. – 437 б.
37. Наводиру-л-маҳтутоти-л-арабийа мина-л-қорни-с-салис ила-с-садиси-л-ҳижрий. - Дамашқ: 2002. – 184 б.
38. Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жавоҳир. Тарихи Бухоро. - Қоҳира: 1385/1965.
39. Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин. II жилдли. К. Салома нашрга тайёрлаган. - Дамашқ:, 1990-1993. -1011 б.
40. Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин / Ҳ. Отай нашрга тайёрлаган. - Анқара: Жилд I. 1993. -367 б.
41. Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳру-л-калом / Валийуддин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур нашрга тайёрлаган. - Дамашқ: Мактаба дори-л-фарфур, 1997. -411 б.

42. Насафий Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоъиди-т-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашрга тайёрлаган. – Миср: Дору-т-тибаъа ал-Муҳаммадийа, 1986. – 428 б.
43. Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий нашрга тайёрлаган. - Техрон: Ойинаи мирос, 1999. - 877 б.
44. Паздавий Абу-л-Йуср Муҳаммад. Китоб усули-д-дин / Х. Питер нашрга тайёрлаган. - Қоҳира: Дор ихйау-л-кутуби-л-арАбиа, 1383/1963. – 475 б.
45. Розий Фахруддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. Мунозарату Фахриддин ар-Розий фи билад Мовароуннаҳр / Ф. Хулайф нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дору-л-машрик, 1984. - 462 б.
46. Самарқандий Абу Салама. Жумал усули-д-дин / Kilavuz A. S. Eby Seleme es-Semerlando ve Akvid Risblesi. – Istanbul: 1989. – 155 б.
47. Самарқандий Абу Муқотил. Китобу-л-олим ва-л-мутаъаллим / Абдулваҳҳоб ал-Ҳиндий нашрга тайёрлаган. – Ҳалаб: 1972. – 342 б.
48. Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. 5 жилдли. Абдуллоҳ Умар ал-Борудий нашрга тайёрлаган. - Байрут: Дору-л-фикр, 1419/1998.
49. Собуний Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр. Китобу-л-бидойа мина-л-кифойа фи усули-д-дин / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Искандария: 1969. – 497 б.
50. Собуний Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр. Ал-Бидойа фи усули-д-дин / Бакр Тўпалўғли нашрга тайёрлаган. - Анкара: 1995. – 143 б.
51. Субкий Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб. Ас-Сайфу-л-машхур фи ақоиди Аби Мансур / Саим Епрем нашрга тайёрлаган. – Истанбул: 1989. – 267 б.
52. Табарий Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. Тариху-р-русул ва-л-мулук. - Лейден: III жилд, 1879-1901.

53. Табарий Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир. «История» ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с араб. В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987. – 441 б.
54. Тамимий Ал-Мавло Тақиййуддин Абдулқодир. Ат-Табақоту-с-санийа фи тарожими-л-ҳанафийа. IV жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳилв нашри. - Дор ар-Рифоъий, 1983.
55. Тафтазоний Саъдуддин Масъуд ибн Умар. Шарҳ ал-ақоиди-н-Насафий / К. Салома нашрга тайёрлаган. - Дамашқ: 1974. – 367 б.
56. Умар Ризо Каҳҳола. Муъжаму-л-муаллифин, тарожим мусаннифи-л-кутуби-л-арабийа. VII жилдли. - Дамашқ: 1957.
57. Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳиру-л-мудийа фи табақоти-л-ҳанафийа. VIII жилдли. – Хайдаробод. 1332/1913.
58. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – 617 б.
59. Ҳамавий Шихобуддин Абу Абдиллоҳ Яъқут ибн Абдиллоҳ ар-Румий ал-Бағдодий. Муъжаму-л-булдон. VIII жилдли / Аҳмад Ножи ал-Жамолий нашри. – Қоҳира: 1906.
60. Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асамиъи-л-кутуб ва-л-фунун. II жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43

II. ТАДҚИҚОТЛАР:

А) Ўзбек тилидаги:

61. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – 2001. – № 1. – Б. 28-32.
62. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандий «Баҳр ал-улум»ининг қўлёзма нусхалари // Тарихий манбашунослик муаммолари Республика илмий-амалий анжуман материаллари (2003 25 апрел). – Т.: 2003. – Б. 57-59.

63. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами / Масъул муҳаррир: М. Хайруллаев. - Т.: 1999. – 106 б.
64. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
65. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. - Т.: Ўқитувчи, 1991. – 216 б.
66. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. - Т.: Фан, 1969. – 104 б.
67. Бурсавий Муҳаммад Зоҳид Кутку ибн Иброҳим. Аҳли сунна ва ал-жамоъа Ақоиди / тарж. М. Кенжабек. - Т.: Шарқ, 1998. – 144 б.
68. Жузжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.
69. Жузжоний А. Абу Зайд ад-Дабусий – илм ул-хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) фанининг асосчиси // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – 2003. - № 2. – Б. 4-14.
70. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. - Т.: Ўзбекистон, 1980. – 248 б.
71. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-Таъвилот» асари: Тар. ф. ном. дис... автореф. – Т.: ЎзФА ШИ, 2003. – 21 б.
72. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий // Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни: Маърузалар тўплами. – Т.: ЎзФА ШИ, 1999. – Б. 56-60.
73. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 28 б.
74. Имоми Таҳовий. Ақоид. Саудиялик Шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз изоҳи ила / Абдулазиз Мансур таржимаси. - Т.: Мерос, 1992. – 56 б.
75. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар

76. Исломий Х. Алишер Навоий Мотуридий тўғрисида // Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни: Маърузалар тўплами. – Т.: ЎзФА ШИ, 1999. – Б. 30-32.
77. Исломов. З. Имом Мотуридийнинг устоз ва шогирдлари. - Мотуридий таълимоти ва унинг шарқ халқлари маданиятида тутган ўрни. - Т.: 2000. – 106-112 б.
77. Исломов З. Олмон олимнинг муҳим тадқиқоти. – Имом Мотуридий ва унинг таълимоти. - Т.: 2000. - Б. 45-48.
78. Каттаев К. Самарқанднинг буюк алломалари. – Самарқанд: Зарафшон, 1998. – 115 б.
79. Комилов М. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти: Тар. ф. ном. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2000. – 26 б.
80. Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2004. - № 4. – Б. 253-255.
81. Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). - Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001. – 408 б.
82. Муҳаммад Содик М. Ю. Сунний ақийдалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 579 б.
83. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик. - 1999. - № 3. – Б. 41-43.
84. Мўминов А. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихига оид манба // Шарқшунослик. - 1992. - № 3. – Б. 52-54.
85. Мўминов А. Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2000. - № 1. - Б. 88-91.
86. Мўминов А., Кюгельген А. X аср Самарқанд илоҳиётчилари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2003. - № 1. – Б. 15-20.

87. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
88. Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий ва «Табсират ал-адилла» асарининг аҳамияти // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – 2002. - № 1. – Б. 32-35.
89. Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий Мотуридий таълимотининг давомчиси // ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. – 2004. - № 1. – Б. 13-19.
90. Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий ва унинг «Табсират ал-адилла» асари // Тарихий манбашунослик муаммолари Республика илмий-амалий анжуман материаллари (2003 25 апрел). – Т.: 2003. – Б. 62-65.
91. Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари асосида): Тар. ф. ном. дис... авторефер. - Т.: ТИУ, 2003. – 26 б.
92. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. – 1997. - № 3. - Б. 27-32.
93. Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2000. - № 2. – Б. 91-93.
94. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. - Т.: Фан, 1995. - 783 б.
95. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. - Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
96. Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий ҳаёти ва мероси. - Т.: Маънавият, 2003. – 36 б.
97. Уватов У. Донолардан сабоқлар. - Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.
98. Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. - Т.: Фан, 2000. – 48 б.
99. Ўзбекистон халқлари тарихи. - Т.: Фан, Ж. I. 1992. – 188 б.
100. Ҳолиёров И, Шароф Ш. Ҳазрати Имом Муъийн зиёратгоҳи. - Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 47 б.

101. Хусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Ўқув қўлланмаси. - Т.: Моваруннахр, 2000. – 107 б.
102. Хусниддинов З. Ислом ва мазҳаблар (Маърузалар матни). - Т.: Маънавият, 2000. – 27 б.

Б) Рус тилидаги:

103. Арабские рукописи Института Востоковедения Академии Наук СССР. Краткий каталог. - Ч. I. - М.: Наука, 1986. - Б. 92.
104. Аликберов А. Эпоха классического ислама на Кавказе: Абу Бакр ал-Дарбанди и его суфийская энциклопедия «Райхан ал-хака'ик» (XI-XII вв.). - М.: Вост. Лит., 2003. – 847 б.
105. Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинение. Т. I. М.: Издательство восточной литературы, 1963. -760 б.
106. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. Избр. соч., Т. II. Ч. 1. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 1020 б.
107. Бартольд В.В. Работы по исторической географии: Сочинения. Т. III. – М.: Издательство восточной литературы, 1965. – 711 б.
108. Бахадиров Р. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. - Т.: Академия, 2000. – 241 б.
109. Большаков О. Г. Город в конце VIII – начале XIII в. // Беленицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – Б. 132-352.
110. Большаков О. Г. Два вакфа Ибрахима Тамгач-хана в Самарканде // Страны и народы Востока. – Т. 10. – М.: Наука, 1971. – 292 б.
111. Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. -315 б.
112. Камолиддинов Ш. Китаб ал-ансаб Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под редакцией П. Г. Булгакова. - Т.: Фан, 1993. -284 б.

113. Муминов А. Роль и место ханафитских ‘уламā’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Автореферат дис. док. ист. наук. - Т.: Каб. Мин. Р. Уз. ТИУ, 2003. – 46 б.
114. Муминов А. Разработка положений ханафитского мазхаба в Мавераннахре (XI-XII вв.) // Краткое содержание докладов Лавровских (Среднеазиатско-кавказских) чтений. - Санкт-Петербург: 1992. - Б. 87-88.
115. Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четыре беседы. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 173 б.
116. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. - Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 б.
117. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Перевод с немецкого языка. - Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – 286 б.
118. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т.VI. – Т.: Издательство Академии Наук УзССР, 1963. – 737 б.
119. Сагадеев А. Ал-Джувайни // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 68.
120. Сагадеев А. Ал-Джуббā’и // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 68-69.
121. Сагадеев А. Ал-Аш‘ари // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 31-32.
122. Тауфик К., Сагадеев. Ал-Газāли // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 51-52.
123. Тревер К. В, Якубовский А. Ю. История народов Узбекистана. Т. I. - Т.: 1950. – 420 б.
124. Философский энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1983. – 840 б.
125. Хрестоматия по исламу. Переводы с арабского, введения и премичания. – М.: Наука. 1994. -238 б.

В) Араб тилидаги:

126. Аҳмад ибн Авзиллоҳ ибн Доҳил ал-Лоҳибий ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридийя: диросатан ва тақвиман. -Ар-Риёд: Дору-л-Асима, 1413/1993 – 576 б.
وتقويما دراسة: الماتريدية. الحزبي اللهيبي داخل بن الله عوض بن أحمد.
127. Маъруф Н. Урубату-л-уламои-л-мансубин ила-л-булдони-л-аъжамийа фи Хуросон. Ж. I. – Бағдод: Матбаъату-ш-шаъб, 1396/1976. – 498 б.
خراسان في الاعجمية البلدان الى المنسوبين العلماء عروبة. معروف.
128. Мударрис Муҳаммад Мухрус Абдуллатиф. Машойих Балх мина-л-ханафийа ва ма инфараду биҳи мина-л-масоили-л-фикҳийа. II ж. – Бағдод: ад-Дору-л-арабийа лит-тибаъа, 1978-1979. – 1008 б.
من به انفردوا وما الحنفية من بلخ مشايخ. اللطيف عبد محمد المدرس
الفقهية المسائل.
129. Муҳаммад Носируддин ал-Албоний. Шарҳ ал-ақидати-т-Таҳовийа. – Байрут: ал-Мактаба ал-Исломиyyа, 1984. – 536 б.
الطحاوية العقيدة شرح. الألباني الدين ناصر محمد.

Г) Турк тилидаги:

130. Бардакўғли А., Ўзел А. Bardakoğlu A., Xzel A. Hanefo mezhebni // Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi. – İstanbul: 1997. – Т. 16. – Б. 1-27.
131. Ишик К. İcik K. Mıtırıdı'nın kelım sisteminde İlim, Allah ve Peygamberlik anlayışı. – Ankara: 1980. - 136 б.
132. Кавакџи Ю. Kavakci Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr İslam Nukukcilari. – Ankara: 1976. -322 б.
133. Отай Х. Atay H. Fahreddin Rvzı'nın kelam ilmindeki yeri. Фахру-д-дин ар-Розийнинг «ал-Муфассал» асарининг туркча таџимасига ёзилган кириш сўзи: Kelıma girie. – Ankara: 1978. – Б. 3-18.


134. Отай Х. Atay H. Ebu'l-Mu'in Nesefi ve Tebsiretü'l – edille. «Табсирату-л-адилла» нашрининг кириш қисмига ёзилган мақола. – Ankara: Diyanet işleri başkanlığı yayinlari, 1993. – Б. 5-77.
135. Танжий Т. Tavit Tanco M. Abū Mansūr al-Mibturodo // Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. IV жылди. – Ankara: 1955.
136. Топалўғли Б. Topaloğlu B. Nûreddin es-Sâbûnî. Mâtüridiyye Akâidi. Dr. Bekir Topaloğlu tercüme ve necri. – Ankara: 1998. -215 б.
137. Туран О. Turan O. Selşuklular Tarihi ve Türk İslâm Medeniyeti. – Ankara: 1965. – 223 б.
138. Тўган А. Togan A. Tarihde Usul. – Istanbul: 1950. – 207 б.
139. Улуғтож С. Uludağ S. Kelam İlmi ve İslâm Akridi (Cerhu'l-Akrîd Tercümesi). Giriş. 34 vd. – Istanbul: 1980.
140. Шерафеддин М. Cerafeddin M. Тырк Келамчилари. *DİFM*, V/23. - Istanbul: 1932. - Б. 4-10.
141. Ўзерварли М. Özervarli M. S. Ebu'l-Mu'in en-Nesefi'ye ait Tebsiretü'l – edille'nin kaynaklari. (Yüksek lisans tezi). – Istanbul: 1988. – 74 б.
142. Ўзерварли М. Özervarli M. S. Albeddin el-İsmendo ve Lübbü'l-Kelâm Adli Eseri. - İstanbul: 1999. – 237 б.
143. Ўзерварли М. Özervarli M. S. Mâtürîdî kelâm ekolü ve başlıca temsilcileri // Üsküdar. - İstanbul: 2000. – Б. 1-10.
144. Язичиўғли М. Yazicioglu M. S. Maturidi kelam ekolu'nun iki büyük simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l – Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. –Ankara: 1985. – Б. 281-298.
145. Язичиўғли М. Yazicioğlu M S. Mâtürîdî ve Nesefiye göre insane hürriyeti kavrami. M. E. B. Yayinlari. – Istanbul: 1992. – 144 б.

Д) Ғарб тилларидаги:


146. Аллар М. Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d'al-Aṣḥārī et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965. – 632 б.
147. Бернан М. Bernand M. Le Kitāb al-Radd 'alā l-Bida' d'Abū Muḥī' Makhūl al-Nasafī // Annales Islamologiques. – Т. XVI. – Cairo: Institut Français d'Archéologie orientale, 1980. – Б. 39-126.
148. Билхан С. Bilhan S. Les juristes hanafites de l'Asie centrale à l'époque des Qarānides. – Paris: 1973. – 68 б.
149. Браншви́г Р. Brunschvig R. Devoir et pouvoir, histoire d'un problème de théologie musulmane. – Т. I. – Paris: 1976. – 279 б.
150. Броккельман К. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Literatur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898.
151. Броккельман К. Brockelmann K. Geschichte der arabischen Literatur. Supplementbande: III жилд – Leiden: 1937-1942.
152. Ван Эсс. van Ess J. The Logical Structure of Islamic Theology // Logic in Classical Culture / Edited by G.E. von Grunebaum. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1970. – Б. 21-50.
153. Ватт. В. Watt W. Free Will and Early Islam. – London: 1948. – 243 б.
154. Гарде Л. Gardet L. Introduction à la théologie musulmane. – Paris: 1970. – 132 б.
155. Гётц М. Götz M. Māturīdī und sein Kitāb Ta'wīlāt al-Qur'ān // Der Islam. - 1965. - № 41. – 79 б.
156. Жимаре Д. Gimaret D. Théories de l'acte humain en théologie musulmane. – Paris: 1980. – 263 б.
157. Маделунг В. Madelung W. The Spread of Māturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 109-168.
158. Маделунг В. Madelung W. Abu l-Mu'īn al-Nasafī and Ash'arī Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan's Turret:

- Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – Б. 318-330.
159. Маделунг В. Madelung W. Religious Trends in Early Islamic Iran. – Albany: Bibliotheca Persica, 1988. – 128 б.
160. Маделунг В. Madelung W. The Early Murji'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59. – Б. 32-39.
161. Массиньон Л. Massignon Louis. Essai sur les Origines de Lezique Technique de la Mustique Musulmane // Paris: 1922. 487 б.s. 241.
162. Мўминов А. Muminov A. Religionsgelehrte ('ulama') in Mittelasien: die Hanafiten (8. –13. Jh.) // Istanbul: Istanbul Almanach, IV/2000. - Б. 114-115.
163. Радтке Б. Radtke B. Theologen und Mystiker in Hurāsān und Transoxanien // Zeitschrift der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft. – 1986. - № 136. – Б. 536-569.
164. Рудольф У. Rudolph U. Al-Māturīdī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Köln: Brill, 1997. - 396 б.
165. Сезгин Ф. Sezgun Fuat. Geschichte des arabischen Schriftums: T. I. – Leiden: 1967. - Б. 353.
166. Шахт Й. Schacht J. An Early Murci'ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘llim // Oriens. -1964. - №17. - Б. 96-117.
167. Шахт Й. Schacht J. Theology and Law in Islam / Ed. G. E. von Grunebaum. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1971.- Б. 1-46.

**АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ
УСТОЗЛАРИ ШАЖАРАСИНИНГ БИРИНЧИ ЖАДВАЛИ**



АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ
УСТОЗЛАРИ ШАЖАРАСИНИНГ ИККИНЧИ ЖАДВАЛИ



**«ТАБСИРАТУ-Л-АДИЛЛА» АСАРИНИ РИВОЯТ ҚИЛГАН ОЛИМЛАР
ШАЖАРАСИ:**

1. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ас-Собик ал-Ҳанафий ал-Ҳамавий (вафот этган йили номаълум) – 2. Камолуддин Муҳаммад ибн Абдилвоҳид ибн Абдилҳамид (Ибн Ҳумамиддин ал-Ҳанафий номи билан машҳур, 718/788-1386/1456 й.) – 3. Аш-Шайх Сирожуддин Умар ибн Али (Қориу-л-ҳидойа лақаби билан машҳур, в. 827/1423 й.) – 4. Аш-Шайх Алоуддин ас-Сайрафий (в. 790/1388 й.) – 5. Ас-Саййид Жалолуддин Шориҳу-л-ҳидойа (в. 776/1365 й.) - 6. Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий (в. 730/1329 й.) - 7. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий (Ҳофизуддин ал-Кабир номи билан машҳур, 615/1218-693/1293 й.) - 8. Аш-Шайх Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абдиссаттор ибн Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий (599/1202-643/1245 й.) - 9. Шайху-л-ислм Бурҳонуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Аби Бакр Абдулжалил ибн ал-Жалил ар-Ришдоний ал-Марғиноний (Соҳибу-л-ҳидойа номи билан машҳур, в. 593/1196 й.) - 10. Аш-Шайх Зиёуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Носир ибн Абдилазиз ан-Нусухий (вафоти номаълум) - 11. Аш-Шайх Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад ас-Самарқандий - 12. Аш-Шайх Сайфу-л-ҳаққ Абу-л-Муъийн ан-Насафий.

**«АТ-ТАМҲИД ЛИ ҚАВОИДИ-Т-ТАВҲИД» АСАРИНИ РИВОЯТ
ҚИЛГАН ОЛИМЛАР ШАЖАРАСИ:**

1. Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Бухорий – 2. Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдиссаттор Муҳаммад ал-Имодий ал-Кардарий – 3. Аш-Шайх Бурҳонуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Аби Бакр Абдулжалил ибн ал-Жалил ар-Ришдоний ал-Марғиноний – 4. Аш-Шайх Зиёуддин Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Носир Абдулазиз ан-Нусухий - 5. Аш-Шайх Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад ас-Самарқандий - 6. Аш-Шайх Сайфу-л-ҳаққ Абу-л-Муъин ан-Насафий.

**«ТАБСИРАТУ-Л-АДИЛЛА»НИНГ ТУРКИЯДАГИ ИСТАНБУЛ
КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ**

1. Нури Усманийя: Қўлёзма рақами 2097. Жами 224 варақ, 39 сатрдан иборат. Ушбу қўлёзма 1121/1709 йилда хаттот Абдуллоҳ Қози Валийуддин томонидан кўчирилган;

2. III. Аҳмад (Тўпкапи саройи): Қўлёзма рақами 1894. Жами 270 варақ, 23 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 10,5х13 см. Мазкур қўлёзма 663/1265 йилда хаттот Муҳаммад ибн Олим Хассос ибн Аҳмад ал-Ҳасан томонидан Бухорода Фахриддин Мусайрий мадрасасида кўчирилган;

3. Отиф Афанди: Қўлёзма рақами 1215. Жами 249 варақ, 37 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 11х23 см. Мазкур қўлёзма 1138/1725 йилда хаттот Аҳмад Ҳода томонидан Мисрда кўчирилган;

4. Истанбул университети: Қўлёзма рақами 258. Жами 465 варақ, 17 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 8,5х14,5 см. Мазкур қўлёзма 1132/1719 йили кўчирилган. Кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум;

5. Салим оға: Қўлёзма рақами 586. Жами 252 варақ, 23 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 12х19 см. Тахминан VI/XII асрда кўчирилган. Хаттоти номаълум;

6. Салим оға: Қўлёзма рақами 585. Жами 325 варақ, 25 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 8,5х17 см. Мазкур қўлёзма 1138/1726 йилда кўчирилган. Кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум;

7. Боязид: Қўлёзма рақами 3063. Жами 325 варақ, 25 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 22х17 см. Мазкур қўлёзма 1126/1714 йили хаттот Аҳмад ибн Сулаймон Дамашқий томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг охирги варақида таъкидланишича, ушбу қўлёзма нусхасини Қоҳиранинг «Ўзбекия» даҳасида жойлашган «ал-Ко'ин» жомеъасида Ўзбек ал-‘Алоний номли шахс 846/1442 йили

хаттот Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳасан ибн Исмоил ал-Ҳанафий томонидан кўчирилган қўлёзма билан таққослаб чиққан;

8. Миллий кутубхона (Жоруллоҳ): Қўлёзма рақами 1128. Жами 329 varaқ, 23 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 13,5x22,5 см. 571/1175 йилда хаттот Рамазон ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳанафий аш-Шайбоний томонидан кўчирилган. Мазкур қўлёзма энг қадимий ҳисобланади;

9. Фотиҳ: Қўлёзма рақами 2907. Жами 234 varaқ, 26 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 16,5x22,5 см. Ушбу қўлёзма 658/1260 йили хаттот Латиф лақабли Муҳаммад ибн Али ибн Масъуд томонидан кўчирилган;

10. Фотиҳ: Қўлёзма рақами 2908. Жами 611 varaқ, 21 сатрдан иборат; Сатрлар ҳажми 9,5x16 см. 1145/1733 йили кўчирилган. Кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум. Фақат қўлёзма охирида ушбу манба Султон Маҳмуд томонидан вақф қилингани баён этилган.

11. Ашир Афанди: Қўлёзма рақами 180. Жами 339 varaқ, 25 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 8,5x14 см. Мазкур қўлёзма Абдулқодир ибн Абдурахмон ад-Данушавий томонидан кўчирилган. Кўчирилган йили номаълум. Лекин қўлёзмада хабар берилишича, ушбу манба 1176/1762 йили Синан Пошо мадрасасига мударрис Куняли Усмон Афанди томонидан ҳадя қилинган. Бундан қўлёзма ўрта асрлардан аввал кўчирилгани маълум бўлади;

12. Янги жомеъ (Ҳадича Султон): Қўлёзма рақами 733. Жами 375 varaқ, 25 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 7,5x17 см. Мазкур қўлёзма 1114/1702 йили хаттот Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Урлавий томонидан кўчирилган;

13. Қилич Али Поша: Қўлёзма рақами 506/2. Жами 305 varaқ, 23 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 12x17 см. Мазкур қўлёзма 1166/1753 йили кўчирилган. Кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум. Ушбу қўлёзманинг бошида Абу-л-Муъин ан-Насафий»Табсирату-л-адилла» асарини 500/1106 йили РАби‘ ал-ахир ойининг олтинчи куни, чоршанба, аср вақтида тугаллагани баён қилинган;

14. Лолали: Қўлёзма рақами 2162. Жами 360 варақ, 23 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 13х20,5 см. Мазкур қўлёзма 654/1256 йил кўчирилган. Кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум;

15. Сараз: Қўлёзма рақами 1395. Жами 247 варақ, 19 сатрдар иборат. Сатрлар ҳажми 15х11,5 см. Мазкур қўлёзма кўчирилган жойи ва хаттоти номаълум. Қўлёзма тахминан VI/XII аср охирларига тегишлидир;

16. III. Аҳмад (Тўпкапи саройи): Қўлёзма рақами 1866. Ушбу қўлёзма мажмуадан ўрин олган ва 25^б-245^а варақларни ташиқил қилган. 27 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 13,5х24 см. Мазкур қўлёзма 653/1255 йили хаттот Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Бакр томонидан кўчирилган. Кўчирилган жойи номаълум;

17. Дамад Иброҳим Поша: Қўлёзма рақами 778. Жами 304 варақ, 25 сатрдан иборат. Сатрлар ҳажми 14,5х20 см. Мазкур қўлёзма 766/1364 йил ражаб ойининг пайшанба куни хаттот Олим ибн Муҳаммад томонидан Самарқандда кўчирилган. Қўлёзмада хабар берилишича, ушбу манба дастлаб Мустафо ибн Абдуллоҳ, сўнгра 980/1572 йили Йаҳйо ибн Муҳаммад Модих, сўнгра 1041/1631 йилдан бошлаб Али ибн Марвон ибн Абдуллоҳ деган шахсларнинг шахсий мулки ҳисобланган;

18. Рашид Афанди (Қайсарий): Қўлёзма рақами 496. Жами 276 варақ, 23 сатрдар иборат. Сатрлар ҳажми 13,5х18 см. Мазкур қўлёзманинг қачон, қаерда кўчирилгани ва хаттоти номаълум. Лекин манбанинг варақлари янгилиги ва яхши сақланганидан, уни XVIII-XIX асрларга тегишли деб тахмин қилиш мумкин.

Илмий-маънавий нашр

САЙИДМУХТОР ОҚИЛОВ

**АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ
ВА МОТУРИДИЙА ТАЪЛИМОТИ**

монография

Мухаррир А.Дехқон
Рассом-дизайнер И.нуриллаев
Техник муҳаррир Д.Жалилов

Босмахонага топширилди 13.03.2009 й.
Босишга рухсат этилди 24.03.2009 й.
Бичими 60 x 84. Шартли б.т. 11,5. Нашр т. 10,5.
Адади 100 дона. Буюртма № 21.

“Мухаррир” нашриёти.
100128. Тошкент ш., 3.Қобулов кўчаси, 19-уй.

“Нур полиграф” МЧЖ компьютер бўлимида чоп этилди.
100128. Тошкент ш., 3.Қобулов кўчаси, 19-уй.